





3277211

И(Венг)

М 44


Библи

ЛАСЛО  
НЕМЕТ

# МОГАМ

РОМАН

РУСЧАДАН  
ЭРКИН МИРОБИДОВ  
ТАРЖИМАСИ



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
Тошкент — 1975

Атоқли венгер ёзувчиси Ласло Неметнинг номи фақат Венгриядагина эмас, талайгина хорижий мамлакатларда ҳам машҳур, асарлари эса кўплаб китобхонларга манзур. У ўнлаб роман, драмаларнинг муаллифидир.

Ўнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу романнда Жофи исмли ёшгина жувоннинг бошига тушган мусибатлар ҳикоя қилинади. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Жофи эрининг фожиавий ҳалокатидан сўнг қўлида ёш гўдаги билан қолади. Сўнгра ўғилчасини ҳам машъум дард олиб кетади. Эри ва ўғилчасидан айрилган Жофи эскилик, фисқу фужур, чиркин буржуя ҳаёти қурбони бўлади.

Н 70304—366  
356(06)-75 69—75

© «Ёш гвардия»— 1975



Эрининг арши аълога йўл олганидан буён атиги бир неча ой ўтган бўлса-да, Жофи ўша куни ва унгача кечган турмушини хотирот кўзгусида аранг жонлантиради, боласи кўп ташвишга қўяди, унинг устига қайнанасини айтмайсизми, ўғлининг жонига Азоил чанг солгандан бери хўжалик ишларига қўл теккизмай қўйди, гам қаддини букиб қўйганини кўрсатмоқ ниятида ҳатто ҳасса сотиб олди: югуриб-елишга, рўзгорга қарашга мадори қолди дейсизми. Жофи асло нолимас, қайнанажонининг тухумдай силлиқ, чакиллааб қон томгудек қип-қизил икки бетига «ғам-андуҳ» қанчалар муҳр босганини гўё сезмас, пай-қамасди.

Сирасини айтганда уй юмушларидан қўл ювгани қайтага Жофи учун жуда жойида бўлди: ёш бека оппоқ тонгдан қора кечгача тиним билмас, қўргон ишлари билан ивирсиб юрар, қисқаси илгаригига қа-

раганда ўн чандон ортиқроқ рўзгор юмушларига шўнг’  
ғиб кетиб борлиқ оламни унутгандай бўларди.

Аммо гоҳо-гоҳо хотиралар домига тушиб қолар, бундай пайтларда уни, гўё ҳал қилиб бўлмайдиган жумбоққа йўлиққандай, изтиробли ҳис-туйғулар тў-фони чулғаб сларди. Бундай ҳислар изтиробли Жофиға, худди инжиқ бир кимса гиж-гижлагандай, қўёқисдан чанг солиб қоларди. Бир куни у сигир соққани бораётганида (ўша аснода аравакаш бола отларни сув-лоққа ҳайдаб кетаётган эди, хушқад отлар қатор тизилишиб, йўргалаб боришар, сағирларида эса илк юлдузлар шуъласи жилва қиласди), иккинчи гал чин-қириб йиғлаётган Шаникани жажжи юзчасига юзини теккизай деб эркалаб, йўргагини алмаштираётисб, йўргак учини унинг дўмбоқ оёқлари орасига қилиб ўраётган чоғида шундай бўлди. Бундай дақиқаларда юрагига бирор муз босгандай живирлаб кетиб, гўё ўзи учун муқаддас нарса — эҳтимолки, жудолик ҳақидаги хотирасидан шу топда, айни шу лаҳзада айрилиб қолаётгандек қўли челак ушлаган, лаблари боласини эркалаш учун хиёл очилган кўйи тек қотарди. Кўнглига ваҳима ғулу соглан Жофи худди ушбу лаҳзада ўзини агадул-абадга тарқ этаётган даҳшатли хотира риштларидан ақалли бирортасининг учидан тутиб қолмоққа уриниб минг бора тўлганарди, бироқ ҳар сафар хотира-лари тасаввур кўзгусида фақат айрим манзара, майда воқеаларгина акс өтар — сира-сира яхлит намоён бўлмасди. Бир марта эрининг ов тўрвасига колбаса билан нон тиқаётгани ёдига тушди, тўрвага кўз қирини ташларкан, кўз ўнгидаги ўша пайтдаги фира-шира пардага чулғанган, қор қоплаган қўра жонланди; бошқа гал ўша мудҳиш кечада эшикни тарақлатиб ўтакаларини ёриб, тўс-тўполон кўтарган Петер Хорват амакининг башараси нақ кўзи олдига келиб туриб олди: мана у айвонда турибди, гапни нимадан бошлишни билмай гаранг, унинг орқасида, ой нурига чўмган ҳовлида арава, арева атрофида эса иссиқ телпак кийган одамлар уймалашишяпти. Бу манзара баъзан шунчалик аниқ-равшан намоён бўлардики, ҳатто ҳовлининг нариги чеккасидаги, чиғириқда ярақлаб турган пақир осиғлиқ қудуқни ҳам илғай оларди кўзлари. Наздига бу қудуқни фақат ўша туни кўргандай. Бироқ бу манзаралар ҳамиша алоҳида-алоҳида гавдаланарди. Рост, қайси-сидан кейин қайсиси келишини миясида тиклай олар-

ди, илло айрим бўлакларнигина мустасно қилганда, барини бирваракайига кўз олдидан минчоқдек териб ўтказолмасди; ҳатто эрининг чеҳрасини ҳам ҳамма вағт тўла-тўкис тиклаёлмасди хаёлан. Бундай онларда ўзини нонкўр, жирканч кимса ҳис этар ва зўр берib хотираси саҳифаларини тиклашга уринарди. Бахтига боласи уззукун йўргакда ётмайди-ку, уни кўтариши, ўйнатиши, овутиши керак, чунки гўдак жаҳлдор, қайсар эди, агар бир чакаги очилса борми, бўйни ва бошидаги томирлари ёрилгудек бўлиб ўйнаб кетарди; ниҳоят, отлар отхонага кириб гойиб бўлади, сигир елинидан бир маромда тизиллаб тушаётган сутнинг иси димогига урилади, сармаст қилади — Жофи ҳам одатдаги турмуш тарзига қайтарди; гўё у беихтиёр изтироб етказадиган хотиралар юқидан ўзини асрәётгандай, эслаш онлари тобора сийраклаша боради.

Эри ўлган кун хотираси Жофи тасаввуридан олишлаша бораётганига балки фасл ўтиши сабабчидир. Бу бахтсизлик февраль ойидаги катта ов пайтида юз берганди, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эса баҳор келди: яқин борганида моллар дамба-дам тойиб йиқиладиган қудуқ теварагидаги музлар эриб, томдаги моҳлар амал олди, янгигина оқланган отхона девори бамисоли ойнадай ярақлаб, кўзни қамаштира бошлади. Ўшанда Петер Хорват амаки Шёмъенning аравасини ҳайдаб кирган ҳовлидан ҳозир ном-нишон ҳам қолмаган дейсиз, башарти Жофи эрининг жулга ўралган жасадини солиб кўтариб киришган замбарни кўрмоқни истаса, у хаёлан мутлақо бошқа қўрага кўчиб ўтиши лозим эди. Ергўла йўлагини қор босган, осмон бетида хира, нурсиз юлдузлар милтиллайди, одамларнинг чеҳралари заъфарон, жул қонга белангган—назарида буларни барини ўз кўзи билан кўрган эмас, балки бошқалар оғзидан эшитгандай. Тўғри, гоҳо хотирида бечора Шандорни қандай ясантирганлари аниқ-тиниқ гавдаланади. Мурданинг қўли fassol аёлнинг қўлидан чиқиб кетиб, тарақлаб каравотнинг чеккасига тушганди. Шундай аниқ-тиниқ тарақлагандики, асти қўяверасиз! Унгача ҳам, кейин ҳам ортиқ тиқ этган шовқин бўлмаганди... Қуёш қайноқ нур сочаётган, босилавериб метинга айланиб кетган ҳовли — қалдирғочлар сояси мисоли ўқдек сузиб ўтиб турган, курк товуқлар озодликка чиқиб ўйноқлаб юрган тойчоқдан ҳуркиб тўрт томонга тўзиган бу соя-салқин ҳовли ҳозир тамомаи.

ўша пайтдагига ўхшамасди. Жофи мурда тепасида ёқасини чок-чок қилиб, бутун вужуди фарёд уриб, ўкраб йиглаган ўша даҳшатли ҳамда ҳушидан айргувчи аҳволи-руҳияни қайта ҳис этолмасди. Айтишларича у эсини йўқотиб қўйган, кўйлагини буйдалайверган, агар маҳкам ушлаб турмаганларида, Шёмъенning нақ бўғзига ёпишиши аниқ экан, нега деганда у, Шёмъенни эрининг ҳалокатида айбор деб билган. Ҳозир Жофи ўзида ўшанчалик газабни уйғотолмайди. Рост, Шёмъенда ҳам айб бор: ўлжа қувиш одатдагидай ўшанинг ертўласида тугаган, ёшлик — бебошлик деганларидай, у шўхлик қилиб, ертўласини эшигини устидан қулфлаб қўйиб, то гирт маст бўлмагунларича меҳмонларни ташқарига чиқармаган. Ўшанда баҳтсизлик қандай рўй берганини ҳанузгача ҳеч зоғ билмайди. Петер амаки Шандорнинг ҳаммага ўз қуролини мақтаганини эслайди, холос: атиги бир сантиметргина юқори уради, лекин мен ҳадисини оливолганман, деб галини тасдиқлайверибди. Аслини олганда, ҳеч ким унишг гапига эътибор бермабди: бироров оғзига келганини хиргойи қиласи, бошқалари кайфи ошиб қолган нўноқ овчи Петхешни мазах қилишар, баъзилари ертўла ичкарирогида ҳамон ичиде ётишаркан — милтиқ варанглаб отилганда улар бочкалар орасидан гандираклаб чиқиб келишибди. Хуллас, ана шунаقا миш-мишлар. Фақат биргина нарса — Шандорнинг ўзини-ўзи отиб қўйгани аниқ эди. Бироқ Жоfigа аламини олмоқ, нафратини сочмоқ учун қурбон даркор эди, ўша топда биринчи бор рўбарў бўлган ёвуз қисматни грибонидан олиб, жаҳаннамга равона қилишга тайёр эди у. Қайнанаси Жоfigа ўша кеча қай аҳволдалигини неча-неча маротаба гапириб бермади; у жимгина қулоқ солар ва гапни бошқа ёққа буриб юборишга тиришарди. Эрини юваётганларида тўсатдан дод деб фарёд урганча ҳовлига отилиб чиққанини, одамлар уни ҳовлида, қорда зўр-базўр тинчитганларини элас-элас ўзи ҳам эслайди. Аммо ҳозир наздида ўшанда ичидан туриб бошқа бирор додлагандай, одамлар билан олишган ҳам ўша бошқа бирордай туюлади. Жофи айвонда, қайнанаси ёнида, ёзга тайёргарлик кўриб сўзан билан қоп ямаб ўтирган кўйи унинг сўзларига қулоқ соларкан, бошидан кечиргандарининг барси алоқ-чалоқ тушга ўхшарди.

Гоҳо оқшом чоғлари бирровгина ўз уйига бориб

келарди. Дарвозаю эшиклари олдида валақлашиб турғаи одамлар кўзлари билан Жофини кузатиб қолишаркан, худди шу топда унинг ўзини эмас, балки бошига тушган мусибатни кўриб тургандай ғалати қарап қилишарди. Салом-аликлари ҳам одатдагидан бўлакчароқ: Жофиға бу нарсалар олдиндан таниш, илгарилари унин ўзи ҳам тақдир ранжитганга қандайдир эҳтирому бегонасираш-ла қараб, улардан четлаб ўтарди. Тўдалашиб турган эгачи овсинглардан аллақанча олислаб кетган бўлса-да, уларнинг орқадан ҳануз тикилиб турганларини ҳис этар, ўзи тўғрисида пичирлашаётганларини фаҳмлаб, сўнгра — Шандорнинг вафотидан сўнг нечанчи марталигини қўяверасиз! — бирлари олиб, бирлари қўйиб, бу мусибат қандай содир бўлганини яна ҳикоя қилишга тушганларини тасаввур этиб борарди. Жофи оқшомларни бекорчи валақлаш билан ўтказувчи бу одамларда эҳтиром ҳамда бегонасираш ҳиссиини уйготишга сабабчи бўлган улкан бир ғам-андуҳни ўз вужудидан тополмай, виждан азобида қолиб, букчайиб, гужанак бўлиб, ўз ёгига ўзи қовуриларди. У эс-ҳушини йифишига, ўй-фикрларини жамлашга уринар, ўзини беваликдай аччиқ қисматининг туб маъносини тушуниб етишга мажбур қиларди: «Тўй кечаси бошингга тақилган гулчамбар ҳали сўлмай туриб эгнингга қора либос кийдинг, бор-йўги йигирма икки ўшдасан-ку, бу ёргу жаҳонда сўққабош бўлиб қолдинг...» Шу хаёлларни кўнглидан кечиракан, то тинка-мадори қуримагунича ўз қалбига наштар ураверарди. Баъзан йўлда уруғ-аймоқлари йўлиқиб қолиб, даб-дурустдан: «Қалай, Жофи, кўнглинг бир оз таскин топиб қолай дедими, жонгинам», деб кўнгил сўраган бўлишарди. Жофи орадан икки ой ўтар-ўтмас «бир оз» бўлса-да кўнгли ёришиши одобдан эмаслигини яхши билар ва шунинг учун ҳам худди ўшандай ясама оҳангда: «Холажон, бу осонликча унутиладиган ғам эмас... кейин, то кўнглим ёришиб, таскин топгунича адойи тамом бўлсан керак...» — деб жавоб берарди. Аввалига бу қайгули сўзларни айтаркан, ўзини ноқулай сезарди. Жофи бундай пайтларда илашқоқ холажонлардан тезроқ қутулишга шошилар, лозим бўлган жавобни бергач эса, аслида ҳам ҳозиргина ўз оғзи билан айтганидек, изтироб чекишига уриниб кўрар, қайғу-гами қанчалар беҳад эканини англашга тиришарди; бироқ бу зўрма-зўраки алам чекиши, ўзи-

ни қийноққа солиши тобора қийини күчіб, тинкасини құрита борарди. Оқибатда у аста-секин ўзининг феъл-авторы, одоби билан ҳақиқиүй туйгулари орасидаги «жиндаккина» сохталик, ёлғонга күніка бориб, мени, «ёш бевани» яна ёмон отлиққа чиқармасынлар, деган үйда ҳамдардлик билан ғамгин боқувчи никохларга, панду насиҳат, күнгил күтаришларга юраги ўртамай, изтироб чекмай, жүнгина жавоб қайтаришни ўрганиб олди.

У виждони изми билан иш тутаркан, әндилікда учраган кимса азадорлигини ёдига солиб, қалбига тиғ ураверадиган күчага иложи борича камроқ чиқадиган бўлди. Ҳатто отасининг уйида ҳам ҳафталаб қорасини кўрсатмасди. У ердагиларнинг ўз ташвишлари ўзларига етиб ортар, Жофи билан раҳматли эрини эсларига ҳам олмасдилар. Бироқ у юмушаридан қутулгач, бирровгина кириб чиқай, деб келса, ҳар қайсилари ўша заҳотиёқ хомуш тортиб, ҳамдардлик билдиришни ўз бурчлари ҳисоблардилар. Шу боисдан у қайната-қайнанашиб билан уйда гумдон сшиб ўтиришни маъқул кўради. Кекса Ковач илгаригидек мук тушиб, мум тишлаб ўтирас, Йожи — Шандорнинг бўйдоқ укаси бўлса дағн маросимидан икки ҳафта ўтиб-ўтмай ишчи ўспиринлар билан кегли<sup>1</sup> ўйнашни бошлаб юборганди; айтишларича уни ҳатто қишлоқ чеккасидаги аллақайси бир қизни деб роса дўйнпослашганмиш. Қайнанашиб баъзан-баъзан, шунда ҳам бегоналар олдида, бошига тушган мусибатдан қанчалар ғам чекаётганини кўрсатмоқчи бўлиб, ёки айни иш қайнаган пайтда қўлини совуқ сувга ургиси келмай, якшанбалик газета иловасига кўз югуртириб, бекор ўтиргиси келиб қолса, ўғлидан гап очарди. Бу хонадонда, Ковачлар орасида ёлгиз Жоғигина Шандорни қўпроқ ўйлар, буни билиб кўнгли хийла хотиржам тортарди. Демак, Жофи ўзини қишлоқда юрганида ҳис этганичалик бемаъни аёл эмас экан, зоро кўчада юрганида уни, Шандор Ковачнинг хотинини — «Шўрлик Шандор, пешанаси шўр экан!» — бевалик номини пок сақлаши учун иккюзламалик қилиншга мажбур этадилар-да, ахир.

Бу ерда, пол тахтаси қириб-қиртишлаб тозаланган

---

<sup>1</sup> Шиша шаклидаги ёғочларни тик қўйиб соққа билан уриб ўйнайдиган ўйин.

муздек хоналарда, ям-яшил гулу буталар билан қуршалган айвонда ҳаёт бир маромда, одатдагидай давом этарди; Жофининг мушаклари баҳор нафасидан куч олганди, жисмоний меҳнат қувонч баҳш этарди унга: қўл тегирмонини ўзи айлантирас, қудуқ бошига бориб сира дам олмай, қаторасига ўн чеълаклаб сув тортарди. Аравакаш ёки Йожининг кўзи тушиб қолса, югуриб келиб, дарров қўлидан чеълакни олишарди, шунда у танаси яйрайдиган бу оғир ишдан ажралиб, аёлларнинг майда, икир-чикир юмушига қайтиши алам қиласади. Жажжи Шаника эса кун сайин эмас, соат саин ўсар, Жофи уни тез-тез суйиб-эркалатар, кўксига босиб ўпар, то дўумбоқ қўл-оёқчаларини типирлатиб, кулгидан энтикиб қолгунича осмонга итқитиб ўйнаторди. Унинг ўзи ҳам андуҳли куыларда йўқотган нарсаларини қайта тиклаб, асли ҳолига қайта бошлади. Қора азадорлик рўмоли остидаги терисига яна сув югуриб, қирмизи тус ола бошлади. Етти мучаси соғлиғини ҳис әтиш туйғуси уйғониб, гоҳо-гоҳо юрагини безовта қилиб қўяр, шунда жисмида аллақандай ғалати бир қўймасаш, зориқишини сезарди. Кутимаганда у черковда, эркаклар ўтирган жойдан, ёшгина муаллим ёрдамчисининг ўзига дам-бадам тикилаётганини пайқаб қолди; тўгри, у ўша заҳотиёқ қора рўмолини кўзлари устигача тушириб олди, бироқ ёнидаги қўшниларини деб шундай қилди, аслида эса кулиб юборишига сал қолди — бу муаллимваччанинг зап мўйлови бораканими, бир томонида учта, иккинчи томонида учта тук-а! Бир куни қайнатаси даланинг нариги чеккасида жўхори сўтасини қайираётганида, Жофи унга тушлни олиб бораётган эди. Қаршисидан янги жандармчи сержант чиқиб қолди, уни бу ёққа Шандорнинг ўлимидан кейин тайинлашган эди; сержант Жофини оқсоч фахмлади чоги, гапга сола бошлади ва тўсатдан қўлини чимдид олди. Жофи унга бошдан-оёқ бир тикилиб, бир оғизгина сўз билан шундай изза қилдики, сержант уялганидан ўзининг қоқ суюк, чўзиқ башарасини қандай яширишини билмай қолди, аммо Жофи ҳатто уйга қайтаётганида ҳам сержант чимдид олган жой ловиллаб турганини ҳие этиб борди: йўқ, чимдилган жойи энди оғриётгани йўқ эди, балки чўг теккандай ловиллаётганди. Олдинига Жофи бу туйғуни ҳатто ўз-ўзидан ҳам яширмоқчи бўлди, лекин кейин аста-секин кўчага чиққанида чеърасига ясама қайғу ниқобини тортиб

юришга кўникканидай, бунга ҳам ўрганиб қолди: энг муҳими, ғийбат қилиб, бадном этмасалар бўлгани. Эндиликда у бъязан жўшқин майлига эрк бериб ҳам қўярди. Фалла янчиладиган ерда, гарчи она сути оғиздан кетмаган гўр бўлса-да, офтобда қорайган ягриндор бир ўспирип ишларди; ишлаётганида унинг елкасию кураклари гарққа терга ботиб йилтиллар, бирор нарсани кўтарганида эса мушаклари таранг тортилиб, ўйнаб чиқиб кетарди. Тарозини кузатиши лозим бўлган Жофи қоплар устига шундай жойлашиб ўтириб олардики, ўтирган еридан истаган пайтида ўша ўспирип ишчи кўриниб турарди. Албатта, у ўспиринга аҳён-аҳёнда бир нигоҳ ташлаб қўярди, зеро кўзлари дам янчиш манинасидан шувиллаб тушиб турган олтиндай донга, дам қанчалиги қайд этиладиган дафтарга қадалган бўларди — бироқ, ҳар қалай, унинг кўзлари ёш йигитнинг ягринига тикилганда дам оларди. Бир куни эрталаб жуда ноқулай учрашув бўлди денг. Ноңушта пайтида, машина тўхтаган фурсатдан фойдаланиб, Жофи тушликка ловия тергани боғчага югурди. Худди шу пайт олма дарахти тепасидан бемаврид сакраб тушган йигитчага нақ туртиниб кетаёди. Бир нафас бир-бирларига бақрайиб қолдилар. Сўнgra Жофи жилмайди. «Агар ёқиб қолган бўлса, бемалол тераверинг», — деди у, аммо ўспирип уятдан ер ёрилса кириб кетгундай бўлиб, ура қочиб қолди-ю, токи дон янчидиган машина уларницида ишни тугатгунча ёш бекага бирон марта ҳатто қиё ҳам боқолмади.

Жофи ҳам ўзини ноқулай ҳис этарди — бирон ноўрин ҳаракат қилдим шекилли, бошқа беваларга ўхшаб кетяпман назаримда, деб ўзини-ўзи ёзгира бошлади. Шу воқеадан сўнг у қайнанасига эрини тушида кўрганини гапириб, бир неча кунгача қора рўмолини қошлири устига тушириб юрди. Айнан ана шу кунларда кутилмаганда барбод бўлган оиласиб ҳаётлари кўзига мутлақо ўзгача кўрина бошлади. Унинг Шандори ҳозир, ўлимидан кейин ҳамма тасаввур қилганичалик яхши эмасди чоғи. Гапнинг ҳақига кўчганда, у қотириб сўзларди, оқ кўнгил эди, агар истаса, кўнгил овлашини ҳам бопларди, илло — тўйларига ҳали икки ой ҳам бўлмай туриб — «Қумурска» қовоқхонасидағи малла оқ соч билан гап қилишмаганмиди, ахир? Жофи ўшанда ғийбатларга қулоқ осмаган, ғийбатчиларнинг оғзига урганди, ким билади дейсиз, шўрлик Шандор бу қо-

воқхонада қанча-қанча пиво ичган, аммо у ерга ёғоч оёғини дўқиллатиб, одамларга пиво ташийдиган бир оёқли оқсочни деб қатнагани даргумон. Шандор тара-лабедод қилиб юришни ёқтиар, хўжалик ишларига уччалик қизиқмасди — урушда сержант бўлганди, шу туфайли тўраларча яашашга одатланиб қолганди. Ов, пиво ичib улфатчилик қилиш, китоб ўқиш ёки олифта кийиниб олиб, қишлоқда савлат тўкиб юриш бўлса бас эди унга. Шандор суғурта банкига кассир бўлиб жойлашишни маъқул кўрди, ишқилиб хўжалик ишларидан олисроқ юрса бўлгани-да. Жофи Шаникага хомиладорлигига уни ҳафтасига зўр келса икки оқшомгина кўрарди; эри қўйпол муомала қилиб, тўнғиллаган кечалар бот-бот эсига тушадиган бўлиб қолди. Бир сафар у: «Унингни ўчир, йўқса абжағингни чиқараман...» — деб ўшқириб берганди. Ҳозир, ўша пайтларда эри ўз онасини, мана шу ялқов, хўппа-семиз онасини Жофидан минг бора ортиқроқ иззат қилгани, хотинидан онасининг оғзидан чиққанини дик этиб туриб, қулоқ қоқмай, ўша заҳотиёқ бажаришини талаб этганини ўйларкан, унинг қалбини алам ўртарди. Тўғри, Жофи ҳам бўш келмасди: шундай пайтлар ҳам бўлардики, тўшакда икковлари ярим кечагача жиқиллашиб ётишар, жаҳли чиқиб тескари қараб олган Жофини ўзига қаратиш учун эри унинг елкаларини ўпишга тушиб кетарди. Қизиқ, бу жанжалларни ҳозир у, ўша бўсалардан кўра аниқроқ әслайди; кўпинча миясига, ким билади, эрим ҳаёт бўлганида, вақти келиб ҳозиргидан бешбаттар бахтсиз бўлармидим деган хаёл келади.

Бу орада баҳор, унинг ортидан ёз ҳам ўтди, одамлар энди фақат ҳосил, нарх-наво ҳақида гаплашар, омборларидаги дон-дунни ҳафсала билан шамоллатишар, шудгор қилишарди, суд ҳам бўлиб ўтди, унда Шёмъен оқланди; энди Жофи қўчада бораётганида у билан олисдан туриб саломлашиб кўришмайдиган бўлдилар. Борди-ю, гаплашиб қолсалар ҳам, азадорлигидан оғиз очмас — худди шу кезларда дўмбоқ оёқчала-рини энтак-тентак ташлаб, юра бошлаган ўgilчасини сўраб-суриштиришади. Кейин, Жофининг ўзи ҳам баъзан мотам рўмоли остидан дадил боқишига журъят эта-диган бўлиб қолди, бундай пайтда чехраси қанчалик жиддий кўринмасин, кўзларида ёшлиқ-навқиронлию учқунлари чақнаб турарди. Азадорлик йилининг ярми

ортда қолди. Жофи гоҳо шкафни очиб, гўё мени кутиб қолмадилармикин, дегандай ўзинипг гулдор кўйлакларини кўздан кечирарди. Кўйлакларидан биттасини келаётган пасхада кияди, ҳозир кийса уят бўлар-ов... Шўрлик Шандор, назарида яқингинада ўлганда-я! Шунда Жофи, қалбини қоплаган унутмоқлик кули қаватини озоқ бўлса-да, пуфлаб енгиллатмоқчидек, чуқур хўрсиниб қўярди.

Бироқ тақдир бу кўйлакларга ўзгача қисматни ҳозирлаб қўйганди, уларни ортиқ кийиш Жофига насиб этмади! Қузакка яқин қайнанаси икковлари орасида жанг бошланди, барчаси барбод бўлди, ҳатто асташа кўнглини ёритиб бораётган унутмоқлик муолажаси ҳам ярим йўлда узилди. Ҳамма бало дағн маросимидан сўнг Жофининг Ковачларникида қолгани ва бундан-буён қандай яшаши ҳал қилинмаганида эди. Қайнана-қайнатаси ҳам, Куратор — Жофининг отаси ҳам ҳисоб-китоб қилишни кейинга суришарди. Жофи кетишини истаб қолса, ўз улушини олиб кетади, бу ўз-ӯзидан аён гап, аммо Шандорнинг тегишини нима қиласидилар? Ковач кампир онадан туғилишдаёқ ҳокими мутлақ бўлиб дунёга келган ва токи ерлари эрийнинг номида экан, болаларига ўз ҳукмини ўтказа олишини яхши биларди. Шу боисдан у ўз ўғиллари номига ҳеч нимани ўтказдириб бермаган, вақти-соати билан кимга нима тегишини оғзаки айтиб қўя қолган эди, ҳалос. Шундай қилиб, жажжи Шаникага отасининг улуси қолди деса ҳамки, айни чогда унга тегмайди дейилса тўғрироқ бўлурди, зероки Ковач кампирнинг кафтдек келадиган ерни ажратиб бергандан кўра, чайнаб ютиб юборишга рози эканини ҳаммалари тушунишарди.

— Бизни қайнана-келин деб ўйлайсизми, қуда,— дерди кампир Кураторга, унинг сўзларидаги шамани пайқаб.— Жофиқа туққан қизимдан зиёда мен учун, мен бўлсан унга туққан онасидан ортиқман-а...

Кампир, набирамни жонимдан ҳам ортиқ кўраман, деб худо номи билан онт ичарди: яратган ўглини даргоҳига олганмиш-у, ўрнига шу фариштани берганмиш — йўқ, у набирасини ҳеч қачон багридан чиқармасмиш! Куратор бўлса нуқул «ҳм-ҳм»лаб ўтиради-ю, аммо бойвуччалардай тирноги тозаланган, хўппа-семиз, гўё ҳиммат кўрсатаётган қудасини ўлгудай ёмон кўрарди. Жофининг ўзи бўлашувдан оғиз очмагандан кейин у бошини favgoga қўйиб нима қиласи!

устига Жофига тегадиган ерга Ковачларнинг уруғи сочилган бўлса, кузгача кутса осмон узилиб ерга тушмас. Лекин уйда, ўринда ётганида, ўша фурсат етиб келганида қудасига нима дейиш лозимлигини хотини билан маслаҳатлашарди. Икковлари ҳам ана шу кўнгилсиз масаладан гап очадиган кун етиб келишидан чўчишар, «бу ёсуман» қалаштириб ташлайдиган эътиrozларни тасаввур қилиб, олдиндан вужудларини қалтироқ босарди. Жофининг онаси қудаси билан учрашганида унинг кўнглини овлаб, ҳамиша хушомад қиласди-ю, қоронги тушди дегунча ўзини таппа каравотга ташлаб, зардаси қайнаб: «Илоё, ергина ютсин ўша беномус бойвуччани! Бутун рўзгор шўрлик қизимнинг бошида, қўли косову сочи супурги. Текин чўрини топиб олишган, бу ҳам камлик қилиб, теппакин ўттиз хольд сепи билан-а!»— деб нақ емоқда-ичмоқда бўларди. Эрта тонгдан қаро кечгача боши оғир меҳнатдан чиқмайдиган барча заҳматкаш одамлар сингари бу ялқов «бойвуччани» кўтарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Эри эса уни қудасини учратганида ширин гапиришга, бод касалидан гап очиб, аҳволини сўрашга кўндирмоққа мажбур этарди. Ковач кампир ҳам ўз назбатида тўшагида, ношуд эрининг хурраги остида, кузгача бирон иложини топиш устида бош қотириб кечаларни бедор ўтказарди. Эҳтимол бу ишни ҳал қилишни жўхорини қайириб олгунгача чўзса бўлар, лекин ундан кейинга чўзищнинг имкони йўқ, яна ким билади, Кураторлар билан даъволашибгача бориё стадиларми, йўқми? Ёки Жофини қўлдан чиқармасликка уриниб кўрсалармикин-а? «Қулсоқ сол, Жофи қизим, Шаника бир фарзандим, ахир, уни кўргандэ Шандории кўргандай бўламан, қариган чоғимда бизмарни ташлаб кетманглар, бундан буён ҳам бояги-боягидай бирга яшайверайлик...»— дейди. Бу-ку яхши-я, хўш, ёшгина бева бўлса, иккинчи марта турмуш қургиси келиб қолса-чи? Эндиғина йигирма иккига кирган бўлса, албатта яшагиси, ҳузур-ҳаловат кўргиси келади, унда қайнаналик уйга ким совчи қўярди! Бу ёқда Йожка, йигитчанинг ҳам бир бошини иккита қилиб қўядиган ваёт етди, келин-куёвга эса Жофининг хонаси керак бўлади. Илгари Шандорга тегадиган улушдан бир чеккасини ажратиб, ўша ерга Йожкага уй солиб бермоқчи эдилар, лекин эндиликда уй қуришнинг ҳожати қолмади. Ўғилларидан бири оламдан

ўтди, энди икки уйнинг нима кераги бор. Борди-ю Йожка Жофиға уйланса иш осонгина қолипдан кўчарди-қўярди-я. Ковач кампир минг бир хил тўр тўқир экан, бу жўнгина чораи имкон унинг назаридан қочиб қутулолмасди, албатта, бироқ бу фикрни ҳазм қилиш осон эмасди. Тўнгич ўғлиниң тул хотини ки-чик ўғлига мерос бўлиб қолганини эшитган одамлар нималар демайди! Иннайекеин, ёшларниң ўзлари бунга ҳандай қарашибади ҳали?! Шандор-ку келишган, маъқул эди, ҳаммага ёқарди, лекин Йожка мутлақо бошқача — ким билади дейсиз, Жофининг дідига ўтиришармикин?.. Бунинг устига, унинг ўзига, онага, бўйдоқ ўғли бева жувонни олса алам қилмайдими, ахир: битта аёл икки ўғлига хотин бўлса-я!.. Кампир бир неча марта эрини уйғотмоқчи ҳам бўлди — лекин ундан нима ақл чиқарди: маслаҳат беришдан чиқиб кетганига озмунча вақт бўлгани йўқ, кампирниң қаролидай гап у. Кампир эрининг биқинига бир тушириб, ўзини гурс этиб ёстиққа ташлади.

— Нима, нима гап? — уйқусираб сапчиб тушди Ковач чол.

— Уйни бошингга кўтариб хуррак отяпсан,— де-ди ғижиниб хотини ва шу чогда ўзини тақдир бутун оламниң ташвишию машаққатини зиммасига юклаб, кейин танҳо ташлаб қўйган бойвучча хонимлардай яккаю ёлгиз ҳис этди десангиз.

Энди у ўғли билан келинини кузатиб юрадиган бўлди. Йожи эпга келадиганга ўхшайди. Жофи ёл-ял ёниб, бўртиқ сийналари диркиллаб, ўзоқ бошида қўймоқ пишираётганда, Йожи дам-бадам тақсимчадан кўзини узиб, келинойисига шундай суқланиб тикилиб қўярдики, буни кўрган Ковач кампирниң ғазаби қайнаб кетарди. Нақ отасига ўхшаган гўрсўхта-я! Ўзига ёки Жофиға ўхшаган бошқа бирор аёл олдида мумтишлаб қолади... Лекин, Жофиға келганда, кампир ҳеч нарсани тушунолмай, ақли ҳайрон. Жофи қайнисидан тортиниб ўтирмас, аксинча, бажону дил қитиғига тегиб, «амакижон» деб мазах қиласди. Бундан сира ажабланмаса ҳам бўлади: Йожи шунақанги қовушимсиз, шунақанги эпашанг эдики, ҳатто кишилик камзулини кийган дамларida бировнинг кийимини кийганга ўхшаб қоларди. «Қани, қаддингизни кўтарингчи бир, амакижон!», «Шляпани чолларга ўхшаб намунча бостириб олмасангиз, амакижон!» — деб жигига тегар-

ди. Оқшомлари уйдан чиқиб кетаркан, Жофи унинг кетидан: «Эҳтиёт бўлсинлар, тагин ўтган галгига ўхшаб, қишлоқ чеккасида дўппослашмасин!»— ёки: «Кўзингизга қаранг-а, амакижон, яна чойшабга ўраглиб қолманг!»— деб гап отиб қўларди. Йожи бу ҳазиллардан хафа бўлмас, фақат хижолатдан мийнигда жилмайиб, бирор жунини титкилаган кўпракдай силкиниб қўярди, холос. Она бўлса ҳануз ўгли билан келинпининг бундай ҳазиллари оқибати нимага олиб бориши устида бош қотиришни қўймайди. Тўғри, уларнинг бошини қовуштириб қўйишни хаёл қилганидан бери Жофини ёқтиримайдиган бўлиб қолди; Йожининг таҳқирланишини ўйларкан, юраги ўртаниб кетарди, лапашанглиги туфайли ўғлиданми ёки ўзини катта олиб, ўгини майна қилгани сабабли келиниданми — хуллас, қайси биридан кўпроқ жаҳли чиқаётганини ўзи ҳам билмасди; бироқ авж олиб бораётган нафрати кузатишига, ўсмоқчилаб андиша англашига ҳалал бермасди. Жофи борган сайин қайниси билан танҳо рўбарў келиб қоладиган бўлиб қолди, негаки кампир бирон баҳона топиб йўлини қиларди: «Болам, омборга бориб, озгина дон олиб кел, тегирмон қилиб ёриб қўймасак жўжаларга бергани ҳеч вақо қолмабди... калит керагамас, Йожи ўша ерда, донни шамоллатяпти.» Бошқа сафар, Йожи токка дори пуркагани кетганида, оқсоғга тўсатдан полни ювишни буюрди, шунда Йожига тушликни келини олиб боришга мажбур бўлди. Аввалига Жофи ҳеч нимани фаҳмига етмади, лекин Йожи хонага тўсатдан кириб келганида ҳар гал кампирнинг ҳовлида зарур иши чиқиб қолиши сабабини кейинроқ пайқади. У қайнанасининг гап-сўзларига диққат билан эътибор берса, Йожининг хулқатвори қўққисдан яхши бўлиб қолганмиш. Илгарилари кампир кичик ўғлини шунақанги койирдики, баъзан ўгай боласимасмикин, деб ўйлаш мумкин эди. Унинг галича кенжаси Шандоргинасининг тукига ҳам арзимасди, энди бўлса, Шандорга ўхшаган ўзбошимча өмас, Йожи ҳам оқ кўнгил, ҳам мўмин-қобил, ҳам мулоийим бўлиб қолибди. Жофи олдинига қайнанасининг найрангидан кулиб юрди. Турган гап, Йожи ёмон өмас, лекин Шандорга етишига йўл бўлсин! Унинг эри, қишлоқ базмларида доимий ишбоши, юмшоқ этиги қўйнига таёқчасини тиқиб, мағрур қиёфада сайр қилиб юрадиган овчилар сардори қаёқдаю Йожи қаёқда!



Ўн йил ўтар-ўтмас у отасига ўхшаб индамас, бефаҳм бўлиб қолади... Баъзи-баъзида унинг ўзи жон-жон деб ҳазил қилса нима бўпти, ахир, дастурхонга овқат келтириб қўяётганида ёки ҳовлида юрганида қайниси-нинг ўғринча кўз тикишлари кўнглига ёқиб тушарди-да. Қаерда бўлмасин, нима юмуш қилмасин, ҳамма ерда уни бу итоаткор ҳамда ҳайрат тўла кўзлар таъқиб этгани-этганди. Лекин унга тегиш нимаси?! Кампир ақлдан озибди. Ахир Жофи учун Йожи әрининг фазилатларию қадри-қийматини ўлчайдиган андаза — ҳечлик нуқтасидай бир гап-ку! Келиб-келиб шу одамга тегадими?!

Кампир ўз ниятидан қайтавермагач, Жофининг гурури тилга кирди денг. Дастрабига у заҳрини фақат Йожига соча бошлади. Унинг киноя наштарлари ўт-кирлаша борди. Қайниси акасидан қолган тўй ҳаво ранг костюмни биринчи марта эгнига олганида у: «Ҳа, менга шунаقا одам эга чиқади, деб тушига ҳам кирмаган бўлса керак!»— деб Йожини узуб олди. Мабодо ошхона ифлос бўлса — буни этиги билан кириб Йожи қилган бўларди. Борди-ю, Йожи уруш ҳақида бирон нарсани ҳикоя қила бошласа, у: «Бунинг нима фарқига бораардинг сен! Ҳарбий хизматдан сөзд қиласинлар деб тамаки ивтилган сувни ичишнигина билардинг, холос»,— дея оғзига уради нафрат билан.

Қайнанаси вақт-соати етиб ҳаммаси изга тушкб кетар, деб ўйлаб сабр-тоқат билан кутарди, боз устига, у бирон ишга киришдими, бу йўлдан чекингизни хаёлнга ҳам келтирмасди. Яна худо билади, ёшгина келини Йожканинг иззат-нафсики уйғотмоқчидир! Шу ўй билан кампир ўғлини ҳатто ҳафта ўртасида кўйлагини алмаштиришга қўндиришга тушди. Ўзи бўлса теварак-атрофдаги қизлар ҳақида — гоҳ бири, гоҳ бешқаси Йожкани деб ҳушидан айрилаёзганини бичиб-тўқиб, Жофининг қулогини батанг қиларди. «Ўнда дарров унаштириб қўя қолиши керак,— деб куларди Жофи,— агар қайлиқнинг ўзи бўйнига осилиб олмаса, бунингиз ҳеч қачон уйланолмайди!» Кампир бундай таъналарни ичга ютиб кетарди; сабр-бардоши кўпинча унга қўл келарди, эндиликда қаршисида икки йўл қолганди — ё келинини уйдан ситиб чиқариши, ё уни измига итоат эттириб ,букиб олиши лозим. Бироқ Жофи кампирнинг бунчалик сабр-бардошига ҳадеганда мукофот инъом әтавермади: Йожига заррача шафқат

қилмади, ўша-ўша шафқатсизлигича қолаверди. Бечора йигит на қиласини билмай, гангиб қолганди. Онаси сира-сира ҳоли-жонига қўймас, Жофи бўлса юзи-кўзи демай тарсиллатиб туради; эндиликда йигитча худди кўпакка ўхшаб тишларини ғижирлатадиган бўлиб қолди: ёшгина янгаси олдида, рост: тўнғиллаб қўзларини олиб қочарди, лекин онасига ошкора зарда қиласди. Бир гал онаси, бориб, янгангга экинни сугоришга ёрдамлашиб юбор, деб уни боққа жўнатмоқчи бўлганида: «Ўзингиз бориб ёрдамлашинг! Иблис ёрдамлашсан ўшанг!»— дея ўдағайлаб берди. Жофи ҳам ўз навбатида, якшанба куни қайнанаси Йожканинг кўйлагига тугма қадаб бер, деганида (ўзи қадаб берай деса кўзойнагини қидириб топиши керак экан), у елкасии учирив: «Ўзингиз қадайверинг, мен унинг кўйлагига қўлимни ҳам теккизмайман!»— деб бобиллаб берди.

Кундан-кунга ораларидағи муносабат ёмонлаша борарди. Токи кампирнинг кўнглида умид учқуни бор экан, у ўзини сабр-тоқатли бўлишга мажбур қилас ва бу ҳол лов этиб алнга олай-олай деб турган вазиятга сув пуркагандай бўларди. Аммо-лекин, Жофини этга келтиришга кўзи етмагач, уйлари жанггоҳга айланди-қўйди. Дарвоҷе, улар орасидаги гапларни (башарти пластинкага ёзив олингудек бўлинса) эшитган бирон кимса бу одамларни ҳеч замонда бир-бирови билан итмушук деб ўйламасди асло. Сирасини айтганда, улар ўз ҳис-стуйгуларини заррача сездиримай, ҳатто индамай ҳам нафратлана олардилар билсангиз. Йожи эндиликда ҳеч зогнинг кўзига тик боқмас, тўнғиллаб қўяр, қудуқдан пақирни силтаб-силтаб тортар, молларни жонжаҳди билан урар, иложини топди дегунча, ҳовлидан жуфтакни ростлаб қоларди. Жофи бўлса бошдан-оё; қоп-қора кийиниб олиб, уйда ҳам нақ хода ютгандай қаққайиб, чурқ этмай, ўз юмуши билан ивирсиб юрар, ўғилчасини ювив-тарар, ясантирав, эрининг яшигидаги энди ҳеч кимга кераги бўлмай қолган ҳарбий ҳужжатларини, жажжигина кумуш хочи, овчилик гувоҳномаси ва ўқдонини бир-бир олиб, яна саранжомлаб таҳлаб қўярди. Қайнанаси (ҳаммадан кўра ўшанинг иззат-нафси ранжитилган ҳамда бунинг аламини келинининг бурнидан булоқ қилиб ситиб олишга бошқаларга қараганда айниқса ўша кўпроқ ҳозирлик кўраётган бўлса-да) ғазабини унчалик сиртига чиқар-

масди. Бироқ ҳеч бир зот ўз газабини беозор ўғиту маталлар пардасига ўраб-чирмаб ишлатиш бобида бу кампир олдида ип эшолмасди. У дворянлар насабидан бўлиб, Куратор кампир орқасидан койиб-қарғаб ётадиган бойвуччаларча феъл-атвори ва қилиқлари онасидан мерос қолганди. Ковач кампирнинг ҳикматли ўғиту оқилона маталлари гүё оқ фотиҳа бериш учун кўкка чўзилган, аммо заррача шубҳага бормаган қурбони бошига қўққисдан зарб билан тушиб қоладиган қасоскор қўллардай бир гап әди. Шаника тасодифан ўрдаклар сув ичадиган сувдонни тўнкариб юборса-ю, Жофи жаҳл устида уни шапатиласа, қайнанаси ўша заҳоти: «Ёш болали оналарга худо тўзим берсин, деб тўғри айтган эканлар-да, мен шўрлик болаларимга ақалли бирор марта қўйл кўтармабман-а, шундаям иккаласи туппла-тузук одам бўлди», деб қўярди. «Биламан, ойижон, сира қўйл кўтармагансиз, фақат орқаларидан қайчи отгансиз, холос», деб узиб оларди шунда Жофи. Унга болалигидаги бир даҳшатли воқеани эри гапириб берганди. Бошқа сафар кампир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўғли бошига тушган фалокатдан сўз очиб қолиб, томдан тараشا тушгандай: «Ҳа, болагинам, эрингнинг тизгинини бўш қўймаганингда, ҳозир турмушинг бошқача бўлармиди. Эркакнинг уйдан тез-тез гумдон бўлиб қолишига қараб хотинининг қанақалигини дарров билиб олса бўлади», деса бўладими. «Тўғри айтасиз, дадажонимиз, сизнинг эрингизни уйдан ташқарига чиқармаслик ҳеч гапмас-а,— оғзига урди Жофи,— Шандорингиз бўлса, мен келин бўлиб тушмасимдан бурун уйдан қочиб, боғбонга дастёрлик қилган экан-ку». Бир вақтлар дарҳақиқат Ковачлар хонадони бошига ана шундай шармандали кўргилик кўланка ташлаган, Шандорни зўр-базўр уйга қайтаришган әди. Жофининг шу топдаги таънаси бу икки аёл ўртасидаги муносабатни баттар кескинлаштириши аён әди.

Битим ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини иккоклари ҳам яхши тушунишар ва ҳар қайсиси яширинча ҳал қилувчи зарбага ҳозирлик кўрарди. Худди ана шу кезда механик Лакнинг хотини Ковачларга келин топганди; тўғри, келин бўлмишнинг отаси борйиги уста, аравасоз-у, лекин холасининг Пештда кичикроқ ошхонаси бўлиб, қиз ўша ерда, пойтахтдаги мактабда уч синфни битирганмиш. У шаҳарча кийи-

наркан, одамларнинг айтишича, отаси қизига пианино олиб бермоқчи эмиш. Ковач кампир қизни Лакларнинг уйида атиги бир мартағина кўрди. Қизалоқ жуда камсуқумгинага ўхшайди, бунақасини гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олиш қийин эмас; у нақ ойим қизларга ўхшаб гаплашди, лекин совчи, рўзғор ишларини ҳам билади, деб ишонтирди. Аввалги пайтлари бўлганида-ю, оддий ҳунарманднинг қизи тўғрисидаги гапга қулоқ солиб ўтирасди-я, аммо ҳозир бу жуда қўйл келганди унга: ахир у бева эмас, «чинагам ойим-қиз-ку!» Онаси Йожкага, уларнига биррсв кириб чиқасан, деб туриб олди, аравасознинг хотини эса энди сутни Ковачлардан оладиган, сигир соғиб бўлингач ижала аёл дарвоза олдида узоқ-узоқ гап сотадиган бўлди.

— Узи аравасоз бўлса ҳам, хўп ақлли одам эканда,— деди кампир бир куни Жофиға, шундай суҳбатдан кейин уйга кирапкан.— Мана, сенинг отанг иккюз хольд ери бўла туриб, бирорталарингни ўқишига бериш хаёлига ҳам келмабди-я. Уларнинг қизи бўлса ҳам Пештда ўқиган, ҳам пианино чалишни билади, суҳбатда-ю бирорта ойимқиз ип эшолмайди унинг олдида. Нима ҳам дейсан, ҳозир шунга қараб баҳо беришади одамга.

Бу кезга келиб Жофи ҳам ота-онаси қулогини қизитишга тушганди. Бу жодугарга ортиқ тоқат этолмаслигини, лапашанг Йожкасини ёқтиргмагани учун тириклайн этини бурдалаб ейишига ҳам тайёр эканини айтиб, шиква-шикоят қиласарди. Кураторлар бўлса қизларига панд-насиҳат қилишар, вақти етгунича қайнанаси билан жапжаллашмасликка кўндиришликка уринишарди. Жўхорини саранжом қилайлик, кейин уйга қайтаверасан, дейишарди. Уйга қайтадими? Синглиси Илушнинг нотариус билан қандай суйиб-суйкаланышларини томоша қилгани-я? Жофи ота паноҳидан чиқиб кетаётганида Илуш бурнини тортиб юрган қизалоқ эди, ҳозир бўлса молия бошқармасидаги нотариус атрофифда ўралашиб юрибди — мустақил бир ўринни эгаллади дегунча ишлари жўнашиб кетади. Ўша пакана, бақалоқни деб бутун оила аччиқ-аразда. Илуш шу кунларда у ердаги чўпни бу ерга олиб қўймайди, онаси қўйини совуқ сувга теккиздирмайди, унга шундай суқланиб боқадики, гўё шундай баҳтиёр фариштани ўзи туққанига ўзи ишонмаётгандай. Илушжон ўзларининг ярқираган стуллари

учун дастурхонга гул тикиб ўтирсиллар-у, Жофи белини дол қилиб уйнинг полларини қиртишлаб, ювигозаларканми! Тухумни ёриб чиқсан жўж а яна қайтадан тужум ичига кирса-кирадики, лекин у онасининг қўлига қайтиб бормайди.. Чол-кампирнинг: у ёқда туролмаса, уйга ҳам қайтмайман деса, энди нима қилдик, деб роса бошлари қотиб қолди. Жофи бўлса нопшини қўймас, ҳар гал янги-янги гап топиб келарди. Бир марта аллақайси қариндошлари: «Жофика, Йожи сенга уйланармиш, шу гап ростми? Одамларнинг гапига қараганда азадорлигинг тугаши билан тўй бўлармиш», деб сўраб-суриштириб, қийин аҳволга со'либ қўйибди. Жофининг сал нарсага жигибийрони чиқиб кетарди. У ўша замоноқ уйига икки қўзи гилғирилқ ёшга тўлиб кириб келди: шарманда қилишди, мен билан Йожи ҳақимизда гийбат тарқатишибди, ҳаммаси қайнанамнинг иши, мени Йожига мажбуран олиб бермоқчи! Чол-кампир юм-юм йиглаётган қизларига юраклари эзилиб, алам билан тикилиб ўтиришарди. Отаси, Жофи унинг суюклиси эди, хонадан чиқиб кетди, кейин яна кирди, ниҳоят: «Хўш, қизим, ўзинг айт, қандай ёрдам берайлик, нима қилайлик? Ахир биз ҳам тошбагир эмасмиз, азоб чекаётганингни билиб-кўриб турибмиз, қўлимиздан келганча ёрдам берармиз», деди. Шунда Жофи кўнглини тўкиб-солди: марҳума Варга бевадан бир уй қолибди, иккита хонадан бўлак ҳеч нарсаси — на қазноқ, на молхонаси боракан, ўша уйни олиб беринг, деди.

Кекса Куратор «йўқ» демади-ю, лекин қизининг ўша ерда ёлғиз яшashi ўринлимикин? Кечалари ҳам қўрқиб чиқади. Бунинг устига, бева боши билан ёлғиз туриши яхшияmas, турган гапки, у Жофининг чакки оёқ босмаслигини билади-я, бироқ одамлар ҳаммалини бир газ билан ўлчашади. Мана, қайнанасиникида турган бўлса ҳамки, фисқу фужур тарқатишибди. Иннайкейин, умр бўйи бева юрмайди-ку, ахир, ёлғиз яшаб, ёмон отлиққа чиқса — бирор бошига урадими уни. Кекса Куратор бу уйга тўланадиган пулни қанчалик аяса, ўз далил-исботларининг тўғрилигига ўшанчалик астойдил ишонарди. Жофи суюкли фарзанди, албатта, унинг баҳти йўлида жонини фидо қиласди, бироқ қизининг зиёнига бундай фидойилик кўрсатиши шартмикин? Жофига келсак, у бу кулбани нақ арши аълодаги қасрдай орзу.

қилар, ўша ердан туриб қайнанаси билан синглисини бемалол кузатиб ўтиришни истарди. Шу ниятда у ҳал қилувчи ҳамлага ўтиш фурсатини кутарди.

Бу орада қайнанаси, фақат ўч олиш учунми, Йожкани аравасознинг қизига унаштириб қўйди. Юлишка — чиройли, ўқимишли қиз, кейин ота-онаси ҳам Йожкадай йигитни куёв қилаётгандаридан бошлари осмонга етади — уззукун қишлоқни изгиб чиққиши кампир бир куни кечки пайт шу тапларни айтди.

— Энди чол-кампир сал қисилиб қоладиган бўлдик-да, болам,— деди кампир истеҳзоли қувонч билан, галаба гаштини суроётгандай,— сенинг хонангга кўчиб ўта қоламиз. Юлишка кенг-ковул, бадастир хонага ўрганганд, бунақа келинни бир бурдагина ҳужрага тиқиб қўйиб бўлармиди.

— Нима ҳам дердим, ойижон,— деди Жофи ҳам худди ўша оҳангда оҳистагина, шунда бўйни билинмар билинмас қизарди.— Ўзим шундоқ ҳам биламан, ўлганлар тирикларга жой бўшатиб бериши керак.— У шу пайт товоқчадаги бўтқага қўйл чўзган Шаниканинг бошини силарди.— Биз ҳалиям бу ердан кетамиз, тўғрими, Шаника, болагинам, аравасознинг қизи уйимиздан ситиб чиқаришини кутиб ўтирумаймиз.

— Ўзинг биласан, жоним болам, кўнглинг тилағанини қил,— жавоб берди кампир овозини қатра баландлатмай.

Ўша куни, сигирни соғиб бўлгандан сўнг Жофи уйга қайтиб кирмади; сутли челак молхона остонасида қолаверди, Шаника ҳам кўринмасди. Эртасига Куратор келди, аммо ораларида нима гап бўлиб ўтди, кампир бунинг исини чиқармади. Бироқ Кураторнинг шоп мўйловли икки бети эрталабдан бошлаб қизариб-бўртиб юргани аниқ. Ўша куни ё Жофининг укаси кўчини олиб кетди, бекорчи қари қайнана қишлоқни эшикма-эшик кезиб, фисқу фужур тарқатди. «Баттар бўлсин бу кунидан. Йожканинг уйланишини эшишиб, оромини йўқотди бу Жофи, эс-ҳушидан айрилиб, кўзиға ҳеч нарса кўринмай, тезроқ қочиш пайига тушиб қолди. Менга қолса, то кўзим очиқ экан, келинимни багримдан чиқармайман дегандим, лекин Кураторнинг қизлари мана шунақа ҳаммаси. Ана, Жофини кўрдингларми, ҳали эгнидан аза кўйлагини ечгани йўғ-у, эрсираб қолибди. Набирагинамни айтмайсизми, жоним қоқиндиқ унга, уям ўғлим ўрнига ўғил, вақт-соати

билан ўз тегишини олади, лекигин ҳозир бўлиб берадиган бўлсам, ерга Жофи эга чиқиб олади, бунга икки дунёда розиямасман, йўқ, мен бойлигини шамолга совурадиган анойилардан эмасман». Ҳар қалай отаси Жофига ўша уйни, бунинг устига тўйи пайтида берган сепи билан Ковачлардан бир амаллаб ундирган пулига қизига каттакон хонани әгаллайдиган, худди аравасознинг Юлишкаси ёки нотариуснинг бўлажак рафиқаси Илушникига ўхшаган уй жиҳозлари олиб берди.

Нихоят Жофи ўзининг янги уйига ёгин-сочинли кеч кузда кўчиб ўтди. Олди хонадаги ярақлаган жиҳозлар кўз нурини олар, ичкари хонада эса унинг эски каравоти билан шифонери турарди. Эшик-деразалар, ҳатто ойналарида илгакларгача — оппоқ бўёқ билан бўялган, чип-чиннидай қилиб ювиб-тозаланган пол кишининг баҳри-дилини очиб юборарди. Қулба ғоятда шинам ва файзли бўлиб кетди, ҳатто синглиси — бўлажак келинчак ҳам суқланиб, кўзлари ёниб, ағрайиб қолди уйни кўрганида. Бу ер шунчалик саранжом-саришта, чип-чиннидай ва шунчалик осоийшта әдики, кўрган кишининг хаёлига беихтиёр: «Намунча осуда бошпана экан-а», деган фикр келиши турган гап эди.

Токи ёнида кимдир бўлиб, унинг уйига суқланиб боқар экан, Жофи жуда мамнун эди. «Бу ердаги жаммики нарса — уй ҳам, менинг ўзим ҳам — ҳаммаси Шаниканики, ишқилиб, одам бўлса бас»,— деб уқтиради Жофи Хорват холага, чунки бу аёлнинг нақ қайнанасининг ўзи эканини, ундан бир туки ҳам кам әмаслигини биларди-да. Бироқ оқшом чоги, ҳамма кетгач, Жофи маъюс тортиб қолди; кейин эси ўзига келиб, Шаникани итқитиб-қитиқлади, гўдакнинг қиқирлаб кулиши қалбини қамрай бошлаган туманни тарқатгандай бўлди. Шаника онасининг қитиқлаётган бармоқларидан ўзини дам ўнгга, дам сўлга олиб қочаркан, «қиқир-қиқир» кулар, бахтиёр кайфиятда онасига қаршилик кўрсатгандай ҳар ёққа талпиниб ўйнашарди-ю, онасининг қўлидан қутулгач жимиб қолар, қоп-қора кўзлари жавдираб, ўйиннинг бошланшини кутиб, онасига тикилиб тураверарди. Тепага осиб қўйилган чироқ гоҳ баландлаб ис таратар, гоҳ пилиги кўпроқ тушириб қўйилганидан аранг липиллаб

ёнар, она-боланинг хайдон отиб кулишлари орасидан шивалаб ёғаётган ёмғирнинг ҳазин товуши, томчиларнинг ойнага тиқ-тиқ урилиши, дераза тагида эса тобора каттайиб бораётган кўлмакнинг чўлпиллаши әшитилиб қоларди. Жофи аллақачон ўғилчасининг ётадиган вақти бўлганини биларди-ю, лекин янги-янги ўйинларни топиб, бу дамни ортта суришга уринарди, Шаника бўлса шўх, шовқин-суронли ўйинларни ёқтиради. Жофи ҳеч қачон, ҳатто эрини гўрга қўйган чоғларида ҳам бева қолганини, чинакам бева қолганини шу топдагичалик, яъни Шаниканинг оғирлашиб бораётган киприклари мудроқ босган мижжаларини тобора тўсиб, уйқу кўлка ташлаган бетларида ўйиндан баҳра олаётгани тобора камроқ аке эта бошлаган топдагичалик чуқур ҳис этмаганди. Ҳар қалай, бу ерга кўчиб келмаса бўларкан, кейин, бу уйнинг нима кераги бор унга, бари бир умрбод қолмайди-ку бу ерда! Жофини дераза ортидаги этикларнинг дупури чўчидимикин ёки бешқа нарсадан, олис-олислардан келаётган шовқиндан ҳадиксирадимикин? Жофи шошилмай Шанининг дўмбоқ бўгим-бўгим оёқчаларини иштони почасидан чиқарди; ўйин, суйиб-эркалашдан бўғриқсан ўғилчаси каттакон каравотда ёйилиб-яйраб ётарди. Ёлғизликка қандай чидайди, бу ерда, эҳтимолки бир умр, танҳо ўзи қандай қолади, ҳоли не кечади? Аnavи кампир ўлғирнинг гапини қайтариб, нимагаям қайсарлик қила қолди-я? Аммо кейинги пушаймоннинг ҳожати йўқ, вақт ўтди: отаси уйнинг пулини тўлаб бўлди. Мабодо турмушга чиқмаса, энди бу ердан кетолмайди.

Шандор вафотидан бери унинг биринчи маротаба яна турмуш қуришни хаёлига келтириши эди. Лекин шу замоноқ қайнанасининг: «Эркин бўлгиси келибди, эрининг уйидан қочиб қолмоқчи», деган гапи ёдига тушди. Хўш, шундоқ бўлса нима қипти?.. «Йўқ, йўқ, аслида унақа эмас-ку, ахир!» — дея ғалаёнга келди фурури. Наҳотки у эрини унутса! Дарровгина унуга қолса бўладиган эрлардан әмасди унинг эри. Йўқ, ҳеч қачон ҳеч ким ўғилчасига — онанг ундоқ, онанг бундоқ, деб таъна қилишга журъят этолмайди. Жофи пишиллаб, мушт қилиб тугиб олган қўлчаларини боши сари узатиб ширин ухлаб ётган қароғига алламаҳалгача тикилиб ўтирди. «Жажжигинам, борлиғим, яккаю ягона қувончим!» — дея пичирларди у томогига алла

йима тиқилиб, адёл остидан чиқиб қолган қирмизи оёқчасини ўпмоқчи бўлиб энгашаркан.

Гарчи Жофи эрталабгача мижжа қоқмаган бўлсада, бу кеча ҳам ўтди. Аста-секин у ёғоч чопувчи дурадгорлар ҳормай-толмай тер тўқаётган ёгочсозликдан әшитилиб турган тарақа-туругу қасир-қусурларга, лам-намойли чироқнинг лопиллаб турган щуъласидан тушаётган ваҳимали узун-қисқа кўлагаларга ўргана-кўнига борди. У уйқуда ётган Шани устида мук тушиб ўтиаркан, бошидаги рўмоли сояси каравот тепасидаги деворда титраб-липиллаб турарди. Башарти ёши кексайиб қолган, яратган ўн гулидан бир гули очилмай туриб бошига шунчалар мусибат солмаган бўлса, бундай кезларда у қўлида инжил тутиб, бафуржা ўқиб ўтирган бўларди — аммо ҳозир ўғилчасининг пайпогини ямаб, дўмбогига худди дорифурушнинг боласи Бециникига ўхшаган оппоқ камзулча тикиб беришдан бўлак юмуши йўқ эди. Жофидан, ақволинг қалай, деб сўраганларида, у оқшомлари тортган азобуқубатларидан чурқ этиб оғиз очмасди.

— Бировларнинг дастёрчилигидан қутулгандан бери анча тузукман. Бахтимга, ишқилиб, бўталогим омон бўлса бас, бошқаларга жуда кўзим учиб тургани ҳам йўқ.

«Бошқаларга жуда кўзим учиб тургани йўқ» деган сўзлари Ковач кампирга қаратилганди, албатта — унга етқазишса етқазиша қолсин, аламидан ёрилиб ўлсин!

Аслида эса, ҳамиша фақат «бўталоги» билан кечадиган кунлари бир зайлда, зерикарли ўтарди. Жофи аламли ўйларга толган дамларда, ахир қўзичоғим бор-ку, деган фикр хаёлига келиб, ўша заҳоти уврадан ортиб қолган ҳамиридан болажонисига қўғирчоқ ёки кучукча ясаб берар, ёҳуд ўғилчасини чўмилтираётib роса ўйнашар, пол, ўчоқ, деворларга сув сараб, ҳамма ёқ шалаббо бўлиб кетарди; бундай пайтларда, ўзини-ўзи ишонтиришга ҳаракат қилганидай, Шани чинданам ҳаётидаги яккаю ягона овунчоги бўлиб қоларди. Бироқ бу эрмаги нари борса ярим соатга, кўпинча эса унга ҳам бормасди. Дарҳақиқат, уззукун ўғли билан ўйнашиб-кулишиб ўтиrolмасди-ку, ахир. Онасининг қувноқ кулгиси тинди дегунча Шаника ҳамиша оёқ остида ўралашадиган, минг хил илтимосу инжиқликлари билан безор қилиб, ишдан қолдиради-

ган серхархаша тўполончига айланарди-қоларди. «Ойижон, нима қиляпсиз?», «Ойижон, бу нима?», «Ойи, менга беринг!» ва ҳоказолар Жофининг бўлса унни нима учун элакдан ўтказаётганини тушунтириб ўтиргиси келмас ёки тухум саригига Шаниканинг қўёлини теккизишини истамасди... Лекин болага нимадир деб жавоб қилиши керак эди. «Унни элаяпман, қўзичогим», ёки: «Қўй, бунга қўл теккизиб бўлмайди, бу бижи, қўлинг ифлос бўлади!» — деб жавоб берарди. Бироқ бундай ярим-ёрти жавоблардан кейин Шаниканинг саволлари бешбаттар кўпайиб кетар, саволларига жавоб беришни талаб қилиб туриб олар, баъзан эса бирон нарсани амалда ўзи синааб кўрмоқча уринарди. Унинг саволлари, ҳатто таҳдидли, ногаҳоний сокинлик ҳам Жофини ишдан ёки сураётган хаёлидан чалғитолмасди-ю, лекин дикқат-эътиборини пароканда қиласар ва у аллақандай караҳт кайфиятга тушиб қоларди. Кўпинча у ўзининг ғалати бир фаромуш ҳолатидан аранг қутулиб оларди.

Мустақил ҳаётнинг ушбу дастлабки босқичида у кичик синглиси Мари билан иноқлашиб қолди. Мари кўзлари катта-катта, онасига ўхшаган оғиркарвон қиз бўлиб, Жофи билан ўртанча синглиси, қайлиқча, отасига тортган, қотмадан келган эди. Жофи узатилган пайтларда Мари доимо бурни оқиб юрадиган қизалоқ эди, ҳадеб афтингни юв деб мажбур қилишгани-қилишганди. Лекин шу кейинги йил ичиди, оширилган хамирдай кўпчиб, бўйи ўсиб, очилиб-яшнаб кетди, ўн беш ёшида нақ нақш олмадай етилди. Ширмон юзи ёш болаларникiday дўмбоқ ҳамда меҳрибон кўринса-да, бироқ етуклик уфуриб турар, ёшлик-навқиронлик қони тепчиган қирмизи териси таранглашганди. Марі итоаткор, бир сўзни икки қилмайдиган қиз бўлиб, ботбот тоби қочиб турадиган опаси, кейин, нотариуснинг бўлажак ёстиқдоши ҳам, рўзгор юмушларини унга қўшқўллаб топшириб қўйишганди, бунинг устнiga қизгина хўжалик ишларида акаси Палига ёрдамлашишга ҳам вақт топарди денг. Қаддини ростлаб, бойиш кўчасига одим қўйган бу хонадонда ёлгиз шу қизгини асли деҳқон фарзандилигича қолғанди, холос. Сабр-тоқатли, меҳнатсевар бу қиз, гоҳо-гоҳо қайлиқ опасининг бичик-тиқик ишлари ҳақида минғиллаб қўйишини ҳисобга олмаса, нолиш нималигини билмасди. Лекин унинг бундай минғиллашларини ҳеч қайсилари ҳатто

сезмас, эътибор ҳам бермасди — бутун хонадонни Илуш бошига қўнажак баҳт қуши маҳлиё этиб қўйган-дай эди.

Бу мазлума синглиси Жофи учун ғоятда асқотиб қолди — бир оз ношудроқ бўлса-да, у ҳам, жуда ёш эди; Жофи синглисида ўз ёшлиги аксини кўрар, у ҳам ўзи босиб ўтган ҳаёт сўқомгидан бораётган бўлса-да, ҳар қалай, опасининг устун томонларини тан оларди. Ота-онасининг Илушни деб эс-ҳушларидан айрилаёзганлари, гўё бошқа болалари ўгайдай, унинг атрофида парвона бўлишлари Жофининг иззат-нафси-га қаттиқ текканди. Аммо у камситилаётгани учун ошкора аламини олишдан истиҳола қиласди, бироқ бутун рўзгор заҳмати зиммасига юкланиб, жони азобда қолган Мари учун бемалол заҳрини сочса бўларди.

— Аҳмоқсан, ҳамма ишларни қиласан, сен ҳам ҳаққингни юбориб ўтирма-да,— деб уқтираверди у то фаросати камроқ Маришканинг милясида ола-сингиллик ҳақ-хуқуқи тенг-ку, деган фикрни уйғотмагунича.

— Ойим дастурхонлик мато олиб келдилар,— деди бир куни Мари оғзидан туфук сачратиб: у ҳаяжонланиб гапиришга ўрганмаган, жуда камдан-кам пайтларда шошилиб гапиради-да.— Аллақачон Мозешиха билан йигирма форинтга ўшангага гул тикиб беришни гаплашиб ҳам қўйибдилар.

— Мозешиха билан гаплашибди? Вой бойвуччалар-эй! — тутақиб кетди Жофи.— Ҳа-я, бунга Илушхоннинг вақтлари бормидики!

— Ҳали, кўраман, ойим менинг дастурхонларимга ҳам гул тикириб берармикинлар,— давом этди сўзида Маришка, аста-секин норозиликка тушуна бориб.

— Сен ҳам чўлоқ-маймоқ бўлсаям битта-яримта нотариусни илаштиранг, ҳатто чойшабларингга ҳам тўр тўқиттириб беришади.

— Бошимга ураманми! Илушни ялаб-юлқашларини кўриб қўнглим айниб кетай дейди.

Бундай суҳбатлар гоҳ гул тикиладиган дастурхон, гоҳо Илушнинг шаҳарда энг олди шляпасидан (уни ҳатто кекса Куратор ҳам кийишига рухсат бермаганди) бошланиб, ҳамиша бир хилда тугарди: «Шўрлик Шандор, раҳматли поччянг, тўғри, етуклик шаҳодатномаси бўлмаса ҳамки, унинг битта жимжилогининг ўзи бунақанги бутун бошли нотариусдан аълороқ турарди».

Бора-бора Жофи Марикадан сир олиб, жимжилоги «бутун бошли нотариусдан аълароқ» турадиган одам ёлгиз раҳматли эригина эмаслигини билиб олди. Мари мавлуд байрами арафасида, икковлари ўринда ётганларида опасига юрак сирларини очди: Жофи ўша куни байрамни бирга ўтказиш учун Марикани уйига чақирганди. Пали граф егеридан арча шохини олиб келиб берди, «Қумуристқахона» қовоқхонасидан шамчироқчалар келтиришди, Мари печенье пиширди, кечки пайт уни арчага осиб қўйишиди, буни кўрган Шаника ўзида йўқ хурсанд денг. Унга бир неча дона ёнгоқ, сурнай беришди, Ковач бувиси аскарча қалпоқ бериб юборибди, бироқ Жофи уни ўғлига бермади. Шам-чироқчалар билан безатилган арчадан Шаника хурсанд эди, лекин сурнайчани сирини билгандан кейинги хурсандчилигини асти қўйверасиз. Қип-қизил лунжлари қаппайиб, кўзлари косасидан чиқиб кетгундай чақчайиб пуфларкан, шам-чироқчалар иссигидан арча таратаётган анвойи исга тўлган хонада таралаётган сурнайча овозига ўзи ҳам омухта бўлиб кетгандай эди. У оғзидағи сурнайи кўкрагига тушганча ухлаб қолди, Маришка чўккалаб жиянининг бошмогини ечди, Жофи ўринни тузатиб, ёстиқларни қаппайтипаркан, ўтган галги мавлуд байрами, эри ҳақида ҳикоя қиласарди.

— Шандор ошиқ бўлиб юрган кезларда мен ҳам худди сендай эдим...

— Хўш, қандай, нима бўлганди ўшанда? — сўради Мари, кейин Шаникани опасининг ўрнига ётқизди-да, одатда бекор турадиган иккинчи каравот олдига бориб, кофтасини еча бошлади.

— Янош кунини байрам қилаётган эдик, дадам уни ҳам уйимизга таклиф қилганди, Шандор ўша пайтларда янгигина урушдан қайтган эди-да. Бизни-килар ўша кезда аллақандай миллий қўриқчилар отрядини тузишаётган эдилар. Шандорни бўлса ўша отрядга бошлик қилиб мўлжаллашганди. Оқшом бўйи шу ҳақда гаплашишди, ҳамманинг, ҳатто кексаларгача, қулоғи Шандорда эди, ўзиям сиёsatни жуда яхши биларди-да. Мен, албатта, дастурхонга у-буни ташиб турардим, холос, шунда ҳам уни яхшилаб кўриб олдим — бирам келишган эдики, қўйверасан, винодан, гапираверганидан лоладай қизариб кетганди. Овқатланиб бўлганларидан кейин ашула бошлашди, ойим

әшикни қия очиқ қолдирганди, шунда биз болалар ҳам секингина ичкарига кирдик. Мен девор ёнига, Шандорга кўринадиган жойга туриб олдим. Қарасам, ўзи ҳаммага қўшилиб қўшиқ айтлти-ю, менга тикилиб-тиклиб қўяяпти.

Мехмонлар ортиқчароқ ичиб қўйиб, бир-бировларини жигига тега бошлашди. Аллаким Шандорнинг қитигига тегишига тушди: э, йигит, ҳужумчи батальонда бўлиш сенга йўл бўлсин, тўғри, панароқда, арава-парава ҳайдаб, битларга ем бўлиб юргандирсан. Шунда Шандор картмонини чиқариб, ундан суратини олиб: мана, ишонмасанглар кўриб қўйинглар, деб кўрсатди. Кейин шартта ўрнидан турди-да, (ҳозир ҳам шундоқ қўзимга кўриниб турибди де), суратини кўтарганича менга яқинлашди. Суратга бўйи баравар тушган экан, бошида товоққа ўхшаган ғалати нарса, қўлида бўлса кичкинагина граната. «Мана, қанақа важоҳатли бўлганимни кўриб қўйинг, деди, ўша пайтда менга рўпара келганингизда эсхонангиз чиқиб кетарди-ёв!» «Сираям-да, тирноқчаям қўрқмасдим»,— деб жавоб бердим-у, кўзларига тикка кулиб туравердим. Ўшандан кейин ҳаерда учрашиб қолмайлик, даханаки жангга тушиб кетардик...

Пилиги пасайтирилган чироқ бир-икки лип-лип этиб ўчди. Жофи ўғилчасининг бошини тўғрилаб қўйди-да, қўлини ёстиқ остига тиқиб ётди; юзи топ-тоза муздек ёстиқ жилдга тегиб, ҳузур қиласади. Мари бўлса ўринда жимгина ўтиради. Жофи уни кўрмасди-ю, лекин синглисининг ётмаганини, қўлларини тиззасига қўйиб, кўзларини катта очганча, қимир этмай тун зулматига тикилган кўйи ўтирганини сезиб турарди.

— Нимага ётмаяпсан? •

— Шундоқ, ўзим.

Шунда ногаҳон Жофини кўнглига илк бор, эҳтимол, Марининг дилида ҳам бир гап бордир, деган фикр келди: негаки, синглисининг юраги тепишига қулоқ тутиб, каравотда индамай ўтириши жуда ғалати туюлганди унга.

— Хўш, сенга-чи, бирон киши ёқадими сенга?— деб сўради у бир оз жим ётгач.

Мари индамади, ёстиққа бошини қўяркан, мингиллаб қўйди, холос. Жофи озроқ сукут сақлаб, кел, ҳадеб суриштиравермай деган ўйда ўрнига яхшироқ жойлашиб олди. Шу пайт Мари тўсатдаи, тагин опаси

уйқуга көтиб сири ичида қолишидан чўчигандай, юрагидагини ёрди:

— Балажни танийсанми? Буёққа яқинда келгай, жандарм сержанти, жуда чиройли йигит. Ана ўшани.— Диридаги сирини очди-ю, бу бақувват, дуркун қиз нафаси тиқилгандай энтикиб қолди.

Демак, сержант экан-да! Жофи чурқ этмади. Башарти шу топда вужудидаги ота-онаси хонадонида сингган хислату руҳияси уйгонганида борми, Жофининг чапак чалиб: «Ё, Исо, эсинг жойидами, Мари, аллақандай сержантни-я! Ойим билиб қолса, нақ терингни шилади-я. Тўғри, у оддий сержантча эмас, жандарм сержанти, шляпасига укпар қадаб юради, кейин кекса Қураторнинг ўзи ҳам уни «жаноб сержант» деб улуғлайди, олдинроқ салом беради унга, лекин, ҳар қалай, у битта ёлланган хизматчи, вассалом. Бағавлат хонадондан чиққан йигитнинг жандарм хизматида қолганини эшитганми ҳеч ким?»— деб бобиллаб бериши турган гап эди. Жофининг амма-холаларидан бирин темирийўлчига текканида бутун оилаю уруғ-аймоғи ундан юз ўтирганди. Жандарм бўлса темирийўлчидан ҳам бешбаттар, жандармга кўнгил бериш энг пасткаш иш-а... Бироқ Жофи соч юлиб, чапак чалмади, уйни бошга кўтариб ув тортмади, аксинча, қалбини ширип бир бадхояллик туйғуси орзиқтириб юборди — гўё Маришканинг бу муҳаббати соясида ота-онасидан аламини оладигандай туюлди.

— У сендан анча катта,— деди у маккорлик билан,— иинайхайнин, тенгинг эмас... кўпни кўрган сийқатаёси: бунақанги жандармларга хостиnlар асалга ёпирилган пашшадай ёпишадилар.— Ўзи бўлса шу топда сержантнинг ўйнашиб чимдиб олганини эслади.

Жофининг чапак чалиб, опаси шубҳасиз айтадиган гапларни айтмагани Марига ёқиб тушди. Унинг кўнглидаги ишончсизлик барҳам топди. Эндиликда қизалоқ чоққина керосин чироқ шуъласида Жофи билан дардлашадиган оқшомларни сабрсизлик билан кутадиган бўлди. Шаника синиб қолган сурнайчаси билан озора, Жофи эса ўғилласининг пальтоси енгини тўртинчи марта бошқатдан ўтқазиш билан банд. Марига келсак, оламда унинг юрак тепишини ҳамма нарсадан, ҳатто «тавакқал» қилиб эрта эккан картошкаларини совуқ уриб кетмасмикин деб юрган Кү-

раторларнинг ташвишидан ҳам устунроқ қўйгувчи өдами бор эканини ҳис этиб, хотиржамгина ўтиради. Аслини олганда, опа-сингил сержант жандарм тўғрисида айтарли гаплашмасдилар ҳам. Жофи суриштириб ўтирасди; борди-ю, Мари гап очса, фақат қулоқ соларди, холос — нима ҳақда суҳбатлашсалади. бари бир эмасми, ахир? Баъзан орадан Мари ниҳоя ўзи бу ҳақда гап очмагунча уч-тўрт кунлаб ўтиб кетарди. «Бугун Балаж дадамнинг олдига кирди, анави ёнгин масаласида... кимдир, шунчаки эрмакка қамиши ни ёқиб юборганмиш, шу ростмикин?» Ёки: «Кати Пордан нуқул, ўқимишли одамга тегаман, деб мақтаниди-ю, ўзи бўлса ҳар куни кечқурун жандармнинг кулбаси атрофида ўралашиб юради!» — деб қўярди. Шунда Жофи қисқагина қилиб: «Сен билан гаплашишга уринмадими?» — Ёки — «Тагин ўша сепкилдорга рашк қилаётган бўлмагин?» — деб гап қистиради. Лекин, Марини севги ҳангомалари гирдобидан юлқиб олиб, муҳаббат китоби саҳифаларини варақлаши учун шунинг ўзи кифоя эди. Сержант Маришкага борийўги уч-тўрт мартагина, шунда ҳам: «Дадангиз бугун уйда бўладиларми?», «Маришка, шеригимни яқин атрофда кўрмадингизми мабодо?» каби савол билан мурожаат этганди, холос. Бир гал у гов ортидаги қудуқдан пақирда сув тортиб берди, бирпасда олиб бераман, деди ўшандা хушмуомалалик билан. Қисқаси, бунақангি воқеаларни барини жам қилганда бармоқ билан саналарли эди-ю, аммо қишлоқни ярқироқ жандарм сержанти мундиррида айланиб юрадиган бу киши аллақандай қаланғи-қасанғи бир ўткинчи эмас, балки мўйлови сөрбар, иягиға бирам ярашиб турган, лабларидан бол томадиган жиддий, кўнгил берса ағзийдиган эркак, деб қатъий қарорга келиши учун шунинг ўзи ҳам кифоя эди.

Жофи Маришканинг хотиржам, завқ-шавққа тўлий-кайфиятини бузмас, қўлига ҳеч эрк бермадими, дебирор марта сўрамасди ҳам. Бундай меҳрибонлик, бундай тавозе ортида нималар яшириниб ётганичи, ҳатто Маришка тенгиларнинг дилида қандай гаплаш бўлишини у жуда яхши биларди, бироқ Маришка шундай дуркун қиз бўлса-да, ғирт бефаросат эди. Жоғига эса унинг худди ана шу жиҳати — жўн, ҳар қандай макрдан ҳоли муҳаббати ёқарди, синглисининг бу муҳаббатига аёлларга хос зарурий ҳийла-найранглар билан.

лан ишлов берарди. Маълум бўлишича, Пали аллақачон сержант билан ошналашиб олибди, якшанба кунлари эса бирга сайр қилишаркан.

— Ҳа, ким билан дўстлашишни биларкан, буниси кундай равшан... Сен бўлсанг, ўзингни ҳеч нимани пайқамаган қилиб кўрсатавер,— деб ўргатди Жофи синглисига.— Шўрлик эrim, то унаштиргунларича у билан жиддий гаплашяпманми, лақиллатиб юрибманми, фарқига ҳам бормапти-я.

Марига берилган бундай оқилона сабоқлар зое кетаверди: сержантга сал яқинроқ бориб қолди дегунча узун, қилт этмас мижгонлари остидаги кўзлари ҳайрат ва бахтиёрликдан нақ ўт бўлиб чақнарди. Шундай бўлса-да, опасининг ўйтларига, ҳар қалай, бажону дил қулоқ соларди. Унинг наздида Жофи аллақандай аёллик санъат-маҳоратидан воқиф бир олий зот эди-ю, ана шу санъат ёрдамида Мари, худди Жофи марҳум Шандорни ром этгандек, ўзининг сержантига етишадигандек эди. Марининг ишончини қозонганидан Жофи ғоятда мамнун эди. У мана шу бефаросат синглисига тикиларкан, гап-сўзсиз, фақат хаёлидагина тикланаётган нозик муносабатлар иштирокчиси бўлаётганидан, тунлари деразасини келишилгандай чертишлариди үз қулоги билан эшитгандан кўра кўпроқ ҳузур қиласарди.

Жофи илгари Балажни атиги икки маротабагина кўрганди, холос; бироқ йигит аллақачон унинг Марининг опаси эканини билиб олган чоги, негаки, ёндан ўтганида ҳар гал честь беради. Яна-тағин дент, қаддини гоз тутиб, милтиғи тасмасини таранг тортиб, бутун вужуди билан анавиндаги шўхлигидан ўқинаётганини намойиш қилиб, ғалати қадам ташлаб ўтади.

«Гўдайиб юришларига ўлайми»— деб мийиғида кулиб ўйарди дуррасини кўзигача тушириб танғиб олган Жофи, ичida эса, намунча иккιюзламачи бўлмаса-я бу оркаклар, бари бир ҳаммаларингни дили-дилингдагигача кўриб тураман, деб ўйларди.

«Буниси бўлса ахийри Маришканинг ўттиз хольдини қўлга киритади-ёв»,— деб хаёлидан ўтказди у илиқ март куниларидан бирида уйи олдидаги боғчада уймалашаркан. Ажаб бўпти, чол-кампирнинг жаззаси шу — анави Илушлари билан қўшилишиб буларнинг ҳам бурнилари роса кўтарилиб кетганди-да ўзиям! Кейин — Маришкага худди шу керак! Ҳозирги қизлар

Жофининг вақтидагига қараганда ақллироқ: бирорта-сининг дәхқонга теккиси йўқ. Мабодо Илушга ўхшаб жаноблардан бирортасини тузогига илинтиrolмаса, Тери Кертесга ўхшаган графнинг хизматкорига бўлса ҳам тегиб олишнинг пайдан. Эртаю кеч трубка оғзидан тушмайдиган бирорта дәхқоннинг елкасини уқалаб, бодини тарқатиш учунгина оламга келган Марышкадек қизнинг ҳам бошини айлантириб қўйгани дугоналари. Э-ҳа, кошки эди Шандор ўшанда овга бормаган бўлса, унда Жофи ҳозир бойвуччалардай ҳузур-жаловатда бўларди-я. Яхшиямки баҳтига Шаникаси бор... Бўталогига борлигига шукурона ўқиётгандай, Жофи ёнгинасида белчаси билан жўяклар оралигини чўқилаётган гўдак устига энгашди.

— У ерни қўй, Шаника, онангнинг юмшатган жоини ковла.

— Йўқ, шу ер яхши,— сўзга кирмади болакай, Жофи эса унинг қайсаrlигига қувонди ҳам. Отаси ҳам, онаси ҳам бир сўзли бўлганидан кейин, болалари улардан ўтиб қаёққа ҳам бораради дейсиз. Жофи Шаниканинг пақирчасига, нотариуснинг Лайчикасиникидан сира-сира қолишмайдиган камзулчасига қувонч-ла кўз ташлади. Ўғлининг ҳамма, ҳамма нарсаси ҳеч қайси бойваччаникidan кам бўлмайди!.. Кўча томонидан Кати Порданнинг: «Яхшимисан, Мари, Жофини-кига келяпсанми?»— деган овозини эшитганида, бу атрофдаги қайси гимназия тузук экан, деб танлашга тушган пайти эди.

Катининг овози ғалатироқ эшитилди, шунда Жофи дарҳол ўзига келиб, тез гов томон юрди. Қараса, кўчада синглиси келяпти, ёнида эса сержант, Катининг овози шунинг учун титраброқ чиққан эканда. Маришка оғзи очиқ пеъчи ёнида тургандай қип-қизариб кетган, узун қўллари оқ шолрўмоли остидан беўхшов чиқиб туради. Жоfiga кўзи тушиб, уни боғчада учратаман деб кутмаганидан тамоман ўзини йўқотиб қўйинб, ҳамроҳи билан хайрлашишни ҳам, ёки Жофи билан гаплашишни ҳам билмай, довдираб қолди. У тўхтади, сержант ҳам, бироқ жўнаб қолиш йигитнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Жофининг юраги бир орзиқиб тушиб, гурс-гурс ура бошлади. Жофи ўзининг аёллик тажрибаси борлигидан хурсанд эди: у шу ерда, у ҳозир бу довдираб қолган тентак қизни мушкул аҳволдан халос этади.

— Меникига келяпсанми? — деди Марига ва ғовга яқинроқ борди.

Сержант карабини тасмасини таранг тортиб, честь берди.

— Мана, Маришкани кузатиб келдим,— деди у, ўзини эски танишлардай бемалол тутишга тиришиб.— Маришка лойда тойиб кетса ақалли суюнчиқ бўлай дедим,— деди-да, хижолат бўлганини яшиromoқ ниятида хаҳолаб кулиб юборди.

Балаж Марини кузатиб келганига Кураторларнинг кэтта қизи қандай қарашини билмасди, бироқ қора дурра остидан боқиб турган кўзларда дўстона табасум учқунланди, бу учқунлар синглисига бўлган яхши туйғу-тилакларининг акси эди.

— О, мен бўлсам бу ерда роса ташвищланиб ўтирибман-а,— жавоб берди Жофи ва хаёлига келиб қолган тасодифий фикрдан ўзи ҳам таажжубланиб хандон отиб кулиб юборди: бу гап қаёқдан кела қолди-я хаёлига? Маридан яна бир карра кулиш, айни чоғда унга далда бериш учунми?..

— Ия, бу қаҳрамон ким бўлди? Ҳали шундай капкatta ўғлингиз ҳам борми?— сўради сержант, уни — хоним, Жофи ёки яна нима деб аташни билмай.— Мана, кўриб қўй, биродар, менинг шляпам сеникидан ҳам чиройлироқ!— деда у онасига кўтар деб хархаша қилишга тушган болакайга патлар қадалган бош кийимини узатди.

— Бер! — деди Шаника.

— Қўй, яхшимас! — шаштидан қайтарди онаси.

Сержант эса қалпоғини, тасмасини паствга тортиб туриб, болага кийгазиб қўйди. Шаниканинг ўтакаси ёрилиб, кўзию қулоқларигача ёпиб тушган қалпоқни қўшқўллаб жон-жаҳди билан ечмоқчи бўларди.

— Тфу, сассифакан! — чинқирди у қалпоқни босидан аранг оларкан, ўша замоноқ, бу ёмон амаки кетсин, деб тарҳашлик қила кетди.

— Жуда бир сўзли йигит бўлади бу,— деб кулди сержант.

— Бу ярамас қандай қайсар, қандай ўзбошимчаки? — ғуурор билан деди Жофи.— Айтгандай, бунинг ажабланадиган жойи йўқ, дадаси ҳам, онаси ҳам тутган еридан кесадиганлардан, улардан ўтиб қаёқча борарди дейсиз.— Шу топда, у боғчани чопаётib кўнг-

лидан ўтган гапларни беихтиёр овоз чиқариб тақрорлаётган эди.

Сержант кам деганда яна ярим соатча гов ёнидан силжимади, ниҳоят опа-сингил уйга киришди-ю, жиҳозлар билан тўлган нимқоронги хонада ўзларини қаёққа қўйиши билмай қолишиди. Ҳозиргина бўлиб ўтган манзарадан чурқ этиб оғиз очмадилар-у, лекин икковларининг ҳам кўзлари чақнар, қўллари эса юмуш изларди. Мари опасининг ҳозир: ёнингга қандай келиб қолди, нима деди, ахир йўлда мум тишлаб келмагандир-ку, дея сўраб-суриштиришини кутарди. Бироқ Жофи, худди сержант Маришкани ҳар куни кузатиб қўядигандек, бу ҳақда гап очмади, шундан сўнг хотиржам тортиб, хижолатпазлик ўрнини ошкора қувонч түғёни эгаллади. У гёё сузмоқчидек бошини эгиб: «мў-ў-ў!»— деганча Шаникага даф қилди, сўнгра тўсатдан қаҳқаҳ уриб, болакайни чинқиртирганча шартта кўтарди-да, диванга ташлаб, ўйната бошлиди. Бундай дамларда у ниҳоятда беўхшов ҳаракат қиласарди.

— Буни қаранглар-а, жазаваси тутиб кетди-ку!— жилмайди Жофи, уй ишлари билан куймаланишаркан.

У печга одатдагидан ярим соатча илгарироқ ўт қалади, кейин якшанбада пишириладиган ширин кулча учун ёнгоқ чақишига тушди, иш орасида, дам-бадам ҳадеб тозалаб тайёр қилиб қўйилган ёнғсқ мағзига чўзилаётган ўғилчаси қўлини шапиллатиб уриб қўярди. Хаёли эса боя сержант Маришканинг боши узра ўзига тикилганидаги фитнакорона нигоҳи билан банд эди. Кўзлари жилва қилиб тураиди-ю, аммо айни чоғда жиддий боқарди: бу кўзлар Мари ҳали фаҳмига етмайдиган бир нарсага ундарди. Ана шу сирли нигоҳ Жофи қалбини ўз устунлигини ҳис этишдек мамнунлик туйғуси билан тўлатди. У Маришканинг ҳаяжонига халал бермади — Мари ҳаётда ҳали нимани ҳам биларди! Синглиси аллақачон уйга кетган, ўгли аллақачон ухлаб қолган бўлса ҳамки, у ҳануз гардероб олдида ўралашар, ичидаги ҳамма нарсани титкилар, пастда турган буюмларини тепага тахларди. Эркак кишининг кучли қўллари ўринда танасини фижимлаган пайтлардаги лаззатбахш ожизлигини эри ўлганидан бери ҳозиргичалик ёниб, ловиллаб қўмсамаганди —

қани, ўзингни қўлга ол, Жофи, йўқса ҳозир адойи тамом бўласан-а!

Эртасига якшанба эди. Якшанба кунлари Шаника тушдан кейин хирож йигарди. Бобоси битта танга, бувиси ёнғоқли, тепасига қизил қиём сурилган кулчалар билан сийлашарди. Олдинига Шани бир-икки кулчани бутун ер, сўнгра бўғилиб, томогидан ўтмай қолгач, фақат устидаги қиёминигина ялашга тушарди. Жофи якшанба кунларини онасининг ёнида, ўзоқ бошида ўтириб ўтказарди. Ясатиғлиқ хонада эса нотариус билан Илуш шивирлашиб ўтиришгани-ўтиришганди, Жофининг у ерга киришининг эса ҳеч қандай имкони йўқ эди.

— Ўзингиз ҳам биласиз-ку, ойижон, поездда ҳам хўжайин билан хизматкори алоҳида-алоҳида ўтиришади,— дерди онасига нафратомуз, зотан у ўзини сирасира Илущдан паст қўймасди. Ота-онасининг уйида ҳамиша ўз уйидагига қараганда тақдиридан нолиб ўн чандон кўпроқ кўз ёши қиларди. Шиква-шикоятию нолишлари билан Жофи фақат еб-ичишу ётиб ухлаш билан банд ҳамда унинг кафтдаккина улушкини ҳам ишлаб беряпмиз-ку, демак ҳаммаси жойида-да, деб юрган оиласидан ўч олгандай бўларди. Ҳеч қайсилари унинг бу ерга келишига онасичалик тоқат қила олмайди. Укаси у остонаяга қадам қўйди дегунча қош-қовоги ўюлиб, ўшшаяди-қолади. Огир ётган бемордан ҳол сўрагандай: «Аҳволлар қалай, Жофи?»— дерди-ю, пайтини топиб, қизларга гап отгани уйдан жуфтакни ростлаб қоларди. Онаси эса, албатта, худди зериктириб юборадиган ёмғирга чидагандек, бечора Жофининг оҳу зорига сабр-тоқат билан чидашга мажбур эканини тушунарди. Бунинг устига, якшанба кунлари, Жофининг ноласига қулоқ солищдан бўлак бошқа эрмаги-ҳам йўқ эди-да, ахир. Бу якшанбада шўрлик қизи онасига ниҳоятда эзилган, асаби қўзигандай кўринди. Эрталаб эса Жофининг кайфияти бинойидек эди, хамир қоратуриб қўшиқ айтиб юборишдан ўзини аранг тийиб қолмаганмиди ахир. Лекин ҳозир, ўзоқ бошидаги курсига чўкиб, жажжи Шанини қархисидаги столга, печенье солинган идиш ёнига ўтқазаркан, бирдан тумшайди-олди. Ясатиғлиқ хонадан эшитилаётган кулги асабини қўзгадими (намунча қийшангламаса бу, Илуш), унинг дард-аламини эшитишга тайёр эканий яққол кўзга ташланиб турган онасининг башараси

(худди Жофи нақ умрининг охиригача нолишдан нағрига ўтолмайдигандек) жигига тегдими, сабабини билбўлмасди.

— Уларга яхши! Қиқирлашгани-қиқирлашган, ташвишлари йўқда!— деб эшик томонга ўқрайиб қўйди.

— Кулишяптими, ишларқ жойида деявер. Мана мени, кампирни эса куладиган пайтларим ўтиб кетган!

— Мени-чи?— ловиллаб кетди Жофи.— Энди йигирма иккига кирдим. Маца Семлер мактабни мен билан бирга битирган-ку, ҳалигача опаларининг тўйида дугоналари билан ўйинга тушиб юрибди. Менчи — мен адойи тамом бўлдим!

— Ҳали ҳеч гапмас, ҳаммасини кўрмагандай бўлиб кетағсан, қотиб-қотиб куласан ҳам,— таскин берарди онаси.

— Мен-а? Бу дунёда мен этигини тозалашни хоҳладиган эркакнинг ўзи йўқ,— шартиллатди Жофи, лолақизгалдоқдай қизариб.

Кампир, тагин столдан йиқилиб тушмасин деб чўчигандай, Шанини ушлаб қолган бўлди, аслида эса шунчаки ўзини қизининг кўзидан олиб қочмоқчи эди. Лаблари айёrona чўччайди, илжаймоқчи бўлди, жаҳли чиқдими, ким билади дейсиз, ҳар қалай у жим тура олмади:

— Тақводор ойимни қаранглар-у! Одамлар айтишича, сизга ҳам керакли аллаким бормиш-ку!

— Менга-я?!— деди Жофи, сал бўлмаса нақ юрагига наштар санчилган аёлдаи чинқириб юбораёзди.

Кампир гўё пушаймон еяётганга солди ўзини:

— Вой шўrim, нимагаям айта қолдим-а бу гапни. Оғзимдан чиқмасдансқ ёқамга ёпиштиришингни, ўт бўлиб ловиллаб кетишингни билардимку-я. Анави яшшамагур қайнанажонинг яна фисқу фасод тарқатишига ўзингнинг ҳам ақлинг етмасмиди. Мен-чи, мен қари аҳмоқ, нимагаям дарров тўкиб-сола қолдим-а ҳаммасини!— деб ўзини-ўзи койий кетди, аслида эса пешиндан бери бутун фикри-ёди қизига бу ғийбат гапларни қандай айтсамикин деган ўй билан банд эди. Эрталаб олдига Кати Порданнинг онаси бирровгина кириб, қудалари ҳаддидан ошиб кетганини, Жофи ҳақида бўлар-бўлмас гап тарқатиб юрганини гапириб берди. Унинг айтишича, гўё Жофи содда Маришкага ҳомийлик қилиш баҳонасида эркакларни тақишириб

юрганмиш. Ўз уйида учраштиармиш уларни, калласи бор ҳар қандай одам ўша ерда, ғов ёнида соатлаб гап сотишлари сабабини тушуниб олади. Бунақанги ҳомийлик қилганларни кўпини кўрганмиз, деганмиш қайнааси.

Жофи ўрнидан сапчиб турди-ю, беихтиёр ўғлига ёниши.

— Яшшамагур жодугар! — ич-ичидан чинқирди у газаб билан, оғзидан ҳатто кўпик сачраб кетди.

Онасига эса бундан бўлак ҳеч нарса керак эмасди; у кексалик ҳадигини енгуб, энди мугамбирлик билан кўнглига туғиб қўйган режаларини ишга солар, қизини тергаб, насиҳат бераркан, оналиқ ҳақ-ҳуқуқини пеш қилишга уринмас, аксинча, барчага маълум гаплар билан уни ўраб-чирмашга уринарди. На чора, қўлимиздан нима ҳам келарди, ўйлаб қадам босишинг, ҳар бир қилмишингдан ўзингга-ўзинг ҳисоб беришинг керак, деб мингиллаб қўйди у. Одамларга қолса юзинг-кўзинг демай, йўқ ердаги гапларни бичиб-тўқишиади. Маришкага қандайдир сержант ёқиб қолганмиз, шу гапларга ишонарканми у. Ёки Жофининг Маришка баҳонасида уйига эркакларни чорлаётганига ишонармиди! Ахир унга, Жоfigа, аллақандай ёлланган бир қасанғи эмас, эътиборли бевалар совчи қўйганларида эшитишни ҳам истамайди-ку, ўша айғир тумшук билан девор ёнида соатлаб валақлашиб турарканми?! Асло, шўрлик күёвимни биладиган биронта одам бунақанги бемаъни гапни хаёлига ҳам келтирмайди.

Жофи кўзларидан онасининг ҳаммасини жуда яхши билиб, тушуниб сўзлаётганини кўриб туар; унинг устамонлик билан шама қиласётгани эса бетига тўппатўғри сен суюқоёқсан, ифлоссан деб айтгандан кўра баттарроқ қалбини ўртар, таҳқирларди. Онасининг олиб қочаётган кўзларida, қимтилган лабларida машъум шубҳа яширинганиди. Ана шу шубҳа қархисида Жофи тўйатдан ўзининг мутлақо гуноҳсизлигини ҳис этди. Газаб тулпорига миниб, гийбатчиларни қамчилай кетди:

— Қайнанам ҳаммани ўзига ўхшатади, ўз гази билан ўлчайди! — деди у фигони фалакка етгундай бўлиб.— Бечора қайнатам ўз уйида етти ёт бегона корандадай кун кўриб келади.

Аммо Жофининг тутақиши кампирнинг кўнглини дарров тинчлантира олмади.

— Уша сержант деразангни тиқиллатиб турганини аллаким кўрганмиш,— деди у ва совуққонлик, синчковлик билан қизининг афтига тикилди. Бу сўзлар гирт ёлғон эди, албатта, шундай деса, қизининг қай аҳволга тушишини кўрмоқчи бўлиб ҳаммасини ҳозир ўзи тўқиганди. Шундай деди-ю, шу заҳотиёқ заррача ҳавотирланмаса ҳам бўлишига ишонч ҳосил қилди; Жофининг ранги оқариб, кўз олдини туман қоплади, қайноқ кўз ёшлари икки ёногини юваб, пир-пир учеб, қийшаша бошлаган лаблари бурчи сари юмалай бошлади. Жофи онасини юматалай кетди:

— Ўзингиз ҳам мени чалпийдиган қаёқдаги маразларнинг гапига қулоқ солаверасиз! Оғзига кучи етмаган гийбатчиларнинг мени чалпишлари балки ёқар ўзингизга, зора елкамдаги ортиқча ташвишдан қутулсам, десангиз керак-да! Бир парчагина еримга қарашиш жонларингга теккандир-да! Анави бойвучча қизингиз кўнгли тусаганича нотариуснинг тиззасида ўзларини елпиб ўтираверсалар майлийкан-да. Ҳали қўрармиз, қорнини қаппайтириб, бўйниларингга юк қилиб ташлаб кетсин, бир жаззаларингни тортинглар ўшанда!

— Вой болам-эй, бир оғиз гап гапириб бўлмайди-я сенга, дарров лов этиб ёниб кета қоласан-а,— минги-рлади онаси.— Биласанми, қадимгилар нима деган: кўппакнинг ҳунари ҳуримоқ!— У эндиликда совуққон кузатувчидан яна ҳамма айтганларию барча қилмишлари учун узр сўрайдиган меҳрибон, саҳоватли кампирга айланган эди. Кўнглига қутқу солган ҳадик чекинган, энди у тагин дастлабки ҳолатига қайтса бўлаверар эди-да, ахир.

Бироқ Жофи боласини етаклаганича йўлга тушди, эшикка етганларида орқасига ўгирилиб қараган ўглининг қўлини жаҳл билан силтаб ташлади. Йўлакда рўпарасидан Мари келарди, йигидан қизариб кетган кўзларида саросималик, гангиш акс этиб турарди.

— Дадамларнинг шундай жаҳли чиққанки!..— деди у пиқиллаб, энтика-энтика.— Агар яна бир марта кўрсам ўлгидай дўппослаб, уйдан ҳайдайман дейди...

— Билганини қилмайдими, бир-бировларингни этларингни емайсанларми менга деса! Ўйимда иккинчи қорангни кўрсатма. Сенинг ўша отбашара хушторла-

ринг жатига гийбатчиларга эрмак бўлиш учун эримнинг покиза номига иснод келтирмай деб ўлиб қутулаётганим йўқ!— У ошхонада уймалашаётган онаси ҳам эшитсин учун атайин овози борича шанғиллаб гапирарди. Кейин Маришкани ўз ғами билан ҳоли қолдирив, физиллаганича чиқиб кетди уйдан.

— Кўтар! Мени кўтар!— деб хархаша қиласиди Шани одатдагидек, учинчи марта талаб қилаётганига ҳам қарамай онаси миқ этмай кетаверди, болакайнинг қисқа, дўумбоқ оёқчалари унинг шилдираб бораётган юбкаларига сира етиб юролмасди. Жофи бўлса ўғлининг қўлидан шундай силтадики, иккала калтагини оёқча ердан узилиб, бир неча одим жойгача худди қўғирчоқдек осилиб борди.

— Энди сени кўтариш қолувди!— қора дурра остидан қуруқ, мутлақо бегона ўшқирган овоз жеркиб ташлади уни, шунда Шани бу таҳлиқани сезди шекилли, нега деганда нафаси ичига тушиб, ҳиқиллашини ҳам бас қила қолди. Қўшалоқ мунчоқдек қоп-қора кўзлари қўрқув ва ҳайрат-ла жавдираганча, тўсатдан ўзгариб қолган онаси кетидан пилдираб борарди. Баъзан орқада қолиб, яна онасига етиб олишга уриниб ўша заҳотиёқ чопқиллашга тушарди, Жофининг қўли эса гоҳ кетга чўзилиб, гоҳ ёнига қайтарди. Гоҳ бу унинг Шаниси әмас, гўё бирор ҳар қадамда қоқиниб-суриниб юрадиган, уйимга олиб бориб қўй, деб бегона болани ётаклатиб юборганга ўхшарди. Шу дақиқада Жофи ўз яқинлари, туғишганларидан газабланиб, уларни нақ емоғда-ичмогда бўлиб борарди. Маҳкам қимтилган лабларидан Жофи эркакларнинг ҳуда-бехудага бироровларини куракда турмайдиган бемаъни сўзлар билан ҳақоратлашларини эшитиб ҳайрон бўларди, мана ҳозир у ўша сўконғичларнинг аҳволи-руҳиясини тушунди. Энг ёмон, энг ҳақоратли сўзлар билан овози борича қаргаса бирорни! «Сени шу пайтгача ҳеч ким бунчалик ҳақоратламаганди»,— деб фарёд уради аламзадаликда кабутардай типирчилаётган юраги. Ҳар хил кўргуликни кўрди у — қайнанаси уйидан ситиб чиқарди, Жофи бева қолганидан бери синглиси Илушнинг жуда бурни кўтарилиб кетди. Жофи улардан аччиқланар, таҳдиридан нолирди-ю, бироқ буларни ҳисобга қўшмаса ҳам бўларди, зоро унинг ўзи ўз қалбини жароҳатлар, йўқ ердаги аламу андуҳларни

ўйлаб топарди. Аммо-лекин энг кейинги бу ҳақоратга чиндан ҳам тоқат қилишнинг чораси йўқ эди.

— Ақалли ор-номусимни ўйлашса-чи! — деб мин-ғиллади Жофи, Шанининг олдига тақсимчада тушлик-дан қолган жаркопни дўқиллатиб қўяркан. У икки манзарани — гов ёнида содир бўлган ҳақиқий воқеа билан онаси таърифлаб берган манзарани таққослаб кўришни ҳатто истамади ҳам. Шу топда кўзига қалбига наштардай санчилган алам, кўнглига етказилган бекиёс озордан бўлак нарса кўринмас, газабнок, аламангиз сўзлар билан ҳақиқий манзарани ниқоблашга интилар, сержантнинг шўхчан, суқланиб боқишилари жисмида уйготган илиқ бир туйғуни ёддан чиқариш ниятида ҳаддан зиёд газабланарди. Худди шу аснода, эҳтимол, кам деганда ўн-йигирма чоғли хонадонда номимни чалпиб, гийбатимни қилаётгандирлар, деган ўйда Жофи ич-этинни ерди. Мана, кўз олдидан хаёлий манзаралар бир-бир ўта бошлади: ана, туtingан онахони Хорват хола механик Лакнинг хотини идишига сут қўйиб беряпти, у бўлса энтиканча: «Жофи Куратор өрсиз туролмабдида, ахир, ўргилай!» — деб бидилла-япти. Щунда нақ қулоқлари остида тутинган онахонининг, гўё уругининг ёнини олаётгандай, аммо гийбатчини рағбатлантирувчи оҳангда: «Тил бесуяқ, одамлар оғизларига келганини валдирашаверади, Жофи унақангি қизлардан эмасди-ку, айланай», деган сўзлари жаранглаб кетгандай бўлди. Ҳатто бидоннинг стол устидаги думалоқ сутли изи, механикнинг қуаш бурун, чакаги тинмайдиган қақажон хотинини ҳам яққол кўриб турибди денг. Қайнанаси-чи, балки ҳозир бу шумкампир овқат устида: «Жофи анча ҳовуридан тушиб қопти, энди у ойимчага сержант ҳам бўлаверармиш», деб миқ этмайгина колбаса тушираётган ландовур Йожкасининг қулоғига қуяётгандир. Кекса Куратор, эҳтимол, шу пайтда қош-қовоғи уйилиб, ертўладан тунука бидонни кўтариб чиқаётгандир. Онаси уни ҳовлида тўхтатиб, гапга туваётгандир, нега деганда, ичкарида, Мари билан бўйдоқ ўғли олдида бунақангни нарсаларни гапириб бўлмайди-да. Ана, онаси: «Бу сенмисан, Янош?» — дегандай бўлди. Қоронгида онаси ҳеч нимани кўрмайди. Жофининг қулогига яна ўша овоз эшитилди гўё: «Болаларнинг олдида айтгим келмади... боя Жофи билан гаплашгандим». Эндиликда Жофининг газаб-нафрати тиги отасига ҳам қаратилди,

жувоннинг наздида ҳозир отасининг қайнанаси билан механикнинг хотинидан фарқи қолмаганди. Дарвоҳе, у энди тугишганларидан ҳатто бошқаларга нисбатан кўпроқ нафратлана бошлади. Бу даҳшатли тунда ўй-йиларида чироқ атрофига тўпланишиб олиб гийбатга тушиб кетган бегонаю таниш-билишлар қатори улар ҳам ўз қизларини этини этга, суюгини суюкка ажратиб, оғизларини тўлатиб чалпиб ўтиришгандир, ахир...

Ўғли ухлаб ётибдп, унинг пиш-пиш ухлашидан хонадаги жимжитлик чандон ортгандай, дераза ортида писиб ётган тун ваҳимаси баттар зўрайгандай туюларди. «Чироқни ўчира қолай, йўқса, уйида Балаж борга ўхшайди деб ўлашмасин». (Жофи фамилияси билан айтаркан, гёё бу билан уни ўзидан янада олислатгандай бўлди. Шу дамгача у жувон тасаввурида сержант қиёфасида гавдаланиб турган әди: ҳа, унинг эпчили, чайир қомати, милтиги тифига кийдириб қўйилган яр-қироқ ғилофи ҳам. «Балаж» эса — мутлақо ёт нарса: оддий бир фамилия, Богарддаги иш бошқарувчини ҳам шундай деб аташади). У ҳатто ётишга ҳозирлик кўриб ўтирмаёқ шоша-пиша чироқни ўчирди. Кейин кўйлагини ечди-ю, худди ҳушидан айрилгандай, бошқа кийимини ечмай тўхтаб қолди. Миясида турли фикрлар тужгон ўйнарди: мана, у қайнанасининг рўпарасида туриб, бундан йигирма йил илгари кампир ҳақида тарқалган гийбат гапларни шартта-шартта башарасига айтипти. Жаҳали чиқиб кетганидан уни «сан» лаяпти. Сўнгра — зорланиб, лекин сабот билан! — отасидан ўз ерини қўшиб олишини сўради — «мен амаллаб бир кунимни кўрарман, одамларнинг кир-чирини ювиб, ўғлимни пешана терим билан боқаман, керак нарсани ўзим ишлаб топаман, сиз, бизга ҳеч нима, ҳа, ҳеч нима бермай қўя қолинг!» Кейин, шундоқ ёнгинасидан сержант ўтиб қолди, шунда у одамлар кўрсинг деб шартта тескари ўгирилиб олди...

Қандай ухлаб қолганини Жофининг ўзи ҳам билмайди. Бир пайт бола йигисидан уйгониб кетди. Шани ўрнида ўтириб олиб, ҳўнг-ҳўнг йигларди: тўсатдан уйгониб кетиб, қоронгида қўрқдан бўлса керак. Ким билади дейсиз, чўчиб уйгониб, зим-зиё қоронгига тикилиб ўзини қайсида дашту биёбоннинг қоқ ўртасида кўрганини? Бироқ гўдакнинг яна ўз кулбасига қайтиши учун Жофининг бир оғиз сўзи, қўлини салгина теккизиши кифоя әди. Болакай икки-уч пиқиллади-да,

сўнгра бир маромда, осойишта нафас ола бошлади. Жофи пишиллаб ухлаётган қўзичоғига қараб уйгоқ ётаркан, тагин бошига тушган кулфатларни эслади. Ташқари оқара бошлаганди чоғи; чий пардалар тушириғлиқ деразалар олди ёришиб қолгандай, чий парда орасидан гира-шира ёруғлик тушиб турибди, столда қорайиб турган нарсанинг нималигини элас-элас ажратса бўларди — бу кўза, каттакон тошойна ҳам гўё ён-атрофидаги қоронгиликни нари қува бошлаган кўринади. Ҳозир Жофининг боши кечқурунгига қаратанда хийла тиниқроқ, равшанроқ эди. Шаънига туштан иснодга, шунчаки насиҳат қилиши лозим бўлган одамдай, олисдан туриб назар ташлаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Жофи энди нима қилиши лозимлигини, унчалик бош қотириб ўтирамай, ҳеч қандай қийин-қисловсиз осонгина топди. Кечқурун жуда қийналиб кетган, сал бўлмаса боши зўриқищдан ёрилиб кетаёзганди-ю, аммо миясига ҳеч қандай фикр келмаганди. Ҳозир бўлса ҳаммаси тўсатдан ойдинлашди-қўйди. Бир ҳайнанасининг шармандасини чиқаради! Қайтиб ётгиси келмади, туриб чий пардаларни кўтарди-да, тагин бирор кўриб қолмасин деб ён томонга ўтиб, аста-секин қоронгилик қўйнидан чиқиб, шакли-тархи равшамлашиб бораётган акаслар, почта қаршисидаги симёғчалардаги чинни чиғаноқларга тикила бошлади. Жофи тезроқ йўлга тушиш ниятида тонг отишни сабрсизлик билан кузатди.

Ўғлини қўшниси Хоморникида қолдирди — унинг букри қизи ҳамиша Шани билан ўйнашга пайт пойларди. Жофи Берлинда тўқилган шолрўмолига ўралиб олиб, қишлоқнинг юқори чеккаси, Порданлар уйи томснга жўнади. Ҳаво илиқинча эди, Жофи шолрўмолини ўрамаса ҳам бўларди, бироқ наздидা шу рўмолни ўраса бевалигини тўла-тўқис ҳис этгандай туюларди. Икки қўлтиғидан ўтказиб ўралган шолрўмол гавдасини деярли яшириб, бутун вужудидан бевалик ғамташвиши ёғилиб турганга ўхшарди. Унга бир қиё боққан кимса: бу аёлнинг кўнглига эркак воти сигмаслигини дарҳол фаҳмларди. Айтмоқчи, кўчадан кетиб бораркан, Жофи қанчалик маъюс кўринмасин, қалбидан қатънат жўш уради. Дақиқа сайин ўйлаган режаси муваффақиятли чиқишига ишончи ортиб борарди. Бундан кўра оқилона режакни ўйлаб топиши амри маҳол: гийбатчиларнинг оғзига уриш учун у Пордан

кампирнинг опасини уйига ижарага қўяди. Пордан кампир бир ой муқаддам: «Жофиқа, иккита хонани бошингга урасанми. Биттасига ижарага одам қўймайсанми — масалан, опам Эржини. Эри вафотидан кейин Пештда хуноб бўлиб юрибди. Уй топилса бас — ўша куниёқ киндик ҳони тўкилган ерга келади», деб уни кўндиришга уриниб кўрганди. Ўшанда Жофининг жаҳли чиққанди: эси жойидами ўзи, арзимаган пулни деб аллакимларнинг хизматида бўларканми! Айниқса ўша пойтахтлик отинча ўзларини хоним ойимлардек тутарлар балки! Рост, эри Пештда бор-йўғи мактаб хизматчиси эди, холос, лекин бу хоним шляпа кийиб юрар, мақтанишда бойвуччалардан ошиб тушарди. Бироқ шу топда Жофи тўсатдан унинг кичик хонага кўчиб келишини жуда-жуда истаб қолди, майли, ўша қари тавия ўз кўзи билан кўрсин, уйига бирон кимса келдими, йўқми! Майли, юзлаб кўзлар пойлоқчилик қила қолсин, Жофининг бундан тирноқча чўчидиган жойи йўқ! Порданларнинг уругини ижарага қўйишдан айниқса хурсанд эди у. Бу ноинсоф гийбатчилар сал-пал уялишар ўшанда!

Ноинсоф гийбатчилар, она-бала шу аснода жомашов устида тер тўкиб, кир юваётган эдилар; гоҳ онасининг қип-қизил қўли, гоҳ Катининг заъфарон тусли қўли совунга чўзиларди; на онаси, на қизи чурқ этиб оғиз очарди, қўллари кўкимтири магзавада, қовоқлари уюлган, жиддий: бирининг дўмбоқ бақбақаси гёё осилиб кетгандай, иккинчисининг танқай бурни юзига кўланка ташлаб тургандай. Мабодо чўчқа боласи ҳамма ёқни пайхон қилган ёки бирон йўловчи тўсик оша саломлашиб ўтган пайтларни ҳисобга олинмаса, улар тогорадан ҳатто бошларини кўтармасдилар. Шунга қарамаёт, Кати Жофини олисда келаётганида пайқаганди, лекин қора шолрўмол узун ҳамда қия соя ташлаб турган панжара девор ёқалаб нари ўтиб кетиш ўрнига кўча эшик олдида тўхтаб, галақа шарақлагандагина онасининг биқинига туртиб қўйди.

— Ойижон, қаранг, Жофи Куратор келяпти,— деди Кати икки хил маънони англатувчи ўзгача овоз билан. Унинг овозидаги норозилик оҳанги уйдагиларга, му僚им-ёқимтойгина оҳанги меҳмонга қаратилган эди. Онасининг қўллари чойшабни сиқаётган кўйи тек қолди, милт-милт тер тепчиган бетини кўтариб: юмдалашгани келмадимикин, деган ўйда Жофиға шубҳа

билин тикилди. У кир тогора тепасида бамисоли ҳайкалдай қилт этмай турарди. Қизи шоша-пиша қўлинин артганча, курси олиб чиққани уйга югурди. Ҳаяжонланганидан бўйнида ҳалқа-ҳалқа қизил доғлар ҳосил бўлган, довдираб қолганидан ҳадеб ясама манзират қиласарди.

— Э-ҳа, Кати икковинглар роса ишга тушиб ке-тибсизлар-ку,— дея гапни олисдан бошлади Жофи, ниҳоят мезбонларнинг қистови билан курсининг бир четига омонаттина ўтиаркан.— Ўйингда гаплашадиган одаминг бўлгани тузук экан. Ойимга ҳам бир неча марта айтгандим, сизни кўргани тез-тез келиб турмасам бўлмас экан, йўқса, ўз овозим қанақалигини ҳам унтиб қўядиганга ўхшайман, ойижон, дегандим.

— Қайнанангницида тураверсанг ҳам бўлардику,— мингиллади кампир, ҳар эҳтимолга қарши мулоийим оҳангда, чунки у Жофининг гапни қайси томонга бурмоқчи эканини фаҳмлаёлмаганди.

Жофи ҳам осойишта жавоб берди:

— Бу ёғини сиз гапирманг-у, мен эшитмай, холажон. Қайнинг билан қазноққа киритиб, устингдан қулфлаб қўйишларига тоқат қилгандан кўра, ёлғизлик азобини тортганинг минг марта аълороқ экан. Қайнанам мени ким деб ўйлайди ўзи, сира ақлим бовар қилмайди. Балки нияти бирон фалокат юз бермасид:н бурун, мени әrimдан қолган энгил-бошга қўшиб ўша Йожкасига тортиқ қилиш бўлса керак-да.

Шу пайтгача у бу гапни сира тилга олмаганди; йўқ-йўқ, кампирга эмас, Йожкага ачинганидан. Илло, модомики эндиликда унинг бўғзига чанг соглан эканлар — майли, нима ҳам қиласади, унинг ҳам тиши ўзига яраса ўткир, ҳозир эса айнан шу гапни очадиган жонаси. Пордан кампирнинг юзига қизиқсиниш алмати қалқди, Кати бўлса ростдан-а, деб чинқириб юбораёзди.

— Сени яхши кўриб қолган, шуни-чун қўлидан чиқаргиси келмаган-да.

— Албатта-да, чиқаргиси келмади, ахир ҳозир ҳам ўз ҳолимга қўймаяпти-ю. Куни кечагина уйимга ишончли одамини юбориб, бориб айт, Шаникага тегадиган ердан оғиз очгудай бўлса, бутун қишлоққа шарманда қилиб, ёмон отлиққа чиқараман, дебди. Чунки мен ўша иркитга, судлашиб отасига тегиши керак бўлган улушни бари бир ўғлимга ажраттириб бе-

раман, деб пўписа қилгандим-да, очигини айтсам, ўшалар билан судлашиб ўтиарамидим, ўлсам ҳам ундаи қилмасман; кўзим очиқ бўлса, Шаникамни хор қилиб қўймасман, бувисининг садақасисиз ҳам куни ўтиб қолар. Лекин кампир ўлгурнинг ўтакаси ёрилаёзган экан, мени айтди дерсиз, ҳали мен тўғримда яна ёлғон-яшиқ гапларни бичиб-тўқиди.

— Оқни қорага чиқариб бўлармиди,— деб қўйди икки бети мош еган хўро здайд қип-қизил кампир.

— Ҳали-ҳозирча ўзим ҳам бирорта ўшанақсанги гапни эшитганимча йўқ,— мугамбirona гап қистирди Жофи.— Ҳозиргача бирон кимса юриш-туришимдан заррача нуқсон тополганий йўқ. Ҳудди қабрда яшаёттандай кун кечиряпман, бундан ортиқ яна нима қиласай. Лекин анави жодугардан ҳар нарсани кутиш мумкин. «Ойижон, борди-ю, бирор бир оғиз сўз билан чалпийдиган бўлса, бунга асти чидаёлмайман. Эримнинг шаънига иснод бўлади бу. Яхшиси, уйимга бирорта онахонни ижарага қўяман, у туну кун бирга бўлади, қаерга борганим ва ким билан гаплашганимни кўриб-билиб туради», дедим ойимга. «Қўй, болам, тез кунда сени безорижон қиласади, ўзинг ҳам биласан-ку, ундаи-ларнинг хархашиси кўп бўлади; бегоналарга оқсочлик қиласман деб сотиб олганмидинг уйингни», деб кўнмаяпти ойим.

Кекса Порданнинг совуқ, салқи башарасидаги ажинлари қимирилаб, бит кўзларида таъма учқунлари чақнади.

— Менга қолса, Жофи, уйингга бирорни ижарага қўйсанг ютасан. Одамларнинг қиласидиган ишлари йўқ, бекорчилика чакакларига қувват берадилар, уларнинг ғийбату фисқи-фужурларини эшитадиган қулоқ ҳамиша топилади. Менинг ўзим ҳам айтаман десам анча-мунча гапим бор, лекин, айтсам, сени йиглатаман деб қўрқаман. Бу шўрлик бошингга тушган ғам-ташвиш шундоқ ҳам етиб-ортади. Эсингдами, Эржика тўғрисида гапирганим, ахир, мен шундай бўлишини олдиндан пайқагандим-да. У аллақачон бемалол битта хонани то-пиб оларди истаган одамнинг уйидан. Лекин мен сенинг ғаминингни егандим ўшанда. Ёлғиз яшаш ярамаслигини ҳадемай ўзи ҳам билиб олади, деб қўйгандим ўзимча. У ахир, кечаси деразасини тиқиллатганларини одамлар эшитиб қолишини ёқтирумайдиган енгилтак бевалардан әмас. Бизнинг Эржикамиз покиза, бунинг

устига шаҳарлик, боодоб аёл, ижара ҳақини буғдой билан тўлайди, йилига тўрт центнер десанг ҳам рози бўлади.

Шундай хона учун тўрт центнер буғдой бериш тўрт крейцер тўлаган билан баробар эди, лекин гап пулда эмасди — аксинча, мактаб хизматчисининг бевасига Жофи ўз ёндан беришга ҳам тайёр эди. Бироқ у индамади, хўрсаниб қўйди, холос: онаси нима деркин, уйига одам қўйишига изн берармикин — нима қилмоқчисан ўзи, бунга муҳтоҷлик жойинг йўқ-ку, десачи! Лекин Пордан кампир бу қулай фурсатни қўлдаи бермоқчи эмасди.

— Ҳечқиси йўқ, қайнананг сен тўгрингда қандай миш-мишларни тарқатиб юрганини отангга гапириб берсан, у кўнади-қўяди, бунга кўзим етиб турибди. Мундоқ тузукроқ одам билан гап қиласаям гўргайди-я, қаёқдаги нусхани айтиб юрибди... Ке қўй, сени ранжитмай қўя қолай. Ўзиниям роса тузладим-да. Ҳой овсин, дедим унга, Жофини ёш болалигидан биламан, ақли-ҳуши бинойидаккина, сен айтгандай, жуда ўшанақсанги қалпогига хўroz патини қадаб олган тавия билан дон олишиб эсини ебдими, дедим... Жуда яхши ўйлабсан. Темирни қизигида босиб, вақтида бунақаларни оғзига уриш керак... опамнинг қанақалигиги ни ҳали ўзинг кўрарсан. Муҳтоҷлигиндан ижарага бермаётганинг кундай равshan, лекин, ҳар қалай, Шаникага бахмал нимча олиб берсанг зарар қилмас, а? Қўрдим, айланай, оқ пальточаси нақ қуийиб қўйгандай, нотариуснинг Лайчикаси пальтосининг ўзгинасидан... — Шундай деб у қўйқисдан қизига ўгирилди.— Менга қара, Кати, Эржи холанг уч центнер буғдой бераман деганими? Мени бўлса бунақа гаплар сира миямда турмайди-да.

— Қайдам,— деди Кати чўзиб, ўгринча кўз қирини ташлаб қўяркан,— менга ҳеч нима деганлари йўғийди-ю, боя ўзингиз уч центнер дегандай бўлдингиз шекилли.

— Ҳа-я, тўғри айтдинг,— деди кампир ўйчан ва майда қайтимини дўкондорга қолдириб кетаётган ҳотамтой харидордай, саҳоват билан қўшиб қўйди:— Бошқа томонлари тўғри келгандан кейин, шу арзимаган нарса устида тортишиб ўтиармидик.

Шундан сўнг Жофи уйига қайтиб, бу ёғи нима бўлишини кута бошлади. Уч кун деганда йўлакда дўқ-

дўйқ қилган таёқ овози эшитилиб қолди, кимдир хафса-ла билан кираверишдаги мосламада этигини тозалади. У минглаб одим товушлари орасидан отасининг қадами-ни бемалол ажрата оларди. Чол ийманибина аланг-лаб олди. Бу уй сотиб олингандан бери унинг Жофини-кига иккинчи марта келиши эди-ёв. Не деганингизда, қизининг салобати босибми, ёки бошқа сабабданми, ҳар қалай ноқулай ҳис этарди ўзини. Чол қизалоқла-ри ёш болалигига тез-тез ҳазиллашиб, эркалаб туар-ди-ю, аммо уларга салгина аёллик нуқси урганини сезгани ҳамон ётсирагандай индамас бўлиб қоларди. Эҳтимол, у қизларини ҳатто илгаригисидан ҳам ор-тиқроқ севар-у, лекин бировнинг ҳасми-да, деб ийма-ниб, хижолат тортиб қоларди. Уларга фақат зарурат юзасидангина сўз қотарди-ю, ҳеч қачон қўйл текклизмас-ди. Башарти Пештга борадиган бўлиб қолса, қизлари қўлини ўпид хайрлашишлари мумкин эди, холос, бе-ти ё лабидан ўпишга эса асло йўл қўймасди. Хулласи калом, Жофининг уйи унинг учун гўё таъкиқ қилин-ган жойдай туюлар, бу ерда чол ҳеч қачон ўзини, му-носиб равишда, отадек ҳис эта олмаслиги тайин гап эди. Назаридা каравот ҳам, курсилар ҳам, деразапар-далар ҳам, қисқаси, барча-барчаси Жофининг жисми-ни эслатиб турган ушбу шинам хонага Янош Куратор эмас, унинг унсиз иззат-эҳтиром кўрсатишгагина қо-дир руҳигина кира олишга ҳақлидай эди. Шу топда у курсида, нақ жамоа бошқарувчиси қаршисида ўтира-гандай, қисилиб-қимтиниб ўтиради, ҳатто таёғини ҳам қўлидан қўймай, атрофида гирдикапалак бўлиб, иргишилаб ўйнаётган Шанига киши кўзигагина жавоб қайтараётган бўлар, ҳалқа-ҳалқа бармоги билан пўни-са қилиб қўяр, кейин яна бармогини яширади.

— Пордан кампирнинг айтишича, кичкина хонанг-ни ижарага берармишсан,— деб бошлади у кўзларини олиб қочиб, кейин тўйатдан Шаниканинг кўкрагини бармоги билан нуқиб қўйганди, набираси хурсанд қий-қириб юборди: ахир бу ростакам ўйин эди-да унинг учун.

— На чора, шундай қилмасам бўлмайдиганга ўх-шайди,— жавоб берди Жофи оҳистагина, юраги гурс-гурс уриб.

— Менга-ку бари бир-а, албатта,— сўзини давом эттириди отаси,— илло, қанақанги одам эканини билиб-кўриб қўйгин ақалли, кейин пушаймон бўлиб юрма-

гин. Яна-тагин бир йилгача еган-ичганинг заҳар-зақ-қумга айланиб юрмасин.

— Бари бир менга. Ким бўлсаям қўявераман,— чўрт кесди Жофи. Гўё юраги: Жофи, олга, ҳамлага ўт, отангнинг кўнглига кириб олган туҳмату бўҳтонларни ё ҳозир илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлайсан, ёки ҳеч қачон!— дея амр қлгандаи бўлди.

— Ёлғиз ўзинг зерикаб қоласан деяптими бирор?— деди отаси.— Манави шумтака шўхликдан бўлак нарсани билмаса, ҳали эси кирмаган гўдак бўлса.

— Сираям зерикаёттаним йўқ, дадажон. Ўзимга қолса ёлғиз яшайвераман, баҳтимга Шани омон бўлса бас. Лекин бошқаларнинг олдида тирноқчалик қадрим йўқ, шунга куяман. Менга суҳбатдош эмас, зинданбон керак.

— Бас-э, қў-е, намунча ич-этингни емасанг! Сенга бирор шундай қил деяптими?

Жофи вулқон отилиб, портлаш юз берадиган фурсат етганини фаҳмлади; мана, нишонни мўлжалга олиш тарафдудидаги, гумонсировчи сўзлар оловли тилга айланиб, чақмоқдай отилди:

— Бошқаларнинг гапи сатқаи саримга-ю, лекин ҳатто ўз туққан онамки бу ерда кимни олиб ётишимни суриштириб ўтиргандан кейин нима ҳам қиласардим, ахир! Ўз уйимдагиларки мен тўғримда шундай деб ўйлашса, қишлоқдагилардан нимани кутай. Мари баъзи баъзида бўлар-бўлмас гапни валдираган бўлса, ўша заҳоти адабини бериб, тавбасига таянтиришга ҳаракат қиласманман, бунга худонинг ўзи шоҳид. Эсингни йиг, дадам эшитсалар нима дейдилар-а, деб уришганман. Ё уйларингга бориб, гап чақиширишим керакмиди? Унга ҳам душманлик қилишим керакмиди? Анави Илушкингиз-чи, уйда қорамни кўрди дегунча афти бужмайиб, чимирилгани-чимирилган. Остона ҳатлаб ичкари кирмасимданоқ ташқарига отилади. Ҳовлида ўтирайми ё? У ёқда бўлса Пали бор, сенинг ерингни ишлаб беряпман, дегандай мени емоқ-ичмоқда бўлади. Менинг ўз уйим бор, уники бўлса ҳануз йўқ, бу алам қиласи унга. Майли, ҳаммалари юз ўгираверсинлар экан-да мендан?! Мари бўлса-ку янги туғилган бузоқ-чадай гап, ҳали муҳаббатнинг фарқига борарди дейсизми. Уни севадиган йигитчанинг ҳали она сути оғиздан кетмаган. Ойимнинг айтишча Мари менга хуштор ортиришим учун қармоқса илинадиган жўракдай

гапмиш. Наҳотки ойим мени билмаса, наҳотки ўз синглимга ёмонликни рало кўриб, шунчалик пасткашлиkkик бориш қўлимдан келса?!

Отаси безовталаниб, қўлидаги таёқни ўйнаб, ҳамиша ҳар кимдан гап эшишиб, гап орттириб юрадиган хотинидан ачифланиб ўтиради.

— Қизим, жуда бунчалик кўнглингга оғир олмагин, ахир онангни ўзинг биласан-ку: бир оғиз гап киғоя унга, дарров ҳовриқади-кетади...

— Шунинг учун ҳам ижара қўймоқчиман-да,— жавоб берди Жофи.— Ҳеч бўлмаса, кечаси ўрнимда бир ўзим ётаманми, йўқми, қоровуллик қиласди-ку...

— Хўп, майли, ростки шундан гап очилган экан, қулоқ сол,— дея кекса Куратор қизининг оғзидан чиққан сўзни илиб кетди ва кутилмаган бир қатъият билан бошини кўтариб, қизининг кўзларига дадил бокди:— Ўзинг биласан, сиртимда ошкор этмасам ҳамки, мен сенга ҳамиша яхшилик тилаб келганман. Эрингга шунчалик куяётганинг кўп дуруст... кейин мен бу тўғрида гап очмоқчи эмасдим, лекин агар сўққабош бўлиб яшаёлмаслигинги ўзинг ҳам тушунгган бўлсанг, гапимга қулоқ сол: ёнгинангда бегона кампир яшагандан кўра, қонуний эринг бўлгани маъқул.

Жофининг бетига қон тепчиidi: гўё бошида ҳам яна бир юрак тепаётгандай, мия томирлари нақ ёрилиб кетгундай бўлди, кўзлари тинди. Дадаси ҳеч қачон қизларига ўз оталик меҳрини ошкор этмаганди. Болалигида Жофи отасининг әркатойи эди, бироқ ўша кезларда ҳам у гоҳи-гоҳида: «бор, ўйнаб кел, дастёrim» ёки «дастёrim ҳозир менга.. олиб келиб беради», деб қўярди, холос. Мана ҳозир ҳам «ўзинг биласан...» деркан, гўё ўша болалик чоғларидагидек ширин бир сирли туйғу қалб торини майингнина чертиб ўтгандай бўлди: бу сўзлар унинг кўнгил хуфияхоналарида яшириниб ётган ҳуркак, бегонасираб қолган меҳрини қўзгаб, бутун вужудини ларзага солди. У шу топда отасининг бўйнига осилишга, тўйиб-тўйиб йиғлашга тайёр эди. Қимтилган лаблари орасидан қуийдаги сўзлар отилиб чиқай деб туради: «Тўғри айтасиз, бунга сабр-бардошим етмайди, дадажон! Қўчиб келаётганимда бунинг фарқига бормаган эканман. Бир умр шу қора рўмолни ўраб ўтай десам, ҳали жуда ёшман!» Бироқ отаси: «ёнгинангда бегона кампир яшагандан кўра, қонуний эринг бўлгани маъқул», деганида ичидар чўрт

узилиб кетгандай бўлди. Куратор эллик ёшни уриб қўйған бўлса ҳамки, хотинларга ишқибозлиқ қилиши қолмаганди. Бу кўхна айгир, табиийки, ўз қизларини әҳтиётлаб асраш ниятида кўпинча улар олдида эркакка ўч аёллар ҳақда очик-ойдин, уларни тупроққа қоришириб гапираверарди: «Йожининг хотинининг бир жойи гимирлаб туради, ҳа, ҳақини қўядиганлардан эмас у». Қиз болалик чоғларидан эшитган ана шундай гаплари Жофининг хотиридан чақмоқдай йилт этиб ўтдию, шу замоноқ ўзига отасининг кўзи билан назар ташлади, унинг юзига тепчиған қизиллик энди ғазаб белгисига айланди. Балки отаси, агар тезда эрга бермасак, чидаёлмай қутуриб кетади, деб ўйлаётгандир уни? Демак, отаси уни ҳам ўша: «бир жойи гимирлаб турадиган» хотинлар тоифасига қўшиб қўйибди-да?!

— Яқинда бир бева одам сенга оғиз солганди... қўшни қишлоқда майхонаси бор,— деди чол ўртага чўккан сукунатдан фойдаланиб, қизининг қизариб кетган бетига қарамай. Бироқ ўша ондаёқ бу ҳақда оғиз очганига афсусланди, чунки у қизининг болалигиданоқ одоб-хурмат билан сўзлайдиган қўнғироқдай овозига кўнишиб қолганди, ҳозир эса Жофи кизишиб, дадил-дадил гапиракан, хатога йўл қўйганини, энди бу мавзуга тез орада қайтиб бўлмаслигини тушунди дарҳол.

— Сиз мени то ақлим киргунича гард қўндирамай авайлаб-әҳтиётлаб келдингиз, эндиликда эса ўзимни-ўзим бир амаллаб әҳтиёт қилиш қўлимдан келади. Чўчиманг, сизларни иснодга қўймайман. Кейин менга ёр топишларингни ҳам ҳожати йўқ,— деди у таъна қилаётганини яширишга тиришиб, зўрма-зўраки жилмайиб.

Кекса Куратор хижолат бўлди, бир чеккаси сал дили ранжиди.

— Ҳеч ким сени қисталангга олаётгани йўқ, қизим, қандай қилсанг яхши бўлишини ўзинг биласан, ихтиёринг ўзингда!

У Шанини ушлаб, тиззасига ўтқазди-да, бошига қалпогини кийгизиб қўйди: орага тушган жимликка гўдакнинг қувноқ қийқириғи раҳна солди.

Отасининг ташрифи Жофини безовта қилиб, хийла муддатга одатий издан чиқариб қўйди. У, отамнинг

панд-насиҳатини бунчалик кескин рад этмасам бўлармиди, дея ўкина бошлади. Нима қилганда ҳам отаси унга яхшилик истайди. Тўгри, отаси нима деганини, ўзининг эса қандай жавоб қайтарганини хотирида тикларкан, Жофи беихтиёр пиқиллашга тушар, ўзини қаттиқ ранжитилган ҳис этарди. Ахир у, дадажон, гапингиз тўгри, менга эр топсангиз бўларди, деб розилик бера олмасди-да. Лекин, ҳар ҳолда, бундай терслис қилмаслиги керагиди. Энди отаси бу ҳақда ўлақолса ўзича чурқ этиб оғиз очмайди. Йўқ, Жофи энди турмушга чиқмайди, аммо ўзини кўндиришга уриниб, ялиннишларига эътиroz билдиргиси ҳам йўқ эди: борди-ю, эндиликда ҳеч ким ҳеч қачон уни унатишга уринишмайдиган бўлса, бу уй унинг учун қабрга айланади-ку, ахир!

Бироқ айни чоғда у ғалаба нашидасини сурарди. Мана энди уни Йожининг бадном хотинига тенглаштириб бўлмаслигига отаси ҳам ишонч ҳосил қилди, уйга кўнгли қанчалик ғаш бўлиб қайтмасин: қизим унақалардан эмас, унга эрнинг кераги йўқ, деб ўйлаб бораркан, ҳар қалай кўксисда Жофига нисбатан ҳурматнамо бир туйғу уйғонган бўлиши керак. Отасининг ўзи ишратга бунчалик ўч бўлмаганида, эҳтимол, қизининг қаттиқ туриб олишининг қадрига етмаслиги аниқ эди, зеро айни бундай номақбул иштиёқлар билан ошиналиги туфайли (бекорга у тўғрисида осонгина шубҳага бормаганди-да, ахир), ҳа, худди шу туфайли Жофи ўзининг қанақалигини кўрсатиб қўйишини истаганди. Ана энди гийбатчилар кўнгиллари тусаганича кучанаверсинлар, отаси ҳаммаларининг оғзига уради!

Башарти у-бу олгани «Қумурсқажона»га гизиллаб бориб келишини ҳисобга олмагандан (у ерда ҳам ҳеч ким билан гаплашмасди), Жофи қишлоқда деярли кўринмасди. Шунга қарамай у шамол ўз томонига қараб эса бошлаганини пайқади. Ўйлаб қараса, отасини ҳам ярашиши ниятида онаси юборган, чунки кекса Куратор хайрлашаркан, бекорга: «Якшанбада бирровгина бориб, онангни кўриб кел», демаганди. Онасининг энди унинг тўғрисида ўтган галдагидан бошқачароқ ўйлашини фаҳмлаш учун ортиқча ақл ишлатиб ўтиришининг ҳожати йўқ эди. Лекин Жофи бари бир бормади, фақат онаси дўлма бериб юборган оқсочларига Шаникани қўшиб жўнатди. Ораларидан ола мушук ўтганини билиб қўйишисин, Айни замонда хаёлини Пордан қам-

пир уйимизга борганмикин, мен ҳақимда энди нималар деб юрганикин, деган қизиқсиниш банд этганди. Уйига одам қўймоқчи бўлганини эшитиб, қайнанаси нима дедийкин? Жофи Пордан кампирнинг эшикдан қайнанасини чақираётганини, унинг эса ҳассасини дўйқиллатиб, лапанглаб эшикка қараб келаётганини кўз олдига келтириди. Айтишларича у уззукун боғчада тўқима курсида ёш келинининг кўчат ўтқазишини кузатиб ўтирашиб. Ана, кампир ўрнидан туриб, гов ёнига келди-да, унга тирсагини тираганча, Порданнинг сўзларига қулоқ сола бошлади. «Эшитдингми, келининг опам Эржини ижарага қўймоқчи»,— деб гап бошлади Пордан. «Анави жандармчи дарров кўнглига урибди-да?»— эски ашуласини бошлашга уринди қайнанаси, бироқ кечагина эшитган ҳар бир янгилигига ўзгача маъно берадиган Пордан бугун унга бошқача қарайди: «Қандай, нима гаплар бўлгани менга қоронги, балки ҳаммаси уйдирмадир. Бўлмаса уйини ижарага берармиди, яна опам Эржига-я?» Ёки бундан ҳам кескинроқ: «Агар шунаقا ўйласанглар, келинларингни яхши билмас экансизлар!»— деб жавоб беради. Бироқ, шундай ҳам бўлиши мумкин, пес-песни қоронғида топгандай, бир-бирови билан кўз қисишиб: «Қишлоқда гап оралаб қолганини пайқаб қолгандир, энди бошқа жойда учрашишмоқчидир, бепоён далада ҳоли жой кам дейсанми», деб пичирлаб олишгандир тиржайишиб. Шунда Жофининг кўз ўнгига бир нафас ёзги дала манзараси, офтобда барглари ярқираб турган жўхоризор намоён бўлди. Ё худо, чиндан ҳам далалар қандай бепоён-а! Лекин ўша лаҗзадаёқ хаёлига: эҳ, анави пештлик кампиршо айниб қолса-чи, унда Пордан бошқача сайрашга тушади-ку. Опам ёшяланглар танда қўядиган уйда яашни хожламади, деб гап тарқатади.

Орадан шу тахлит икки ҳафта ўтди. Жофи гўё ҳеч кимнинг фикри қизиқтирумайдигандек, ўзини таккаббурона тутса-да, бироқ, аслида уни эндиликда ўзи ҳақида қишлоқда нималар дейишаётганини билиш истаги тобора кўпроқ изтиробга сола бошлаганди. Мана, бир якшанба эрталаб уйига Кати Пордан кириб келди, у Жофидан сўзида турган-турмаганини сўради: Пештдан Эржи холаси келибди, хўп деса, оқшом унга учрашиб, шарт-шароитни келишиб олармиш. Жофи Катининг холасини икки-уч мартагина кўрганди; бир гал

у ўғли билан келганди, боласи чарм шапка кийиб олганди, дам-бадам әгнидаги яшил камзули чўнтағидаги тизимчали ҳуштагини чиқарар ва яна солиб қўярди. У пайтларда икковлари, Жофи ҳам ҳали (исми ё Геза, ё Имре эди, ҳар қалай, ҳозир эсида йўқ) ёш бола эдилар; бир марта у Жофи билан Кати ўзларича пичирлашгани чордоққа чиқиб кетганларида нарвонни олиб қўйғанди. Ўшанда қизлар дод солиб йиглашган, буни эшитиб ошхонадан кенғ тўр ёқали калта кўйлак кийган шаҳарлик хоним чиқиб: ҳали шунаقا йигитча экансан-да, бу ердагилар пештлик болалар ярамас бўларкан, деб ўйлашмайдими, дея ўглини уришиб, узундан-узоқ насиҳат ўқиганди. Уруш пайтида ҳам у келиб, тухум билан ун ҳарид қилиб кетарди, ўшанда онасининг: бу ёққа келиб, шаҳарда тишга босгулик ҳеч ваҳо йўқ, деб зор қақшайди-ю, у ёққа борганида олиб кетган нарсаларини муаллимларнинг хотинларига уч баробар қимматга пуллайди, дея тўнғиллаганлари Жофининг ёдида. Шунга қарамай онаси шаҳарлик хонимга йўқ дёёлмас, курсининг чанг-чунгини тозалаб, ўтиришни таклиф қиласарди.

Янош Кураторнинг укаси Балатондаги бир қишлоқчада нотариуслик қиласар, унинг қайниси эса Пештда ўқитувчи эди — қисқаси, мактаб хизматчиси хотинининг улар олдида бурнини жийириб, керилиб юришга ҳеч қандай асоси йўғини беш қўлдай билишарди; кўпинча улар ўзаро масхара қилишарди: «Эржининг гапларига қараганда, ҳамма муаллимларнинг хотинлари ўртоқларимиш, хаҳ шўргинанг қургир-а, ўша хонимлар уни назар-писанд ҳам қилмаслар, ўлганларининг кунидан «яхшимисиз» деб физиллаганча ўтиб кетаверсалар керак, бу бегойим бўлсалар, ялиниб-ялтоқланиб хоним ойимларнинг қўлларини ўпишга ҳам тайёр турсалар керак. Бо худо, бошларига шляпа қўйдириб олган бўлсалар нима бўпти? Бари бир ўшаларнинг оқсоchlари-да, бундан ўтиб қаёққа борардилар». Аммо рўпара келиб қолгудай бўлсалар, Кураторлар боя айтганимиз ўқитувчи уруғларидан кўра унга ортиқроқ эҳтиром кўрсатсалар кўрсатардиларки, асло кам эмасди. Эржи ўзини.govur-ѓувур, тўс-тўполон шаҳарда ўз уйидагидай bemalol тутади, бу шундоққина сезилиб турарди, булар бўлса-чи, қўрқа-писа, аланг-жаланг қилиб юришарди у ерда. Шаҳарга боргандарига Эржи улар учун авлиёдай гап әди, трамвайдан қа-

ерда тушиб, қаерда бошқасига чиқиши, қаерда нима сотиб олишни жуда яхши биларди, кейин гумашталар билан ҳам уларга нисбатан тамоман бошқача тиллашарди. Хуллас, ёрдами тегиб турарди. Кураторлар билан ўзини тамоман бўлакча тутарди. Келинлари, ётоқхонадаги эрони гилам ҳамда «хоним ойимлардан» танишларим борлигидан ийманиб, қисилиб-қимтиниб ўтирмасинлар, деб қариндошлари билан иззатларини жойига қўйиб, оддийгина муомала қиласарди. Эржи бўлса аксинча, тиш-тирноғигача, бутун вужуди билан қўлидан келган жамики жодуларини ишга солиб, ҳам-қишлоқларига ўзининг шаҳарлик хоним эканини ҳар сонияда, ҳар бир хатти-ҳаракатида таъкидлаб туринга тиришарди, фақат шундай қилгандагина назар-эъти-бордан қолмайдигандай туюларди наздида.

Мана, ҳозир ҳам, Жофи уни сіхонага бошлаб кирганида, у ярқратиб ювилган тош полда тураркан, қиёфаси гўё бундан-буён шундай шароитда овқат пиширишга тўғри келишига ўзини олдиндан кўпиктираётгандай туюларди.

— Вой худойим-эй, бунга қандай ўт ёқиши алла-қачонлар эсимдан ҳам чиқиб кетганди-ку,— деди у плитага ишора қилиб.— Уйда шундоқ гугуртни чақдинг дегунча газ лов этиб ёнади кетади. Ҳа, шаҳардаги қулайликнинг қадрига етиш учун қишлоқда яшаб кўриш керак. Манавини нима билан тозалайсиз, айланай?— сўради у духовканинг занг босган бандини бармоги билан нуқиб:— Сидол биланми? Ҳа, энг яхшиси сидол, мен доим ўшани ишлатаман. Деворлари захкаш әмасми? Тағин мени, ўзининг ташвишини қиляпти, деб ўйламанг. Менга ўҳшаган кампирга ҳар қанақаси бўлаверади, бало урмайди... лекин манави паҳлавоннинг яхши шароитда яшashi жуда муҳим.— Шундай деркан, у Шанининг ияигига оҳиста шапатилаб қўйди; Шаника ўзи томон чўзилган қўлдан ётсираб орқага тисарилди, бироқ унинг йирик-йирик, қора кўзлари бу бегона кампирни муттасил таъқиб этишда давом этди.— Бот-бот шамоллатиб туринг керак. Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси ҳаводан қўрқишиади. «Ичкарида ҳам ўша, кўчадаги ҳаводан нафас оламиз деб уйқурганимиз йўқ» дейишади. Айтган хонангиз шуми?

Жофи одоб юзасидан меҳмонни аввал ўз хонасига олиб кирган эди, бироқ шаҳарлик хонимнинг гаплари ни эшитиб хижолат тортганидан «ҳа» деб юборишига

оз қолди. Кампир унинг жиҳозлари ярқираган ётоғи ўртасида худди дәҳқонлар кулбасида бундан ортиқ нарсани кўриши кутмагандек, писанд қилмай, бепарвогина турарди. Шундоқ бўлгач, эски, қишлоқча жиҳозлар қўйилган нариги хонани қандай кўрсатади унга! У хонанинг деразаси ҳам чоғроқ, кейин, ҳақ гап ҳақлигича қолади, қиши бўйи уйини бирон марта шамоллатмагани рост. «Ё у ёқса ўзим кўчиб ўтганим тузукмикин,— Жофининг миясида ана шундай ҳуркак бир фикр йилт этиб, яна сўнди,— димогларидан эшакқурт ёғилмай ўлсинлар, кампиршо!» Шу пайт, баҳтига биққагина Пордан кампир жуда вақтида гапга аралашиб қолди (у Жофида уч центнер буғдоига шартлашганинг эслатиш учунгина опаси билан бирга келганди).

— Бунисиямас, орқасидагиси. У ёқда чанг ҳам камроқ, кейин, эрталаблари чўчқабоқарнинг шовқи-ниям эшитилмайди,— деб қўшиб қўйди, ишқилиб, опам катта хонани берасан деб тихирлик қилиб юрмасин-да тағин, дея чўчиб.

Нариги хонанинг эшигини очаркан, Жофи нақ ер ёрилса остига кириб кетгундай бўлди. Шу аснода у бу ним қоронғи, чоққина ҳужрачага шаҳарлик хоним кўзи билан назар ташлаганди. Серкўз хари остида осиғлиқ турган чироқ дудидан ис босиб қорайиб кетганди; қўйполдан-қўйпол, ёнгоқ ёғочидан ишланган каравот бесунақай қайиққа ўхшарди. Жофи шкафга кўзи тушганида ўзини айниқса ноқулай ҳис этди: шкафнинг эшиги ошиқ-мошиғидан чиқиб кетиб, жойига омонатгина қўйиб қўйилган эди, мабодо ичидаги бирон нарса керак бўлиб қолса, уни бутунлай олиб қўйишга тўғри келарди.

— Дурадгор Палони айттириб юборгандим,— ўзини оқлаётгандай деди у,— негадир сира дараги йўқ. Бирорта буюмим бузилиб ётса сира жиним ёқтирмайди. Бир куни пешинги ибодатга жом чала бошлишди, мен бўлса ҳануз оят китобимни қидириб ётибман десангиз, у мана шу ерда, ич кийимлар орасида туради, кейин денг, эшигини билмай шунақсанги тарақлатиб ёпибманки, шарақ этиб ошиқ-мошиғи кўчди-кетди...

Шкаф эшиги бу уйга кўчиб келаётганида ошиқ-мошиғидан чиқиб кетган, Жофи кам деганда бир ой черковга қадам босмаган, бунинг устига, дурадгор Палога одам ҳам юбормаганди — бу гапларнинг барини у ша-

шарлик хоним хонани шошилмай кўздан кечира бошланган дамда ўзича тўқиганди. Яна шу замоноқ ўз-ўзидан жаҳли чиқиб кетди: нимага бу кампирга мулоzимат қиляпти ўзи! Ёқмаса тўрт томони қибла, ёқадиган жойни топиб олавермайдими.. Қаёқдаги ёлғон гапларни тўқиб ўтирибди-я! Аммо мактаб хизматчисининг беваси ўша бадбахт шкаф эшигига учалик аҳамият бермади ҳам, бари бир шкафни ҳам, каравотни ҳам чордоқ-қа чиқариб қўйишга тўғри келармиш, у ўзининг буюмларига шунчалик ўрганиб қолганмишки, ҳатто шунча жойга олиб келишга ҳар қанча кира ҳақи тўлашга тайёрмиш; юз-қўйл ювадиган, анави жовонча, майли, қола қолсин, эмиш, лекин каравот эса — асло: у кек сайган чоғида ўз тўшагида ётишни истармиш, иннай-кейин, бироннинг шкафиға кўниколмас экан, негаки, ҳар қайси гардеробнинг ўзига хос ҳиди бўлармиш, унинг таъби нозикроқ эмиш, айниқса ич кийим бобида.

Жофи ўз шкафининг иси бор эканини умрида биринчи маротаба эшитаётган эди, бу фикр шунчалик ногаҳоний туолгандики, у на жаҳли чиқишини, на кулишини билмай гангид қолди. Аксинча, баногоҳ турори, кибру ҳавосини қўзгатди, шаҳарлик хоним олдида ўзини кўз-кўз қилгиси келиб қолди («Вой қурғур-эй, ҳали шунақами, мендан кўр унда!..») — ва кампир хўрсаниб: «Вой худойим-э, майли, бир амаллаб кўнишиб кетарман», деб гапни олисдан бошлаб, әнди ижара ҳақига бурмоқчи бўлганида, Жофи илиб кетди:

— От билан тўқиз бўлармиди, у ёги бир гап бўлар. Мени ўша арзимаган чақага зор деб ўйлаяпсизми, хоним. Ўттиз хольд еримни дадам экиб-тикиб беради, менинг қиладиган ишим галлаfurушнинг ёнига киришу бугдойнинг пулини нақд олиш, холос. Гап пулда эмас, одам ёлгиз яшаёлмас экан, ҳаммаси ана шунда. Мени кимки меҳмон-изломда юришни ёқтиради деса, бекор айтади, ҳатто ойим ҳам уйга бор деб худонинг зорини қиласди — қаёқда дейсиз, ўлдим-ўлдим деганда бирровгина кўзига кўриниб қўяман, вассалом. Ўзимча, бу ерда ўлиб-нетиб қолгудек бўлсак, ҳеч зоф билмайди ҳам, деб қўяман. Ҳар қалай менга ўхшаган худо қарғаб бева қолган жувон ёлғиз яшамагани дуруст экан. Бисотимда қуруқ покиза исмимгина қолди, ҳеч бўлмаса ана шу шаънимни асрраб-авайлласам дейман.

— Фақат шунинг ўзи учунгина бўлса, ёлғиз ўзин-

гиз ҳам бемалол, хотиржамгина яшайверсангиз бўлаверади, ўргилай,— деди тўсатдан кўнгли юмшаб Эржигет Кизела (мактаб хизматчиси бевасининг исм-шарифи шундай эди), такаббурона сипслигидан зумда нишона ҳам қолмай. Бу ерда савдолашиб-тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эканини кўриб турганди-да, ахир; сўнгра энг кам ижара ҳақи тўлашдек муваффақиятни қўлга киритганини фаҳмлагач, энди ўзига нисбатан яхши муносабатда бўлишлари таъмин этилишини истаб қолди.— Сиз тўгрингизда ҳеч қанақа беҳуда гап йўқ экан, Жофиқа. Ким билан сұхбатлашмай, ҳаммалари сизни: «Эридан ёшгина тул қолган, бунинг устига шундай соҳибжамол, ўзини бу қадар вазмин тутадиган жувонлар ҳозирги замонда камдан-кам топилади», деб мақташди.

— Нақ дилимдагини айтдинг,— гапни илиб кетди Пордан кампир.— Мен Катицагинамга: жудо шундай жувоннинг бошига кулфат солиб ўтиrsa-я, дейман доим, унинг ўрнида бошқа хотин бўлганидами, ҳаммасини аллақачон өсидан чиқариб, бу ҳам етмагандек, таралабедод қилиб юраверарди.

— Тўппа-тўғри, жудаям тўғри! Шундоқ гамни кўтариш осонми-я, ҳар қанақа одамни ҳам адойи-тамом қиласи у!— дея тўсатдан дийдиёни бошлаб қолди Кизела жудди азага келган аёлдай. Сўз токи ҳаётий, кундалик ишлар устида бораркан, у шаҳарлик хонимлардай муомала қилиб келарди, бироқ ҳиссиёт бобига кўчиши билан, ёшлигиданоқ онаси таъсирида жисмига сингиб кетган бўлакча жиҳату хислатлари тилга кирди.— Раҳматли эримни жойига қўйганимга икки йил бўлди-ю, лекин ҳанузгача у тушимга кирмайдиган кун йўқ. Ўглим бўлса ҳатто: «Ҳўш, ойи, бугун яна тушингизга кирдими?»— деб мазах қилгани-қилган. Бу ёшлар ниманинг фарқига борарди дейсиз!— Кеийин қўққисдан яна аввалги жиддий оҳангда:— Сен уч центнер дегандинг-а, тўгрими?— дея синглисига ўгирилди.— Уч центнер бугдой. Йигиб-териш ишларини ўзим қиласман, лекин ҳафтада бир марта полни ўзингиз ювив берасиз, Жофиқа.

Жофиқа ўзини шаҳарлик меҳмоннинг гангитиб қўювчи сеҳрли салобатидан ҳалос этгунча талайгина вақт ўтди. Танҳо қолгач, у олдинига ораларида бўлиб ўтган бутун гап-сўзларни ўзича: у бундай деди, мен өсам мана бундай жавоб қилдим, деб бирма-бир так-

порлади... Жофи бу ярим соатлик ташрифни шунчалик аниқ-равшан хотирлаб қолгандини, меҳмонларнинг у ёёки бу гапини эслаганида беихтиёр кўз ўнгида опасингилнинг ўша топдаги юз ифодасигача гавдаланарди. Бир пайт курсини от қилиб тескари миниб олган Шани: «Ойи, нимага куляпсан?»— деб сўраб қолди. Бироқ у айрим ҳолатларни кўз олдига келтириб, миясида ҳар мақомга солиб кўргани сайин тобора тундлашиб, маъюс тортиб борарди: Кизеланинг баъзи сўзлари вужудига нақ зираччадай санчилиб қолган-у, әнди сув йигиб ачиштираётгандай бўлиб туюларди. У тоза ҳаводан қўрқармишми?! Кейин, шкафнинг ҳиди бормиши, шунчалик кўнглингизга ўтиришмабди-да, хоним! Ҳа-ҳа, шунчалик қўланса ҳиди боракан-у, ундан ҳазар қилибдилар-да!. Бу кампиршонинг бевалигини пеш қилиб, куйиб-пишишларига ўлайми! Икки қария, чол-кампирнинг бараварига жони узилмаслиги куидай равшан гап-ку, лекин унинг гами билан Жофининг бошига тушган кулфат баравар эканми, бунга қандай тили борди?! Нотавон кўнгилга қўтириб жомашов деганидаридаи, ҳали оқшомлари ёнма-ён ўтириб олиб, бир-бировимизга кўрган тушимизни гапириб берамиз, деб дилларига тугиб ҳам қўйгандирлар?! «Бугун кечаси раҳматли әrim тушимга кириди...» Бу кампиршолар уни нима қилишмоқчи, ниятлари нима? Пуф деса нафаси узилай деб турган кампиршо билан уйда гумдон ошиб ётишимни исташяпти шекилли! Ҳо, Жофи уни остоидан ичкари ўтказиб бўпти! Ҳамма ёққа тумшуғини суқиб, ўтиранг ўпоқ, турсанг сўпоқ дейишига қўйиб бериш учун-а! Уч центнер буғдойга бутун бошли хонага эга чиқмоқчилар! Бунақа нархда унга ҳатто лўлилар чодрининг бир бурчагидан жой бермайдилар-у! Йўқ-йўқ, Жофи аноий әмас, у шу бугуноқ бирордан рад жавобини бериб юборади: минг афсус, фикримдан қайтдим, ўз феълимни ўйламаган эканман, бегона одам билан бир уйда туролмас, чиқишолмас эканман, дейман. У ҳатто рад жавоби расмий бўлсин учун жамоадан қоғоз ҳам олиб келди, аммо пероси остидан жатга кўчаётган сўзлар аста-секин уни шаштидан тушириб, газабини ҳарфлар орқали жатга сингдириш иштиёки сўна борди. Жандармчи сержант, сўнгра ўзини тута билиши, феъл-автори, тўзими борасидаги Кизеланинг мақтовлари ёдига тушди-ю, рад жавоби ёзици истаги дабдурустдан совиди-қўйди. Эндиликда ҳануз

қалбida жўш уриб, кўксини таталаётган асабийликки на қолганди, холос.

Эртасига эрталаб юргилаганча онаси кириб келди. Қизела кечқурун Қураторларнига кириб, Жофиқани роса мақтаганди. Икковлари келишиб олганларини ҳам айтганди. Жофи онасининг нима ниятда келганини фаҳмлаб турарди. Уйига ижарага одам қўяётгани оиласари учун ноқулай эди: одамлар Жофиқийналиб қолиб, муҳтоҷлигидан уйига одам қўйибди, деб ўйлашмайдими, ахир. Онаси у билан ярашгани келган — балки, қизи шунчаки қайсаарлик қилаётгандир, ҳали фурсат ўтмасдан бу фикридан қайтарса бўйлар. Аммо ушбу вазифани адо этмоқ учун ундан ношудроқ әлчини топиш амри маҳол эди. Балажга шаъма қилиб Жофини шу ишни бошлашга мажбур этган ўзгинаси эмасми, ахир? Жофи «ҳидли» шкафни ҳам, ёза бошлаган хатини ҳам унуганди, хаёлини ҳозир онасининг бетига шартта: «Кўряпсанми, бу сенинг ишинг, сен пиширган ош-ку!» — деб айта олишдек аччиқ галабани қўлга киритганини ҳис этишгина банд қилиб турарди.

— Мен бундан хурсандман,— деди у хотиржам бир қиёфада.— Оладиган пулимни айтиётганим йўқ, албатта пул ортиқчалик қилмайдику-я, лекин, лекин эндиликда кечалари уйимга бирор келадими, йўқми, шунга кўз-қулоқ бўлиб турадиган одам бўлади ёнимда. Кейин сиз ҳам, тагин битта-яримтаси ойнасини тиқиллатиб юрмасин, деб жон ҳовучлаб ўтирумайсан. Бурни жуда ис биладиган кўринади бу кампирнинг, ўзим тугул, ҳатто соямнинг бутун сир-асороригача пайқаб олади. Тушимга нима кириб чиққанини ўзимдан олдин билиб олади у. Сиз бўлсангиз, ойижон, хотиржамгина Илушнинг тўйига тайёргарлигингизни кўраверасиз — энди қайнанамнинг қишлоққа тарқатаётган фисқ-фасодларига қулоқ солиб ўтирумасангиз ҳам бўлаверади. Менгаям яхши: бирор куни кечқурун сержантни уйимга чақириб қолишим ҳам ҳеч гап эмасди-да, ана унда нотариус Илушдан айниб қоларди — опаси нимайди-ю, синглиси ундан ўтиб қаёққа борарди, деб ўйлаши аниқ эди. Мана энди менинг ёнимда эртаю кеч қоровулим бўлади. Бегона кампирнинг полини ювиб, қириб-қиртишлашимга тўғри келади, албатта, лекин очигини айтсан, кучимни ҳам, ўзимни ҳам аямайман, ишқилиб шаънимга доғ тушмаса, қулогимни тинч қў-

йишиш бўлгани. Бевалик қийин әкан, ойижон, жудога шукурки, сиз буни билмайсиз. Болаларингиз бири кетидан иккинчиси етилиб турибди, ўз ташвишингиз ўзингизга етиб ортади, тул қолган жувон учун Пештда таълим олган бунағанги қоровул қанчалик зарур әканини ўйлаб ўтиришга вақтингиз бормиди. Фақат битта нарсага бошим қотиб турибди, унинг идиш-товоргини ким ювади; ҳа майли, бошқа юмушларини қилиб берганимдан кейин, товоргини ҳам ювиб берсам осмон узилиб ерга тушмас...

Жофи бир текисда, лекин турмуш икир-чикирлари борасида сийқаси чиқсан гапларни мингиллашдан нарига ўтмайдиган миянги кампирларга ўхшаб сал димоги билан сўзларди. Онаси эса кўзлари пир-пир учиб, қизига қараб анграйиб қолганди. Одатда у билан айтишиб қолган пайтларда Жофи қизишиб кетар, аччиқтизиқ гапларни қалаштириб ташларди, аммо она бу босиқ сўзлар остидаги жон олғувчи, алангланиб турган пинҳоний нафратни мутлақо пайқаёлмади. Наздида, гўё Жофи әмас, бошқа бир бегона жувон гапираётиди-ю, у шўрли кампир эса бу аёлни аҳдидан асло қайтара олмайдигандек эди. Кампир бечора фақат уҳ тортар ва: «Бу ишларни сенга нима кераги бор, Жофика, қоровулни бошингга урасанми, кунинг ижарачига қараб қолган бўлмаса, иннайкейин биз ҳам қараб турмасмиз, қўлимиздан келганича ёрдам берармиз», деб зорланарди, холос. Шу топда у бу ерга нима мақсадда келганини мутлақо унтиб қўйгандек эди, нуқул тутила-тутила: «Ихтиёering, қизим, биз қўлингни ушламаймиз», дея минғирларди. Жофика ҳаммаси учун уни айблаётганини, бу ишларни унинг жатига қилаётганини кампир уйига қайтаётгандагина фаҳмлади, ўша куни қизини анави сержант билан маломат қилмаганида Жофи кеккайган Кизелани икки дунёда уйига йўлатмасди-я. «Қизингизга бир оғиз гапириб бўлмайди,— шикоят қилди эрига пиқиллаб.— Бор гапни гапириб бердим, Эржининг ҳали қизлик маҳалидаёқ қанақа әканини ҳам айтдим, шўрлик Жофини мияси бутунлай айниб қолганга ўхшайди».

Онаси келиб-кетгач Жофиға қайтадан жон битгандай бўлди. Уйини ижарага берадётганидан ота-онаси-нинг номус қилаётгандарини билгач, энди назаридаги ижарачи кампир унчалик ёмон кўринмай қолди, янги ҳамхонамга тоқат қилсан бўларкан, деган хаёлга бор-

ди. Баттар бўлишсин, уйига ўшаларнинг касофати билан одам қўймаяптими, ахир, борди-ю, пештлик хоним қанчалик бадбин, қанчалик нохуш бўлиб чиқса, уларнинг шаъниларига шунчалик иснод бу.

Шуларни ўйларкан, Жофи Кизеланинг кўчиб келишини шунчалар жангари руҳда, яна тагин, ҳар қандай хизматига енг шимариб, интиқлиқ билан кута бошлади. Шишиб, қабариб чиққан пол тахталарини дурадгорга тузаттириди, унниқиб кетган дераза ромларини янгитдан мойлади, шкаф билан каравотни чордоққа чиқариб қўйди. Кизела эса ўшандан бери қорасини кўрсатмасди. У Пештда такси шофёри бўлмиш ўглига бирон муносиб уй топиб, жойлаштириб, кейин келаркан. Жофи буни кампирнинг илтимоси билан унинг ўғли ёзиб юборган хатни ўқиб билди. Бир ҳафта орасида жижозлари, шундан кейин унинг ўзи ҳам етиб келармиш. Бу бир ҳафта мутакаббур қоматию энли тўр ёқасигина ёдида қолган ўша ижарачисини ўз тасаввуррида афсонавий фаришталарга айлантириши учун Жоfigа бемалол етиб ортугулик муддат эди. У Кизелани (қаноти соясида туриб бутун оламга магрур боқиш учунгина бор бисотини оёқлари остига ташлашга арзидиган бешафқат маъсуда билиб) интизорлик билан кута бошлади. Наздиде Кизела ўзининг қоқ суюк панжалари билан Жофининг серташвиш бевалиги ёқасига чанг солиб, уни абадул-абад гийбату бўқтонлардан асрайдиган, ғам-ташвишларига чек қўядиган саховатли фариштадай туюлар, шу боисдан кампирнинг тезроқ келишини, тезроқ ўз қаноти остига олиб, барча дарду аламлардан халос этишини телбаларча тоқатсизлик билан кутарди.

Ниҳоят Кизела кўчиб келганда, саҳоватли, ҳар нарсага балогардон хаёлий Кизела чиннидай қилиб тозаланган мўъжазгина хонага аллақачон кўникиб қолганди. Хона деворидаги ярқираган оппоқ дог чордоққа чиқариб қўйилган шкафдан далолат бериб турарди. Яқингинада рандалангтан, ярқиратиб ювилган полга ташлаб қўйилган газета парчалари дераза томонга ўтиб турилганидан дарак берарди — энди Жофи деразани фақат кечки пайт, шунда ҳам уйларига қайтаётган дехқон аравалари остидан кўтарилиган чанг ичкари кирмасин деб беркитадиган бўлганди. Жофи овқат пишираётib ёки идиш-товоқ юваётib, бўм-бўш хона эшигига, гўё ичкарига манфур маъбуда жойлашиб ол-

гандек, дам-бадам кўз қирини ташлаб қўяр, мабодо Шани курсичасини эшик тагига суриб ўтирадиган бўлса: «Намунча тарақлатмасанг,вой худойим-эй, ҳеч нарсани эшиттирмайди-я!»— деб жаҳл билан боласини койиб қоларди. Эшикни у астагина очар, идиш-товоқни иложи борича секироқ тарақлатишга тиришар, яна нималар қилиши лозимлигини билмай боши қотарди. Ҳали бу ерга кўчидб қелмаган ўша кампир олдида ўзини бунчалик ерга ураётганидан қандайдир бир изтиробли мамнуният ҳиссини туряди-ю, аммо кампир кўнглига солган биргина ғашликнинг ўзи Жофининг қўл-оёгини тушовлаб қўйгандай, қолган-қутган яшаш иштиёқини, ўғилчасининг шод қийқириқларини бўғиб, ҳатто ошхонадаги соатнинг оғир кафгиригача кишан солиб қўйганга ўхшарди.

Тасаввури кўзгусида жонланган ана шу бағри тои Кизелага кўникиб қолган Жофининг ҳақиқий Кизеланинг одамшаванда ширинсуханлигини кўриб ҳатто жаҳли чиқди денг. Полнинг янгитдан рандалангани, деразанинг бошқатдан мойлангани, овқатдан сўнгги сокинлик мактаб хизматчисининг бевасига жуда-жуда ёқиб тушди, бироқ Жофининг мижжа қоқмай хизматига тайёр туриши остидаги пинҳоний ётсираш бошини қотириб қўйди.

— Сутни кимдан оласиз, хоним? — деб сўради Жофи.— Порданларданми? Унда ойимларнинг оқсоchlари йўл-йўлакай ола келади.

— Бу ярамас кечаси шўхлик қилди. Сизни уйғотиб юбормадими ишқилиб, хоним? Роса таъзирини бердим — агар яна тўполон қилсанг жонингни суғуриб оламан, деб уришдим,— Жофи бот-бот ана шундай илтифот кўрсатган бўларди.

Кизела бўлса, мени деб уни хафа қилманг, болакай сираям ҳалал бермаяпти, деб ишонтиришга беҳуда уринарди. Жофи ўз зиммасига янгидан-янги ташвишнадоматларни орттириб олар ва гўё ўз гўрига ўзи тишқаларди:

— Эрталаб нон пиширдим. Тўгри, оёқ учida, шарпа чиқармай юришга тиришдим, лекин, ҳар қалай, сизни безовта қилмадимми яна? Энди кечқурунлари пишира қоламан.

Унинг бунчалик ҳаддан зиёд мулоzаматию жонкуярлиги Кизелани баоят хижолатга солиб, ўсал қиларди. Аслини олганда у дилкаш, әлакишиб кетадиган

аёл бўлиб, директор ошхонаси теварагида ўралашиб юриб тўплаган бисотидаги жамики асали-ширасини бажону дил Жофи қаршисида тўкиб-солишга тайёр эди. Боз устига, Жофининг юрак дардига ҳамдард, кўнгил изтиробига малҳам бўлиши аниқ эди. Энди гина қарор топа бошлаган мулоқот, яқинлашув жаб-ҳасида ҳамхонасадан ўзининг ҳам маънавий, ҳам ижтимоий жиҳатдан устун эканини намойиш этиши учун унга имкон берилса кифоя эди. У вақти-вақти билан мактабдош дугонаси — механик Лакнинг хотини ёки холаваччаси — почмейстернинг хотинини кўриб келгани отланиб қоларди. Холаваччаси ҳар гал Пештга борганида меҳмонхонага эмас, уларникуга тушарди, шу сабабли у билан уруғ-аймоқчилик қилишга мажбур эди. Кизела, энг яқин дугонам директорнинг хотини ҳақидаги ҳикояларим, шунингдек, ерлик зиёлилар билан алоқам Жофига таъсир этади, унинг қаршисида қадр-қимматим ортади, ишқилиб, худо кўрсатмасин-у, мени камситмайдиган бўлади, деган хаёлда эди. Бироқ, худди ана шу ихтиёрий, зоҳидона итоаткорлик Кизелани боши берк кўчага киритиб қўйди. Ёш бева Кизелага ҳаддан ортиқ даражада илтифот кўрсатар, сиполик билан мулоим муомала қиласди, бунчалик очиқ-ойдин иззат кўрсатиши кампирга қанчалик хуш ёқмасин, ҳар қалай у ёш жувоннинг юрак сирларини очишини, очи-либ-сочилиб дардлашишини маъқул кўради.

Аммо Жофи бошида муомалани қандай бошлаган бўлса, ўша сертакаллуғлигидан заррача чекинмас: «Қўйинг, уринманг, мен ўзим ювиб қўйман», қабилидаги гапларини қўймасди. Кизела бўлса Қураторларникига бориб: «Жофикангиз фариштанинг ўзгинаси экан. Ростини айтсан, баъзи хонимлар камсуқумликни ундан ўргансалар бўларкан, шундай камтар, шундай ҳокисорки, нимасини айтасиз!» — дея оғиз тўлатиб мақтар, бироқ ҳар қанча уринмасин, барча ҳаракати зое кетар, бу меҳр тўла мақтовлар гўё Жофиканинг қулогига етиб келмаётгандай, жувон муомаласини тирноқча ҳам ўзгартирмасди. Кизела ўз ҳаётий лавҳаларини ҳикоя қилиб, Жофикани маҳлиё этиб, сеҳрлаб қўйиш ниятида эди, бу эса жувонда кампирга нисбатан самимийлик, яқинлик ҳиссини уйғотиб, ҳақиқатан ҳам иззатикромга лойиқ хоним экан, деган фикр туғдириш ниятида эди, бироқ бу лавҳалардан талайи кампирнинг ичига қолиб кетди. Шунга қарамай, бу орада Ки-

зела камсуқум ҳамда боодоблиги учун ёш бевани яхши кўриб қолди. Шу боисдан ҳам у жувоннинг руҳини кўтариб, қалбига ҳаётий илиқлик бахш этишга аҳд қилиди. Нега десангиз, бу шўрликка эрининг бевақт ўлимни қаттиқ таъсир қилиб, ғам букиб қўйибди-да, ахир!

Аввалига Кизела унинг ўғлини ўзига элакиштиришга уриниб кўрди. «Вой-бўй, жаражи суворий, курсига миниб олиб, қаёқча от қўйиб кетяпсан?» — деб сўрарди. Ёки, Шанининг бошига ёстиқни қўйиб слиб, дағн маросимида қабристонга гулчамбар кўтариб боргандарга тақлид қилаётгани хаёлига ҳам келмай, томдан тараша тушгандай, дабдурустдан: «Ҳа, бобонгга тушлик олиб кетяпсанми? Бошига сават қўйиб юрадиган қиз бола эмассан-ку!» — деб қсларди. Кампир Шани билан тил топишиб олишга ҳаракат қиласар, лекин бола унга чурқ этиб жавоб бермас, нақ пешанасига тўғрилаб турилган миљтиқ оғзини кўриб қилт этмай қотиб қолган қуёндай, серрайиб тураверар, қоп-қора кўзларида эса вахима учқунлари чақнаб кетарди, холос. Қочиб қолишга журъат этолмас, жавоб бериш эса хаёлига ҳам келмасди. Онасининг ҳадеганда шапатилайвериши; «овознингни ўчир, секин!» — деб жеркишлари таъсирида у ижарачи хонимга нисбатан мутлақо лоқайд, бепарво қарайдиган бўлиб қолганди, шу боисдан шаҳарлик хоним боладан умид қилмаса ҳам бўларди. Буни англаган кампирнинг бир иложини қилиб, Жофи-нинг кўнглини овлашдан ўзга чораси қолмади.

Одатда Кизела Жофи овқат пишираётганида ёки шарақ-шуруқлатиб идиш-товоқ юваётганида, пайт пойлаб, бирон важ-баҳона билан хонасидан зипиллаб чиқарди-да, у ёқ-бу ёқдан валақлаб, еҳтиёткорлик билан жувоннинг қитиқ патини, дил қулфига тушадиган калитни топишга тиришарди.

— Жофиқа, идиш-товоқни ювиб бўлганингиздан кейин қўлларингизга бирсн нима суртасизми? Мен, рўзгор юмушлари билан шуғулланиб юрган кезларимда глицерин ишлатардим. Тўғри, кейинроқ, раҳматлий эрим, идиш-товоқ ювишими ман қилиб, мактабларида овқат сотадиган қизни ёллади, ўша қиз рўзфордаги ҳамма икир-чикир ишларни қўлимдан олганди. Глицерин суртишни бўлса директорнинг хотини маслаҳат берганди. Уруш пайтида идиш-товоқларни ўзи ювишига тўғри келган эди-да. Жаноб директор — у вақтларда оддий муаллим эди — Сибирнинг аллақаерида авахтадайди,

рафиқалари эса қизалоқлари билан уйда ёлгиз қолган-дилар. Буни қарангки, эрининг ҳамкасабалари озиқ-ов-қат таъминотидан маҳрум қилиб қўйишган, ҳатто у кишига тегишли лозим бўлган улушни ҳам бермай қўйишганди. Кейинчалик қилмишларига яраша жагола-рини тортишди, хоним ҳаммаларини мактабдан мосиво қилиб ҳайдаттирдилар, ҳа, ҳаммалари ҳар томонга та-риқдай сочилиб кетишиди. Марҳум эримни бўлса, аксин-ча, яхши кўриб қолдилар, нега десангиз, у кези келиб қолди дегунча лип этиб уйларига кириб: «Ботинкага тагчарм олиб келишиди, бехабар қолманг яна!»— деб огоҳлантириб қўярди-да, ахир. Собиқ директор бўлса, бу аёл қаёқдан ҳамма нарсанинг исини била қолди-я, деб ҳатто жаҳли чиқарди-ю, лекин эримга ҳеч нима де-ёлмасди. Янги директор даврида бўлса ҳеч ким менинг эримчалик иззат-икром кўрмади. Бошқа хизматчилар-нинг унга етишига йўл бўлсин денг, ҳамма уни иззат қиласди, ўзиям жойи доимо идорада эди-да. Бирорта ҳужжатни ёзиш лозим бўлиб қолса, директор ҳеч кимни чақиритириб ўтирмасди: Кизела амаки ёзади, деб қўя қоларди. Иннайкейин, уни вице-директор деб аташарди. Борди-ю, Кизела амаки бирор талабани, бу бизнинг даргоҳимизга муносиб эмас, деса, бас эди, ҳатто муал-лимлар ҳам бир оғиз эътироуз билдиrolмасдилар. Ахир у ҳамма талabalарни номма-ном биларди-да, ҳаммаси эсида турганига мен ўзим ҳам ҳайрон бўлардим десан-гиз...

Бироқ Жофининг марҳум Кизеланинг шаънига му-лойимгина қилиб: «Демак, уни яхши кўришаркан-да!»— дейишдан нарига ўтмаётганини кўргач, у Жофи-га яқинроқ бўлган қишлоқ мавзуига кўчарди.

Ишонсангиз, Пештга бориб қолганимдан ҳануз-гача ич-ичимдан қувониб юраман! Ҳали муштдаккина қизчалигимдаёқ қишлоқни ўлгидай ёмон кўриб қолган-дим! «Вица ўйнаши билан анави ёққа кетди», «Йожи-нинг сигири болалабди»,— гаплари шундан нарига ўт-майди. Бу ерда мотор босиб ётгандан кўра Пештда муж-тоҷлиқда яшаганим афзалроқ, деб ўйладим. Менимча, сизнинг ҳам бу ерда турмаганингиз маъқул. Тўгри, сиз-нинг эринингиз бу ерлик бошқа деҳқонларга ўхшаган қў-пол, тўпори әмасди. Шўрпешана Шандор ҳамон ёдимда, ёш болалигида ҳам, бошқа болалар беркинмачоқ ўй-нашдан нарига ўтмасдилар-у, у бўлса «флобер» мил-тиғини ер-кўкка ишонмас, сира қўлидан қўймасди.

Деҳқон қисматига кўнишиг унинг вужудида йўқ эди, дидига ўтиришмасди бу. Эшишишимча, у ҳатто ҳарбийда қолмоқчи ҳам бўлган экан. Ким билади дейсиз, балким шундай қилганида бу кўргиликлар бўлмасиди?

Аммо Жофи бундай пайтларда ҳам қисқафина жавоб бериб қўя қоларди:

— Ҳа, шўрлик Шандор жон-жон деб ўқиб-ўргангандарди, у ҳамиша аслзодаларга таассуф қиласди, анави «Қумурсқахона»да озмунча шикаст едими, шундаям бари бир қўймади ўша ишини.

Аммо Кизела зифирдеккина садақага қаноат қилиб, кўниб кетаверадиганлар тоифасидан эмасди. Игнани қўзидеккина раҳна пайқаса бас, ўша замоноқ уни кенгайтиришга киришадиганлардан эди.

— Ҳа-я, шундоқ эрни кўргандан кейин, бирорта тўпори бевага тегишга шошилмаётганингизга ажабланмаса ҳам бўлади.

— Менга беваниям, бўйдоқниям кераги йўқ,— бир оз қизишиб жавоб берди Жофи, бу билан у истаса бемалол бўйдоқ йигитга тегиб олиш қўлидан келишига шама қилаётганди.— Шандордай эрдан кейин бошқа одам билан бир ёстиққа бош қўйиш кўнглингга сифмай қоларкан.

— Ҳозирги ёшларни бир кўринг-а... Сизнинг ўрнингизда бўлсанм, мен ҳам бу ҳеч нарсага яроқсиз такасалтанглардан кўра эримнинг суратини аълороқ кўрардим. Ҳақ гап ҳақлигича қолади ҳамиша....

— Ўзингиз биласиз, дунёда шунақа одамлар ҳам борки, худо билади, нималарни тўқиб-бичишмайди улар.— Жофининг дилида кўпдан бери тўпланиб келаётган алам беихтиёр оғзидан чиқиб кетди, шунда у ҳафсала билан тозалаётгани қурум босган кастрюлка тубидан кўзини узиб, ижарачисига биринчи марта жилмайиб қаради. Бу жилмайиши фақат: сен нимани билардинг?— деган саволнигина англатиб қолмай, айни чогда бу табассумда одамлар — тўнгизнинг ўзгинаси, уларни ўйлашни ҳам хоҳламайман!— деган нафрат ҳам акс этиб турарди.

Кизела ўзи интиқ бўлиб кутаётган улуғвор дақиқалар келганини фаҳмлади; у синглим Пани Порданни сотсаммикин, дея бир он иккиланиб турди-да, кейин таваккал қилди.

— Анави жандармчи ҳақидаги гапларми? Мен

Паннига айтадиган гапимни аллақачон айтиб бўлдим: шундоқ жувон ўша пандивоқига қиё ҳам боқмас, дедим. Ўйнингизга ижарага одам қўяётганингизни эши-тиб бутун қишлоқ ҳайратда қолди, сизни тезроқ ўйнаш орттириш пайида, деб юришган экан-да ҳаммалари. Лекин, гапимга ишонаверинг, ҳаммаларининг қўлла-ридан бир-бировларининг кийими чокидан бурга ах-таришдан бошқа иш келмаганидек, бир-бировларини чалпишдан нарига ўтолмаганларидан шунақанги гап-ларни бичиб-тўқиб ётишади. Китоб ўқиш эса буларнинг етти ухлаганда бир тушларига ҳам кирмайди, шуни-чун, бекор ётганларидан миялари чирий бошлаган; қў-ланса чиринди ҳидини сезишади-ю, лекин бу бошқа одамдан келяпти, деб ўйлашади... Кошкийди ҳамма-ларингни юракларинг Жофиканинг қалбига ўжшаган покиза бўлса-я, дейман.

Шу куни бу ҳақда ортиқ оғиз очишмади, лекин эр-тасига, ижараби остоноада типпа-тик туриб қаҳва ича-ётганида Жофиканинг ўзи гап бошлаб қолди:

— Бу фисқи-фасодлар сизнинг қулоғингизгача ҳам етиб келибди-да, хоним? Шу гапларни эшитиб туриб, қайси юрак билан бу ерга кўчиб келганингизга хай-ронман. Бу уйга эркаклар бири кетидан иккинчиси тан-да қўйишини эшитиб чўчимадингизми? Мен тўғримда шундай гийбат тарқатган ким эканини билсайдим-а бир! Тўғри, ўша хачирни деб кимнингdir ичини рашк мушукдай таталаётган кўринади, мен бўлсанм бошим-га ураманми ўша сўтакни?! Синглум Маришкага ҳай-ронман: ҳали ёш бола бўлсанг, ўша гўрсўхтанинг ни-маси ёқа қолди сенга, дедим унга. Ҳали ғўр қизалоқ-да, ниманинг фарқига бораради дейсиз. Учрашиб қолга-нида, «ляхшимисиз, оппоқ қиз», деса тамом, ўзида йўқ талтайиб кетади деяверинг. Устидаги мундири ёқиб қолган, ичига эса похол тиқиб қўйилган бўлса ҳам бари бир унга... Бу гапларни менга тақашганига сира ақлим бовар қилмайди. Мени кўрганда тили калимага келмай, қимир этгани ботинолмай қолади-ю, топган гапларини қаранг-а! Бошқаларнинг-ку, ўзингиздан қолар гап йўқ, омадларини синаб кўришга уринишлари тайин: бирор-та бева йўқки, бу маломатдан қочиб қутулган бўлса, менга ҳам кўз тикканлар йўғамас. Лекин, келиб-келиб ўша от тумшуқни менга тенг кўришса-я! Ёруғ жаҳонда эркак зотига қирон келганидаям қайрилиб қарамас-ман ўшанга...

Гарчи суҳбатлари яна шу мавзуга қўчгунича орадан бир неча кун ўтиб кетган бўлса-да, унинг юзага қалқиб чиқишини кутиб ўтказилган бу диққинафас кунлар мобайнида Кизела ўзини бир қадар хотиржам ҳис этди. Эндиликда икковлари ҳам тилёғламалик ва хушомад билан бир-бировларининг қўйинига қўл солишга уринмас, ораларида қандайдир сирдошлик муносабатлари ниге ургандай эдики, бу нарса Жоғикани дам-бадам ижарачисига: «Сут солинадиган кастрюлькада олдин шақиллатиб сув қайнатиб олганим тузукдир-а?», «Димлангanda ғознинг ёғи эриб кетмасмикин?» — қабилида мурожаат этишга ундарди. Жоғика ўз қалбига кийгазиб қўйган зирҳ-совут эндиликда бундай саволлар таъсиридан дириллаб, акс-садо бермай қўйганди. Хушфөйллик пардаси остида гўё қисмат унинг жисмига қоровул қилиб тайинлаган бу манфур кампирга кўнглида борини тўкиб-солишдек аламли истак тобора қайнаб-кўпчиб борарди; ҳа, дилида борини тўкиб бу пойлоқчини кўмиб ташласа ёхуд қалбидаги нафрати оташи-ла куйдирив кукун қилиб юборса. Кизела ундаги бу ўзгаришни пайқаганди. Аслида ўзи тезроқ билиш иштиёқида ёнган мавзудан гап очишга Жоғини ширмай одоб сақласа-да, ҳар ҳолда ёш жувон турган соҳилга ўтиб олиш учун кўприк ташлашга салгина шаъманинг ўзи кифоя эди. Эндиликда кампир бу ёш жувонга фақат унинг ишончини қозонибгина яқинлашишнинг пайига тушган эди.

— Дориҳонага кирадиган ишим йўтийди, уйда со-вуним ҳозирча етарли эди,— деди бир куни Жофи.— Мундоқ қарасам, анави от тумшуқ рўпарамдан келяпти дeng, қорасини кўрмай қўя қолай деб ўша ёққа кириб кетдим...

Яна бир гал Жофи Кизелани чақириб:

— Тезроқ бу ёққа келинг, дераза олдига қаранг, анави сержантнинг оёғини сургаб босишини кўринг... ўзиям нақ худо берган куни стигини тузаттирса керагов,— деди.

Сержантни мазаҳ қилишдан ҳузурланарди у. Йигитнинг этини — этга, суягини — суякка ажратиб, тоза музир, аччиқ-тизиқ сўзлар билан булгалаб ташларди. Сигаретни ҳам нақ графлардай тишлаб юрармиш. Ўзиям ўлардай бефарссат, ўтакеттан димоғдормиш; ўзи, яъни Жофи, у билан бор-йўги бир-икки мартагина гаплашибди-ю, ўша ондаёқ Марига қанақа одам эканли-

гини тушунтириб берибди. Мұлтайган күзларига бир боқилса ҳаммаси сійдин бұлармиш-құярмиш. Ҳа, унинг күзлари, кейин айниңса мүйлови жинига ўтиришмас-миш: шуам мүйлов бўптими — худди кирпининг тиканига ўхшайди, қаттиқлигини айтмайсизми, йиртқич ҳайвоннинг ёлидан баттар. Ўзиям гирт батрак. Ана шунақанги одам унга ёқарканми?! Қўллари-чи, қўллари! Жоғиканинг бунақанги бесўнақай панжани кў-рарга кўзи йўқ, эрини қўллари ўзиникидан ҳам бежи-рим бўлгани учун яхши кўрар экан-да, ахир.

Бечора сержант не кўйларга тушмади: чўлоққа ҳам, букрига ҳам, ияги шишганга ҳам, кўзлари сўл-жайганга ҳам чиқди десангиз. Ҳўв ўшандага говга тир-сагини тираб турган дақиқалари учун ундан ана шундай даҳшатли интиқом оларкан, Жоғиканинг музла-ёзган қалбига сал илиқлик югургандек бўларди. Шаъ-нига доф тушишига сабабчи бўлган бу ночору ногавон-ни ҳақорат тиги билан шунчалар тилка-пора қилиб ташлаган эдикни, эндиликда унга ўзи ҳам ачинадиган бўлди. Гоҳо кўнгли ёришиб турадиган дамлар ҳам бўлиб қолар, ана шундай дамларда у, худди қиззик чоғларида бирор қомати беўхшозроқ йигитча усти-дан кулганидек, шўрлик сержантни ўхшатиб эрмак қилиб гапиради. Фақат ачинишгагина лойиқ бўлиб қолган сержант аста-секин Жоғига қарши уюшти-рилган фитна-фасод ботқоғига ботиб, йўқ бўлиб кетди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай Кизела «қари ўргимчак»нинг ақл бовар қилмайдиган, иблисона макру найнранглари бобидаги маълумоту ахборотлар «хазинаси»га кириб қолди. «Қари ўргимчак» — ландовур ўғлини рад этгани важидан келинидан ўч олаётган қайнанаси эди. Ўз вақ-тида қайнанаси ҳар эҳтимолга қарши отган синов тош-лари эндиликда ёришиб, тиниқ-ойдин, гоятда можароли манзаралар касб этмоқда эди: маълум бўлишича, ўша пайтларда кампир Йожини Жоғи ортидан қазноққа киритиб юбориш билангина кифояланмай, ҳатто бир сафар устиларидан эшикни қулфлаб ҳам қўйган экан; баҳтидан бўлиб, Жоғи ўзини йўқотиб қўймаган ва ўша заҳотиёқ Йожига айтадиганини шартта-шартта айтиб, онасини ҳам рисоладагидай қилиб қаргаб берган экан. Кейин эшикни муштлаб, ҳаммасини отамга чақаман, у астар-авраларингни ағдариб ташлайди ҳали, деб дод соглан экан.

Жофи қайнанасининг уни ўғлига мойил қилишга қанчалар уринганини, ҳатто қишлоқ чеккасида турадиган, ҳаммага отнинг қашқасидай маълум фоҳишанинг айтганларини гапириб берганини антиқа бир тарзда, куийб-ёниб тасвирлай кетди. Ўша фоҳиша: қанча-қанча эркак билан бўлдим-у, лекин Йожи Ковачга бутун борлиғимни жон-жон деб ҳадя этардим, деганиши. Ана шунаقا гаплар, ўзининг ўша ношуд-ўғлига нима билан оғдирмоқчи бўлганини қаранг-га! Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деганларидай, ҳар қандай ҳангоманинг тагида заррача бўлса-да, ҳақиқат ётади, бироқ у сокин воқелик уммонидан бадхоҳлик томчиларини чилпиб оларкан, шу бир томчигина бадхоҳлик ҳам кишини даҳшатга солиши, таҳқирлаши аён гап әди. Кизелага келсак-чи, у ҳаётда бадхоҳликнинг чинакам қиймати қанчалигидан бехабар, тасаввур боғида ниш уриб, кучга кирган бундай бадхоҳликка кўпам ишонавермасди. У «қари ўргимчак»нинг худди бошқа бандай ожизалар, шу қаторида ўзининг синлиси сингари ичи қора ҳамда ҳасадгўй қари ўргимчак эканнiga эътиroz билдирамасди-ю, лекин уларнинг тасаввур кўзгусида тикланган нуқсонларини оддий ҳаётий пасткашлик қолипига туширишни истарди. Аммо унинг ҳар бир танбеху мулоҳазасидан Жофи беш баттар қизишиб, янгидан-янги бўҳтону фийбатларни устма-уст қалаштириб ташларди.

— Эҳ, жонгинам-эй, жуда сиз айтганчалик ёмон кўришмайди сизни, шунчаки соаг тўрт бўлар-бўлмас қоронғи тушиб қолади, қиласидан ишлари йўқ, шундан кейин тилларига зўр беришади, вассалом! — унга насиҳат берган бўлади Кизела.

Жофи эса баттар қизишиади:

— Бўлмаса у кечқурунга гап топиб қўйсин деб дебразамнинг таккинасига айгоқчисини юборар экан-да?! Баъзи бирорларнинг куппа-кундузи ибодатхона билан дорихона ўртасида сайр қилиб юришдан бўлак ишлари қолмабди-да! Айт десангиз, стигача айтиб бераман-а!

Кизела унинг Кати Порданга шаъма қилаётганини оғзидан чиқмасиданоқ пайқаганди, негаки, кеча кечқурун Жофи унга: «Хоҳ жаҳлингиз чиқсин, хоҳ чиқмасин, бари бир юрагимдагини айтаман, бу Катидан келган иш, менга олисадан кўзи тушгани ҳамоноқ бекорга Сурилиб кеталими бўлмаса!» — леганили.

Кизела воқеликни бежаб кўрсатиш борасида Жофи билан келиша олмаслигини англагач, ҳар қалай, ўз устунлигини ҳис этиб, бундан бир қадар тасалли то-парди. Жофининг ёзиришларига қулоқ соларкан, у ўзини икки карга шаҳарлик хоним ҳис этарди. Бу қишлоқиларнинг жамикиси шунаقا, деб ўйларди у, бирбировларининг грибонларидан олишга тайёр, ҳасаду ичи қораликдан бошқа нарсани билишмайди. Кизела Жофига асаби ниҳоятда бузилганини шаъма қилиб, бром ич, деб насиҳат беришга ва шу тариқа голиб келишга уриниб кўрди. Гўё эрининг вафотидан кейин у сал бўлмаса эс-ҳушидан айрилиб қолаёзганида пештлик доктор шу дорини ёзиб берганмиш. Менга қолса шу бугуноқ ажал жонимга чанг сола қолсин-у, лекин, бари бир ичмайман, деб бромни рад этди жувон. Жофи нуқул мулозамат қилиб, тилёгламаликни қўймаётган, аслида эса унинг тўғрисида нималарни ўйлаётганини турқи шундоққина айтиб турган бу иккюзламачи кампирдан ҳамон жирканарди. Бироқ у ижаракиси кўзига қанчалик ёмон кўрина борса (гарчи кўнглининг қаеридадир ноҳақлигини ўзи сезиб турса-да), бирорларга шунчалик кўпроқ таъна тошини отарди. Илло бундай суҳбатлардан сўнг унинг қанчалик енгил тортишини эса асти қўяверасиз!

Ёз келиб, жазирама қуёш нурлари айвон олдида-ги йўлкага ётқизилган тошни шундай қиздира бошладики, сувдон теварагида уймалашаётган ўрдакларни хивич билан тирқиритишдан завқлироқ иши йўқ Шанивой деганича бозиллаб турган қайноқ тошдан майса устига сакрарди. Акасларнинг оппоқ гуллари сўлиб, чанг қоплаган барглари бужмайиб қолди, кечки пайт қайтаётган аравалар эса, худди ўқ узганча, тутун тарашиб, мағлуб бўлган қишлоққа кириб келаётган замбракларга ўхшаб кетарди.

Кизела кундузи тўйиб ухлаб оларди-да, кечга томон уйдан чиқиб, Жофи ҳақида гапириб бериш учун почмейстер хотини ҳузурига жўнарди. Ўз ҳикояларида у Жофининг албатта оддий қишлоқи жувон бўлиб қолишига ҳаракат қиласарди. «Уйида турганим анави қишлоқи» ёки «бу қишлоқиларнинг одатида...» — «қанча қишлоқлик хонадонни кўрган бўлсам, ҳаммаси шунаقا», деб гап орасида қистириб ўтарди Кизела. Кампирнинг гаплари зиёлиномо дугоналарини «оддий қишлоқи жувон»га шундай қизиқтириб қўярдики, бу-

ни кўргач, ҳар сафарги ташрифдан кейин Жофининг кўнглидагини янада кўпроқ билсан деб, синчковлик иштаҳаси карнай бўлиб кетарди. Сира кутилмаганда эридан айрилиб, қайнанаси билан чиқишолмай, танҳо уйга ажралиб чиққан, эркак зоти ҳақида эшитиши ҳам истамайдиган ёшгина бева одамлар кўзига барча ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, тарки дунё қилган бекиёс зоҳида бўлиб кўринар, ҳаёт денгизида қулочкашлаб сузиб юрганлар эса уни ҳушёрлик билан кузатардилар. Кизела эса бу нодира жувонга шундай яқиндан кўз-қулоқ бўла оладиган яккаю ягона кимса эди.

Кизела уйга қайтадиган пайтда Жофи ўз хонасига қамалиб оларди. Қоп қорая бошлиши билан атрофида жимгина ўралашиб, пишиллаганча пилдираб юрган ўғилчаси эсига тушиб, уни суйиб-эркалатгиси келиб қоларди. Ўғилчасиям жуда ғалати-да, соатлаб ўз юмушлари билан овора бўлиб кетади; кейин дабдурустдан хивич ўйнатганча ўрдакларга ташланади, ё стол устига чиқиб олади, ё соатни олиб, кўзгуга қараб отишига оз қолади... у пишиқ, соғлом ўсаётган бўлса ҳам, баъзан Жофининг назарида негадир сал шабада эсса нимжон қамишдай қилпираб қоладигандай туюлади. Кундузлари у боласини оёқ остида ўралашма, деб қувигани-қувиган, «Овқатингни есанг-чи!» ё «шиппингни кийсанг-чи!»— деб койигани-койиганди. Ёки бирдан шамол туриб, шамоллаб қолмасин тағин, деб зўрлаб пальтосини кийгазиб қўяди. Оқшомлари эса албатта ёнида бўлади ва унинг жимгина пишиллаб ўтириши онасига гўё бир таънадай туюлади, шунда кўнглидан қуидагилар кечади: «Бу болакай — ёруғ жаҳондаги бор бисотинг-ку! Нега унга қарамайсан, битта бахмал камзул тикиб берсан бўлди деб ўйлайсанми, ҳали уни тарбиялаш ҳам керак-ку! Ана, Кизела ҳам уни сдамови, ичимдагини тол, деяпти...» Хаёлидан шу гаплар кечаркан, қўққисдан Жофининг миясига, ўғлимни ўзим ўқитиб, ўзим ўргатаман, деган фикр келиб қолди бир гал. Шундан кейин Жофи бўталогига ҳозир жаннатда юрган дадажониси тўғрисида ҳикоя қилиб бериш ёки унга бирон дуони ўргатиш билан машғул бўла бошлади. Бироқ унинг ҳикоялари Шанига қанчалик таъсир этатётганини, арши аълода юрган отаси ҳақида нималарни ўйлаётганини англаб бўлмасди. Дуо ўргатиш бобида ҳам ҳеч иш чиқмади — Шани тиҳир

лик қилар, онаси ортидан дуо сўзларини тақрорларкан, эснаб кўзлари юмилиб кетаверар, баъзан уни оч-наҳор ўрнига ётқизиб қўйишига тўғри келардай.

Бу муваффақиятсизликдан жувоннинг дили вайрон бўлар ва ана шундай дамларда Кизела эшикни тақиллатиб қолса севиниб кетарди. «Ухлаяпсизми?»— деб сўрарди кампир эшикдан бошини суқиб. «Йўғ-э, киринг, кираверинг!»— дерди Жофи. Юраги қон-зардобга тўлиб турган Жофининг кўзига шундай толда кампир авлиё қўриниб кетарди. Эндиликда у кампирни номи-гагина ёмон кўрарди, аслида эса уйқу ёки овқатга қанчалик зарурат сезса, унга ҳам шунчалик эҳтиёж се-зарди. Ташқаридан тушиб турган ёруғда бир-бировла-рини аранг илгашарди. Жофининг ияги остидаги қора дуррачаси учлари туғилган тугунча тобора катталашиб, Кизеланинг эса боши тепасидаги муштдаккина дума-лоқ соч турмагидан бўлак нарса кўринмай қолгунча ҳам дераза пардаларини туширмай, чироқни ёқмай ўтиришаверарди: чанг-тўзонли кундан сўнг беҳисоб юлдузлар чараклаб турган осмон кўзларини қувнатиб, Кизела очиб қўйган форточекадан оқиб кираётган мус-сафро ҳаво вужудларига ҳузур бахш этарди. Маст уй-қуда пишиллаб ётган гўдак тепасида ўтиришар, Кизела почмейстернинг оиласи ҳаётидан билиб-англаб келган кузатувларини шивирлаб сўзлаб берарди, Жофи эса бу орада ўтган гал унуттан, ўз айномаси зан-жирига яна бир ҳалқа бўлиб қўшилгувчи у ёки бу лавҳани хотирида тиклаб оларди. «Тунов куни сиз менга, Йожига тега қолсангиз бўларди, дегандингиз, лекин ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а...» Шундан сўнг Ковачларнинг ич кийимларини ювиб юрган Жо-фигагина маълум бўлган далилу тафсилотлар ишга тушарди. «Кўриб турибман, хоним, сиз ҳам ўша-ларнинг тарафини оляпсиз: ҳа-я, туққан онамки мени тушунмаганидан кейин, бегоналардан нимани ҳам кутардим! Ишонасизми, хоним, ўз онам мен-дан куракда турмайдиган нарсани сўраб ўтирибди-лар-а...»

Аввалига Жофи ўз оиласини аяб юрди, вужудига сингган қон-қардошлиқ туйгуси уни тийиб турди. Го-ҳо-гоҳо: «Ҳатто туғишганларим ҳам менинг ёнимни олишолмайди, рўзгоримга, еримга-ку қарашиб тури-шибди-я, лекин менинг ғамимни ейишга вақтлари йўқ», деб қўярди. Кейинчалик, ҳамма ва барчани фош

этиш, айбситиш иштиёки батамом устун чиққач, Жоғи ота-онасини ҳам аяб ўтирмайдиган бўлди. Олдининг укаси унинг ерини бекордан-бекорга ишлаб берадиганидан нолиётганини, ўзига қолса ерини тенг шерикка ижарага беришга ҳам тайёр эканини айтиб юрди. Аста-секин ошкора зорланшишга ўта бошлади: «Бир хил оналар боласи учун ўзини ўтга-сувга уради, жонини беради, менинг ойижоним бўлсалар қаёқдаги туҳмат гапларга ишонишга ҳам тайёрлар. Отам ёмон одам әмас-у, лекин у ҳам ўзим бўлай дейдиганлардан». Сўнгра Илушга икки баробар кўпроқ сеп беришганидан шиква-шикоят қиладиган бўлди. Жоғи онасининг сўзи ни ташлаёлмай, Илушнинг тўйига борганидан айниқса хафа эмиш. У турли баҳона топиб, бормайман, дебди-ю, лекин онаси: «Яхшия мас бу! Одамлар нима дейди?! Мен сенга, бориб әчкига ўхшаб иргишлаб ўйин туш деяётганим йўқ, бошқа хотин-халажлар билан ўтирасан, нима қиласаям синглингнинг юзи бор-ку!»— деб ҳолижонига қўймабди. Майли, борсам бора қолай, кейин яна ичи қора-да, келмади, деб гийбат қилиб юришмасин, деган ўй билан берибди. Яна нотариуснинг уруғларидан бирортаси оч қолмасин деб, Жоғи кун бўйи ахта хўroz патини юлибди, кечқурун бўлса ёлғиз ўзи шўппайиб ўтираверибди, ҳаммалари уни, худди ортиқча матоҳдек, ўз ҳолига ташлаб қўйишибди. Күёвнинг холавачасими, амакиваччасими — тиббиёт талабаси ҳатто ундан: «Нимага бир ўзингиз ўтирибсиз? Е бу ерда ҳеч кимни танимайсизми?»— деб сўрабди ҳам. Буни қаранг-а, синглиснинг тўйида бегона бўлиб ўтиrsa-я, шунинг учун борганмиди тўйга!

Ростини айтганда, Жоғи гаплашаман деса, истаганича суҳбатдош топиларди; девор ёқалаб ўтиришган аёлларнинг у билан кўришиш, чақчақлашишга урингандарини қўяверинг-у, дастлабига атрофида йигитлар ўралашиб туришди; йигитлар, гапга солсак бўлармискин, деб унга қараб-қараб қўйишибарди. Аммо Жоғи олдинданоқ, бу тўйда нима ҳам қиласдим, у ердагиларнинг кўзи учеби турибдими менга, деган ишонч билан келганди; бунинг устига, меҳмонларнинг қайсар жувонга беҳуда хушомад қилишдан бошқа ишлари йўқмиди дeng. Қисқаси, Жоғи бутун оқшомни тўйни қандай таърифлаб берсамикин деган ўйда гап танлаш билан ўtkазди — негаки, ўша аснода жисми тўйда бўлгани билан кўнгли уйда, Кизела билан нимқоронғи хо-

нада эди (сирасини айтганда эса, онасига ундан шикоят қилишдан асло чарчамаганди ўша куни). Уйига қайтганида айтиб бериш учун ҳар бир гапни, айниңса куёвнинг уругларидан бирортасининг (уни қарашиб юборгани келган қўшни, келиннинг дугоналаридан бўлса керак деб ўйлаб) оғзидан чиқиб кетган иборани ёки нарироқда ўтирган, Жофини пайқамай, шўхлик қилаётган жуфтнинг ҳазилини жон-жаҳди билан эслаб қўтишни пайдан эди. У бир бурчакда шовқин-суронли, ҳаяжонлантирувчи, тўлқинлантирувчи тўй манзарасини, гўё аллақачон ўтиб кетган томошадай, лоқайд кузатиб ўтиради. У ердаги сўзлар қулоғига илинар-илинмас, қалбига наштар сингари қадалувчи хотирага айланар, ўз навбатида эса бу хотира худди ўзи сингари хотираларга қоришиб, ўткир тишли алам тиги янглиг воқеликни тилка-пора қилишга тушарди. Тонготарда Жофи қора рўмолига ўралиб олиб уйига қайтаркан, у ушбу тўй кечасини гоҳо-гоҳо ёдга тушиб турадиган, бир замонлар бўлиб ўтган, дилларни изтиробга соладиган машъум воқеалар сингари тасаввuri кўзгусида аниқ, айни замонда мутлақо сохта қиёфада сақлаб қолганди. Уйга келгач эса, Кизеланинг сўраб-суриштириши ёрдамида тўйнинг айрим лавҳалари янада ёрқинлашди, янада ҳаяжонлантирувчи тус олди. Онаси, гўё бошқа болалири йўқдек, суюкли қизи атрофига парвонамиш. «Суюнганимданми, куйганимданми, билмадим-у, юрагим торс ёрилиб кетай деди!» — деб қўйди у. Илуш бўлса, худди тўй кўравериб пишиб кетгандай, қиқирлаб кулишдан бўшамас, ҳадеб қадаҳ чўқиштириб, уялмайнетмай әржони билан ўпишиб ётганмиш. Яна-тагин, бош нотариуснинг куёвтўрага тегизиб қилаётган қўпoldan-қўпол ҳазилларидан хандон отиб кулишига ўласизми, деб қўйди Жофи. «Энг содда десҳон юигит ҳам ўша саводхон одамлардай тутмас ўзини! Олдин ўлардай ичиб олишади-да, кейин навбатма-навбат айвонга чиқиб, ялаб-юлқашишади. Қишлоқликларга жуда ёқади бу, деб ўйлашса керак-да! Ўйинга тушганларини бир кўрсангиз эди: куёвнинг укаси — ҳали гимназияда, олтинчи синфда ўқиркан-у, тентак Маришкани шундай мижиглаб ётибдики! У ойимча бўлсалар талтайиб, оғизларини йиғиштиrolмай қолдилар, бойвачча ўпич олса бойвучча бўлиб қоламан, деб ўйлайдилар шекилли. Пали ўйин тушишни билмайди, шунинчун пештлик мөҳмонларга кимлигимни бир кўрсатиб

қўйяй деб цимбалга<sup>1</sup> вино қуйиб ётибди. Мени бўлса бир чеккада ўтириб, жимгина уларнинг қийпанглашларини томоша қилишдан бўлак чорам қолмади. Қани кўрайлик-чи, Жоғикамиз хаёлан қаерларда кезиб юрганийкин, бир гаплашиб, кўнглини ёзайлик, деган ўй бирорталарининг эсларига ҳам келмади. Тўгри, ҳирго-йига тушган эркаклар даврасида ўтирган дадам мен томонга бир-икки қараб қўйдилару кейин учиб қолдилар: ҳозир илгариги пайтларидағичалик ичиш йўл бўлсин уларга». Хулласи қалом, Жоғи у ерда ўз-ўзи билан ёлгиз қолиб, бамисоли тобутга солиб, деворга типпа-тик қилиб суюб қўйилган мурдадек, бу ола-говурни кузатганмиш. Кетаётганида бўлса, Шаникага деб лоақал бир дона печенье бериш хаёлларига ҳам келмаганмиш. Набирам-ку, деб ўилашмасмиш. «Илуш туғиб беради, ўша эркатойлари бўла қолсин...»

Эндиликда, гоҳо-гоҳо Кизела Жоғининг хонасида ярим кечагача қолиб кетадиган бўлди. Кўк бетида ой узуқ-юлуқ булутларни олдига солиб қувиб юрадиган, бирровгина савалаб ўтадиган ёмғир дераза остидаги гулпушталарда чаман бўлиб ётган, кундузги жазира-ма офтобда қовжираёзган турк чиннингулларини ювиб-тараб, қайта жон бахш этиб ўтадиган ёз кечалари эди. Баъзida улар фақат осталаридағи курсиларининг ги-чирилашидангина шу ерда эканликларини англаб, қоронғида бир-бирларини мутлақо кўрмай суҳбатлашиб ўтиришар, бутун уй ичидаги жиҳозлар зулмат қўйнига чўмган бундай пайтларда Жоғи пицирлаб, қишлоқ хона-донлари сир-асоридан ҳикоя қиласиди. Ота-оналарнинг тунги можаролари, оталарнинг саёқ юришлари, оғанинилар, эгачи-сингиллар ўртасидаги адсовату келишмов-чиликлар, эрлар жиловини маҳкам тутиш йўлида ишлилатиладиган ҳийла-найранглар — ана шуларнинг жамикиси қўйилиб келиб нақ сел пайтидаги тошқин сувдай, сокин тун оқимиға қўшилиб, таҳликали тус оларди. Зим-зиё тун зулмати ҳамда Жоғининг фош этгувчи жўшқин ҳукми баъзан Кизелани ҳам ўз домига тортиб кетарди. Бундай дамларда у ўзлиги ва билимдонлигини унтиб, кампирона икир-чикир шикоятлари билан Жоғи чалаётган созга жўр бўларди. Улар ҳам ўғилларини деб марҳум эри билан тез-тез жиқиллашиб ту-

---

<sup>1</sup> Чангга ўхшаш музика асбоби.

ришаркан. Эри бола жиловини қаттиқ тутиб тура ол-мас экан. Агар отаси ўн беш ёшидан ёнига пул солиб қўйиб — ёш бола нарсанинг чўнтағида пул юргани яж-шими, ахир!— ўғлини бузмаганида, ҳозир Имре эр-хотин орзу қилганларидай мактабда ўқитувчи бўларми-ди. Ёнига пул тушгач, бола қизларга айланишиб қолиб-ди, ўқишинп ташлабди. Шоғёр бўламан деб олти синф-ни битирганмиди, ахир!

— Ҳали оиласиша шаънига қайси биримиз доғ тушк-арканмиз, менми ёки синглимми, бун худо билади. Ўзининг тўйида шунчалик эс-ҳушини йўқотиб хур-санчиллик қилишнинг охири баҳайр бўлмаса ке-раг-ов,— дерди Жофи қизишиб.

— Шу кунларда бўлса бу саёқвой минг пенгё топиб беринг деб ҳоли-жонимга қўймаяпти, таксопаркка кирмоқчимиш, у ерга бўлса бай пули бермаса ишга олишмасмиш. Кетма-кет хат ёзиб ётибди...— гапни илиб кетарди Кизела.— Жўннатай десам, оғриб-нетиб қолсам ҳолим нима кечади? Операция қилишларига тўғри келиб қолса-чи? Улимлигимни ишонарканман-ми унга?!

Шу тахлит ҳар қайсиси ўз дардини айтиб, баъзida тонготаргача ўтприб қолишарди. Жофи ғазаб билан, ҳаммани ва ҳамма нарсани лаънатлаб, Кизела эса кам-пирчасига мингирлаб, бири олиб-бири қўярди. Кундузи Жофи миқ этмай, қовоғини ўйиб ўчоқ билан ошҳо-на столи орасида ўралашгани-ўралашганди: кастрюль-калари ойнадай ярақлар, ўчоқбоши поли ҳар куни юни-лар, ҳануз ўша-ўша адоваратли илтифот билан Кизела хизматини адо этарди. Эргалаблари эса Кизела ожиз-лик домига тушиб, ўғлини камситишдек кечаги гуно-хини енгиллатишга ҳаракат қиласарди; бундай дақиқа-ларда Имруш техникумни тугатганга, билими эса инс-тиутни битирганлар билан баробарга чиқиб қоларди; бу бебошнинг қанчалик онаси кўнглини ола билиши асосли далиллар билан исботланарди. Бироқ орзу қил-ган минг пенгё дардида ёзган ҳар бир хати кампир қалбининг хилватхоналарида пинхон ётган алам-ларни яна титкилаб қўяр ва бедорликда ўтажак тун-ги дардлашиш чогида Кизеланинг бу ҳасрати, бами-соли қадимий драмаларда тасвирланган маликанинг йигиси кекса энага марсиясига жўр бўлгандай, шуб-ҳасиз Жофининг дард-ҳасратига қўшилиб ҳамоҳанг янграрди.

Мана, кун-бакун ёзниг умри тугаб, тунги ҳасратлашишлар ҳам аста-секин камайиб боряпти. Жофининг грибонидан олиб турган газаб гўё синглисининг тўйи билан тугагандай бўлди. Турган гап, янги-янги хафагарчиликлар бўлиб турди, албатта: турмушга чиқ-қанидан бўён Жофида ақалли жўжани раво кўрмаган отаси Илушга иккита чўчқа боласини берди. Йожи Ковач эса ўғил кўрди — қайнанасининг оғзи қулоғида, уйдан мосиво бўлган набираси ўрнига янгиси бор энди; илоё Шаникага қилган яхшилиги ўшандан қайтсин... Бунақангি довул бир кун, зўр деганда икки кун давом этар, шундай пайтларда, илиқ август тунларида яна хаяжонли дардлашишлар бошланарди: илло, кейин бундай тунлар тағин Жофининг нафаси ичига тушиб, жимгина ўтирадиган, фақат аҳён-аҳёнда остидаги курси ғижирлаб, дуррасининг девордаги кўлага-си паства сирғалиб тушадиган — афтидан бундай пайтларда бошини қўлига қўйиб мудрарди — осуда оқшомлар билан алмашинарди.

Унинг индамай ўтиришидан Кизела сиқилиб кетарди. Вақти-вақти билан у қаршисидаги чурқ этмай, сукутга кетган кўлага олдига: «Одамларнинг айтишларича, Илушга ич кийимнинг ўзидан нақ یигирма-ўттизта қилишганмиш-а, ростми? Синглим Панни сира ишонмаяпти. Кураторлар шунчаки керилишяпти дейди», — дея хўрак ташлаб қўярди. Жофи бунга: «Агар истаса ўттизгадан ҳам кўпроқ олиб беришарди», — дея жавоб бериши мумкин эди. Бироқ Жофи бошини кўтариб, худди бошқа оламдан келиб қолгандай меровланиб қараб қўярди, холос. Кейинги пайтларда тамоман ўзгариб кетди-да бу Жофи. Ўчоқ билан ошхона столи орасида қатнашдаги илгариги чақмоқдай одим ташлашлари қай гўрга йўқолди! Ҳозир хамир қормоқ ниятида тухум чаққан жойида пўчогини ушлаганча маҳлиё бўлиб турди-қолади. Гоҳида уйни супуради-да, супуриндини ташқарига олиб чиқиб кетади, бир вақт қарасангиз, яна ахлатни кўтарганча қайтиб киради. Боқишилари ҳам ўзгариб қолган; башарангизга тап тортмай тинка, дадил боқмайди, кўзларини олиб қочади, дам шифтга, дам деразага тикилади. Тушда овқатланиб бўлгач, Кизела оғиз очиб улгурмасданоқ, шартта идиш-товоқни йигиштиради-ю, хонасига киради-кетади. Кечқурунлари ҳам бот-бот, бошим огрияпти, деб шикоят қиладиган қилиқ чиқарди — «бугун барвақтроқ ётмасам бўлмай-

диганга ўхшайди» — шу баҳона билан тунги сұхбатни ҳам йўққа чиқаради-қўяди. Кизела бир куни почмейстер хотини билан бирпас валақлашиб ўтириб қайтса, она-бola аллақачон ётиб олишибди.

— Худо ўз паноҳида асрасин-у, тобингиз қочиб қолмадими тағин? — сўради Қизела, эл-бурутдан сув қўйгандай жимжит бўлиб қолган хонага мўралаб, чий пардалар барвақт тушириб қўйилганидан хона қопкоронги эди.

— Йўқ, бўталогим, сиз ҳам ётинг деб ҳиқиллайверди. Қел, ётсам ёта қолай дедим. Қейин, уйқудан яхши нарса бораканми оламда!

Кизеланинг бир ўзи ошхонадаги курсига чўкиб, қўлбола танглай тишлари билан жимгина дудланган чўчқа гўштини чайнашдан ўзга иложи қолмади; бир оёғидаги туфлиси тумшуғини иккинчисининг товғини тираб ечаркан (одати шунаقا эди), Кизела сал нарсага шалвиллаб тушадиган ёшларни койиб, алланарса деб минғиллаб қўйди. Мабодо унинг ҳам мана шундай руҳи тушиб кетганида ҳоли нима кечарди?!

Кизела чандон уринмасин, ёнига йўлаёлмаёттан бу ўқтам, қатъиятли ўш жувонда қандайдир бир ғалати ўзгариш содир бўлаётганди. У ҳар хил шамалар қилар, гоҳо ачитиб узиб-узиб оларди-ю, аммо Жофи бош оғригини важ қилиб ёки оламда уйқудан яхши нарса бораканми, деб чап бериб қоларди. Шунга қарамай, Кизела ичкарида, ўзи борган сайин совуқроқ қабул қилинаётган анави эшик ортидаги хонада қандайдир ўзгача, у тушунолмайдиган ҳаёт қарор топаётганини сезиб, ҳис этиб туарди. Ора-сира Жофининг Шаника билан гўнгир-ғўнгир гаплашаётгани қулогига чалиниб қоларди; бир куни она-бola нима ҳақидадир шивирлашиб гаплашишарди, кейин шивирлаш ҳам тинди, лекин шу пайт Шани курсини йиқитиб юборганди, Жофи жеркиб берди, кўз очиб-юмгуңчалик фурсат ўтмаёқ «чўлл» этказиб ўпган товуш эшитилди — Жофи ўғлидан узр сўрайлти. «Боласи олдида намунча енгилтаклик қилмаса! Бу ёқдан уришиб, бу ёқдан ялаб-юлқайди-я!» — гижинди Кизела.

— Ойижонинг нима қиляпти, ухляяптими? — деб сўради у бир гал, секингина хонадан чиққан Шанига. У хийла вақтдан бери ошхонадаги курсида болакайнинг эшикни ичкаридан очмоқчи бўлиб уринаётганини эшитиб ўтирганди. Одатда Шаника Кизела билан гап-

лашмас, нари борса тўхтаб, индамай афтига қараб ту-  
раверар ёки гизиллаганича ўрдаклари олдига чопиб  
кетарди. Лекин у ҳозир жавоб берди:

— Пичирляяпти.

— Нима-нима? Ойинг нима қиляпти деб сўраяпман  
сендан?

— Пичирляяпти.— Қоп-қора кўзлари жавдираб  
боқишидан болакайнинг ўзига ҳам бу қизиқ туюлгани  
кўриниб турарди.

— Қулоғингга пичирладими?

— Йўқ. Пичирляяпти, дедим-ку,— такрорлади Ша-  
ни, ҳозиргина жилмайиб турган кўзларида жаҳл ало-  
мати пайдо бўлди:— Тушунмаяпсизми, пичирляяпти  
деяпман-ку!

«Боласи тушмагур уч ёшга кирибди-ю, мундоқ га-  
пини эплаб гапиролмайди-я»,— хаёлидан ўтди Кизе-  
ланинг. Эртасига парда ортидан дераза тагида тараша  
ёраётган Жофини кузатаркан, унинг лаблари тез-тез  
қимирлаётганини ўз кўзи билан кўрди. У ўзича нима-  
ларнидир пичирларди, бола шунинг учун ҳам, ойим  
пичирляяпти, деган экан-да.

Жофининг бу сирли, хуфиёна ички ҳаёти Кизела-  
пинг қанчалик зардасини қайнатгани ҳеч қандай тав-  
сиyu таърифга сифмасди. Қампиршо таҳқирланган ва  
шубҳаланган бир қиёфада хонани кезар, сиртдан қара-  
ганда кастрюлькалари билан, наҳорга қаҷва ичишу  
газета ўқиш билан банддай кўринарди-ю, аммо айни  
чогда майд-чуйда ўзгаришгача назардан қочирмас-  
ди. Эшикларни тўсатдан очиб қолар, мабодо Жофи ош-  
хонада куйманаётган бўлса кампир эшигига тутилган  
парда муттасил қимирлаб турарди; кейинчалик Кизе-  
ла астра гулларини боғлаб қўйиши баҳонасида қўққис-  
дан қаддини ростлаб, Жофининг хонасига мўралаш  
учун дам-бадам боғчага қатнайдиган одат чиқарди.

Жофи бу янгича оламга тамоман шўнгигб кетмагани-  
ди, албатта, у иззат-нафси таҳқирланган Кизеланинг  
доим ўзига ўқдек қадалиб турган кўзларини пайқаб  
юради. Дам-бадам сесканиб кетиб, ғалати хаёлий  
оламдан воқелинка қайтар, ўша ондаёқ шубҳа билан  
атрофга олазарак назар ташлаб, орқа хона деразасида-  
ги парда зич ёниглигига ишонч ҳосил қилар, эшик ор-  
тидаги полнинг тўсатдан гижирлаб қолишини эшишиб,  
шартта эшикни очиб қараганида кампирнинг пойлаб  
турмаганини кўради. Баъзан виждони тазиёки ости-

да чўчпб тушарди, гоҳо эса дарҳақиқат уйга қайтган Кизела унинг эшиги ёнига келмай, тўппа-тўғри ўз конасига ўтиб кетган бўларди. Жофи Кизеланинг ранжинқираган, гапни чалғитувчи: «Кирай-кирай дейману, лекин кейинги пайтларда чарчаб қолаётганингизни кўриб, қўй, дейман. Сизга ҳалал бермай, почмейстер хонимникоға бора қолай дейман», каби сўзларининг тагида нима маъно ётганини жуда яхши фаҳмларди. Шундай гаплардан кейин Жофи ҳар гал Кизелани ўзгача бир меҳр билан хонага таклиф қилиб, олдига дастурхон ёзарди — кўпинча онаси бериб юборган ёнгоқли печенеъ қўйиларди — бироқ бу Кизеланинг кўнглини юмшата олмасди, кампирга бундан кўра кечқурунлари юракларидаги дард-аламларини тўкиб-соладиган, кўнгил чигилини ёзадиган ҳасратлашиш дамлари зарурроқ эди; Жофи эса эндиликда бундан тез-тез ўзини олиб қочадиган бўлиб боряпти, башарти аламдан лабларини тишлаб-қимтиб турган Кизеланинг баттар жаҳлини чиқармай қўя қолай, деб бунга ўзини мажбур этса, унда лоқайд ўтираверарди.

Эргалаб тиниқиб турган пайтларида ёки Кизеланинг бирор аччиқ танбеҳидан сўнг вужудиу табиатидан содир бўлаётган ўзгаришлардан Жесфининг ўзи ҳам ташвишга тушиб қоларди. Бу аҳмоқона ўйин гарчанд кўнглига бир қадар ҳузур бахш этса-да, лекин бутун фикру ёдини банд этиб олишини сира-сира хаёлига келтирмаганди. Сирасини айтганда, бу нарса ўтган қишида, эрининг суратини катта қилишга берганидан кейин бошланган эди. Жофи қайнанасиникдан бу ерга кўчиб келганидан бери эрининг мозорига кам борадиган бўлиб қолди... Ковачларни қабристонда даҳмага ўхшаган хилхоналари бор эди, маълум вақтдан буён ўзига тўқ дедҳон тоифаларида вафот этган яқинларини атрофи тахта билан ўралган ертўласимон хилхоналарга қўйиш одат тусига кириб қолган эди. Бу таомилни Кураторлар бошлаб берганди. Ковач кампир эса улардан орқада қолса нақ қулогини кесарди-да! Шандор ҳозир бир вақтлар онаси ўзининг қайнатаси мозори устига қўйдирган каттакон тош тахта остида ётиби; бобоси ва унинг кўксов бўлиб ўлган қизининг номлари остига кейинчалик Шандорнинг ҳам исми ўйиб ёздирилди. Энг тепага эса: «Ковачлар оиласи», деб ёзиб қўйилган. Жофи ҳар сафар ана шу тош олдига келганида, назарида Ковачлар эрини тортиб олиб қўйгандек, унинг

эса бу ерда қиласидиган иши йўқдек туюлаверарди. Ке-йин, майда-чуйда нохушликлар ҳам бўлиб турарди. Ковач кампир шу ёққа келаётган Жофига олисдан кўзи тушгани ҳамоноқ нари кетар, лекин, сен бу ердаи қуришинг билан яна қайтаман, дегандай кетмончасини мозор тепасида қолдиради. Барча азиз-авлиёлар байрами куни эса қуюшқондан чиқиб кетди у: Жофи қабр бошига қўйган гулчамбарни олиб, хилхона атрофидаги панжараага илиб қўйди, ўшандаги Жофи кўзлари жиққа ёшга тўлиб, қайнанам мени эримдан жудо қилди, энди қабристонни елкамнинг чуқури кўрсин, деб ийғлаб қайтди уйига.

Шунда денг, суратларни катта қилиб берадиган бир суратчи йўлиқиб қолди. Суратини катталаштириб олсам, унга қараб истаганимча эримни ёдлаб, юрагимни бемалол бўшатавераман-ку, деган фикр миясидан нари кетмади. Жофининг бисотида Шандорнинг ов пайтида қайсириб бир ҳаваскор суратчи олган суратидан бўлак тузукроқ расми йўқ эди; овчилар шляпасини чаккасига қийшайтириб кийиб, бир қўлида кўзача ушлаб олган Шандор бир қўлинин Шёмъеннинг елкасига ташлас тушганди. Ана шу суратни каттартириб олди; суратчи суратга жиддийроқ тус бериш учун бошидаги шляпани бир амаллаб тўғрилади-ю, лекин кулиб турган оғзи, ярқираган тишларининг иложини қиломади, натижада сурат жиддийроқ бўлиш ўрнига, аксинча, баттар антиқароқ чиқди. Аввалига Жофи суратдаги бу лаблари ишшайиб турган, шляпасига аллақандай патларни қадаб олган олифта қиёфасида эрини тан олгиси келмади-ю, бироқ кейинчалик бунга кўникиб кетди. Илгарилари Шандорни кўз олдига келтиришда қийналган, бунинг учун бутун хотираси қатларини титкилашига тўғри келган бўлса, эндиликда унинг каттакон сурати деворда осиглиқ турибди; Жофи бу суратга қанчалик кўп кўз ташлаб турса, эрининг асли қиёфаси хотиридан шунчалик кўтарилиб, олислашиб борарди.

Бироқ суратга чинакамига сажда қилиш, уни эъзозлаш Кизела кўчиб келганидан кейин бошланди. Жофи Кизелага Шандор тўғрисида кўпдан ёрилавермасди, лекин оби дийдасига: «Қабристондан кавушимни тўғрилаб, йўлатмайдиган қилиб қўйишган, бу ерда аҳён-аҳёнда бўлсаям шўрлик эримнинг руҳини гул билан шол этиб тушман», кабилидаги гапни кистириб кетган-

ди. Ўшандан бери Кизела хонага қачон кирмасин, сурат раҳида доимо яп-янги узилган гул яшнаб турган бўлади. Жофиқа кўпинча, ижарачиси ҳузурида ҳам, Шаникани курсига чиқиб, сурат раҳига гул қистириб қўйишга мажбур қиласарди. Кизела ошхонада ўтирган пайтларида онанинг ўз ўғлига: «Дадажонинг жаннатдан ҳаммасини кўриб туради, у жудаям яхши одам эди, катта бўлганингда сен ҳам ўшандай бўлишинг керак. Даданг ўлган пайтда сен анави дорихоначи амакининг Дудикасига ўхшаган кичкинагина эдинг. Бир куни даданг манави овчилар шляпасини бошингта кийгазиб қўйганида қўрқиб кетганингдан йиглаб юборгандинг. Шунда дадажонинг шляпани олиб, қўлингга берганди, сен ҳамма патларини сугуриб ташлагансан», деб насиҳат қилганини неча мартараб эшитган.

Сурат тагида туриб ҳикоя қилган чоғларида у берилиб кетар, Шаника эса эртак эшитаётган болалар сингари кўзларини катта-катта очиб, бақа бўлиб қулоқ соларди. Аввалига Жофи фақат Шаника учун, борабора эса ўзи учун ҳам ҳикоя қила бошлади. Дадажонининг қамчиси билан милтиги ҳақидаги ҳикоялар, дориломон кунларидаги майд-чуйда хотиралар ҳам қўшилиб, аста-секин қаппая борарди: «Ойижонинг ҳали қиз бола эканида дадажонинг ҳайитликка тирик қуёнча бериб юборган, қуёнчанинг бўйнида қип-қизил лентачаси ҳам борииди». Ёки: «Ойижонинг қордай оппоқ кўйлак кийганди, бошига шкафда ўзинг кўрган гулчамбар бор-ку, ўшани тақиб олганди. Извошнинг ғилдиракларигача гуллар қадаб ташланганди, отни ҳайдайдиган қамчи бор-ку, ўшаем оппоқ гуллар билан безатилганди». Шани бу чўпчакларни бирпастсина диққат билан тингларди, бироқ салдан кейин зерикиб, онасининг тиззасидан сирғалиб тушарди-да, унинг ийиб турганидан фойдаланиб, мураббо бер деб хархашага ўтарди. Жофи эса ўз тасаввурида яратган ушбу ширин орзуларга кон ҳаёт боғида танҳо қолар ва башарти ҳозиргина ҳис этиб ўтирган мунгли ҳамда эзгу туйғулар билан қалбига яна бир оз тасалли беришни истагундай бўлса, бу чўпчакни ўз-ўзига ҳикоя қилмоги лозим эди. Олдинига бундай қилишдан ўзини чалғитар, ширин туйғу билан кўнгли илиб, бир нафас тасалли топсин учун хаёлга берилишга шунчалар иштиёқманд эканини ўйлаб, ўз-ўздан нафратланарди. Бироқ бу ҳаловатли туйғу ниҳоят ғолиб келди. У Шаникани ўз чўпчагига қулоқ

солишига, қизиқтиришга уринарди. Шаника эса бу чўпчаклардан чарчаганди, у йиглар ва деворда осиғлиқ турган, шаънига дуо ўқиши лозим бўлган дадажонидан тобора бегоналашиб, ётсираб борарди. «Керагамас, айтиб бермай қўя қол!» — деб илтижо-ла ялинарди у она-сига гўдакларга хос лоқайдлик билан, мабодо жаҳли чиқарилса дод солишига бир баҳя қолиб. Жофи учун эса шу кунларда бир нафасга бўлса-да, қалби ийиб, ширин хаёллар огушидаги ўтадиган айнан ўшандай дамлар азизроқ эди, зеро унинг тинкаси қуриб, дами қайтиб қолган нафрати бундай онларда тин олиб, тиги чархланарди.

Дастлаб эри тўғрисида ўз-ўзига онда-сонда бир ҳикоя қиласарди. Гоҳо кундузи, Кизела ўз уясига қамалиб олган, Шани эса каравотнинг бир чеккасидаги катта-кон ёстиқ устида пишиллаб ётганида, ёҳуд, кечаси уй-қуси қочиб кетган пайтларида содир бўларди бундай аҳвол.

«Боғчада картошкани чопиқ қилаётсам, бирдан ел-камга алланима гурс этуб теккандай бўлди. Ўгирилиб қарасам — ҳеч зор йўқ. Яна чопифимни қилавердим, бир пайт нимадир бошимга тақ этуб тегди. Қарасам — олма қоқи. Э-ҳа, ҳазиллашаётган ўшайкан-да, дедим. Тағин энгашиб, кетмончамни ишга солдим-у, лекин қўлим тагидан секин кўз ташладим: ҳув ана, у чордоқдан мўралаб турибди. У тепада бугдойни ағдариб, шаммоллатаётганди. Ўзимни ҳеч нимани пайқамаганга солдим, бир жаҳли чиқсин, дедим. Кейин чопиқни қўйиб, ичкарига кирдим-да, астагина чордоққа чиқа бошлидим. Шандор бугдойни шопириб-агдариб ётибди, ҳамма ёқ чанг, ҳеч нимани кўриб бўлмайди, қандай чиқиб борганимни у пайқамай ҳам қолди. Шунда унга қараб олма қоқи әмас, жўхори сўтасини отдим. Бирдан чордоқда мени зингиллатиб қувиб қолди-ку! У ерда молларга бериладиган сули ёйиб қўйилганди, ана ўша сули устида олишиб, шундай гурпаклаша кетдикки, асти қўяверасиз...»

Бироқ у эслашга чандон уринмасин, хотиралари зумда тугарди-қоларди; нега деганда, бисотида буна-қанги воқеалардан бор-йўги икки-учтагина оди холос — ана шуларнингина ўз-ўзинча таксрорлашдан нарига ўтолмасди. Тез орада булар ҳам қисилиб-қисқарип бориб, ниҳоят ҳар қайсисидан кайфиятини дарҳол чархлаб олишига ярагулик бир неча оғизигина сўз қол-

ди, холос: «Картошкани чопиқ қилаётувдим, у бўлса чордоқда буғдойни шамоллатаётувди...»—деса бас эди. Ўша баҳтиёр кўйкламги кунни яққол тасаввур этиши учун бу воқеани бошдан-оёқ эслаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Шунда қалбидা антиқа бир ҳис пайдо бўлар, сархушлиги тарқаб, хаёллари чор атрофга ўрмалаб қоларди. Аммо ўша ондаёқ ўзини галати бир фаромуш кайфиятда қўлга тушириб, Жофи жонҳолатда: «...чол-кампир ибодатхонада, мен бўлсам тепада эдим...» каби чайналган ибораларга ёпишиб оларди. Шунда у яна қалбан ширин хаёллар қанотида парвоз эта бошларди.

Жофи билан ижаракчиси бир-бировлари билан батамом бегоналашиб кетадиган даражага етиб қолгандилар. Кизела оқшомларни почмейстер хотининикида ёки қаттиқ ранжитилган бир қиёфада ўз хонасига қамалиб олиб, газеталарни кўздан кечириш билан ўтказар, Жофи эса ўз юмушлари билан овора, иложини топди дегунча хаёлга бериларди. Ана шундай кунларнинг бирида, кечки пайт, узум узиш палласида, хат орқали онасига ялиниб-ёлворавериш жонига теккан Имре — Кизеланинг ўғли кириб келди. У бир кечагина ётди, қачон келганини Жофи ҳатто пайқамади ҳам.

Кўзлари йигидан қизарган Кизела ўглига диванга жой солиб бериш учун тоза чойшаб сўради ва кечаси алламаҳалгача унинг хонасидан ғўнгир-ғўнгир тортишган овозлар эшитилиб турди. Ўғли гоятда босиқлик билан сўзлар, лекин онаси овозини кўтарганда у ҳам баланд гапира бошлар, бундан чўчиган Кизела пичирлашга ўтарди. Сўнгра яна ўгининг вазмин, дам такаббурона, дам ялинганинамо овози эшитилар, кетидан муҳофазага ўтган онасинг қичқириги янграб қоларди. Она-бала тонготарга яқин тинчишди.

Эрталаб, Жофи ўрнидан турганида меҳмон оёгини курсига қўйиб, туфлисини тозалаётган эди, ёнида сафар тўрvasи ётарди. Кизела эса ўз хонасида нонуштадан сўнг тарақа-туроқ қилиб идиш-товоқ юваётган эди. Унинг ўғли чўзиқ гувалак бош, соchlари оқпар, ҳали мурти чиқмаган ўслирин ёки ёш шогирд болага ўхшаган кўса башара йигит экан. Жофи ошхонада пайдо бўлганида у шошилмай, аммо эҳтиром билан оёгини курсидан олди-да, хотиржам шўхчан нигоҳ-ла қора аза либосига бурканган жувонни бошдан-оёқ назардал ўт-

казди. Чақнаб кетган кўзлари унинг бу бева жувоний мутлақо ўзгача тасаввур қилиб юрганини яққол айтиб турарди.

— Бекамиз бўлсалар кераг-а? — Имре хушмуомалик ва раъият билан сўзларди.— Кечаси сизга халал бермадикми ишқилиб? Ойим билан бафуржা тил топишиш сал қийинроқ. Буни ўзингиз ҳам билиб олгандирсиз. Шунақанги ижарачи билан бир хонадонда тургулик қилмасин, сизга қийин.— Шундай дея у, гўё тил бириктиromoқчидек, кўз уриштириб олмоқчи бўлди.

Аммо Жофи кечаси хонасига олиб кириб кетган сувли кўзани ошхона столига қўйди-да, яна индамай кириб кетди. Шу кириб кетганича, то шўхчан ҳуштак чалиб узоқлашаётган йигитча ортидан кўча эшик тарақлаб ёпилмагунича қайтиб қорасини кўрсатмади.

Ўглининг ташрифи бу икки аёлни қайтадан бақамти келишларига сабабчи бўлди. Билимдонлик, маданийлик зиммасига ўз ҳамхонасидан устунлигини асрабавайлашдек оғир бурчни юклаб қўйганини ҳам унуглан шўрлик Кизела шу даражага бордики, айни дамгача кўз қорачигидай хас-пўшлаб келган оиласиз ҳаёти шаънини топтаб ташлади. Бебош ўғли алам тўфони комига ташлаб кетганди бечоранинг вужудини: у, ҳар қалай, бай пулини тўлаш учун кампирнинг ишонган бисоти — бир минг икки юз пенгё қўйилган омонат касса дафтарчасини авраб-савраб олиб кетганди. Бахти қаро тул онаси ҳатто бай пулидан ортиб қоладиган икки юз пенгёни ҳам у дунёю бу дунё кўриб бўйти энди. Ўғлининг бунчалик тошбағирлиги ва худди ана шу икки юз пенгё Кизеланинг бир неча ўн йиллик ҳаётига бўлган муносабатини остин-устун қилиб ўзгартиб юборди. То шу кунгача — эрининг бевақт вафотини ҳисобга олмаганда — у қўлини кўксига қўйиб, тақдиридан мамнун юрган бўлса, ўша кундан эътиборан ҳатто бир вакълар ўзи ётган беланчак ясалган дарахтнинг шоҳ-бутоқларигача лаънатлар ўқишга ўтди. Ҳали қиз болалигигидаёқ худонинг қаҳрига учраб, қари қиз бўлиб қолаёзганди, чунки ота-онаси уни Кизелага бермаймиз деб икки оёқларини бир этикка тиқиб туриб олгандилар. Ўшанда ниятимга етаман деб курашиб ишмага эришди — чеккан азиятлари эвазига кейинчалик: унга хизматкор бўлиш учунми?! Бунинг устига уни боқиши, умрида рўш-

нолик кўрмай, ўлар-тириларига қарамай тер тўкиш — ким ва нима учун? Ёши бир жойга бориб қолганида онасининг бор буд-шудини шилиб кетадиган саёқ ўгилни боқиб катта қилиш учун шунча азоб чеккан экан-да...

Эндиликда Кизеланинг ҳикояларида директорнинг хотини билан муаллимларнинг рафиқалари қаторидан унинг ҳаётида муҳимроқ ўрин тутган янгидан-янги шахслар: йигирма бир ўйинида бор-йўгини шилиб, эрини мулла мирқуруқ қилиб қўйган суд палатасидаги идора хизматчиси, гилай фаррош аёллар (бундайларни жиловини тортиб қўйиши у директордан неча-неча бор илтижо қилганди, негаки, ўшалардан бирортаси ертўлага тушди дегунча эрининг, эски беномуснинг ҳам ўша ерда иши чиқиб қоларди) жой ола борди. Ниҳоят, қўшни кўчадаги исқири сулувларнинг исмлари ҳам онда-сонда оғзидан чиқиб кетадиган бўлиб қолди, жаноби Кизела улар орасида муносиб хуштор сифатида ном қозонган экан. Мана бунинг оқибати — ўғиллари бемаъни отасига тортиби-қўйибди! Айтгандай, у, Кизела, ўғли учун жавобгарликни зиммасидан соқит қиласмиш, бари бир унинг куни ё Вацда<sup>1</sup>, ё дорда битармиш.

Оилавий сирларини ошкор этиш Кизела учун қимматга тушди, Жофи изтиробу алам қаноти остида дунёга келган бу ожизона хўрликни муносиб тарзда тақдирлади. Эндиликда шу кунгача кечган оқшомлар давомида унинг оҳу зорига Кизела қандай «малҳам» бўлиб келган бўлса, Жофи ҳам кампирга худди шундай «ҳамдард» бўлди. Жофи: «Рост, тўгри айтасиз, шу аҳволга тушиш учун азоб чекиб, ўғил ўстиришнинг кимга кераги бор», — деб бир мартағина тасдиқлаб қўйса, кампирнинг шиква-шикояти ўша ондаёқ тугашини жуда яхши биларди. Кизела унда яна ўз қадри-қимматини ҳис этиб ўзгаради-қолади, ҳатто омонат касса дафтарчаси ҳақидаги ҳангома ҳам унут бўлади. Шу боисдан ҳам у фақат бош чайқаб қўяқ қолар ёки ўз андуҳларидан гап очиб, ора-сира, шунда ҳам умумий тарзда: «Одамлар намунча ёвуз бўлмасалар-а! Бу ичи қоралар ҳавони булғатиб юришади, холос! Худойим

<sup>1</sup> Вац шаҳрида жинолг'илар қамаладиган машқур турма бўлган.

ҳаммасини жаҳаннамга жўнатиб қўя қолгани яхшия-  
масми-я!» — деб қўярди алам билан. Бироқ, доимо  
қовоги солиқ бўлишига қарамай, чеҳрасида: ҳа, Кизеланинг баландпарвоз гаплари, директор хотини тўғ-  
рисидаги тумтароқли ҳикоялари остида ҳали шуна-  
қангни нарсалар яшириниб ётган эканда, деяётгандай  
мамнуният, қувонч акс этиб туради. Жофи «хоним  
ойим» нинг ғам-андуҳ инган афт-ангорини кўриб лаз-  
затланар; кампирнинг алами зиёда бўлиб, ўтган ум-  
рига нигоҳ ташларкан, уяту шармисорликдан бўлак  
нарсани кўрмайтганидан ҳузур қиласарди. Унинг оғиз  
кўпиртириб мақтанишлари қашшоқлик ҳамда ожиз-  
лик бетига тортиб қўйилган бир ниқоб эканда!

Оқшомги ҳасратлашишлар қалбларига қайтадан  
илҳом бахш этгандай бўлди. Кизела хун вассасасида  
қон тўккан жойидан узоқлашолмай, ўша атрофда ўра-  
лашиб юрган қотилдай, такрор-такрор эринининг мактаб  
подвалидаги ҳангомаларига қайтар, Имренинг мушт-  
дек чоғидан бузилиб кетишига сабабчи бўлган ақл бо-  
вар қилмайдиган далилларни қалаштириб ташларди.  
Илгарилари муаллимларнинг хотинлари қогозга ўрал-  
ган попукдек қилиб таърифланадиган, мактаб хизмат-  
чиларининг муҳтарама рафиқаларини «холажон, хола-  
жон» деб кафтларида кўтариб юрадиган мактаб энди-  
ликда аста-секин гуноҳлар маскани, фаҳшонага  
айлана борди. У ердаги фоҳиша фаррош аёллар қалаш-  
тириб қўйилган парталар орасида жон-жон деб қариб  
қуюлмаган хотинбознинг қўйнига киарканлар, дирек-  
тор хотинининг оқсочи бўлса қийшанглаб бирорта ўс-  
пиринчани илиқтириб эшик ортига тортаркан. Ҳаёт-  
нинг бу томонлари Жоfigа қизлик пайтлариданоқ ях-  
ши маълум эдп — ақалли отаси билан укасини кузат-  
тиб билиб олганди буни. Узумзор этағида отаси билан  
вақтинча ёлланиб ишлаётган бирор ёшгина жувоннинг  
узум эзиладиган жойдан чиқишларини кутиб бекор-  
чиликдан диққати ошиб ўтирган пайтлари кўп бўлган.  
Гарчи бир чеккада кутиб ўтирган бўлса-да, бунақангни  
ишқий эрмаклар борасида у ҳамма гапдан — жойи,  
қатнашчилари, шарт-шароити, қисқаси ҳаммасидан  
боҳабар эди. Кизеланинг ҳикоясини эшитганида эса  
кўз олдида фақат суллоҳ Имренинг турқи пайдо бў-  
ларди, холос; мактабдаги ҳайҳотдай хоналар, директор  
оқсочи, анави одамнинг резгиси бўлмиш талабалар  
назоратчиси — ҳамма-ҳаммаси эса олис-олислардаги

сирли, манфур бузғунчилик маскани қаърида гоҳиб бўлиб кетарди.

Имрушнинг норасидалар афтига ўхшаган қўса ба-шарасини ўз кўзи билан кўрган Жофи кампирнинг ҳар бир сўзига чиппа-чин ишонарди. Имренинг башараси-даги сурбетона иршайиш худди ўша фаҳшоналарда вужудга келган! Жофи унинг шаҳардаги сон-саноқсиз фоқишилар из қолдирган башарасини яққол кўриб тур-гандай бўларди. Бора-бора отасининг саёқ юришлари каср-касофати ўғлига уриб кетгандай туюла бошлади; Жофининг наздида Имре Кизела тўкиб-солаётган бар-ча бузиқлигу номуссизлик тимсолига айлана борди. Жофи ҳатто бечора Кизеланинг оғзидан қизиқ устида, аламзадалик билан чиқиб кетадиган гапларга ҳам ас-тойдил ишонарди. «Ҳа, бу кишининг Имрушлари ҳали шунаقا йигит экан-да!— тантана қиласарди у, лоқайд-бепарво бир қиёфада.— Баттар бўлсин, бу ҳам кам яшшамагурга». Ҳар замонда тасавурида Имренинг кулгили қиёфаси жонланар, шунда кулиб юборишига сал қоларди, ахир у ярамас, онасини лақиллатиб, жам-гармасини боллаб ўмариб кетганди-да! Ҳатто устидаги икки юз пенгёсиниям қолдирмади-я!

Энди Кизела эмас, у ҳамсуҳбатининг қўйнига қўл солишга ҳаракат қиласадиган, қани, манави хўракни олиб кўр-чи, дегандай иш тутадиган бўлди. Бу иблислар оиласининг ўтмици сахифаларини титкилашдан лаззат оларди у. Кизела ўз хонасига чиқиб кеттач, Жофи ўрнида соатлаб тирсагига таянган қўйи ётганча, марҳум эрини ўйлаб кетарди. Кизеланинг ҳазин ҳикоялари эри сиймосини гўё ёритгандай, чиройини очиб юбораётгандай бўлар, унинг эса эрига муҳаббати кун-дан-кунга ошиб борарди. Хотирида сақланиб қослган илгариги майдо-чуйда манзаралар Жофини эндиликда қаноатлантирмай қўйди, у янги-янги лавҳаларни кашф эта бошлади. Хаёлида у ҳали қиз бола, мана, Шандор уни далага, гарам тагига судраяпти. Ўша ерда, жиққа ҳўл ўт устида ўтиришди. «Жофи, тиззамга ўтири, бўл-маса шамоллаб қоласан», дейди у. Шунда тўсатдан ота-си чиқиб қолиб, қизига ўдағайлаб беради: «Бу нима қилиқ, Жофи!»— у бўлса Шандорнинг қайноқ бўйни-дан қаттиқроқ қучоқлаб, пинжига тикилади, «Ўлдир-сангиз ҳам, дадажон, бари бир турмайман, бу менинг маҳримига тушган жой!»— дейди.

Кўпинча у ана шундай хаёлот оламида кезаркан,

яққол кўриб тургандай эди. Эри у билан бирга шу тў-шакда ётгани йўқ. Жофининг кўзига эри ҳал берилган тобутда узала тушиб ётгани кўриниб кетди, мана, липиллаб ёнаётган шам шуъласи унинг мум тахлит пешанасида лип-лип ўйин тушяпти, шунда жувон бирдан, гўё танасига гуп этиб муздек даҳма нафаси урилгандек, аъзойи баданини совуқ тер босганини пайқаб қолди. Нималар бўляпти унга ўзи, нима бало, ўлган одам билан ошиқ-маъшуқлик қиласптими?! Бундай чогда Шандор ўз маскани — ўз даҳмасига қайтар, у бўлса ўз жойида, қайта жон битиб тобутдан чиқиб олган мурдашай, ўз «даҳмасида» қимир этмай ўтираверади. «Эҳ, тентак, гирт аҳмоқсан-да!» — деб ўзини-ўзи койирди-да, ҳамхонаси, умри қувончи — ёнида пишиллаб ухлаётган ўғли устига эгиларди. Шўрлик болани ўз ҳолига ташлаб қўйибман-а, деб хижил бўларди. Эрталаб шоша-пиша кийинтириб, бир кружкагина қаҳвани зўрлаб ичираади, шу билан иш тамом, у ёғига билганини қиласди, эртадан қора кечгача қўни-қўшниларнида санқиб юраверади... .

Шаниканинг умри уйдан кўра кўпроқ Хоморларни-кида ўтади. Анави букур Ирма болани жуда ўзига ўргатиб олган, Жофи бўлса ўғли ҳадеб оёғи остида ўралашавермаганидан хурсанд. «Қанақангি онасан ўзи,— деб ғўлдиради Жофи кейинги пайтларда,— бор бисо-тинг, бахту қувончинг шу бола-ку, сен бўлсанг сира унинг ташвишини қиласай демайсан-а!» У адёл сурилиб, ўғлимнинг усти очилиб қолмадимикин деб пайпаслаб кўради. «Дўмбогим, ширингинам»,— деб пичирлаганча, бошини ўғли пинжига суқади. Шани ўгирилиб, дўмбоқ қўлчаларини адёл остидан чиқаради, унинг жажжи бармоқчалари нақ Жофининг лабларига тегай-тегай деб қолади, онасининг кўзларига эса бирдан ғилқа-ғилқа ёш келади. Мехри товланиб бўталоги-нинг митти, лўппи кафтидан ўпаркан, қалби қувончга тўлганини, ўзи гоятда енгил тортганини ҳис этади. Кўзларини очганча, ташқаридан тушиб турган ширава ёруғда, беихтиёр ўғли бармоқчаларини санаган кўйи

алла-паллагача, эҳтимолки бир неча соатлаб мижжа қоқмай ётади. Тунни бедор ўтказаётганидан боши торс ёрилгундай бўлиб оғриса ҳамки, Жофи ухлаёлмайди. «Бугун яна бир марта, бир маротабагина, холос,— деб ўз-ўзига сўз берган бўлади,— шунчаки, ухлаб қолиши учун...» Кейин, Шанининг қўлласини суриб қўйиб, юзини ёстиққа босганча пичирлашга тушади: «Шандор, Шандорим». Аммо у шунчалик чарчаганидан, ҳатто кўришни истаган манзарасини тасаввурида тиклаёлмайди. «Ўт-ўланлар орасидан кетяпман...»— хаёлига келтирган он қақшаган, гарққа терга ботган танасига ҳузурбахш илиқлиқ югуради. Хаёлида аллақандай рӯё элас-элас намоён бўлади-ю, Жофи уйқуга кетади.

Бу орада тобора кунлар ҳам қисқарив, намгарчилик палласи бошлангач, иккала аламнок бева ҳар қачонгидан кўра яқинроқ ҳамнишин бўлди-қолди. Жофи ота-онасиникига қадам босмай қўйди, борди-ю, онасининг набирасини кўргиси келиб қолса, Марини юборарди. Омонат касса дафтарчасини олиб жўнаганидан бери Имруш ҳам на қорасини кўрсатади, на бир энлик хабар юборади. Иккала аёлга ҳам бир-бировининг дили-дилидаги бари гап аллақачонданоқ аён эндиликда, лекин ўз кўнглини очиш, ҳамсуҳбатининг изтироб чекишидан ҳузурланиш иштиёқи дам-бадам икковларининг бошини қовуштириб турарди. Кизела Жофини наҳс босган мактаб ҳаёти, у ердаги хуфия ҳангомалардан воқиф этгач, ёш бевани ўзича «бечора, шўрлик» демайдиган бўлди. Жофига сир бой бериб қўйгани алам қиласарди унга; Кизела ҳамиша диққат билан боқувчи, бироқ нафрат, жирканиш акс этиб турувчи бу нусха, қишлоқиваччанинг ўзини ундан устун ҳисоблашини тушунарди. Эндиликда у почмейстер хотининикига ёки синглисиникига борганида: булар ҳам эшигмадимикин, Жофи бутун қишлоққа ногора қилиб чалмадимикин, деб уларнинг афтиларига ҳадиксираб тикиларди ҳар гал: «Ўзи ёмон жувон эмас,— дерди Кизела синглисига,— иноқлашиб, кўнишиб кетса бўлади-ю, лекин сал ғийбатчироққа ўхшайдими деб чўчийман... Балки, мен тўғримдаям гап тарқатиб юргандир, қулогингга ҳеч нима чалинмадими тағин?» Пордан, йўқ, ҳеч қанақа гап эшигтаним йўқ, деб кўнглини тинчлантирса ҳам, Кизела уйга, у дунёю бу дунё Жофига шикоят қилмаганим бўлсин деган қатъий аҳд билан қайтарди. Аммо ўша оқшомдаёқ яна қалби қаърида ётган

**Өнг махфий сирлари** — бошига тушган кулфатларини куйиб-ёзиб ҳикоя қилишга тушарди. Бугун бир мақтаний, деб бекорга ўз-ўзига сўз берар, икки оғиз гапирмасиданоқ бутун дарду алами шундоққина юзага қалқиб чиқиб қўя қоларди.

У шиква-шикоят қилишдан ўзини тиёлмас, ўзининг бу ожизлиги жатига эса Жофини ўлгидай ёмон кўриб қолганди. Эндиликда мабодо бирор Жофи ҳақида сўраб қолса, тамом, Жофининг қулогига етиши мумкин-ку, деб ўйлаб-нетиб ўтирумай, жувонни балчиқка қориб ташларди: «Шундоқ ёшгина жувон бўла туриб, ўлардай ялқов. Ўлганининг кунидан маза-матрасиз бирор овқатни пиширади-да, кейин дарров хонасига кириб гумдон ошиб ётаверади. Ўл, мундоқ бирон нарса тик, тўки! Мен унга, ҳеч бўлмаса газета-пазета ўқинг, десам, қаёқда, у киши кимнидир Пештда трамвай босиб кетганини ўқишга қизиқмасмишлар, бунга ўласизми, куясизми! Боласига-ю сира қарамайди, нақ ўгай дейсиз; бунақа онани умрим бино бўлиб кўрмаганман, она бўлиб мундоқ боласи билан гаплашишним билмайди. Анави букуринга, Хоморларнинг қизига ташлаб қўйган, ўша қаёққа борса болани орқасида эргаштириб юради, ҳар куни шу аҳвол. Унинг ўрнида бўлганимда, болагинам Имрушни бунақангি касалманд қизнинг ёнига икки дунёда ўйлатмасдим. Бу бола қанақа одам бўларкин билмадим, арралашу қирқишидан бошқа нарсани билмайди, гугуртни-ю қўлидан қўймайди; бир кун эмас, бир кун уйга ўт қўйиб юбориб, шўримизни қурутмаса гўрга. Тақдиру азалда пешанасига дорга осилиш ёзилганга ўхшайди-да».

Дарвоҷе, бу пайгамбарона башорати ўзига жуда ёқиб қолди десангиз. Келажакда дорга осилгувчи, унгача ўсиши, талай ишларни қилиши лозим бўлган Шанника ҳақидаги умид Кизелани ўзининг чинакам дорбоп ўғли билан хаёлан маълум даражада муросага келтиргандай туюлди: Жофи унга сира-сира ачинмаяити, майли, ўзинилм босшига тушар, қариган чогида оҳизори кўкка етиб қолар ҳали. Кизела Жофи билан сухбат қуараркан, кези келиб қолди дегунча Шани ва Имруш орасидаги ўхашликни қистириб кетарди; у буни шубҳа түғдирмаслик учун эҳтиётлик билан қиласарди, албатта. Масалан, Жофи ўғилчасини қидириб юрган бўлса, у: «Намунча Хоморларнинг қизи ёнига чопаве-

ради-я? Ҳа-я, боланинг кўнглидагини билиб бўларди дейсизми! Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли дала даёдилар-ку, ахир! Еировники ширин кўринади уларга. Имрушим тушмагур ҳам уйдаги ширин кулчадан кўра, гўлахнинг арпа нонини яхши кўрарди. Нимага мана шунақа нон ёшиб бермайсиз, деб кўрсатгани уйга ҳам олиб келибди бир куни». Шанининг бурчакда турганини кўрса, Кизела: «Ие, яна нима ҳунар кўрсатди бу тўполончи?»— деб хўрсиниб қўярди. Бундай пайтларда Жофи дик этиб ўрнидан қўзғалиб, бурчакда жавдираб турган ўғилчасини тўсиб оларди. «Нима ҳам қиласардинг, болагинам,— дерди шунда Кизела истеҳзоли қулиб,— вақтида шўхликнинг олдини олмаса бўлмайди-да, бечора етим қўзичоғим, орқангта шапатилаб эс-ҳүшингни киритадиган даданг бўлмаса. Ҳали сени деб онанг шўрлик қанча-қанча кўз ёши тўкади». Аввалига бунақанги гўё ҳамдардлик билан айтилган пайғамбарона башоратлардан гангиб қоларди у. Бундай гапни эшитганида чўчишини ҳам, жаҳил қилишни ҳам билмас, фақат ўғилчасига: «Шошмай тур, отанинг иши шапатилашдан иборат бўлса, сенга бир отангни кўрсатиб қўяй», деб пўписа қиласди. Шанини ўзининг Имрушига тенглаштирганида эса она ўша заҳотиёқ ўғилчаси ёнини оларди. «Йўқ, ундаямас, демайсанми холангта, болам. Менинг дадам ҳам, ойим ҳам яхши, андишали одамлар, мен ҳам ўшандай бўламан, дегин». Шаки онасининг бу гапларини такрорласди, албатта, лекин Кизеланинг нафаси ичига тушиб кетиб, бунинг устига «илоё айтганингиз келсин», деб аламини ичга ютишга мажбур бўларди. Нега деганда, ўглининг отасини Жофиقا ўз оғзи билан таърифу тавсифлаб берганди-да, ахир, шу боисдан ҳам у бундай пайтларда жувонга ҳатто эътироуз билдириб, бизлар ҳам жуда унақангидан қотиллардан эмасмиз, дей олмасди.

Аммо бир якшанба кунин Жофининг онаси Шаника тўғрисида гап очиб қолди:

— Анави ижарадоринг сен ҳақингда нималэр деб вайсаб юрибди, Шаникангга мутлақо‘қарамай қўйган-мишсанми? Қайнананг почтачининг хотинидан эшитганимиш бу гапни. Қўйинг-э, кийгазиб қўйган баҳмал камзулчасини кўрмадингизми, нотариуснинг Лайчикаси эгнидагидан қаери кам, дедим. У бўлса ўз гапидан қолмайди, уст-бошини-ку яхшилаб қўйганмишсан-у,

лекин бола ҳар куни әртадан кечгача Ҳоморларнида қолиб кетармиш, яқинда дон янчадиган машина қўлини мажақлаб юборишига сал қолганмиш. Бу гаплар кимдан чиққанини дарров пайқадим-у: ўша хоним ойимга айтиб қўйинг, ўзларига эҳтиёт бўлсинлар, Жофи у киши тўғрисида талайгина гапларни гапириб бериши мумкин, дедим. Шаника бор — Жофи бор, ёруғ жаҳони ўша ўғилчаси-я, дедим, Шаникага бирон гап бўлса, билмадим-ов, қизгинамнинг аҳволи нима кепчади...

Онаси бу гапларнинг барини бекорга қўшиб қўйманганди, зеро у жандармчи сержант можаросидан кейин Жофига бирон гапни айтишга чўчиб қолганди, ўшанда ҳам қизининг пешанаси худди ҳозиргидай қизариб-бўзариб кетганди-да. Онаси унинг ёнини олганини билib қўйисин; бечора кампирнинг ўғган гал эридан эшитган дашномлари ҳам етар.

Бироқ бу гийбатни шу таҳлилтда етказилиши Жофига бешбаттар оғир ботди, нақ юрагига наштар бўбўлиб санчилди. Ҳозироқ бориб, ўша гийбатчи жодугарнинг лаш-лушларини улоқтириб ташлашга аҳд қилиб, шоша-пиша уйга жўнади, ўзи қандай ўғилни ўстириб қўйибди-ю, яна унинг шаънига лой чаплаб юрибдими ҳали?! Табиийки, Шани уйда эмас экан, лекин худди шу пайт букри қиз уни олиб келиб қолди.

— Ай-яй-яй, Ирма,— деди Жофи заҳаролуд,—мен кечаси ҳам олиб қоларсиз деб ўйлагандим. Уззукун ўз боламни кўрмайман. Худо кўрсатмасин-у, мабодо тоби қочиб қолгундай бўлса, ўзининг уйнда оғриган деб баҳона қилиб юрманг-а тагин.

Бу гапни эшитиб Жофи билан тсигдош букри қари қизнинг ёш боладай ўтакаси ёрилаёзди. Нега бундай бўлиб қолганини тушунтиришга аранг журъат этди:

— Шаника, ойим бувим билан бобомларни кўргани кетди, деди, шуни-чун, ўзингиз рухсат берисиз деб ўйлагандим...

Бироқ шу топда Жофининг ҳеч нарсани эшитгуси йўқ эди.

— Агар, Ирмочка, болани ўйнатгингиз келаётгән бўлса, Шаниканинг гапига қулоқ солиб ўтиrmай, мендан сўранг. Боламнинг, худо билади, қай гўрларда санқиб юришини умуман ёқтиrmайман. Қани, бурчакка бориб тур! Уйдан яна бир марта қочиб қоладиган бўлсанг жонингни суғириб оламан!

Бечора буқри ҳамон тик туар, оёқлари титраб ча-лишиб кетаётгандай бўлар, шундоқ ҳам ичга ботиб кетган кўкраги нима сабабдан қисилиб кетаётганини ўзи ҳам билмас, суюкли кичкинтойнинг ҳўнг-ҳўнг йир-лаётганиданми ёки нафрат билан айтилган «худо би-лади, қай гўрларда» деган сўзларданми, ишқилиб, юраги кўксини ёриб чиққундай гурс-гурс тепарди.

— Қўй-қўй, йиглама, яхшиси, эртага ярим соат олдинроқ келаман деб сўз бер ойингларга,— дея муно-фиқлик билан болакайнни овутган бўлди ошхонага ки-риб келган Кизела.

— Ҳали қараб тур, кунингни кўрсатиб қўяман!— ўғлига ёпиша кетди Жофи, эшик томонга қиё ҳам боқ-май.— Сенга қарамайди, ҳамма ёғи ифлос бўлиб юра-ди, деб шундоқ ҳам мени чаллиб юрибди бировлар.— Жофи ҳозиргина эшитиб келган гапларини такрор-ларкан, ўзини дили қаттиқ ранжитилган қилиб кўр-сатди.— Қўни-қўшниларницида сандирақлаб юрганинг-юрганимиш, шунчалик хомкалла әмишсанки, ҳатто отангни отини ҳам эслаб қололмасмишсан.

Буниси эса ошкора ҳамлага ўтиш бўлди, чунки Кизела яқингинада: «Менинг ўғилгинам бу ёшида ота-сининг отини, ҳатто: «Дадам — пойтахт хизматчиси», дейишни ҳам биларди», деб мақтанган эди-да, ахир. Почтачи хотинининг ичидаги сир ётмаслигини англаган Кизела титраб кетди.

— Шаника, ойижонингга, Ирмочканинг отини бил-сам бўлди-да, демайсанми,— заҳархандалик билан алангланиб турган ўтга мой сепди у, аммо муросасоз-лик оҳангидা.

— Буни калласидан ситиб чиқариб ташлайман ҳа-ли,— деди Жофи тутақиб.— Ўғлимни рўкач қилиб шаънимга дод туширибиб қўймайман ҳеч кимга!— Нихоят у Кизеланинг башарасига тик боқди.

Кампирнинг эса аъзойи бадани зирқираб кетган-дай, ҳатто аллақачонлар тушиб кетган тишлиари ўрни-гача сирқираётгандай бўлди. У ўша заҳотиёқ таслим бўлиб, ёш жувоннинг газаби қаршисида чекинди.

— Ким чалпиялти сизни?— деди у талвасаланиб; ўзини хонаси эшиги ортида кўргачгина, ҳақоратланган иззат-нафсини ҳимоя қилиб мингиллади: — «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ шангиллашларини қаранг-а...

Ўша куни оқшомги суҳбат бўлмади. Ҳар иккови ҳам энди сира-сира гаплашмаганим бўлсин-а, дея ақд

қилиб, хона-хоналарига қамалиб олишди. Жофи: «Қари жодугар, бошқа оналарният ўзига ўхшатиб бадном қиласди-я!» — деб гижинарди. Кизела бўлса: «Еввойи мушукнинг ўзгинаси әкан-ку, мана, қандай сапчишини кўрсатиб қўйди!» — деб гўлдиради ўзича. Жофи ҳадеганда ухлай қолмади. Олдинига у, демак сенга онангдан ҳам Ирмочка керак әкан-да, деб Шанини уялтири-моқчи бўлди. Кейин, Шанини мудроқ боса бошлагач, яна эри ҳақидаги ширин хаёлларга қайтиб, тасаевурида эри билан нотариус қўёвлари бақамти келиши мумкин бўлган манзараларни тўқий бошлади. Мана, қуёви унга илакишиб қўришга уринганиди, эри боплаб таъзирини бериб қўйди. Имре Кизела эса — гўё у нотариуснинг ошнаси эмиш — қуёвни: эҳ, ландовур, қани энди менинг ёнимда шунағанги келинчак бўлса, буна-қа әркакдан чўчиб ўтирмасадим, деб гижгижлатармиш нуқул. Жофи бу гапларни эшитиб турганмиш-у, ҳадеб эрининг пинжига тиқилармиш, эри бўлса — кўриб кўзларинг ўйнасин дегандай, қайноқ лаблари билан бостириб-бостириб ўпармиш уни...

Худди шу аснода Кизела ҳам ўзича гўлдираб, тўшагида аганарди. У ўғлининг: «Ойи, бекорга қийнаб нима қиласиз, бари бир берасиз-ку, буни ўзингиз ҳам биласиз», деган гапи қулоқлари остидан нари кетмасди. Бош-кўзимни тиндирди, номуссиз, бошнимни мало-матта қўйиб, алвастига емиш қилиб кетди мени. Эримнинг қанча ўйнаши бўлганини эртагаёқ бутун қишлоқ билади энди. Марҳум әrim билан мақтанишдан бўлак яна қандай қувончим бориди, ахир. Ана энди манави заҳар тилли илон билан бир уйда яшаб кўр — бехосдан унга сал тегиб кетишдан яратганинг ўзи арасин...

Эрталаб эса на униси, на буниси аразлашиб қолдиларми, йўқми, буни билолмасди. Икковлари ҳам бир-бировига чал беришар, ҳар қайсиси биринчи бўлиб битим сари қадам қўймасликка тиришарди; аммо икковининг ҳам бундайин ошкора такаббурлиги замирида ярашишга мойиллик пинҳон ётарди. Бўғирсоққа ҳамир қораётган Кизела сал қаддини ростлади дегуничча нариги столчада қовоғи уйилиб картошка артаётган Жофи ҳам бошини кўтарди: «Жўва керак эмасми мабодо?» — деб сўраб қўйди. Кизела ҳам ўз навбатида, Жофига газета олиб келган почталъон қиздан Кураторлар тайинлаб юборган гапни айтди шоша-пеша. Агар Жофи Шаникага кўйлакча буюртмоқчи бўл-

са машиначини юбораман, дебди онаси, тикувчи ҳозир уйларида экан.

Умуман Кизела учун, ўзини ерга урмай, Шаника орқали ярашиб олиш осонроқ кўчди. У хамирдан митти аскарча пишириб берганди, Шани ўша заҳотиёқ аскарчанинг бошини шартта тишлаб, ютди-қўйди.

— Вой жажжи одамхўр-эй! — деб ҳазиллаши кампир.

Бир йилдан бери у қанчалик уринмасин, Шанини ҳозиргичалик, бошини шартта тишлаб еса бўладиган аскарча пишириб берганичалик ўзига ийдира олмаганди. Кун чошгоҳдан ошиб қолганда, Жофи ўглим қаёқда қолди деб хонасидан чиққанида, у Кизеланинг олдидаги курсичада, кампир билан бирга газета кўриб ўтирганди.

Қани, нимани ўрганиб олганингни ойижонингга кўрсат-чи бир,— деди Кизела далда берувчи оҳангда.

— Манави қаторда «I» ҳарфи қайси? Агар топсанг конфет олиб бераман!

Дарҳақиқат, Шанининг бармоқчалари, албатта, тўртингчи ёхуд бешинчи марта — катта-катта ҳарфлардан терилган газета сарлавҳаси «PESTI HIRLAP» узра ўрмалади ва икки марта тўппа-тўғри таёқчага ўхшаган «I» ҳарфини кўрсатди.

— Баракалла, ақлли бола! Ўқишинг анча енгил кўчади. Катта бўлганингда ойижонинг сени гимназияга беради.— Шундай дея Кизела Жофига кўз қирини ташлаб қўйди, унинг нигоҳи дўстона, айни чоғда: сен ҳам ярашиш ниятидамисан, дегандай жиддий эди.

Жофи, бу билан Кизеланинг ўзига ноҳақ қадалган фийбат тигларини қайтараётганини, у ҳеч қачон Шаникани ёмонламаганини, балки, аксинча иш тутишини кўрсатмоқчи эканини тушунди. Мана, ўзи ҳам кўриб турибди, боланинг ўқишига зеҳни ўткир эканини худди унинг ўзи пайқади. Болакай ҳали тўрт ёшга тўлгани йўғ-у, «I» ҳарфини аллақачон билиб олди. Гарчи Жофи почмейстер хотинига қаёқдаги бўлар-бўлмас гапларни худди шу Кизеланинг ўзи етказганига шубҳаланмасада, ҳар қалай, унинг шу топдаги кўнглини юмшатишга уриниши Жофига таъсир қилди ва шу замоноқ Кизеланинг ийиб турганидан фойдаланиб, ундан тасалли эшитиши истаб қолди. У кампирнинг қишлоқда мутлақо бошқа гапларни вайсаб юрганини биларди-ю, лекин шунга қарамай, унинг оғзидан ўзининг унчалик бағ-

ритош, бегам она эмас эканлигини эшитмоқчи бўлди ҳар ҳолда.

— Шаника, бўталогим, худойим ойимнинг танижонини соғ қилса ҳеч қачон жоҳил-нодон йигит бўлиб қолмайман, дегин. Ойижоним мени одам қиласман деб яшаяпти-да бу оламда де. Унинг ҳаёти шундоқ ҳам ҳазон бўлди, қурт-қумурсқага ўхшаб лой-тупроққа қорилиб юрмасин деб мени ўқитишдан бошқа дарди-фиксари йўқ дегин.

Жофи Кизеланинг маъқуллашини, унинг овози са-мимий чиқадими, йўқми, шуни кутарди. Қампир эса, гўё бўйнига қулларча хушомадгўйлик исканжасини илиб олган янглиг, фаришталардай мулоим жавоб қайтарди:

— Ҳа, бўталоқ, қандай яхши онанг борлигига ҳали ақлинг етмайди. У бошқа беваларга ўхшаб беҳаёлик қилмайди!

Ушбу битимдан ҳар икковининг ҳам кўнгиллари жойига тушди. Кизела ўзини ғоятда айёр ҳамда эҳтиёткор ҳисобларди — «ахир қандай қилиб бўлмасин унинг оғзига уриб қўйиши керак эди-да!» Жофи эса ижарачисига бемалол менсимай қарашга мутлақо ҳақли эканини ҳис этганди: «Қампир кўзимга тик қараб туриб айбситолмади мени. Бундан чиқди, бетимга айтадиган бўлса, мен энг яхши онаман, орқамдан эса оғзига сикқанича ёмонлаб юради!» Ҳар қалай, бирбировига муҳтоҷ бўлган икки аёл ўртасида қарор топган битишуvdan кўнгилларига илиқ бир туйғу юргургани бари бир сезилиб турарди. «Энди соат олтиданоқ ётиб олиб, қариган чогида танҳо ўзи, уйқусизлик азобини тортиб, ярим кечагача ағанаб чиқмайди. Яна бошидан кечган ғам-андуҳлар тегирмони новига сув очса бўлади, энди қулоқ соладиган ҳамсуҳбати бор». «Яна унинг ёлғон-яшиқ гапларига жимгина қулоқ соламан, кўнглимга қутқу соладиган ваҳималар оз бўлса ҳам тарқайди-ку, кейин, майли, марҳум эрим ёнимга келса-келаверсинг».

Ўша оқшом, дилларидаги пинҳоний нафратларига қарамай, улар ҳар қачонгидан кўра бир-бирлари билан иноқлашиб кетдилар. Жофи эски оиласвий суратларини, ўзининг черков қавмлари қаторига қўшилган куни тушган суратини ҳам кўрсатди. «Кўряпсанми, Жофи, қай аҳволга тушганингни!» — деди у суратдан бақрайиб турган тентаккина қизалоққа. Тўйда тушган су-

ратларини қўлига оларкан, хўрсишиб: «Шўрпешана Шандоргинам, ким билан никоҳ ўқитаётганини билганидами-я!» — деб қўйди. Ўша кеч Жофининг кўзлари, у гўё ўзини бир умрга беҳудуд қайғу оғушига отишга тайёр эканини англатгандай, қалбидаги мунгни акс эттириб ташвишли, аммо маъюс-мулойим боқарди. Унинг бу кайфияти Кизелага ҳам юқди, у ҳам хотиротларини тартибга солишини истаб қолди. У ўз қутичасини олиб чиқди, ундаги синглисининг сарғайиб кетган хатлари билан ёзда сафарга чиққан директор хотини юборган открытикалар орасидан Имренинг бир нечта фотосуратини олди. Улардан биттасида ўғли елкасига милтиқ осиб олган кичкина аскарчага ўхшаб, сураткашга ҳадиксираб честь бериб тушганди; бошқасида Жофининг эсида қолган бир вақтлардаги матросча қалпоқда тушган экан; қотмагина, от юзли ўсмир бўлиб, пяги пастидаги қизғиш гўддаларигача кўриниб турибди.

— Мана шу автомобилда қўли синган,— деб ҳикоя қилди Кизела, Имре бир оёғини спорт автомобили зинасига қўйиб, бир қўли билан бортни ушлаб, иккинчи сини чўнтағига тиқиб тушган суратни нақ чироқ соябонигача кўтариб ёруққа тутиб. У расмда ҳам, худди мана шу ерда, ошхонада Жофиға тикилганидек, шўхчан ҳамда сурбетларча қараб турарди.— Отаси жиловини қўлига олганида болам сираям ҳозиргидақа бўлмасди,— зорланди Кизела хўрсишиб.— У шунчаки шўхрогийди, аслида яхши болайди. Бир гал спорт залига борганимиз эсимда...

Ўша кеча Жофи ҳузурбахш хаёлий орзуларига эрк беролмади. Дилни қувнатиб, кўзларини ящнатадиган тасаввурий манзаралар қайгадир гойиб бўлган, нажотбахш хаёллари эса тўзғиган, улар ҳатто эрининг қиёфасини тузукроқ қўз олдига келтиришига ҳам ёрдам беролмадилар. Хаёлот кўзгусида мутлақо бегона одам намоён бўлар, у билан етти ёт кимсадай сўзлашар, бундан у на ҳузур олар, на роҳат қиласар, хаёллари тўзғиб, паришон бўлар, шунда у юмшоққина ёстиғу ўз танаси ҳароратидан бўлак нарсани пайқамай қоларди. Иттифоқо хаёлида: «Тирик юрганим қандай яхши-я!» — деган ўй йилт этди-да, қўлларини кўксига қўйиб, бир маромдаги юрак уришига қулоқ солди. Жофи ёнбошига ўгирилди, бўйни ёстиққа қапишди, энди у томирларининг тепкилашига қулоқ тутаркан, бу қоннинг

бутун аъзойи бадани бўйлаб оқаётганини ҳис этди; ма-на, у жимгина, ҳатто оёғини ҳам қимирлатмай ёти-ди-ю, лекин қон, унинг қони, бари бир олга интиляпти, гўё эгасининг ўрнига ҳам қаёққадир ошиқяпти; ҳа, ҳозир эри ётган жойда ётгандан кўра мана шундай ўринда оёқларини узатиб ётгани минг бора аълороқ ҳар ҳолда. Қўлингдан нима ҳам келарди, ўлганлар ўлиб кетди, ҳаёт қолганлар эса, қўйинг, кунини кўра-версин. Тириклар ўлганлардан ниманн истайдилар, ўлганларга эса тириклардан нима керак ўзи? Бир кун келиб у ҳам эри ётган жойга боради. Мабодо борма-са-чи? Борди-ю, абадул-абад қаримайдиган одам бўлиб чиқса-я? Шунда туйқисдан чироқ ёруғида Кизела кў-риб қолган бошидаги оқ сочи ёдига тушди. Оқ сочини юлиб олишди, лекин унинг ўрнига бошқаси чиқади-ку. Ҳозир-ку бадани иссиққина, ўрни ҳам иссиқ, лекин қачонлардир у ҳам худди Кизелага ўхшаб қолади. Эллик уч ёш. Ўттиз йилдан сўнг. Ўшангача у мана шу ерда яшайверади. Бунинг устига умрбод бева ўтади...

Ўша кечак туш кўрди, тушида ёш қизалоқ бўлиб қо-либди. Синглиси Илуш билан Порданларнинг бостири-масида «дўкончи-дўкончи» ўйнашаётганмиш. Қовоқни сигир, бодрингни чўчқа деб сотишаётганмиш, харидор бўлса пул ўрнига акас ёки қулупнай баргини берар-миш. Тўсатдан Имруш пайдо бўлганмиш, бошида худ-ди бояги суратдаги қалпоқмиш. У шунда: шу ҳам дўкон бўпти-ю, ёмғир шир этса ҳамма нарсаларинг жиққа ивийди, ростакам дўкон қанақа бўлишини сиз-ларга бир кўрсатиб қўйяй, деб уларни пичан гарами олдига бошлаб борганмиш. Гарамнинг бир томонида ковак бормиш, Имруш ўша ердан гарам ичига шўн-ғиганмиш-да: «Бу ёқса киринглар!»— деб чақирган-миш. «Олдин сен кир», деганимиш Илуш қўрқиб, шун-да Жофи ковакдан гарам ичига кирганмиш. Гарам-нинг ичи бўш, худди уйга ўхшаган эмиш. «Жуда соз бўлди,— деб кулармиш Имруш,— ўшоқда қола-версин, сира жиним ёқтиримайди ўша мишиқини». Лекин Жофи ҳам қўрқиб кетганмиш: «Вой, қўрқиб кет-япман, тагин гарам тўсатдан устимиизга босиб туш-са-я! Юр, қочдик бу ердан!» Шунда Имре: «Намунча эсинг чиқиб кетмаса, устимиизга шув этиб туша қолар зўр келса!»— деб жавоб бериб, «гор» шифтидаги пи-чанни юлқилашга тушганмиш. Буни кўрган Жофи қочиб қолмоқчи бўлибди-ю, лекин бирдан пичан «шув-в» этиб

тушаверибди-тушаверибди, Имруш икковлари пичанга кўмилиб қолишибди, осталарида ҳам, устларida ҳам — ҳамма ёнда пичанмиш, Жофи бўлса: «Вой, қаёққа учиб кетяпмиз ўзи!»— деб қичқирганича Имрега ёпишиб олганмиш; пичан эса ҳамон устларидан шувиллаб тушиб ётганмиш, у худди суви илиқ шаршарага ўхшармиш. Қачондан бери шигиллаб пастга тупшиб кетяпман-а, мана ҳозир уммон тагига етаман, деб туриб ўйгониб кетди.

Шаника учун машаққатли, оғир дамлар бошланди. Ҳовлида ўйнайман, чўчқаларни ёки якшанба куни Пали тогаси черковга бора туриб йўлакай уйларига кирганида ясаб берган қорбобони кўриб келаман, деб онасиға беҳуда илтижо қиласарди. Жофи бир нафас ҳам ўғлини кўздан қочирмас, болакай Йрмаларникига қочиб қолишининг сира иложини тополмасди. Ювошгина бўлиб олиб, мол-ҳол сув ичадиган оҳур остидаги сумалакларни синдирап, гўё яхмалак учаяётгандай, эҳтиёткорлик билан ҳовли чеккасидаги, бўшатиб қўйилган битта таёқчани салгина суриса Хоморларнинг акаслар ўсиб ётган орқа томондаги чорбогларига ўтиб олса бўладиган гов ёнига сирпаниб бориб қоларди. У ерда эса ташландиқ кастрюльканинг банди қор остидан чиқиб турган бўларди, қорни сал титса, албатта ё синган кўза, ёки тақсимча парчасини топади. Олдинига болакай фикри-ёдини банд этган тирқишига хийла эҳтиётсизлик билан яқинлашса-да, ҳар ҳолда, деярли ҳамиша нариги томонга ўтиб оларди; бундай пайларда ўзида йўқ қувонган болакай кийими акастиканларига илиниб-сизилиб, сарой орқасига беркиниб оларди-да, Ирманинг чиқишини кутиб писиб ўтиради, Ирма ташқарига чиқиб, челяк ёки қўлидаги бошқа нарсани ерга қўярдию: қаранг-а, бизникига ким келибди-я, бу ерга қаёқдан келиб қолдинг-а!— дея унга ташланарди. Лекин ҳозир у говга яқинлади дегунча, онаси ўша ондаёқ: «Бу ёққа кел, Шани, мана бу ерда, ўйнинг олдида ўйна», деб чақириб қолади. Баъзан у говдаги бўшатиб қўйилган таёқчани сурисиб, энди ўтмоқчи бўлиб шундоқ бурилса, орқасида турган онасига кўзи тушарди. Бундай дақиқаларда у шоша-пиша говга ўғирилиб оларди-ю, болаларча муғамбирлик ишлатиб таёқчани у ёқ-бу ёққа сурисиб, ўзини ўйнаётгандага соларди; онасининг койишига чурқ этиб жавоб қай-

тармас, таёқчани қўйиб юбориб, қаёқларгадир тикилганча тураверарди. Онаси койишга тушган экан, ўзини гуноҳсиз кўрсатганидан нима фойда чиқарди дейсиз.

Овқатга уннаётганда ҳам Жофи ўглини ёнидан узоқлаштирмас: анави товани олиб бер, картошка пўчогини дарров чўчқага ташлаб кел, деб майда-чуйда иш буюриб туарди. Ёки дабдурустдан Шанига нима қилаётганини тушунтиришга тушиб кетарди: «Мана, ундан тоғ ясадик... Ҳозир тепасидан каттакон чуқур ковлаб, тухум чақиб солсак, хамир бўлади...» Бундай пайтда у Шанининг, кейин нима бўлади, деб сўрашини, ўзининг эса жавоб беришини истарди. Аммо Шани индамас, шундан сўнг у гапни бошқа ёққа буарди. «Мактабга борадиган бўлганингда, ўғлим, нотариуснинг Лайчикасиникига ўхшаган коњки олиб бераман; бувангнинг боғи орқасидаги пастликда, тўқай музлаши билан маза қилиб учасан. Анави почтанинг олдидаги болани кўрганмисан ўзи? Катта бўлиб, Пештдаги гимназияга ўқишига кирганингда сенга ҳам ўшанақа берет олиб бераман». Гоҳо онаси мутлақо боланинг фаҳми етмайдиган алланималарни сўзлай бошларди: «Сира чўчима, ўғлим, тупроққа қорилиб юрмайсан, ишиқилиб, ўзингни яхши тутсанг бўлгани, барин бўласан, шаҳарда, қават-қават, каттакон уйда турасан, ҳали меҳмон бўлиб борганида онангни деб хижолат тортиб ҳам юрарсан...»

Шани қават нималигини қаёқдан билсин, шаҳарлик барин бўлиш нимага кераклигини қаёқдан тушунсин. У кўзларини чақчайтирганча онасига тикилар, буғи чиқиб турган кастрюлькадан уграни қандай олаётганини, човлига ўхшаган тешик-тешик ёғоч чўмичдан шувиллаб сув тушаётганини, чўмич ичидаги уграларнинг нақчувалчангдай биланглаб буралаётганини маҳлиё бўлиб кузатарди. Чўмич дам сувга ботиб кўздан йўқолар, дам буғ таратиб яна кўз ўнгидан пайдо бўларкан, онасининг гимназия тўғрисидаги гаплари гўё буғ билан бирга тепага кўтарилиб, қурум босган мўрикондан осмонга чиқиб кетаётгандай эди.

Шани онасини: нима қиляпсан, ойи, бу нима, ойи, деб безори жон қилган пайтлари ҳам бўлиб туарди. Бундай пайтларда онаси стол тортмасидан ёки девордаги жовончадан у илгари кўрмаган бирорта буюмни олса, сўраб-суришгиришини қўймасди. Эндиликда, қайси буюм нимага хизмат қилишини билиб оладиган за-

монлар ўтиб кетган, ҳозир онасининг жаҳл билан бе-радиган қисқа-қисқа: «оёқ остида ўралашаверма ҳадеб», «бор, ўйнаб кел, ўглим» қабилидаги жавоблари унинг сўраб-суринширишларига барҳам берганди. Энди у уйидаги ҳар бир буюмнинг нима хизматни ўташини билиб олган, ҳаммаси жўнгина нарсага айланганди, наздида. Уй оламдаги ҳеч қандай сир-асорсиз яккаю ягона жой, ҳаёт уммонидаги осуда, зерикарли бир қўлтиққа айланиб қолганди эндиликда. Ҳатто ҳовли ҳам уйдан кўра сирлироқ әди, нега десангиз, у ерда оз бўлса-да, ҳар қалай уни қизиқтирадиган нарсалар учраб турарди. Мана масалан, чигири бор қудуқни олайлик, арқони десангиз,чувиллаб ҳуштак чалиб тушиб кетади пастга, онаси бандини қўйиб юборса борми, у шундай тез айланадики, уни ҳатто кўриб бўлмай қолади. Аммо ҳаммасидан ҳам говдаги тирқиши унинг кўзига жаннатнинг дарвозасидай бўлиб кўринарди; ўша ердан ўтиб олса денг, Шани мўъжизалар оламига, соат сайин қиёфасини ўзгартиб турувчи, янги-янги кашфиётлар масканига, Қизил Қалпоқча ҳақида ҳикоя қилиб бергувчи (гарчи баъзи-баъзида жеркиб шўрлик Ирмани йиглатиб турсалар-да) мулоийим ҳамда сирли фаришталар диёрига бориб қоларди.

Онаси ундан нимани талаб қиласпти ўзи? Ғовдаги тирқиши очишига қандай ғайри табиий куч монелик қилаётгани устида бош қотириб ўтирмас, бунга ақли етмасди ҳам. Иложини топса ўша ёққа қочиб қолар, борди-ю, унга ошхонага қайтиш буюрилса — писиб-қимтинганча стол оёғини қучоқлаб олган кўйи жавдираб онасига термиларди; бу ерда ҳам у бирорта эрмак топиб олар (бўш гугурт қутиси бўлса ҳам майли) ва ўшани ўйнаб ўтираверар, мабодо онаси бирон нимани олиб кел деб буюрадиган бўлса суюниб кетар, то онаси яна чақиргунича ҳовлида уймалашиб юраверарди. Жоғи ўглининг бу ҳатти-ҳаракати билан қаршилик кўрсатаётганини тушунмасди. Маълум вақтдан буён у ўғли учун ҳамма нарсага тайёр әди. «Ўглим яккаю ягона қувончим, фақат уни деб яшаяпман-да», — дея муттасил такрорларкан, бу билан куппа-кундузи қаёқдаги ўй-хаёлларга берилмасликка ҳамда ғам-андуҳла-рини қувишга интиларди. Агар олдида Шани бўлмаса миясига ҳар хил қизиқ воқеа-хотиралар келаверар, болалигидаги антиқа ўйинлар кўз ўнгига жонланаверарди; шундай пайтда у ўғлини чақириб, чиллак ўй-

нашни ўргатар, у билан гилдирак гилдиратиб ё тугма тикиб ўйнашга тушиб кетарди, баъзи ўйинларга Кизелани ҳам таклиф қилиб қоларди. Бироқ Шанини онаси топган бундай ўйинлар қизиқтирмас, бунинг кетидан бир гап чиқиб қолса керак деб ўйлаб ҳуркиб турар, қўлчалари билан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлар, шунда онаси олга чўзилган қўлчасига сал шапатилаб қўйса йиглаб юборарди. Жофи эса, ахир бу ўйин-ку, қўрқма, нима бўлди ўзи сенга, деб тушунтиromoқчи бўларди. Лекин боласининг бари бир қўрқиб, гилдирак ёки чиллак тегиб кетмасин, ёки онам яна шапатилаб қолмасин, деб қўлчалари билан ўзини ҳимояялаб, ҳуркиб орқага тисарилаверганини кўриб онанинг ўзи ҳам йиғлаб юборарди. «Мени, ўз онангни яхши кўрмас экансан-да, сендан кўрганим шу бўлдими», деб куйиб-ёниб кетарди.

Бечора Шаниканинг онаси хусусида ўзига хос тасаввури бор эди: ойиси қорнини тўйдиради, ётиш олдиндан ечинтириб қўяди, ташқарига чиққанида совуқ қотмасин деб пальтосини кийдириб, ўраб-чирмаб қўяди, кечқурун бўлса кўзини юмиб ётиши керак, нега деганда яхши болалар вақтли ётиб ухлашади, ҳа, онаси унинг наздида ана шулардан иборат эди. Онаси билан Кизела холасининг гўнғир-гўнғир гапларига кўзини юмиб ётганча қулоқ соларди. Энди бўлса онаси ўзгариб қолди, ҳадеб ҳовлидан чақириб олаверади, нуқул қаёқдаги тушуниб бўлмайдиган, зерикарли нарсаларни гапираверадими-ей, бунинг устига охири кўз ёши билан ёки койиш билан тугайдиган аллақанақанги ўйинларни ўйнашга мажбур қиласидими-ей, бундан онасидан чўчириди у. Илгарилари кун бўйи ғимирсиб чарчагач, кечқурунлари юзини онасининг ёқимли ис келиб турадиган бижим кофтасига қўйиб ётишни яхши кўрарди. Энди бўлса онасининг тиззасига тармashiшга ботинолмасди, чунки онаси дарров ниманидир ҳикоя қилишга тушар, у эса диққат билан қулоқ солиши керак эди, бу ҳикоялар яхшилик билан бошланарди-ю, лекин охира, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, онасининг негадир албатта жаҳли чиқиб кетарди, шундоқ бўлғач, онасининг тиззасида ўтиргандан кўра бурчакда тургани яхши эмасми, ахир.

Жофи ўз аҳдида қатъий турар, Хоморларни книга чиқиб кетиб қолмасин тагин, деб Шанини янада сергаклик билан кузатарди. Болани ўз онасидан ётсира-

тиб қўяяпти, бу тавия букири қулоғига нималарни қуяяптийкин, деб Ирманинг гўрига ғишил қаларди. Ким билади дейсиз, гўдакка онаси тўғрисида нима балоларни уқтиришаётганийкин, ахир у онасини сариқ чақага олмай қўяяпти-да, шундай ўйлар билан ич-этини ерди Жофи. «Қани, гапириб бер-чи, Ирма билан қанақа ўйинларни ўйнадинглар? Беркинмаочоқми?» — суринтириарди у ўғлидан. Шани бўлса, йўқ, беркинмаочоқ ўйнамадик, деб жавоб берарди-ю, лекин нима ўйнаганларини айтмасди. Аслини олганда буни айтиб бера олмасди ҳам. Масалан, Ирма битта каттакон картошкани олиб, унга бошқа кичикроғини қўндиради, шундай бу назарларида подачи бўларди. Кейин ўша атрофдаги жўхори баргига кўзи тушиб қолиб, уни картошка-подачига кийгизарди, бу эса гўё подачининг узун пўстини бўларди. Сўнгра Шани най чалишга тушиб кетарди, картошка подачи атрофидаги сочилиб ётган ловиялар эса чийиллашиб юрган чўчқа болалари бўларди. Кейин Ирма битта ловияни сал четроққа суринтиришини қўймасди Жофи.

— Дўкон-дўкон ўйнадик,— таваккал қилиб деди Шани бир гал.

— Дўкон-дўкон? — такрор сўради Жофи ва бирдан енг шимариди қолди.— Жуда яхши, ҳозир биз ҳам дўкон-дўкон ўйнаймиз,— дея шитоб билан ишга киришди.— Қани, анави курсини келтир-чи бу ёққа. Манави бодринг чўчқа бўлади, жўхори дони — гилос бўлади. (Яқиндагина унинг худди шунақа туш кўрганини айтгандик). Голосингиз қанчадан? — сўради онаси. Шани бўлса индамай бош чайқаб қўйди: Ирма билан бунақа ўйнашмасди-да, ахир. У ёқда бола фақат бу юришни биларди, холос: милтиқ беринг, ёки шляпа оламан, дерди, ё бўлмаса велосипед керак, дерди, шундай Ирма дарҳол унинг истагини бажо келтирас, жўхори пояси милтиққа, бирорта эски гилдирак велосипедга, тўнкариғлиқ сават эса шляпага айланарди; Шаника милтиқни қўлиға олиб, саватни бошига киярди-да, велосипедга миниб, йўлга тушарди; ҳулласи калом, у

ниманини истаса, барι топилар, бола эса қувончдан хандон ташлаб кулар, баҳтиёрликдан иргишлар, ниҳоят чарчаб ўйиндан тўхтар, оёқлари орасидаги велосипед — филдирак хоҳлаган томонига қараб филдираб бориб, хоҳлаган ерида қуларди. Бу ерда бўлса қаёқдаги гилосларми-еий... онаси бу гилосни нима қиласи ўзи?..

— Гилосингиз неча пул?.. Ўн крейцер, де,— астагина шивирлади Жофи ёнламасига нари қараб сурилиб бораётган ўғлига.

— Ўн крейцер,— деб тақрорлади Шани маъюсгина.

— Бўлмаса, марҳамат қилиб менга ўраб берсангиз, жаноб дўкондор,— деди Жофи мулойимлик билан, гарчи, у кулиб гапирган бўлса-да, ўғлининг афти буришиб бораётганини кўриб юраги сиқилиб кетаётганди.— Ана шундай, энди ўраганингни хаridорга бер-да: «Марҳамат, сизга ортиғи билан тортиб бердим», деб қўй.

Бироқ Шани бу орада кўзини ишқай бошлиганди.

— О-ий,— деди у тўсатдан ҳиқиллаб.

— Нима дейсан, қўзичоғим?

— Ойижон, дўкон-дўкон ўйнамай қўя қолайлик,— ворланди болакай, бу билан онасини ранжитиб қўйганини унинг ўзи ҳам пайқаб қолди чоғи, қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида ўша ондаёқ йиглаб юборди.

— Ўйнамай қўя қолайлик? Нега? Ирма билан ўйнайсан-у, мен билин ўйнашни хоҳламайсанми?— Жоғининг чақнаган кўзларига ёш қалқди.

— Мен ҳали кичкинаман, дўкончи бўлолмайманда!— деб ўзини оқлади Шани, қўрққанидан нафаси ичига тушаёзиб.

— Ирма билан ўйнашга кичкиналик қилмайсан-а! Ярамас, ёмон боласан, туққан онангни ёмон кўрасан! Бор, бора қол ўша Ирманинг олдига, мен энди сенинг онанг эмасман, сенинг онанг ўша Ирма бўла қолсин! Букри онанг бўлади, кўчадаги болалар: ана, букри хотиннинг ўғли Шани кетяпти, деб масхара қилишади.

Шанининг нафаси ичига тушиб кетди, ҳатто ҳиқ этмасди у. Ирмани қанчалик яхши кўрмасин, барι бир онаси ўрнида тасаввур этолмасди уни. Бу гапни эшитиб бақа бўлиб безрайиб қолганди. Эсхонаси чиқиб, онасининг газаб бўрони нақ уни учирив кетадигандек, курсини маҳкам чанглалаб олди. Жофи бўлса қанчалик аҳмоқона иш қилаётганини ўйламас, фақат ўғли қалбини забт этган ўша букрини бу жажжигина юрак-

дан юлиб олиб ташлаш иштиёқида ҳамон ғазаб билан ўшқиради:

— Онанг жирканч қурбақага ўхшаган бўлади, кўча-ма-кўча ўша билан бошлишиб юрасан. Жуда бир-бирларингга ярашиб тушасанлар-да, сен ҳам худди ўшанга ўхшаб оёгингни сургаб босиб, лапанглаб юрасан...

Шундай деб, Жофи бошини елкалари орасига тортиб, икки елкасини чиқарди-да, букчайганча лапанглаб ошхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Шани эса, нима гаплигига ақли етмай, онасининг икки букилиб, у яхши кўрадиган Ирманинг юришини қилиб кўрсатаётганини фаҳмламай, ҳанг-манг бўлиб туради. Шутопда кўз ўнгидаги фақат онаси, ваҳимали тарзда букчайиб олиб, стол билан плита оралигига тез-тез бориб келаётган, бутунлай ўзгариб қолган онаси туар, Ирмани эса хаёлига ҳам келтирмасди; Шанининг жимит юракласини ваҳм босиб, гёё онасининг қоматини яна ўз ҳолига қайтариб, тағин илгаригисидай чиройли қила оладиган сеҳрли сўзни излаётгандай эди.

— Ёмон ойижон бўлиб қолдингиз, ёмон ойи! — деб қичқириди у алам билан.

— Сен ўзинг ёмон боласан, ярамас! — дея қичқириди Жофи, у ўғлим Ирманинг тарафини оляпти деб ўйлаганди, лекин, ҳар қалай, «ёмон ойижон» деган иборани эшитганида, ёш боланинг олдида буқрини маскара қилиб, ростдан ҳам ёмон, манфурона иш тутганини ўзиям сезди. Аччиқ устида Шанининг бетига шапалоқ тортиб юборди, аммас шу заҳотиёқ ўғлини бағрига босди, кейин тиззасига ўтқазиб, юз-кўзидан ўпа кетди. У шу таҳлит, боласини тиззасида тебратганча узоқ ўтириб қолди, Шаника эса ҳамон ҳиқиллар, ўпкасини босолмай, онасининг тиззасида типирчилаб ўтиради. Почмейстер хотининикидан тезгина қайтган Кизела уйга кириб келганда она-бала шу аҳволда ўтиришарди. Бола ҳатто уйқусида ҳам ҳиқилларди. Жофи тиззалари билан сал тебратиб уни аллалаганча, муздек деворга суюниб ўтиаркан, юзидан ҳалқа-ҳалқа ёш юмаларди.

Шундан кейин у ҳар эрта саҳар чоги уйқудан кўзи ни очиб, ёнида пиш-пиш ухлаётган ўғлининг ғлиқиниа танасини ҳис этаркан, ичида: «Унга нисбатан энди оғирроқ, тоқатлироқ бўламан», деб аҳд қиласарди. Шани гоҳ қўлларини ёйиб, чалқайиб ётар, гоҳ бармоқчалари онасининг соchlари орасига кириб қолар, лаблари

эса эмадиган пайтларида гидек чўччайиб кетарди. Но-  
зик териси бўйлаб эса, худди тушида ҳам қуённи  
қувиб юрган този сингари, енгилгина титроқ югуриб  
қоларди. Жофи шундай пайтларда чалқанча ётган  
жойида, пинжига тақалиб ётган боласи ўриннинг бо-  
тиб чуқурча бўлиб кетган ерига тушиб кетмасин учун  
астагина ёнбошига ўгириларди. Баъзан эса, боласининг  
юзи нақ қўлтиғига келиб қолиб, кўкрагида аллақан-  
дай ёқимли туйғу ҳосил қилас, кўнгли алланечук бў-  
либ ийиб кетарди.

— Ойи, сув! — зорланиб қоларди бола гоҳо уйқу  
аралаш, шунда унинг лабчалари чанқоқлик билан  
сувни, мудроқ кўзлари эса стаканни излаётганини,  
сўнгра яна узун мижжалари остига яширинганини сук-  
ланиб кузатарди.

— Ҳозир, бўталогим, ҳозир,— дея такрорларди  
Жофи,— коҳлаган нарсангни муҳайё қиласман, қўзичо-  
ғим.— Шундай дақиқаларда у эрталаб ўгли билан ба-  
фуржа, ошмай-тошмай муомала қила олишига кўзи  
етгандай бўларди. Майли, ўзини олиб қочаверсин, у  
бари бир болани ийдирадиган бирор чорани топади,  
ахир, бири бўлмаса, бири иш бериб қолар-ку! Ўглида  
ўзига меҳр уйғотишдан бошқа яна нима ҳам иши бор  
денг...

Бироқ эрталаб, нонушта пайтида Шанининг қўли-  
даги қошиқ тушиб кетиб, болакай: «Ойи, мен қаҳвани  
ёмон кўраман», деб ғинғиллаганида, унинг жон-пони  
чиқиб кетарди.

— Бўлмаса нимани яхши кўрасан? — дерди тиши-  
ни-тишига қўйиб.— Балки, бўғирсоқ ерсан?

— Ҳа, бўғирсоқ.

Лекин бўғирсоқ бир баҳона эди, онаси уни қозонга  
солиб пишириш билан овора бўлганидан фойдаланиб  
бўйнидаги сочиқни секингина ечарди-да, аста курсидан  
тушиб оларди.

— Нима бало, аллақачон бунга ҳам иштаҳанг  
бўгилиб бўлдими? — жигибийрони чиқарди Жофи-  
нинг.— Қани, емай кўр-чи. Емасанг очингдан ўла-  
сан-ку!

Шунда Шани бўғирсоқни оғзига солиб, зўрма-зўра-  
ки, ҳамма ёгини ёққа белаб тамшанар, бўғирсоқ бўлса  
сира томогидан нари ўтмасди. Жофининг эса фифони  
ошиб ошхонада куйманар, назаридা, боласи у пиши-  
риб бергани учун егиси келмаётгандай бўлиб туюларди.

Ана, у онаси тўғраётган қарамдан кўзларини узмай тикилиб турибди, ҳали тўғраб бўлмасидан буруноқ, ўзагини бер, деб тихирлик қиляпти.

— Ойи, ўзагини менга берасиз-а, хўпми? — Шу сўзларни айтиб бўлар-бўлмас, сабри чидамай, яна ҳархашани бошлади: — Ойи, намунча кўп кесиб ташлайпсиз, ўзаги қолмаяпти-ку!

— То қаҳвангни ичмагунингча ўзакни олиб бўпсан! — Жофи дил ранжини тарбиявий талабчанлик пардаси остига яширмоққа уринарди.

Турган гапки, Шанининг лаблари қийшайиб, онаси-га жавдиради (зора лаблари жийрилгани онасининг кўнглини юмшатса), кейин ҳиқиллашга ўтди.

— Йигласанг-йигламасанг, бари бир менга, — Жофи ҳам бўш келмади. — Қаҳвани ичмасмишлар-у, бу кишимга қарам ўзагини берармишман! — Қани, дарров ичib ол-чи қаҳвани!

Шанининг бўлса шу топда қарам ўзагини шундай егиси келиб турардики — назарида, мана ҳозир гарчиллатиб чайнайдигандек — чор-ночор, ўлганининг кунидан қаҳвани ичишга тутинди. Ёноқларидан ёш томчилари юмаларди, бироқ томогининг гилқ-гилқ қилишидан бу тубсиз кружкани бўшатишга қанчалик уринаётгани кўриниб турарди. Аммо, борган сайин се-кинроқ ҳўплай бошлади, ана, қўлчалари кружкани қўйди, ичиди ҳали талайгина қаҳва бор экан, Шани курсидан тушаман деб столни қимирлатиб юборган эди, у чайқалиб клеёнкага тўкилди.

— Ҳа, майли, олсанг ола қол! — Она тонготар олдидан кўнглига туккан аҳдига содиқ қолишга тиришиб, аллақачон плита ёнидаги ёққани келтириб қўйилган қуруқ жўхори сўталарини ўйнашга тушиб кетган болакайга оппоқ қилиб тозаланган қарам ўзагини узатди.

Аммо Шани, қаҳвани ичмагани хижолатиданми ёки печка ёнидан ўзига янги эрмак топгани сабаблими, ҳар қалай, ўзакни олмади.

— Кейин, ойи, кейинроқ, — деди у паришонлик билан, ўзи бўлса саватдаги жўхори сўталарини биттамабитта олиб, навбати билан печкадан тушиб турган шуълага тутар, сўта билан бирга ҳатто қўли ҳам қизарив кўринаётганини томоша қиларди.

— Ойижон, қаранг, қўлимни кўринг, қандай қип-қизил-а! — деб онасини ёнига чақирарди у шодланиб.

Жофининг эса бу пайтда бояги бадбин карам ўзагини деб кўзларига гилқ-ғилқ ёш қалқанди. Ўғлига ниманики бермоқчи бўлса, унга бари керак эмас-а! «Қанақанги қайсар, қанақанги тажанг бўлиб ўсяпти-я, Ковач бувисига тортганга ўхшайди, майли, ҳечқиси йўқ, мулла қилиб қўяман ҳали уни». У ўғлининг ўт шуъласида қизарип кўринган қўлига ҳатто кўз қирини ҳам ташлаб қўймади. Ўғлининг олов шуъласида қизарип кўринган қўлчаси баногоҳ ёдига тушиб қолганида, болакай аллақачон ҳовлига чиқиб кетган, қорми, лойми, ҳеч нимага парво қилмай, у ёқдан-бу ёққа шаталоқ отиб юрганди. Ёнига бориб, қара, менинг ҳам қўлим ўшанақа, худди нарёги кўриниб турганга ўхшайди-я, дейиши керак эди ўша пайтда. Кейин деворга қўлининг соясини тушириб, қуёнча қилиб кўрсатиб бирпас ўйнатмасмиди, қуёнча қулоқларини қимирлатса, Шани қотиб-қотиб кулиб: «Яна қилинг, ойижон, яна!»— деб туриб олмасмиди. Ана унда сираям Ирманинг олдига бораман деб тихирлик қилмасди. Шу хаёллар билан у шоша-пиша ўғлини чақирди, лекин унинг оёгини истар-истамас сургаб келаётганини кўрганда тагин бояги ўзак эсига тушди-ю, боласи билан биргалашиб олов ёнига чўнқайиш фикридан қайтди-қўйди.

— Нимага чақирдингиз?— деди Шани қош-қовоги осилиб.

— Ўзим шундоқ. Совқотиб қоласан,— деди онаси қўрслик билан ва ўғли эгнидаги пальтони юлқилаб ечди.

— Ҳечам совқотганим йўқ-ку!— деди Шани аччиғи қистаб.— Нимага ҳадеб мени чақираверасиз-чақираверасиз! Бу ерда нима қиласман?

— Гап қайтарма, бола!— Ниҳоят, лиммо-лим тўлиб турган сабр косаси чайқалиб, заҳри-зардоби тўкилди.— Онанг «ўйда ўтири» дегандан кейин қимирламай ўтирасан шу ерда! Менга ўргатишга ҳали ёшлик қиласан, бола!— Шундай деб у кастрюльканни товага, товани кастрюлькага ура кетди жаҳл билан, нимага бундай қилаётганини ўзи ҳам билмас, шунчаки бу тарақатуруқдан сал енгил тортаётгандай эди. Шани эса боя онаси пальтосини ечиб олганида қай тариқа турган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай қаққайиб, то онаси идиштовоқларни тарақлатишни бас этгунича қўрққанидан қимир этмай, кўзлари чақчайганча туриб қолди.

Бунақанги можаро, майдада чуйда келишмовчилик, ўкинарли машмашалар Кизела борлигига камдан-кам рўй берарди. Зеро Кизела ҳануз бу уйда бутун қишлоқнинг кўз ва қулоги бўлиб туришдек вазифасидан воз кечмаганди, ёш беванинг боласига қандай муомала қилаётганини айғоқчилардай кузатиб юради. Буни фаҳмлаган Жофи Кизела уйда пайтларида ўзини қандай тутишини билмай, боши қотиб қоларди. Ўглини тергаб, койийдиган бўлса, ўша замоноқ қишлоққа, ала-мини кимдан олишни билмай, бутун заҳрини ўғлига сочади, деган гап тарқалади. Шанини ўз ҳолига қўйиб, жимгина юмушларини қилиб юраверай деса, боласи қаровсиз тентак бўлиб ўсяпти, мундоқ тузук-қуруқ гапиришни ҳам билмайди, дейди бу шум кампир. Шанининг қайсарлик қилиб онасини маломатга қўйишидан чўчигани туфайли Жофи кампир борида, ҳатто жони бўгзига келиб турган бўлса ҳам, ҳамма нарсага бармоқ орасидан қарап, парво қилмасликка тиришарди. Айтгандай, Кизеланинг ўзи ҳам иложи борича бало комидан қочиброқ юришга ҳаракат қиларди. Ҳов ўша воқеадан кейин Кизела Жофидан жуда қўрқиб қолган, ортиқ унинг жигига тегишга ботина олмас эди-ю, лекин хонасига қамалиб олиб, ичиқоралик билан ошхонадан эшитилётган гўнғир-ғўнғир койишларга писигина қулоқ соларди. Бундай пайтларда қироатхонадан олиб келган «Аёл киши ҳамшира сифатида» деган китоби қўлидан тиззасига тушиб кетар, ҳатто халақиг бермасин деб қўзойнагини ҳам олиб қўяр ва бошини бир томонга буриб (нега деганингизда чап қулоги яхшироқ эшитарди-да), ярим очиқ қолган оғзидаги тилигача тек қотиб, вужуди қулоққа айланиб тингларди, эшик ортидаги шовқин тингач эса ҳалимдай ийиб, мамнун илжаярди. Бироқ сира-сира Жофининг олдида пистирмада туриб хабар топгани жанжалдан оғиз очмайдиган, ҳатто Шанидан нимага пиқиллаётганининг сабабини ҳам суриштирмайдиган бўлганди.

Унинг бундай сукут сақлаши Жоfigа қаттиқ тегар, нимага уришганини тушунтиришга уринарди.

— Сал қаттиқроқ турмасам бўлмайдиганга ўхшайди,— деб ўзи гап очарди у, гўё узоқни кўрувчи мураббийлардай.— Агар ҳозирдан қайириб олмасангиз, кейин худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди.

Кизела эса, тагин оғзим бўшлиқ қилиб бирон но-

жўя гапни айтиб юбормай деб чўчиб, сергак тортиб турарди.

— Битта ёмон томони шуки, Шанинка ёлғиҳ, ўзини қаёққа уришини билмайди. Ёнида укаси бўлганидами, ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиб кетарди, ҳа, ҳа, гапимга ишонаверинг.

Жофи ўз-ўзига, Кизела илгари қандай қабиҳ гийбатчи бўлса, ҳозир ҳам ўшандай гийбатчилигича қолган, деб такрор-такрор уқтирумасин, бари бир, бундай тасалли бергувчи гапдан кейин кўнглидагини очишига тушиб кетарди:

— Кимга ўхшади бу бола, билмадим. Ковач бувисига тортганмикин-а? Ўша бувиси ўлгидай қайсар-да ўзиям...

— Шаникангиз сал асабийроқ, сал сергашроқ бўлиб қолди,— мулойимгина эътиroz билдиради Кизела.— Бултургига қараганда бир оз мазаси ҳам йўқроқ кўринади. Ё гижжа-пижжаси бормикин, текширитириб кўрсангиз бўлармиди...

«Асабийроқ» деган ибора Жофига ёқиб тушди. Ҳа, кейинги пайтларда унинг ўзи ҳам асабийлашиб қолди, боши ҳам тинмай оғриб туради, эҳтимол, бунинг таъсирида боласиям асабий бўлиб ўсаётгандир.

— Жуда бошим қотиб қолди, балки менинг ҳам айбим бордир бунда. Очигини айтсам, сабрим чидамай, тўрсиллатиб ташлайман, шуни-чун бола шунақа бўлиб ўсаётгандир балки,— деб нолиди бир куни навбатдаги ўшанағангি можародан сўнг.

Аммо-лекин Кизелани жанг майдонига торта олмади бу билан, кампир жангга бел bogлашдан кўра бадхона бетарафликни маъқул кўрди.

— Унақа десангиз, оналарини кечқурунгина кўрадиган болаларни нима деса бўлади! Масалан, Пештнинг чеккасида яшайдиган ишчиларнинг болалари — яхшидир-ёмондир, думалаб-сумалаб катта бўлишади... Сиз-чи, эртаю кеч у билан оворасиз, ҳамма бало шунда. Қўяверинг, дўмбилилаб-сўмбиллаб ўйнаб юраверсин.

Бу жодугар қанчалик маккора бўлмасин, унинг маслаҳати Жофига маъқул келди-ю, гўё бирор жўмракни қўйқисдан батамом очиб юборгандай, Жофининг шиква-шикояти шариллаб тушган сувдай қуишлиб келаверди:

— Ишонсангиз, батъизда бу болани нима қилишимга ақлим бовар қилмай қолади. Уни анави падивоқи

Ирма бузди, худо ҳақи. Бу норасида гўдакка нималарни ўргатаётганини ким билади дейсиз. Болани ўзига әлакишириб олишдан осон иш бораканми, лекин она шўринг қурғур эртани ҳам ўйлаши керак-да. Муштдак ёшидан уришиб-талашиб юришдан ёмони йўғ-а бўлмаса.

— Кейин ўзингизга яхши бўлади,— деб қўйди Кизела, ўз киноясидан ўзи маст бўлиб. Шу гапларни почмайстерни хотини бир эшитса эди-я!

Аммо Жофини айни чоғда Кизеланинг кўнглидаги ёсуманлик қизиқтирумас, унинг оғзидан фақат маъқулловчи сўз эшитишнигина истарди.

— Кўпинча юрагим сиқилиб кетади, шундай сиқилиб кетадики, асти қўяверасиз! Эрталаб ухлаб ётганида нақ фариштанинг ўзгинаси дейсиз. Уни жонимдан ортиқ кўрсам-у, нега мени ёмон кўради-я, деб ўйлайман. Отаси тирик бўлса ҳаммаси бошқача бўлармиди. Отасидан қўрқса, мен тўйиб-тўйиб эркалатиб юраверармидим, дейман. «Даданг келяпти, эшитсанми?..» — десам, жим бўлиб қолармиди. Ҳозир бўлса унга ҳам онаман, ҳам отаман, мени худди олабўжи деб билади. Шуни-чун уни мендан айнитиш оппа-осон. Анави Ирмани худо билиб букри қилиб яратган экан, болагинамни мендан айнитаётгани учун бундан баттар жазосини берсин илоё!

— Кўйинг-э, ўзингизам жуда ошириб юборадиган бўлибсиз-да. Шаника яхши кўради сизни,— далда берган бўлди Кизела. Айни пайтда у пешанасини буришириб, ичида қатъий ҳукм чиқарди: «Ўзи ношуд, бағритош она бўла туриб бу баҳти қаро қизни қарғашга қандай тили боради-я ноинсофнинг»...

Гоҳо-гоҳо ўғлидан қанчалик нолиб, астойдил шикоят қилаётганига ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Шунда аллақандай бир галати туйғу қалбини изтиробга соларди: «Мени шунчалик худо қаргамаса ўз қорнимдан тушган болам шунчалар изтироб чекар, айбини тан оларди: «Ахир мен бу гўдакка нақ катталарга қилинадиган муомалани қиляпман-ку. Унга эътибор ҳам бермай, гўё ўзи ярашишга уринсин деб лаб-лунжимни осилтириб юрсам-а. Ундан кўра ўзингга: Шани ҳали гўдак, уни суйиб-эркала, парвона бўл, онаси унга қанчалик меҳрибонлик қилганини вақт-соати билан ўзи ҳам тушуниб олар, демайсанми-я». Бироқ бундай са-

мимий, покиза дақиқалар фақат дақиқалар әди, холос. Дам ўтмай яна асаблари қақшаб қолар, тақдир раво кўрган шунча аламлар устига ўғлининг асабийлиги ортиқча юк бўлиб қўшилганини ўйлаб фигони фалакка етарди. Боши муттасил сирқирап, елкалари буқчайиб борар, ҳатто учрашиб қолганида уни бундай аҳволда кўрган онаси ҳам койиб берарди:

— Намунча бўшашмасанг, Жофи,— насиҳат қиласарди у,— жуда оғриётган бўлса, докторга кўрсат.

Аммо Жофи учун юрак ютиб врачга бориш, кейин ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланишдан кўра қаёқдаги амалга ошмайдиган ўйлар билан ўзини қийноққа солиб, турмушдан нолиш осонроқ кўчарди.

— Э, нима кераги бор!— деб жавоб берарди онасининг насиҳатига.— Тезроқ ўлиб қўя қолганим яхшийди бу кунимдан кўра.

Шани бўлса онасининг бунчалик ғам-ташвиши ўйнуб кетганидан фойдаланиб, битта қарорга келганди: у эндиликда ҳовлига тез-тез бемалол чиқиб турса бўларкан. Қишилди бўшаши — кўлмаклар бетини қоплаган юпқа муз парда салга синиб-парчаланиб кетади, таёқ билан бир туртиб қўйсанг бас; оғилнинг чириб-нурраган орқа деворидаги моҳларни бир парчагина қаттиқ пўстлоқ билан қиришни айтмайсизми, жуда қизиқ. Шани оғилнинг пастак томидан бирорта қамишни сугуриб олади-да, қудуқни айланиб юргурганча, нақ душман ҳамласини қайтараётгандай, ўнгу сўлига силкиб зарба бераверади. Энди онаси уни ҳар замонда бир чақириб қоладиган бўлди; ювиндини тўkkани ёки чўчқага овқат бергани чиқиб қолганидагина: «Тагин ҳовлида дайдиб юрибсанми! Шамоллаб қолгин, ўшандা кўрасан кўрадиган кунингни!»— деб зорланган оҳангда уришиб беради, холос. Бироқ Шани унинг овозида аввалгидай қатъийлик ва буйруқни сезмагач, ўзини ҳозиргина тўкилган ювиндидан кўтарилаётган бугни томоша қилаётганга солар, югурни бориб кўлмаклаб турган ювиндининг ўртасига сакрар, ундан аллақачон буғ чиқмай қўйган бўлса ҳам ўша ерда тураверарди. Бир куни кечқурунга бориб қулоги оғриб қолиб, бурчакка тиқилганча пиқиллашга тушди, қулоги шангиллаб, ҳар зирқираганида чидаёлмай бошини сарак-сарак қилаверди.

— Ана, айтмоғдимми, ахир шамоллабсан-да? Бу

қоранг ўчгур ҳовлидан сира ичкарига олиб кириб бўлмайди сени! Энди сўрамасдан ташқарига чиқиб кўргинчи!— деди Жофи ўзини жиддий тутишга тиришиб.

Бироқ Шани ўзининг қўрқув ва алам акс этиб турган шаҳло кўзлари билан унга жавдиаркан, ўша ондаёқ оналик меҳри товланиб, боласини тиззасига олди-ю, то уйқуга кетгунича тебратиб ўтириди.

— Бадани алангай оташ бўлиб ёнепти,— деди Кизелага шивирлаб,— эрталаб доктор чақирмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Кизела гўдакнинг устига энгашиб, кафтининг орқасини кўкрагига тегизиб кўрди-да, ҳаммаси тушунарли дегандай, дарҳол қаддини ростлади, болакай уйқусида инграб, бошини сарак-сарак қиларди ҳамон.

— Ичиди дарди бор, анчадан бери кузатиб юрибман уни, бола бечоранинг ранги заъфарон бўлиб кетган.

Эрталаб Шани курсанд уйғонди.

— Қулогинг оғримаяптими?— хавотирланиб сўради онаси.

Болакай бўлса кечаги тортган азобини мутлақо унугиб юборганди; мана, оғримаяпти, ўзингиз кўринг, дегандай қулоги солинчогидан тортиб кўрсатди.

— Бугун ташқарига чиқишини хаёлингта ҳам келтирма,— тўшакнинг четида турган ўғлини кийинтираётуб ғўлдиради Жофи.

Энди иштонининг почасига бир оёгини тиққан Шани бирдан чайқалиб, ўзини таппа ёстиққа ташлади. Қейин хаҳолаб ўрнидан турди, яна чайқалиб, тагин гуппа қулади. Бу беш-олти марта такрорланди, сира кийингиси келмаётганди унинг. Жофи қувончини Кизелага етказди:

— Ҳеч нимани кўрмагандай. Аранг кийинтиридим, шўхлик қилавериб сира кийинтиргани қўймади.

Кизеланинг ҳам гапи тамоман ўзгарди-қолди:

— Дарров ваҳима қилиш керагамас демовидим, ахир. Болалар ўзи шунақа, бир қарасанг, нақ ўлиб қоладигандай, бир қарасанг, ҳеч нимани кўрмагандай қийқириб кулган... Шанига ўхшаган бақувват болани ю гапириб ўтирасаса ҳам бўлади...

Шани эса бу орада яна гов ёнида уймаланаётганди, у гов тахтачаларини бирма-бир ушлаб чиқар, яна қўйиб юборарди. Қайси бирини сурса тирқиш очилишини билмагани учун эмас, йўқ, ҳозирча у ёқиа ўтиши

мумкинамас. Шундай бўлгач, ақалли ушлаб ўйна-  
син-да, ахир. У қўлига битта таёқчани олди-да, уни  
гов таҳтачасидан-таҳтачасига сакраб, худди ногора-  
дай тараклашига маст бўлиб, гов ёқалаб югуриб кет-  
ди, тараклаш тирқишига келиб узилиб қолганда юрак-  
чиси бир орзиқиб тушди. Бирпас у ёқ-бу ёқча аланглаб  
турди-да, лип этиб нариги томонга ўтди-ю, акас бута-  
ларини оралаб олға чопди; у силкитиб юборган шаб-  
балардан устига дувва томчилар ёғилди, мана, у юзи-  
ни арта-арта Ирма келмаяптимикин, деб уй бурчидан  
мўралаб турибди. Шу пайт орқа томондан уни Ирма  
эмас, Хомор кампир ушлаб олди, у ертўладан молга  
чириган шолғом олаётган экан.

— Шаника, боринг, уйингизга бора қолинг, бизни-  
кига киришингизни ойингиз ёқтирмайдилар,— деди у  
тутила-тутила, одатда ўзига тўқ ҳонадонларнинг бола-  
ларини астагина кузатиб қўя туриб айтиладиган заҳар-  
ханда оҳангда.

Бир куни Жофи Хомор холага, қизингизга айтиб  
қўйинг, Шанини ҳадеб чақиравермасин, деганди, ма-  
на ҳозир кампир ўшанинг ўчини олаётгандай, ошкора  
мамнунлик билан болакайни ҳовлисидан чиқариб юбо-  
раётган эди. Шани ҳайрат ичра кампирга бақрайтан-  
ча, балки ҳайдаб юбормас, деган ниятда қимир этмай  
турарди, лекин кампир астагина елкасидан ушлаб бу-  
риб қўйди:

— Баракалла, баракалла, бора қол, кичкинтой.

Шани секин, босайми-босмайми деб, акас буталари  
орасидан сургалиб борарди. Бечора йиглаб кимдан ала-  
мини олишини ҳам билмасди: онасига шикоят қилол-  
майди, у уришибгина қўя қолмай, жазолайди ҳам. Шу-  
нинг учун буталар орасига киргач, астагина пиқиллай  
бошлади — уйига эса сира қайтгиси йўқ. Буталар ости-  
да деярли қор қолмаганди, фақат у ер-бу ердаги чу-  
қурроқ жойлардагина йилтираб кўринарди; синиқ  
кўзалар устидаги қор эриб кетган, занглаш кетган  
кастрюлькаларнинг қолган-қутган эмаллари ялтиллаб  
кўринарди, бир бута остида дараҳт тиканларидан тап  
тортмайдиган жасур қашфиётчимизни эски туфли —  
наматдан тикилган кўринади — мунтазир бўлиб кутиб  
турган экан. Дили ранжиган Шани ўша эгасиз бойлик  
томонга юрди, туфлинни ковлаб чиқариб, тўнкариғлиқ  
тогора устида кўргазма ташкил этди. Бу кўргазмада  
нималар йўқ дейсиз, зангори, жигар ранг, яшил қоноп

парчаларими-ей, гулдор кружканинг қолдиқ гирдими-ей, қоқ ўртада бўлса битта синиқ кўзанинг банди савлат тўкиб турибди. Шаника тогора ёнига чўк тушиб олиб, бу бойликларини у ердан-бу ерга олиб қўйиб, ўрнини алмаштириб ўтириб, ўйинга шунчалик берилиб кетдики, ораларини ана шу ташландиқ акасзор — унинг қадрдон жаннати ажратиб турган икки адоватли оламни мутлақо унутиб юборди.

Шу кундан эътиборан Шани тез-тез ғов ортига ўтиб турадиган бўлди, Жофининг эса уни қўриқлашга на истаги, на мажоли қолганди.

— Шаника! — деб чақириб қоларди у бўм-бўш ҳовлига қараб.

Бирпастдан кейин Шаника пайдо бўларди дарҳақиқат; тирноқлари орасига лой тўлган, бармоқлари тирналган, лекин юзлари қизариб кетган, кўзлари бахтиёрликдан чақнаб турарди. Кечқурунлари эса кўпинча овқат устида ухлаб қоларди, бир куни Жофи хонага кирса ўғли қоқ полда ухлаб ётибди.

— Эс-ҳуши ўйин, силласи қуриб ётиб қолгунича ҳам ўйнайверса! — деб мингиллади у ва ўша ондаёқ бу гап эсидан чиқди кетди яна.

. Бирмунча вақтдан бери ҳатто овқат қилишга ҳам майли йўқроқ, кечагидан қолган овқатни иситиб қўя қолади ё тухумни аталаб, қуймоқ қилади, вассалом, ярқиллаган жиҳозларини бир неча кунлаб чанг босиб ётади, баъзан каравоти охир-пешингача йигиқсиз ётади. У уйда худди караҳт пашшага ўхшаб гарангсиб юради — қазноқдан кастрюлькани олиб чиқади, ичкарига олиб кириб қўяди-да, кейин эси жойига тушиб қолиб:

— Нима қилмоқчийдим ўзи? Худди кампирларга ўхшаб эсим киравли-чиқарли бўлиб қолди-я, — деб боши қотиб, ўзини койишга тушарди. — Мана шунаقا ёшлигида қарис, эсини еб юргандан кўра шартта ўлиб қўя қолган тузук. Э худо, тезроқ жонимни олиб қўя қолсанг-чи! Бу дунёни хира қилиб юравераманми? Боламга мендан кўра онам яхшироқ қарайди. Узумни кўтариб турган тирговучни олиб ташласа бас экан, ток шилқ этиб узала тушиб ётиб ола қоларкан. Лекин анати Кизела алвости балонинг ўқидай ҳали, юрмайди — йўргалайди-я! Менинг қўл-оёқларим бўлса худди ясамага ўхшайди. Ҳалитдан шунаقا шалвиллаб ўтирам, қирққа кирганимда нима бўлади?!

Ҳовлида офтоб тобора тепароққа, айвон устунларигача етиб келадиган бўляпти, қуёш салқин ҳавога аста-секин илиқлик баҳш этиб боряпти, қудук теварагидаги юзлаб кўзгуча-ҳалқобчалар ярқираб кўзни қамаштиради. Аммо Жофи бошидаги қора рўмолини янада кўзлари устига тушириброқ юришга уринади, ҳовлидан ўтиб бораётганида ўзининг қоп-қора соясига маъюс нигоҳ ташлаб қўяди. Уч йилдирки, у нақ қузғун янглиғ қоп-қора лиbosга бурканиб юради. Бу бевалик, азадорлик лиbosи пешанасига бир умр битилганга ўхшайди! Беғубор мовийлик, ярқираган олтин тус ва кўз нурини олгувчи оппоқ ранглардангина иборат бўлган борлиқни кўрарга кўзи йўқ унинг. Ахир, у беҳудадан-беҳудага пўпанак бойлаб ётибди-да бу ерда. Умрини қора кўрсичқондай ўтказяпти — ҳозирданоқ у қуёш нурига дош беролмай қолган. Мартнинг дастлабки якшанбасида ҳатто Кизела ҳам (оёғига бир амаллаб ғарчли, локланган туфлисини кийиб), Жофидан оятлар китобчасини сўраб — ўзиники йўқ эди-да! — черковга жўнади: бормай ҳам бўларканми, руҳоний билан муаллимнинг хотини ёнгинасида ўтириб олиб, зиёлилар орасида ўзини кўз-кўз қилмай, синглиснинг бир аламини келтирмай бўларканми. Кизела нимани ўйлаган бўлса ўйлагандир, бу унинг ўзига аён, гапнинг қисқаси, у черковга жўнади, Жофи эса ўтган пасха — ҳайтдан бери у ерга қадам босмайди, дарвоҷе, нима ҳам қиласи черковда, шундоқ ҳам уни худо уриб қўйибди-ку! Қўчада, дарвозаси олдидан, соchlарига лента тақиб олган, ясанган-тусангандар қизлар шўх-шўх гаплашиб, тўпланиб қолган ҳалқобларни айланиб ўтиб, черковга кетишяпти; муюлишда, почта олдидаги қўлларидағи хивичлари билан этик қўнжаларини уриб йигитлар тўдалашиб туришибди. Қизлардан бири улар олдидаги онгина тўхтаб, яна дугоналарига етиб олди-да, кулганича йигитлар ҳақида алланима деб шивирлади, кейин қизлар бараварига хандон отиб кулиб юборишиди. Ана, улар қўлтиқлашиб, бир-бировларидан далда олиб, юбкаларини ҳиллпиратиб черков сари кетишиди. Жофи уларга бирров кўз қирини ташлади-ю, ўша заҳотиёқ уйига кириб кетди, бироқ қизларнинг шўх овозлари у ерга ҳам кириб борди. Икки-уч қиз гулдор кўйлак кийиб олибди, лекин Жофининг кўзига ҳаммаси бир тусда чаплашиб кўринди — улар деразаси ёнидан нақ сузиб, ўйноқлаб, пилдираб, тинимсиз

ўтиб туришибди... кейин ерни ларзага келтиргундай бўлиб учинчи бора қўнгириқ даранглади, шунда Жофи жаҳл билан, бармоқларини куйдириб, кўпиритошиб кетай деб турган кастрюлькадаги сутни ўт устидан олди.

Кун бўйи авзойи ўзгармади. Оммавий шодмонлик ва анвойи тур ранглардан баралла дод солгиси келарди. Кечга яқин Шани секингина қочиб қолди. У худди ўз тирқишидан ўтаётган дамда Жофи ўғлини чақиргани ҳовлига чиқкан эди. Унинг бетини нақ алана ялаб ўтгандай бўлди. Ҳозир боради-ю, бу шумтаканинг боплаб таъзирини беради! Шу ўй хаёлидан ўтаркан, у ҳатто бир оз енгил тортгандай бўлди. Лекин болакай аллақачон гов ортида гойиб бўлган эди. Турган гап, Ирманинг бўйнига осилиб олган ҳозир. Майли, осилса осилаверсин, ўша букриси билан ялашиб-юлқашаверсин! Энди бари бир унга... Жофи иши бўлмаса ҳам, чип-чиннидай қилиб супирилган ҳовлидан нарироққа борди-да, ғовга суюниб, бўш оғилхонага тикилиб қолди, у ердаги яхшилаб семиртирилган чўчқа боласи аллақачон дудхонага осиб қўйилган эди. Ертўла эшигидаги қулфнинг калитини яна бир марта буради, айвон устунидан кўчиб тушган оҳак устига тупроқ ташлаб қўйди. Ҳовлисида мақсадсиз кезаркан, қандай каттакон-а, деб ўйлади — аслида эса энига бир неча қадамгина эди ҳовли. Худди чеки-чегараси кўринмайдиган кенг оламдай, бу ерда адашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас экан... Ўглимнинг овози эшитилиб қолмасмикин, деган ўй билан Жофи астагина Хоморлар деворига яқинлашди. Ростдан ҳам девор ортида Шаника қийқириб кулаётганга ўхшайди, ё бу олисроқда шарақлаб кулаётган бошқа бироннинг боласимикин-а? У ўғлининг таниш овозини эшитишдан чўчиб, кўча эшик ёнига борди-да, кўчага мўралади; кимдир у билан саломлашди, у ҳам жавоб берди. Аёллар унга олисдан қизиқсиниб тикилишар, лекин яқинроқ келгач, ясама бепарволик билан сломлашиб ўтишар, иккиуч уй нарига етгачгина пичирлашишга тушишарди: «Жофининг қарис кетганини қаранглар-а, танимай қолибман!» Эркаклар бўлса ўзларининг улкан кафтларини астагина шляпалари ҳошиясига олиб бориб, нақ мурда ётган тобут ёнидан ўтиб бораётгандай эҳтиром билан, сипо ўтиб кетишарди. Ана поча ёнида жандармчи шляпасидаги патлар кўзга ташланди-ю, ўша ондаёқ яна лой йўлнинг қоқ ўртасидан ён-

ламасига йўл солиб, олислаша бошлади. Мен билан кўришиб ўтгандан, лой кечишни маъқул кўрди-я, деб Жофининг зардаси қайнаб кетди. Шу кунгача сержант ёнидан ўтиб кетаётганида унинг ўзи юзини буриб оларди, лекин шунга қарамай, жандармчининг ундан ошкора четлаб кетгани дилини қаттиқ ранжитди. Мағрурлиги шунга олиб келибди-да оқибатда — эркаклар уни энди аёл ўрнида кўрмай қўйишибди-да! Бошқаларга ўхшаб қийшанглаб юрганида ҳаммалари ҳурмат қилишармиди...

Жофи хонасига қайтиб, каравотдан чойшабни олиб ташлади-да, шу туришича, кийим-пийими билан ўзини ўринга отиб, бошигача бурканиб олди. Кошкийди ўлим қучогига ҳам ҳудди ана шундай бурканиб олиш қўлидан келса, абадий уйқуга кетолса! Шунда иттифоқо вужудини ҳузурбахш караҳтлик қамраб олди, наздида хона секин-секин айланана бошлагандай, кейин тобора тезлашаётгандай, баданини ширин бир қийноққа соглувчи туйғу забт этиб, юраги шигиллаб, аллақайларга учиб кетаётгандай бўлди. Бир жуфт кўз гўё уни истеҳзо билан кузатиб турганмиш, Жофи ўн бора: «Имре», — дея такрорлади, жисмида шу аснода иблис рақс тушаётгандай эди, бевалиги, азадорлиги қайларгадир гумдон бўлганмиш, у калтагина юбкани кийиб, пичан устида тарвақайлаб ётганмиш ёки яна бир қараса қипялангоч бўлиб қайнаб-кўпираётган тўлқинлар узра сузив юрганмиш...

Хонани қоронгилик чулгади; Кизела ҳам қайтди — Жофи унинг ўт ёқмоқчи бўлиб ошхонада ўралашаётганини эшитиб ётарди; мана, аста-секин тинчиди бораётган қишлоқнинг аллақаерида ит вовиллади.

— Ие, бу қанақаси! — Кизеланинг овозини эшитди Жофи. — Мен бўлсан икковларини Кураторларникида деб ўтирибман.

— Бунга нима бўлганига сира ақлим етмай қолди, — дея жавоб берди бошқа аёл. — Қуёвимиз Череснушуникига кетгандик, қайтиб келсак, Ирма ошхонада ўпкасини тутолмай ҳўнграб ўтирибид; болага нима бўлганини билмайман, сира уйғотолмаяпман, деб йиграйди нуқул. Туппа-тузук ўйнаб туриб, тўсатдан, чарчаб кетдим, мени қўлингга ол, дебди Ирмага. У миаси ийўқ ҳам лаққа тушиб, қўлига ола қолибди. Гўдак

ўша заҳотиёқ қўлида ухлаб қолибди. Уйғотаман деб уваламбор уннаса ҳам сира уйғонмабди, ҳадеб ихарримиш. Эси йўқ қиз болакайни уйига олиб келгани, бека энди нима дейди, деб қўрқибди. Ҳа жувормак қиз, дедим, болани иккинчи чақира кўрмагин уйга, деб тайинламаганимидим сенга, деб қарғаб бердим. У бўлса, мен чақирганим йўқ, мундоқ қарасам, акас остида, уйнинг орқасида ўйнаб ўтирибди, ҳаво нам, яна шамоллаб қолмасин, яхшиси уйга чақира қолай, деб ўйладим, дейди. Бу яшшамагур жуда болажон-да ўзиям.

Жофи мижғалоқ ёстиқдан бошини кўтарди. Боши ари уясидек гувиллар, ҳеч гапни англаёлмасди, лекин тўсатдан Шани тўғрисида гап кетаётганини фаҳмлаб қолди, юраги шув этиб сакраб турди-ю, аъзойи баданини ваҳм босиб, қотди-қолди жойида. «Машина босиб кетдимикин? Ё қудуқча тушиб кетибдими? Кўп қон кетиб қолган бўлса-я! Ё кўзини чиқариб олдимикин?» Боши айланиб, кўёз олдидан юзлаб қора-қонига беланган, кўзлари оқиб кетган, майиб бўлган Шанилар қаторлашиб ўтаверди. Қадам босишга ҳам мажоли келмай, худди бошига ҳозир бирор шарақлатиб тушириб қоладигандай, бўйини елкалари орасига олди. У шу кўйи, қимир этмай кутиб тураверди. Ниҳоят, эшикни астагина очиб Кизела кириб келди-да, нурсиз кўзларини қисиб, оқиши додгай оқариб турган ўринга тикилди.

— Жофиقا, шу ердамисиз? — сўради у иккилануб.— Жофи! — шундай деб кўзига элас-элас чалинаётган шарпа томонга қаттиқроқ тикилди.

— Бир гап бўлдими? — Жофининг овози шундоқ яқингинасидан эшитилди.

— Ҳалиги, қўшнимиз Хомор, Шаникани олиб келибдилар, уларникида ўйнаёттан әкан, кейин ухлаб қолибди, ҳеч уйготишолмабди.

Бу орада ланг очиқ эшикда қўшни кампир пайдо бўлди, қўлида галати шаклдаги нарсани кўтариб олибди, у ичкарига кира солиб, қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида ўзини оқлай кетди

— Қизимнинг гапича, болангиз кўпинча уйимизнинг орқасидаги акаслар орасида ўйнармиш, ерга ўтириб олармиш. Биз уйда бўлсак, уни чақиргани қўрқади, йўғимиздан фойдаланиб, яна шамоллаб қолмасин, деб чқирибди. Ҳозир йиғлаб ўтирибди, Ковач хоним, боламга нима балоларни берди деб уришадилар, дейди. Бундан қўрқма, болани ўз ҳолига ташлаб қўйган-

ларидан кейин сенинг нима айбинг бор, дедим. Гапим тўгрия масми?

Қўшнисининг таъна-маломатларнинг олдини олиб гапираётган гаплари Жофининг қулогига кирмасди. Кизела қоронгида туртиниб стулни йиқитиб, чироқни ёққани стол олдига борди, Жофи қўшнисининг қўлида боши пастга солиниб ухлаб ётган ўғлини Хомор кампирнинг елкаси оша ошхонадан чироқ шуъласи тушгандан кейингина кўрди... Вужуди сесканганча ўғлини қўлига олди, ҳаммаси бутунмикин деб титроқ қўли билан ўша заҳотиёқ боланинг юзи-кўзи, соchlарини пайпаслади.

Бу орада столдаги чироқ порлаб кетганди, Жофи кўнглида туғилган умид учқунларига ишонч ҳосил қилимоқчидай, қўрқа-писа ўғлини чироқ ёнига олиб борди. Пешанасидаги қон эмас, сочининг сояси экан; қизарип-бўрсиққан юзи бужмайиб турибди, катта очилган қўзлари чироқ шуъласи тушиб, яна маҳкам юмилди.

Кизела ёпишиб қолган сочини суриб, сертугун бармоқлари билан пешанасини ушлаб кўрди.

— Иссиги чиқяпти,— деди у маънодор оҳангда.

Она ўғлининг пальтоси тугмаларини ечиб, кўкрагини кўздан кечирди. Ҳануз оstonада турган Хомор, худо арасин, дея мингирлаганча, орқасига тисарилиб, чиқиб кетди. Жофи «автомобиль остидан, тегирмонтош орасидан, от туёқлари тагидан олинган» ўғлини итоаткорлик ва даҳшат аралаш Кизела қаршисида кўтариб турарди. Унинг икки кўзи кампирнинг маҳкам қимтилган лабларига қадалган, гўё кампир боланинг вужудидаги дардни қувиб чиқаришга қодирдай, ўғлини назардан ўтказаётган қўзларидан ижарачисининг қандай қарорга келишини ўзи айтмасидан бурунроқ билиб олишга уринарди.

— Баданига ҳеч нима тошмапти,— деди Кизела, шунда Жофининг қулогига унинг бу сўзлари: «соппасоф» дегандай эшитилиб, енгил тин олди. Этини музлатиб юбораёзган дастлабки ваҳимадан сўнг боласининг етти мучаси соф-омон экани, нафас олаётгани ва кўзиши очғани хийла далда берганди онага. Кизела, баданига ҳеч нима тошмапти, деганидан кейин эса Жофи, ҳаммаси жойида, деб ўзини-ўзи ишонтиришга шошилди:

— Балки бу гал ҳам худди анави қундагидақа бўлар? Ахир, болаларнинг салга иссиғи чиқиб кетавера-

ди-ку, тўғрия масми? Ўшанда мижжа қоқмай тонг оттиргандим, у бўлса эрталаб ўриндан ҳеч нима кўрмагандай турган, қулоги оғригани ҳатто эсидан ҳам чиқиб кетганди. Қўпроқ ўйнаб чарчаб қолгандир-да. Бир ўйинга тушиб кетса бас, бутун дунёни унутади... Ҳеч қаеринг оғримаяптими, қўзичогим?— сўради у қўлида гиншиб, талвасаланаётган ўғлидан.

Шанининг шаҳло кўзлари даб-дурустдан очилиб, онасига ҳайрат билан тикилди:

— Оғримаяпти.— Қўзлар яна юмилди.

— Оғримаяпти, унда нима қилди? Ухлагинг келяптими?— ўғлига туртки берган бўлди Жофи, бундай жавоб билан ўз кўнглидаги хавотирни ёзмоқчи эди у.

— Ҳа, уйқум келяпти,— деди Шани, бироқ иссиқ ҳонага киргач синиққан икки бети анордай қизариб кетганди.

— Уйқум келяпти, дейди,— деди Жофи шу пайт термометрини кўтариб кирган Кизеланинг тунд башарасига тикилиб. Кампир ҳамширалардай чаққонлик билан адёлни қайириб, ҳозиргина Жофи ётганидан иссиққина турган ёстиқни қаппайтира бошлади. Кампирнинг тунд башарасида маъқулловчи ишорадан асар кўрмаган Жофи тескари қараб олди ундан.

— Э худо, ишқилиб, бўталогимга бирон гап бўлмасин-да,— деб гўлдираб Шанининг сёғидан бошмогини еча бошлади, бу гапларни у Кизелага қарата айтдими, ёхуд ўзининг ҳозирги ноўрин фикрига қарши айтдими, буни билиб бўлмасди.

Бироқ Кизела индамай, нақ Тақдирнинг ўзи юборган ноиб қиёфасида, ўринни тузатиб, Шанининг тунлик кийимини каравотнинг бир четига қўйди.

Жофи ниҳоят қип-қизариб ухлаётган ўгли ёнида ёлиз қолгач, унинг соғлигига қайгураётганини ҳам, Кизеладан жаҳли чиқаётганини ҳам билмай ўтиради. Шаникани кўздан кечираркан, виқор билан ўринни тузатиб, шивирлаб маслаҳат бераркан, Кизеланинг бутун ҳатти-ҳаракати, бутун қиёфасида такаббурлик, тантанаворлик акс этиб туради. Бу мутлақо бошқа, илгаригисидан тамоман ўзгариб қолган Кизела эди. Одамларнинг бунағангни ўзгариб қолиши Жоfigа эскитдан ошно: ўт тушган пайтларда сув пуркагични ишга солиб, ҳаммага буйруқ берадиган отасининг ана шундай ўзгариб қолишини ёки ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриши олдидан чақирилган доя хотиннинг уйда зақ

палубада юрган капитандай кеккайиб юрганини кўп марталаб кўрган. Лекин Кизелага нима керак ўзи, нега энди унинг ўғли тепасида қаргага ўхшаб қагиллайди? Бу жодугар ўғли жиддийроқ касалга чалинса суюнади, нимага десангиз, буйруқ беришни, ўзини кўрсатишини яхши кўради. Мана бундоқ компресс қилинадимиш, термометринг қанчани кўрсатаёттанини мана бундоқ қилиб кўриш керакмиш... Турган гап, почмейстернинг хотинига гийбат қиласи ҳали: «Боласи ўладиган бўлиб шамоллабди, онаси бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйгандан кейин нимани ҳам кутиш мумкин», дейди. Оғир касал шунаقا бўларканми? Иситмаси чиқаёттанини айтмагандা, ана қаранг, ҳеч нима бўлмагандай бир текисда нафас олиб, пишиллаб ухляяпти. Жофи ўғлининг чигаллашган ҳўл сочини силагани қўлини олиб борди-ю, жиққа терга ботган пешанасига теккани ҳамон яна тортиб олди. Ёнида худди Кизеланинг совуқ нафаси билан оғир дардга чалинган бемор ётгандай бўлиб, ўғлига бир дам ноумид тикилиб қолди. Бу шум кампир мени ҳам жинни қилиб қўяди бунақада. Ўтган сафар ҳам худди шундай бўлган, эртасига эса ўғлини мажбур қилиб ҳам ётқизолмаганди-ку ўринда, ахир. Кўкрагига ўраб ташлаган латтаси ивиб кетибди, бечорани шамоллатиб қўймаса гўрга. Менга ўзини кўрсатмоқчи, олдин ҳўл латта, устидан қуруги, энг кейин мумли қозоз қўйиладимиш. Сал истмаласа, Имреларига дарров компресс қиларканлар. Менинг Шаникамга қилиб бўпсиз! Кейин орқадан чалпиб юриш учун шундай ғамхўр қилиб кўрсатади ўзини. «Қанақангি онанинг тарбиясини олган-а бу Жофика, ҳеч балонинг уддасидан чиқмайди; агар мен бўлмаганимда боласига лоақал компресс ҳам қўёлмасди...» — деб гийбат қилиши тайин. Уша латтани олиб ташлайман ҳозир, иссиқлик қилиб терлатиб юборяпти.

Бироқ ўзини у ёқ-бу ёққа ташлади, бирпас қараб турди, кейин ечиниб, чироқнинг пилигини пасайтириди-да, биргина кўйлакда ўриннинг бир чеккасида ўтириб қолди, компресс эсидан ҳам чиқиб кетди, унга ақалли қўлинин урмади: Кизеладан ҳамда Шаниканнинг уйгониб кетиб, зорланишидан чўчиб, бунга журъат этолмади.

Вақт ярим кечага борганда тош ётқизилган ошхонада Кизеланинг шапшапи шапиллаб қолди, кейин эшик банди астагина буралиб, оҳиста очилди. Жофи ҳануз

каравот четида ғужанак бўлиб ўтиарди: нимқоронги хонада танаси кўринмас, фақат кафтига қўйиб ўтирган юзига ўчай-ўчай деб милтиллаб ёнаётган чироқ-нинг хирагина шуъласи тушиб турарди.

— Шаника ухлаяптими? — оstonада туриб пичирлаб сўради Кизела, шунда Жофининг назарида у «йўқ» деган жавобни эшитишни истаётгандай бўлиб туюлди. — Бошқатдан компресс қилсак бўлармиди? — дея кампир яқинроқ келди.

— Бошқатдан қилдим, — ундан қутулиш учун ёлгон гапирди Жофи.

Бироқ Кизела ўрнидан бекорга турмаганди, у аллақачон каравот ёнига етиб бўлганди.

— Буниси жуда исиб кетибди, — деди ушлаб кўриб ва инглизча тўгночични ечишга тутиндиди.

Жофининг газаби қўзиб, жони ҳиқилдоғига келди. «Хозир итариб чиқриб ташлайман!» — дерди ичиди, лекин овоз чиқарип, гоятда мулойимлик билан айтган гап шу бўлди:

— Ундан кўра уйгонишини кута турсак яхшимасмикин?

Кизела Жоfigа ҳатто қиё боқиб ҳам қўймади.

— Уйгонишини кутиб нима қиласиз, Кизела холаси сираям уйғотмайди-да уни. Жим-жим, ҳечқиси йўқ, болажоним, — тинчлантириди у гинший бошлаган болакайни. — Мана, мана, энди анча тузалиб қолди, қўзичноқ яхшилаб терлаб, иссиғи ҳам тушиб қолибди. Компресс ҳар қандай доридан ҳам яхши-да, — деб шивирлади у тосга энгашаркан, кейин сувнинг шопиллагани, кетидан аста сиқилган латтадан чакиллаб томаётган томчининг товуши эшитилди. — Мана бўлди... энди сиз ҳам ёта қолинг, жонгинам. Худо хоҳласа тузалиб қолади, — деди у Жоfigа, муздек латта тегиб йиглай бошлаган Шани ниҳоят тинчигач.

Жофи бирдан ўзига келиб, Кизеланинг оёқ товуши тинганига талайгина вақт бўлганига қарамай, боя кампирнинг ҳаракатларини кузатиб, каравот олдида қандай турган бўлса, ҳамон ўша жойда ўшандай ҳолатда турганини кўрди. У энди ўзини-ўзи оғзига сиққанича койиса бўлади. «Худо хоҳласа, тузалиб қолади!» Бу қари жодугар ҳатто тасалли берадиб ҳам унинг кўнглига ваҳима солади-я, худодан бўлак ишонганимиз йўқ, демоқчидирда! Жофи оламда шу кампирдан кўра ёмон кўрадиган одами йўқлигини ҳис этарди. Ана шунаقا

маккора кампир бўлиб қаригандан кўра бўйини шартта узиб ташлай қолган минг карра яхши! Жофи тишлари такиллаб, адёл остига кирди, ниҳоятда совқотганини шундагина пайқади. Хаёлига келган бир фикрдан юрагига ғулгула тушди. Шани ростдан ҳам жиддий оғриган бўлса-я, хўш, бўлмаса у нега ўғлидан хавотирланяпти, икки ёнига ташлаб ётган дўмбоқ қўлчаларини ўпишга нега юраги бетламаяпти?! «Шириним, тойчогим»,— деб пичирлаганича Жофи лабларини боласининг жиққа ҳўл кўйлагига босаркан, кўзларидан дувва ёш юмалади. Чироқни пуфлашга юраги дов бермасди, чунки у аста-секин асли ҳолига қайтаётган бу юзчани кўриб туриши лозим эди; боласининг дўмбоқ қўлчаларига, узун киприкларига, юмуқ кўзларига қайта-қайта тикилиб, тасалли топмоқчи бўларди. Мабодо чироқни ўчирса-чи, унда тинчгина пишиллаб ухлаётган боласи ўрнига ҳарорати баландлигидан бўғилаёшиб, кириллаб нафас олаётган, кўзлари ола-кула бўлаётган бошқа гўдак, Кизела: «Худо коҳласа, тузалиб қолади», деган касал келиб қоладиганга ўхшайверди. У дамбадам мудраб кетар, лекин ўша заҳотиёқ чўчиб тушиб, чироқнинг одатланилмаган хирагина ёргидан кўзлари қисилганча боласига тикиларди. Шунда юраги бир орзиқиб тушарди-ю, салдан кейин яна кўнгли таскин то-пиб, тагин мудроқ босарди. Саҳар палла хиёл узоқроқ мудраб қолибди, бироқ уйқу аралаш қўйқисдан Кизеланинг эшиги гижирлаганини эшитиб, сапчиб туриб кетди. «Чироқ!»— миясига урилган дастлабки фикр шу бўлди-ю, кудди елганча устига бостириб келаётган поезддан ўзини сақлаётгандек, чироқ томон ташланиб, шартта ўчирди уни. Ҳали ўрнига қайтиб улгурмасиданоқ, оstonада бирорнинг гира-шира қораси кўринди.

— Жофиقا, уйгоқмисиз?

Жофи стол ёнида титраб турарди; у чурқ этиб садо бермади.

— Ухлаяпсизми, айланай?

Жофи, борди-ю Кизела чироқни ёқмоқчи бўлиб стол олдига келса унга урилиб кетишини, ана шунда жўрттага индамаётганини фаҳмлашини тушуниб турарди. Бекиёс қўрқув, нима бўларкан деб кутиш исканжага олганди уни — наздига ҳозир, кўз очиб-юмишга улгурмай ажал ёнисига чанг соладигандек туюларди, йўқ, ҳайтовур Кизела бирпас жимгина қоронғиликка тикилиб турди-да, кейин чиқиб кетди. Жофи эркин нафас

віб: «Хам, ҳозир еб қўяман сени!» — деганида гўё қаршилик кўрсатган бўларди.

— Кизела холаси, Шаникани бир уришиб қўйинг! — деди Жофи. — Хонадаги шовқин ва қийқирикни эшитиб кириб келган ижарачисига ўгирилиб. — Касал бўлиб ётгиси келмаётиди, ўринни тепнб ташлади, жуда бебош бўлиб кетди. Буни қаранг, ўзингиз бир кўринг-а, касал-пасалидан ном-нишона қолмапти-я! Онасини нақ ўтакасини ёриб юбораёзди-ю, мана энди, ҳеч нима кўрмагандай соппа-сог уйғонди. Кизела холаси бўлса, келиб тобут ясагани бўйини ўлчаб кетсан, деб дурадгорга одам юборишга ҳам тайёр эдилар-а.

Кизела шўхлик қилаётган болага гумонсираб тикилди, Жофининг гали эса наштар бўлиб қоқ юрагига санчилган эди.

— Эҳтиёткорлик ҳеч қачон зарар қилмайди, — деб мингирилади у лаб-лунжи осилиб, кейин янга, боланинг иссиғини ўлчаб кўриш керак, деб қистасаммикин деган ўйда бир нафас тараддуланиб турди. Сўнгра, менга нима, бунга ҳожат борми? — деган қарорга келди. «Бу калтафаҳм қишлоқи, атайин боламни касал қилиб кўрсатишни истаялти, деб ўйлади. Худо кўтарсин, боласини нобуд қилса қиласвермайдими!»

У ранжиган қиёфа билан чиқиб кетди, Жофи эса галаба сурурини суриб, Шанига қўшилиб хаҳолашга тушди, кулганини кампир эшитиб, аламидан ёрилиб ўлсин деб ўглини атайин қитиқлай бошлади. Боласини тетиклатиб, қувонтириб, шу кеча кўнглига ғулу солган ваҳиманинг ҳиссасини чиқармсқчи эди. Шани онасининг, худди бирор ўзгартириб қўйгандай, тамоман бошқача бўлиб қолганидан беҳад хурсанд ҳолда йигиштирилмаган ўринда мириқиб ўйнади, лекин, ҳар қалай, пешинга бориб ўринда ўтиравериш жонига тегди ахири. Онаси овқат пиширгани ошхонага чиқиб кетганида бирдан зерика бошлади — юмшоқ ёстиқларда чуқурча «ковлаш» ҳам, кўрпа гилофининг тутмаларини ечиш ҳам — ҳаммаси жонига тегди, энди бирпастгина осмонга қараб ётса гижимланган ўриннинг қатлари бота бошлади.

— Ойижон, ойи! — бирдан қичқириб қолди диққати ошиб. — Ойижон, яна қанча ётаман бу ерда? Ҳадеб ётавераманми?

Ўглининг шикоятомуз қичқиригидан қўрқиб кетиб хонага отилиб кирган Жофи, боланинг кечагидек аҳ-

олди, сийналарига, бошию қўл-оёқларига қайноқ лаззатбахш қон югурди — Шани ҳам соғайиб кетгандай кулбасига ёпирилиб келган барча балою оғатлар даф бўлиб, ҳаммаси яхшиликка юз тутгандай. У дарҳол ўринга кираркан, бутун ҳаётини тикиб, шум тақдирни ютган ўйинчидай қалби қувончга тўлиб, вужудида ширин бир титроқ турганди.

Эртасига Шаника хурсанд уйғонди. У атиргул расми бор каттакон кружкадаги қаҳвани хўриллатиб ига бошлади. Ўзи қаҳва ичяпти-ю, кўзлари эса кружка тепасидан онасининг кўрпа-тўшакни тузатаётган қўлларини кузатади. Икки кишилик каттакон каравотларининг фақат бир томонигина йиғиштирилаёттанини кўрганда қувончи ичига сифмай кетди, энди онаси уни эрталабдан ошхонага тиқиб қўйимас экан, куппа-кундузи шу ерда, ётган жойида маза қилиб ўйнайдиган бўлди-да, ахир. Унинг учун одатий кунларининг ниҳояси бўлмиш тўқ жигар ранг каравот ҳозир ҳамма ёқ саранжом-саришта қилиб қўйилган хона ўртасидаги номаълум, ўз кашфиётчисини кутаётган мўъжизавий ўлкадай кўриниб кетди кўзига. У кичкинагина ёстиқчани бошига қалпоқча қилиб кийиб олиб, адёлнинг иланг биланг, яшил водио воҳаларида мириқиб шиша тугмачаларни отиб ўйнай олади. Ёнгинасидаги тузатиб қўйилган ўрин бамисоли баланд адир, Шани музafferона наъра тортиб бу тепага ҳужумга ташланиши мумкин, бармоқчалари эса жажжи ҳайвончалардай ҳуркибина тепа ёнбагридан ўрмалайди. Унинг музafferона ҳайқириқларини эшлиб Жофи ҳайратланарди, холос. Ҳозир она боласидан тузатиб қўйилган ўринни заррача қизғанмасди: майли, чойшабни гижимласа ҳам, ёстиқни бошига илиб парларини тўзғитса ҳам майли, ўйнайверсин, иргишиласа иргишлийверсин. Боласининг бу шўхликларидан, хурсанд уйғонганидан Жофи елкасида босиб ётган тегирмон тоши тушиб кетгандай ўзини енгил сезарди. Шу топда қўзичоғи ёстиқни қайчи билан тилиб, парини тўзғитаман деса ҳам рози бўларди. Шани ялангоч орқасини кўрсатиб эмаклаб қолганида: қани, ҳозироқ ёт, сендақангি касални қара-ю, деб шапатилаб қоларди, аммо болакай онасининг баҳтиёрликдан порлаб турган чеҳрасини кўриб, ҳозир ҳар нима қилсан ҳам кўтаради, деган ўй билан чойшабни муштлашга тушиб кетар, онаси елкасидан ушлаб олиб ёстиқ-қа ётқизганида қийқириб кулар, у юзини-юзига теги-

волга тушиш тушмаслиги худди шунга боғлиқдек, яна ўғлини боягидай ҳазил билан овутмоқчи бўлди.

— Кечаке кечқурун иситманг ҳандай кўтарилиб кетганини биласан-ку, шуни-чун турмай, ётишинг керак. Эртага ҳовлига чиқасан, ойижонинг қазноқнинг орқасида уйча солиб беради сенга.

Бироқ, у ҳар ҳанча уринмасин, Шаниканинг ортиқ ётгиси келмас, лабларининг бурчи қийшайиб, ёноқларидан дўлдай-дўлдай томчилар думалай кетди.

— Ҳадеб каравотда ётаверарканман-да? — зорланди у.

Ўзининг ҳам кўзларига ёш қуяилиб келаёзган Жофи шунчалик курсандлик билан бошланган кун Кизелани қувонтириб дилсиёхликка айланмасин учун ён бериб, ўғлини кийинтиришга киришди. Энди у мутлақо бошқача ҳазил қиласди: «Вой кўйлак бўлмай сени қара-ю, Шаникани бошчасини қаёққа яширдинг? Ие, мана бу ёқда экан бошчаси, мана!» Юрагига инган вазхима уни шу топда топқир қилиб қўйганди. Шаника аввалига муштаси билан ёшларини ранги қочган юзига суртиб ҳиқиллаб турди, лекин кейин онасининг ғалати гапларига қулоқ сола бошлади, сўнгра бирдан шарақлаб кулиб юборди-да, бошмоги ипини гапга тутди: «Энди оғилга кир, ана энди оғилдан чиқ...» Шунда Жофи қаҳқаҳлаб кулиб юборди. Онасининг қаҳқаҳлашини кўриб, нимага кулаётгандарининг фарқига бормай, Шани ҳам қўшилишиб хаҳолайверди.

Жофи пешингача бўлган вақтни шу тахлит, дам чопганча кастрюлькаларига қарагани чиқиб, дам ўғлини овутиб ўтказди, охирида олдимда бўла қолсин деб ҳатто гўдакни ошхонага олиб чиқиб, ҳар хил қилиқлар қилиб кулдириб ўтириди. Бутун йил бўйи боласини шу бугунгичалик курсанд қилмаганди, бунинг устига Шаникани кулдирман деб унинг ўзи ҳам очилиб-сочилиб кетди. Кизела ҳам ўзига нимадир пишириш билан овра, кастрюлькадаги алланимани ёғоч қошиқ билан аталаబ, сўнгра таҳтада петрушка тўғаркан, курсичада буқчайиб ўтирган болага дам-бадам ўгринча кўз қирини ташлаб қўярди. У боланинг тинкаси қуриб, ҳолсизликдан чайқалиб кетаётганини кўриб турарди-ю, аммо бўлажақ ғалабаси нашидасини суриб, миқ этмасди. «Шуям она бўлди-ю! Қайси виждони билан касал болани ўрнидан тургазди ўзи? Ташвиш камроқ бўлсин дейди-да! Тагин, бетимга безрайиб туриб, мени тобут

ясаттироқчи деб ўтирибди-я! Худо асрасин-у, лекин бунақанги она шунга муносиб ўзи...» Бу орада Жофи курсини Шаникага яқин суріб, унинг бўйнига чарм фартукчани тутди-да, ҳар хил гаплар билан товуқ шўрвани ичиришга тутинди:

— Ту-ту-ту, шўрвача! Мана тожиси, ҳам қиласанг, сен ҳам ҳўрз бўлиб қичқирасан, ана шунақа!..

Жофи ҳўрз бўлиб қичқиравкан, Кизелага кўз қирини ташлаб қўйди, кампир бўлса шафқатсиз нигоҳини, қани, нима қиласкин, деб Шаникага қадади. Шаника тождан озғинагина тишлади-да, онаси ning ҳўрз бўлиб қичқиришидан илжайди. Кейин бир-икки қошиқ сувидан ҳўплади амаллаб, лекин Жофи пўтаканинг ярмини оғзига тиққанида ижирганиб, чайнай бошлади; ўзини зўрлаётганларидан нақ кесакни ютадигандек афти тобора бужмайиб, норозилик акс эта борди.

Шунда Жофининг лабларидаги ясама кулги қотди-қолди — назаридা Кизеланинг айбситувчи кўзлари ҳар бир бурчакдан ўзига хўмрайиб тургандек бўлаверди. Жофи индамай, пўтакачи ҳануз оғзида у ёқдан-бу ёққа айлантираётган ўғлига тикилиб тураверди; аммо хира тортган кўзларida таҳдид ва умидсизлик аломатлари намоён бўлганди. Ёлғондакам қувончининг умри битганини Шани ҳам тушунганди. Шу сабабли оғзидаги пўтакани ютиб юбориб, шўрвани ичиб қўйиши керак. Онаси ning тунд нигоҳи уни довдиратиб қўйди, шунинг учун ҳам дармонсизланган қўлидан тўсатдан қошиқ тушиб кетганда, қўрққанидан мўлтиллаган кўзларини шу аснода курси оёғига ишқаланиб турган мушукка қадади. Қошиқ тўпна-тўғри тақсимчага тушиб, худди Кизеланинг кулгисидай шарақлаб кетди.

Жофининг миясига ҳад-ҳудудсиз, ёруғ жаҳонни емиришга ҳозир газаб тўфондай урилди. Бу ҳол яна бир дафъа давом этса, у Шаникани дўппослашга ҳам тайёрдай эди. Бироқ, ёш жувон Кизелага сир бермаслик учун ўзини қўлга олди.

— Иссиқ эканми, бўталогим? — сўради у хафага-зак, аммо мулойимлик билан.

— Жудаям иссифакан, оғзимни куйдирди! — деди Шани.

— Кейин ичасанми?

— Ҳа, кейин,— хотиржамлик билан деди Шани, гўё онаси бераётган муддат сира тугамайдигандай.

Жофи шўрвани олиб қўйди, шу тонда унинг ўзини

ҳам шўрвадан лоақал бир ҳўплагулик ҳоли йўқ эди. Тезроқ хонасига кириб, боласини тезроқ ётқизгиси келди, ахир у касал-ку! Аммо Кизеланинг шу дамдаги имиллашидан унинг тантана қилаётганини сезиб-ҳис этиб турар, шу боисдан кампир олдида маглуб бўлганини тан олишга қурби етмаётганди.

— Кўзингни нега ишқалаяяпсан? Уйқинг келиб қопти, а, тўғрими? Кечаси яхши ухломадинг-да.

— Уйқим келяпти,— деди бола ихраб ва хира тортган кўзларини юмди.

— Юра қол, диванда ухлайсан,— деди-да Жофи, Шанининг курсидан тушишини ҳам кутиб ўтирамай, шартта кўтариб олди. Ўғлининг бадани шундай обиоташ эдики, она уни багрига босганида кийимлари устидан ҳам сезди.— Бўталогим мазза қилиб ухлаб олади, кейин ойижониси шўрва ичиради унга, у бир қошиқ ҳам қолдирмай, ҳамма-ҳаммасини ичади, тўғрими?

Хонага кириб, Кизеланинг кузатувидан қутулиб олгандан кейин ҳам у худди ана шу майнин, хотиржам овозда гапираверди, наздида ҳатто ўз хонасида ҳам кампирнинг кўзлари қадалиб тургандай бўлаверди.

У Шанини диванга эмас, бояги тузатилмаган ўрнига ётқизганди, боланинг бошчаси бамисоли қўргошиндан қўйилгандай пар ёстиққа батамом ботиб кетди. Жофининг кўзига худди ўғлининг бошчасини мана шу пар тепа ютиб юборгандай туюлди; болакай қимир әтмай ётар, фақат кўзлари аҳён-аҳёнда уй бўйлаб сайд қилиб, Жофидан эшикка, эшикдан чироққа кўчар, кейин зилдай оғирлашиб қолган қовоқлари остига яширинарди. Жофи ўриннинг пойгак томонида ўтиар, на қиласини билмай, ўғлига тикиларди. Боласининг дарди оғир эканига ҳануз ишонгиси келмас, ҳализамон ўрнидан туриб ўтиради-ю, овқат сўрайди ёки кийинтириб қўй деб хархаша қиласиди, деб кутарди. Эрталаб қандай қувнаб турганиди-я! Балки, бир оз ухлагани яхшидир?

— Ухла, бўталогим,— деди боласига.— Кўзчала-рингни юмиб ётсаңг ухлаб қоласан.

Шани итоаткорлик билан кўзини юмди-ю, лекин қовоқлари остида кўз фўлаклари дам тепага, дам пастга чиқиб тушаётгани билиниб турарди. Ҳеч қанча вақт ўтмай кўзлар яна очилди ва гўё мажбуран юмилганида ғойиб бўлган буюмлар ўз ўрнида турганига ишонч ҳосил қилмоқчидек, хона ичини боягидан кўра ҳам тезроқ айланиб чиқа бошлади.

— Нега ухламаяпсан, сендан ойижонинг илтимос қиляпти-я,— дед зорланди Жофи; шу пайт Кизеланинг компресси эсига тушиб қолди, балки у ўғлининг дардини сал енгиллатар. Тос ҳамон бурчакда турган экан; Жофи сочиқни сувга тиқди-да, тагин эшик орқасига эшитилмасин деб авайлабфина сиқди. Шани онасининг нима қилаётганини диққат билан кузатиб турди, ҳатто шувиллаб тушаётган сувни томоша қилгани сал қаддини кўтарди ҳам, жиққа ҳўл сочиқ тўппа-тўғри ўзи ётган каравотга қараб келаётганини кўргач, ҳиқиллашга тушди.

— Керагамас, хоҳламайман! Ойижон, керагамас!— деб чийиллади бола, шунда Жофи нимадан — боланинг чийиллашиданми ёки ҳўл сочиқни ўғлининг алангай оташ бўлиб турган баданига қўйишиданми — қўрқиб кетганини ўзи ҳам билмайди.

— Шунақа ёмон боламисан ҳали!— ҳитоб қилди у ва жаҳл билан сочиқни каравотнинг чеккасига улоқтириди-да, тўсатдан бошини адёлга буркаганча ҳўнграб юборди.

Нафаси ичига тушиб кетган Шани онасига ангра-йиб қараб қолди: онасининг боши ҳаёққадир гойиб бўлди, фақат силкинаётган елкаларигина кўринарди, холос... Бундай ҳолни кўриб кўниммаган бола жойидан қўзғалиб, онасининг елкасидан силкита бошлади:

— Ойи, ойи, туриңг! Майли, ўша ҳўл сочиғингизни қўя қолинг...

Бироқ, эндиликда Жофининг компресс ҳақида эшитгиси ҳам йўқ эди, у кўз ёшларини артди-да, қувончдан чеҳраси порлаб:

— Ойим йигламасин деб рози бўляпсанми? Ойингни сал-пал бўлса ҳам яхши кўрар экансан-да, а?— деб сўради.

Аммо Шани елкалари силкиниб турган, боши йў-қолиб қолган онаси энди тузалганидан, букинг устига анави ҳўл сочиқни қорнига қўйиш керак бўлмай қолганидан севиниб бошини яна ёстиққа қўйганди, унинг қоп-қора кўзлари хотиржамгина хокани кезарди.

Уй зшиклари бот-бот очилиб-ёпилиб турар — дам ташқарига чиқиладиган эшик гижирлар, дам Кизеланинг эшиги гийқиллаб қоларди. Бир гал шивирлаган овоз эшитилди, кейин аллаким ҳовлидаги шағални шараклатиб шошганча юриб кетди. Аммо Жофининг хонасида ҳеч ким қорасини ҳам кўрсатмади. У каравот-

нинг оёқ төмонида қимир этмай ўтирас, ўглиниң хона бўйлаб сайр қилаётган кўзларини кузатар, ўзини ҳам ўглиниң нигоҳи тўхтамай ўтаётган шкаф ёки бошқа шунга ўхшаган жиҳоздай ҳис этарди.

— Ҳеч қаеринг оғримаяптими? Озгина шўрва ичиб оласанми? — деб сўрарди Жофи гоҳо-гоҳо.

Шанининг эса ҳеч ери оғримаётган эди-ю, лекин «шўрва» деган сўзни эшитиши биланоқ ихраб қоларди — бу қилиги уни бир марта компрессдан қутқариб қолмадими, ахир! Деразадан тушиб турган офтоб астасекин чекина борарди. Мана, у ўрини тузатиб қўйилган каравот устидан сурилиб, шундоқ ойнанинг таккинасидағи столгагина тушиб турибди. Дастурхондан салгина тепароққа тушиб турган ёруғлик дераза кўлағаси билан қўёшлиб хира торта боряпти. Сездирмайгина бостириб келаётган қоронгиллик қўйнида қимир этмаётган бу икки кимсанинг шакли-тархи эриб бораётгандай, фақат икки жуфт кўз — хонадаги буюмларга навбатма-навбат бемақсад қадалаётган болакайнинг кўзларию гўдакнинг бетига тикилган онанинг кўзларигина бу уйдаги ҳаётдан нишона эди, холос.

Кечки пайт ташқари эшик яна очилиб, тагин шивир-шивир эштилди, лекин бу сафаргиси пешиндагига қараганда хийла чўзилди. Аввалига Жофи эътибор бермади бунга, қулоқни пармалайдиган товуш олисдан келаётгандай эди, бироқ кейин аста-аста ойдинлашиб, миясининг қоқ ўртасига бигизянглиг санчилётгандай бўлаверди, гарчи Жофининг қулологига «шиши» деган товушдан бўлак нарса кирмаса ҳамки, ниҳоят бутун борлигини забт этди. Бу Кизеланинг товуши эди. Нималарни бичиб-тўқиётганин у ерда? Шундоққина эшиги таккинасида уни чаллиб ўтиrsa-я!.. Мана, ҳамсуҳбатининг овози эштилди: «Наҳотки?» Бу сўз қаттиқ айтилганди, аммо Жофи бу овозни танимади. «Ҳали бегоналарни ҳам эргаштириб келибдими уйга?!» — ўйлади у ва шошиб қолди: ташқарида кимдир эшик тутқични босганди. Бу Шаникага бир банка гиолос компотини олиб келган онаси экан; кундузи у бу ерга оқсочни гўшт қиймалагичга юборган эди, шунда Кизела оқсочга ҳамма гапни Кураторларга етказишни тайинлаганди.

Жофи, жудди онасининг йўлини тўсмоқчидек, шошилиб эшик томонга отилди. Ёш болалигига бирорта кўзани синдириб қўйса, парча-пурча бўлакларини яши-

риш учун жудди шундай қиласарди. Ҳозир ҳам у катта гуноҳ қилиб қўйганга ўхшарди. Ҳатто хонага чўккан нимкоронгилик ҳам унинг айби билан бўлгандек — бетоб боласи билан ярим қоронғида ўтираса-я, бу қанақаси бўлди? У ҳақда нима деб ўйлашади булар? Жофи онасиning қўлларига суюнди, шу йўл билан у онасини остановдан ўтказмасликка уринди. Ўхламаяптими, деган маънода набираси томонга ишора қилди кампир. Жофи йўқ дея ишора қилгандан кейингина онаси овоз чиқариб гапиришга журъат этди. «Агар оқсочни гўшт қиймалагичга юбормасак ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ ўтираверар эканмиз. Шаникамизнинг тоби қочиб ётиб қолганини Кизела хоним оқсочдан айтиб юборибдилар. Эшитдим-у, кўнглимга ғулғула тушди, Марига, менга қара, чопқиллаб Жофиканикига бориб келаман, Шаникамизнинг тоби қочиб қолибди, дедим. Синглинг тушмагур, мен ҳам бораман деб туриб олди, укагинасини жонидан ҳам ортиқ кўради-да... Касали ростданам оғирми?»

Онаси чакаги тинмай бидирлар, бирон ташвиши пайқаганида ҳамиша шунаقا ҳовлиқиб, шангиллаб гапиравди ўзи. Бувисининг келиши бемор ётган хонага кириши учун яхшигина баҳона бўлган Кизела Жофи олдида гап ташувчи бўлиб қолишини истамади. Оқсочга роса кўпиртириб гапиргани тайин эди-ю, лекин ҳозир титраб-қақшаб ўзини оқлашга тушди:

— Сизни сирамай чўчитмоқчи эмасдим... анави қизингиз ваҳима қилиб гапирибди-да. Вой жудойим-эй, бола бечора шунчаки шамоллагандир балки, эртага қаррабсизки, яна дингиллаб қолади,— деб қўшиб қўйди ўзи бунга унчалик ишонмаётганини ошкора кўрсатиб турган бўлса ҳам, кейин ёқмоқчи бўлиб чироққа қўл чўзди.

— Чироқни қўйинг, тегманг! — дея Кизелани жеркиб берди Жофи ва стол ёнига отилиб борди; чироқни ёқиш лозим бўлса, ўзи ёқади уни. Жофининг овози титрар, бармоқлари эса ижарачисининг билагини маҳкам қисиб турарди.

Овозининг нимага титраётганини, бармоқларининг эса нега жон-жаҳди билан қисаётганини Кизела дарҳол фаҳмлади. Чироқни қўйиш ўрнига, билагини Жофининг чангалидан силтаб бўшатди.

— Қўйинг, ўргилай, чироқ ёқиш қўлимдан келиб қолар.— Кизела ҳазилга бурмоқчи эди-ю, аммо овозида интиқом оҳанглари жаранглаб кетди.

Жофининг онаси, буларга нима бўлди ўзи, деб эшик олдида ҳангу манг бўлиб турарди. Сал бўлмаса юмдалашиб кетаёзишди-я! Бироқ худди шу пайт чиқ этиб ўт чақнади-ю, шиша қалпоқли чироқ ярқ этиб ёниб, учовлари юзидаги ифодани: Кизеланинг бу олишувдан мамнунлигини, Жофининг дарғазаблигини, онасининг ҳайратини ошкор қилди-қўйди. Зум ўтмай ҳаммалари ўзларини ўнглаб олдилар, оний саросимадан сўнг уларнинг афтларига сурбетона ҳамдардлик, ташвишланиш ҳамда ясама мулоимлик ниқоби тортилди.

Куратор кампир набирасига яқинлашди, Жофи билан Кизела эса каравот ёндорига тирсакларини тираб, кампирга тикилишди. Кампир қора рўмолга бурканган бўйини чўзиб қарапкан, унинг кекса юзида касалдан хавфсираш аломати билан омухта жилмайиш пайдо бўлди; у бу икки туйгудан қай бирига эрк беришини билмай қолди.

— Мана қарагин, сенга нима олиб келдим, тойчоғим... гилос, уни жуда яхши кўрасан-а! — шундай деб у компотли банкани Шаниканинг кўзи олдига яқин келтириди.

Шаника кулмоқчи бўлганди, лаблари қийшайиб кетди; лаблари қийшайиб илжайиши унинг ҳозиргина югуриб-елиб келгандай қизариб-бўрсиқиб тургани бејиз эмаслигини, дарди оғир эканини фош этиб қўйгандай бўлди. Қулгиси кўнгилдагидай чиқмаганидан Шаниканинг ўзи ҳам хижолат чекди шекилли, нигоҳи бувисидан онасининг бетига кўчди, кейин тамоман бошқа ёққа қараб олди, аммо бошини бурмади, ҳамон кўзларигина ҳаракат қиласарди, холос. Бувиси набирасининг жилмайганини кўрди, нигоҳини олиб қочаётганини кузатиб турди-да, кейин бирдан юзидаги хушомадгўёна мулоимлик истеъзоли тиржайишга айланди. Сўнгра бу тиржайиш ҳам барҳам топиб, кексаларга хос ташвиш эгаллади унинг ўринини; компотни тумбочка устига, қўлларини эса тиззасига қўйганича олдинга қараб ўтираверди.

Жофи каравотнинг оёқ томонида турар, дам ўглига, дам онасига тикиларди. Банқадаги компотни кўрганида ўғлига далда бериб у ҳам кулимсиради: бир кулиб хурсанд қил-чи, дегандай бўлди. Шани ростдан ҳам кулишнинг уддасидан чиққанида борми, Жофининг қаҳқаҳ уриб кулиши турган гап эди. Бироқ Жофи ўғлини кулишга уриниб афти бужмайиб кетганини кўриб

тараги орқасига тортиб кетди, томирларида қони қотиб қолгандай бўлди. Энди боласининг жиддий оғригани унга ҳам аён бўлганди, шу туфайли гўё фикрини юзидан уқиб олмоқчидек, онасига тикилиб қолди. Аммо онасининг серажин афти одамнинг ҳафсаласини пир қилгувчи тусга кирганини кўриб, газаби қўзиб кетди: «Элдан бурун аза тутиб ўтирганига ўлсинми, бирозларнинг бу ерга келиб оби дийда қилиб ўтириши етмай турувуди-да ўзиям! Кўриб турарсиз ҳали, набирамни нима қилиб қўйдинг, деб таънаям қиласди. Ёрдам беришга тўғри келганида-ю, тоғдан-тоққа қочишади, бундай пайтда оҳ-воҳ қилишдан нарига ўтишмайди». Шунда Жофининг нафаси бўғилиб, кўзлари ёшланди... Тўсатдан дераза қопқоғини ёпмагани эсига тушиб қолди-ю, жонига ора кирди. То ўзини ўнглаб, йифини қайтармагунича ўша билан ўралашган бўлди.

У яна ўгирилганида, гўё каравотда ётган касал унинг боласи эмас-у, бу манзара устига тасодифан кириб қолган одамдай, афти жиддий — деярли бадбин тус олганди. Шкафнинг раҳига суюнганча Кизеланинг сўзларига қулоқ сола бошлади. Ижарап эришилган галабадан илҳомланиб шакаргўфтор бўлиб кетган, Куратор кампирга салга ётиб оладиган, илло ҳеч қанча вақт ўтмай чопқиллаб кетадиган болалар тўғрисида булбулигўё бўлиб ҳикоя қиласди. Кекса қишлоқи аёл шаҳарлик хоним қаршисида калтафаҳм бўлиб қолмаслик учун ҳадеб маъқуллаб турарди. Кизеланинг гапларига берилиб кетганидан аста-секин кўнглидаги ташвиш тарқай бориб, ҳатто ора-сира кулиб ҳам қўярди. Жофи даҳлизга кузатиб чиққанидагина:

— Жофи, Шаникани нима бало қилиб қўйдинг, аҳволи чатоққа ўжшайди-ку? — деб сўради у.

— Нима бало қилиб қўйдинг?! Нималар деяпсиз, ойижон! — зардаси қайнаб жавоб қилди Жофи.

Онаси эса олдинига унинг овозидаги дағдага оҳангига эътибор бермади.

— Биласанми, доктор Цейсга одам юбораман, гўдакни шундоқ аҳволда ташлаб қўйиб бўлмайди.

— Керак бўлса ўзим одам юбораман, — чўрт кесди Жофи.

Унинг овозидаги дағалликни онаси ҳам пайқаганди энди, бироқ кўзларигача тупиб турган рўмоли остидан қизининг юзидағи ифодани билишга беҳуда уринарди.

— Ўзинг биласан, — минғирлади онаси, — ўша ёққа

кетаётганим учун чақиририб юбора қолай дегандимда... Ё кечасига Марикани юборайми?— деди кўча эшикка етганида: бундай ноқулай хайрлашишни истамаётганди у. Худо билади, яна нима билан бу инжик-нинг дилини ранжитиб қўйдийкин, шундай бўлса ҳам, майли, ақалли туғишганлари ундан хафа әмасликла-рини кўриб қўйсин, деб ўйларди кампир.

Бироқ Жофининг бунақангага садақага зор жойи йўқ эди.

— Нимага? Унга ҳам ўрин солиб овора бўлишим учунми?— деди у елкаси оша совукқина қилиб.

Ичкарига кирса, Кизела Шанининг атрофида ўра-лашяпти. Шўрлик бола кўйлагини елкасигача кўтариб ўтириби.

— Ана бўлди, ўзи ақлли бола-да, энди тепага қараб ётақол,— деди Кизела, Шани ихраб остига ёйиб қўйилган ҳўл сочиққа ётди, кампир ўша заҳотиёқ сочиқ билан кўкрагини ҳам ўради.— Ана шундоқ, энди термометрни қўйамиз,— деб мингирлади, талайгина вақтдан бўён бекор юравериб, ниҳоят ўзининг ҳам би-ровга керак эканини ҳис этган кексаларга хос жонса-раклик билан.

Жофи қайтиб, қош-қовоғи солингланча оstonада ту-риб қолганда у гуноҳкорона, айни пайтда илтижо-ла ўгирилди жувонга. «Овунчогимдан жудо этма!»— деб турарди унинг пириллаб учайдган кўзлари.

— Ойижонимиз бизни мақтаса арзиди,— бола ти-лидан ҳам пи chirлаган бўлди у,— ойижонимиз бувимизни кузатгани чиқиб кетганларида биз яхши бола бўлдик. Компресс қилдик, сираям йигламадик. Шундоқ паҳлавон йигитга компресс нима деган гап, тўгри-ми?— дея у иситмадан қизариб кетган кўзлари дам ўз-ўзидан юмилиб, дам тўсатдан қовоқлари безовта титраб, чақайиб кетаётган Шанига ўгирилди.

Кизела яна ўриннинг у ёқ-бу ёғини тузатиб, сочиқ-ни ҳўллаган тосни бурчакка элтиб, гўё бу уйдаги тартибга фақат ўзигина жавобгар одам қиёфасида стулни жойига сурисиб қўйди.

— Кўнглингиз ҳимани тусаяпти, Жофика! Озгина колбаса еб оласизми?— сўради у раъиятли бир оҳангда.

Жофи эса ҳамон ғазаб кучи таъсири остида эди. У онасини тупроққа қориб ташлади, Марининг ҳам баҳосини бериб қўя қолди, уйга эса, менинг пшимга

тумшуғингизни суқаверманг, деб Кизеланинг жигини эзмоқ ниятида қириб келаётганди. Кизеланинг сўраш йўқ-исташ йўқ боласини безовта қилгани, энди бўлса унинг ўзига ҳомийлик қилмоқча уриниши оловга мой сепгандек бўлди.

— Ҳожати йўқ, хоним ойим! Очқасам, ўзимнинг ҳам қўлим бор!

Бу қўрс гапни эшитиб Кизеланинг тарвузи қўлтиғидан тушди-ю, жўш урган гайрати елга соврилгандай бўлди-қўйди, аммо мулойимгина ўз ролини ижро эта-верди:

— Бунаقا пайтларда одамни ғам-ташвиш еб қўя-ди, тинка-мадори қуриб, зарур бўлганида ҳеч нарсага мажоли етмай қолади, бошимдан кечирганман буни. Худо кўрсатмасин-у, тағин ким билади дейсиз, Шани-ка анча ётиб қоладими ҳали. Беморга қарайдиган одам оч қолмаслиги керак.

— Кимни қорни оч бўлса ўша овқатланаверсин. Ортиқ кўтаролмайман, бас, хоҳлаган одамнинг менга онахонлик қилавериши жонимга тегди! — хитоб қилди Жофи, унинг сўз оҳангидан бу гапларни кимга айт-этгани яққол сезилиб турарди.

Шунда ҳозиргина дўстона муомала қилаётган Кизе-ла, кулни титкилаганда алана олган ўтдай, ўз қадри-ни билувчи такаббур Кизелага айланди-қўйди. Ғурури тилга қириб, афти бужмайди; ўзи бир қадам жилмай-ди-ю, лекин бутун қиёфаси билан кетишга чоғлангани-ни, аммо охирги сўзи — охирги ҳақоратини ишлатиб қолишига шайланганини айтиб туарди:

— Мен сизга онахонлик қиларканманми, худо ас-расин-а, ўргилай, ўз ташвишим ҳам етиб-ортади, би-ровнинг ташвишига шерик бўлишни ким қўйибди мен-га.. Иннайкейин, қайсар одамни яратганинг ўзи эпга келтирмаса, бандасининг қўлидан келармиди бу,— шундай дея ўзи ҳозиргина шунчалар ҳафсала билан саришталаган ўринга ҳазар қилгандай, жирканганна-мо назар ташлаб қўйди.

Бу тантанали оҳангда айтилган сўзлар Жофини шошириб қўйди. Нима қилгандаям Кизела шаҳарлик «хоним», онаси тенги аёл, айни чогда эса у Азроил билан ошнадай туюларди; гўё Шаниканинг эрталаб ўй-наб-кулиб туриши ёки нафас олмай, жонсиз ётиши унга боғлиқча ўхшарди. Жофи тоғ шалоласидай бости-риб келаётган газаб оқимини жиловлаёлмай ёки яши-

ролмай қолди, бироқ бу оқим туйқусдан йўлини буриб, Кизелани четлаб ўтиб кетди.

— Мана, ойижоним ҳам мени қўғирчоқнинг қўлини юлиб олган ёш боладай уришдилар. Шаникани нима қилдинг дейдилар-а! Гёё мен уни жўрттага касал қилиганман! Э худо, набираларини нима қилибман ахир?! Уруғ-аймомимга ишонсанм хўп яхши юрарканда! Лоақал мавлуд байрамини олайлик — битталари уни эсга олишдими, ахир? Илушкининг ҳали тугилмаган боласига олам-жаҳон нарсани тайёрлаб қўйишибди, бу бечорага бўлса битта иштончанираво кўришмайди. Бошингга ташвиш тушса ҳозири нозир бўлишади-да, болани нима қилдинг, деб байбайлаб қолишади. Нима, унга маргимуш ё бошқача заҳар бе-рибманми?

Кизела хона ўртасида ҳурпайиб, тумтайиб олганча, ўзига човут солишлирини кутарди. У ниҳоят пўртана ўзини четлаб ўтганини кўрди, лекин гарчи унинг шикоятидан ҳузурланган бўлса ҳам, ҳамхонаси ошкора афв сўрамагунича ҳамширалик вазифасига қайтиш майли йўқ эди.

— Бу ишларингни менга даҳли йўқ, ўргилай. Мен сизга яхшилик қилмоқчийдим, холос,— деди у киборона оҳангда.

Жофининг эса Кизелага етказган ранж-алами борасида сўз очгиси йўқ эди, зўрма-зўраки афв сўрашни хаёлига келтиаркан, жони бўғзига келди.

— Бошингга бир гап тушди дегунча албатта буринларини суҳадилар, кейин ўша ондаёқ яна бўйинларидан соқит қилиб қўя қоладилар, бунинг устига ҳамма айбни зиммангта юклаб сени гуноҳкор қилиб кетадилар. Лалайгансан, бошимизга доим ташвиш ортирганинг-орттирган, дейишади.

Ғазаб оқими эндиликда ўз устига бостириб келмаслигини тушунган Кизеланинг аста-секин чиройи очила борди.

— Бошингга кулфат тушганида қариндош-уруқча кўпам ишонавериш керагамас. Улардан кўра бегоналар кўпроқ дардингга малҳам бўлади... Уругинг бўлса, ишқилиб ёрдам-пордам сўраб қолмасин-да, деб қўрқади, иннайкейин, ўзинг айбордсан, энди жабрини тортавер, деб исботлашга тушиб кетади. Яна-тағин онамни айтапти деб ўйламанг, оламнинг ишлари ўзи шунаقا.

— Менинг ишимга тумшуқларини суҳмай қўя қо-

лишсин, ҳеч қайсиларига зор жойим йўқ!—деди Жофи қизишиб.— Бўлганича бўлавермайдимк, хоним. Она бола икковимиз қўшалоқ мозор бўлмаймизми-я! Ҳамма ўз ҳолига ташлаб қўйган биздай шўр пешаналар бу дунёда яшаб нима барака топарди дейсиз...

Ғам-тантсиш боғида етилган бу таъсирили, ҳаяжонли сўзлар қаландиа музлаб ётган кўз ёшлиарини ўт янглиғ өритиб юборгандай бўлди. Жофи тўсатдан бўшасиб, ҳўнграганча ёнида турган кампирнинг елкасиға осилди, шу топда унга ёнида ким турган бўлса ҳам, ҳозиргина хонадан қувиб юборӣ дегани — Кизела бўлса ҳам бари бир эди.

— Қўйинг-қўйинг, бунчалик хафа бўлиш яхши мас, — ғўлдиради Кизела, бир томондан тантана қилар, иккинчи ёқдан кўнгли бузилганди унинг.— Унақа ўзингизга ўлим тиламанг, Шаника ҳам эртага тузалиб қолади, кейин ўзингиз ҳам бутунги гапингизни эслаб кулиб юрасиз. Майли, йиғлайверинг, йиғлайверинг, ўргилай, енгил тортасиз, кўнглингиздаги ғубор тарқайди. Мен ҳам марҳум эримнинг тепасида озмунча йиғланманми, лекин кўриб турибсиз, ҳар қалай яшаяпман, одамнинг бошига нималар тушмайди-ю, бандаси нималарга чидамайди. Сал нарсага ваҳима қилиб, шилққа тушиб қўя қолиш яхшия мас. Болалар шунақа тез-тез оғриб туради ўзи, ҳар касал бўлганида шунақа қўрқаверсангиз, Шаникани катта қилгунча адойи таомм бўласиз-ку!

Шундай дея Кизела унн креслога ўтқазиб, атрофида парвона бўла кетди — дарров қаҳва келтириди, ичинг деб қистади, таскин берди, тинчлантиришга уринди, кекса чеҳраси ҳатто ёшариб кетди. Борди-ю Жофи ўз қизи бўлган чоғида ҳам бунчалик парвона бўлмасди, Кизела — жувоннинг кўз ёшларидан, ожизларча унинг тасаллиларига муҳтоҷлигидан, бетоб болага қарашига ва ўзига ғамхўрлик кўрсатишига қўйиб берганидан ғоятда мамнун эди.

Эртасига доктор Цейс келганида Шани ўринда титилиб кетган бир даста қартани титиб-ўйнаб ўтиради. Тўшагига офтоб тушиб, боланинг қони қочган норози юзига соя ташлаб турган патила-патила соchlарини йилтиратарди. Баҳор эртаси адёлдаги гулларга жило бериш, ўрнига уя қурган дардни яшириш учун қўлидан келган барча чораи-тадбирни кўрганди. Доктор Цейс бир қўрищаёқ болакайнинг соппа-соглигини англага-

нидан кўзлари одатдагидан тезроқ пириллаб уча бошлиди, кейин саломлашганида ҳам овози ҳамишагидан баландроқ чиқди.

— Хўш, нима гап, Жофика? — Бир ярим оқ ораган қора соқол остидаги қирмизи лаблари йилтираб кўринди.— Бечора онангизнинг нақ ўтакасини ёриб юбориссиз, барвақт саҳарда бораман деб ваъда қилгандим. Оғир касалимиз бўлса қарта ўйнаб ўтирибдилар бу ерда! Қанақа ўйин ўйнаяпсан, биродар? — Шани докторга таажжуб билан тикилиб қолди, шунда доктор қўли билан унинг сочини титкилаб, қулогидан сал чўзиб қўйган бўлди. Вой азамат-э, бориб бувингни тинчлантириб қўядиган бўлдим-да, ҳали соппа-соғ экан, жуда унақа ўладиган эмас экан, деб қўяман-да энди. Хўш, нима қилди? Йўталляпсизми? Ё иситма чиқяптими?

Бу доктор индамай ишини қилиб кетаверадиган бир яҳудий эди; қишлоқликлар билан зэмалашиб ўтирмас, касални дарров кўздан кечириб, дори ёзиб берарди-ю, йўлига равона бўларди — кетар олдидан, ҳатто остоана да ҳам тўхтамай, қариндошларига бемор омон қоладими, йўқми, йўлакай айтганича чиқиб кетаверарди, худди ана шу камгаплиги унинг эътиборини ошириб юборган эди. У бемор ётган хонадонга сирли бир тарзда, одамовиларга ўхшаб кириб келар ва ўшандай чиқиб кетаркан, буни кўрган одамлар, ҳатто дарднинг ўзи ҳам, гўё унинг ўз ишини пухта билишига ишонч ҳосил қилардилар. Ҳозирги сўзамоллигидан эса сирасира ўзига ўхшамасди, шу боисдан ҳам ҳайрон қолган Жофи нима дейишини билмай, жилмайиб турарди, холос.

Бироқ докторнинг кетидан хонага писибгина кириб келган Кизела учун бу — ўзини кўрсатиб қўядиган қулай фурсат эди. У бор гапни ипидан-игнасигача, оқизмай-томизмай, дардга чалинишига нима сабаб бўлганини, унинг ўзи боланинг мазаси йўқ эканини аллақачонларданоқ пайқаб юрганини гапириб ташлади. Доктор Цейс қоронги бурчакда пайдо бўлиб қолган кампирга шубҳаланиб қараб қўйди-да, соқолини силади, кейин кафтини тепакал бошига олиб борди, кампир авжга кирган паллада бармоги билан Шанининг кўкрагини қитиқлаб қўйиб, Жофига қараб тўнгиллади: «Кўйлагини ушлаб туринг!» Шанининг қитиғини келтириб каттакон қизил қулогини кўкрагига тегизиб,

ҳамма ёғини эшитди, кейин тилингни чиқар деди. Бундан ранжиган Кизеланинг бир он нафаси ўчиб турди. Зеро у докторнинг, бу билимдон зиёлли хоним ким бўладилар, деб сўраши ва мақтаб қўйишини кутган эдилар-да, ахир. Ана шу умиди пучга чиқаёзган кампир яна бир карра уриниб кўришга аҳд қилиб, компресс тўғрисида, кечака кечқурун Шанининг иссиғи 39,7 га чиққани ҳақида гапира кетди.

— Мияси яллиғланмаганмикин деб қўрқиб кетдим, менинг жияним «Штефания»<sup>1</sup>да ана шу дардан ўлганди-да.

Кекса Цейс Кизелага бир олайиб қўйди-да, боланинг муздек кўкрагини тўқиллатиб уриб кўриб, Кизелага яна бир қараб қўяркан, чеҳрасидаги кўкламги тетиклик ва бардамликдан ном-нишон қолмаганди. Оч қўрмизи лаблари соқол-мўйловлари орасига яширинди, пешанаси жаҳл билан тиришди. У рецепт ёзиб, Жофининг қўлига тутқазди-да, кета туриб: «Ҳеч қандай чўчийдиган жойи йўқ! Бола ёқмайдиган бирон нарса еган», деди. Кейин Жофининг билагини оҳистагина қисиб қўйиб, Кизелага қиё ҳам боқмай, хонадан стилганча чиқиб кетди. Жофи кузатиб қўйгани аранг этиб борди орқасидан.

Жофи хонага қайтиб кирганида Кизела йўқ эди; ҳозиргина пиширган шўрвасидан кўтариб пешин пайтидагина кириб келди у. Доктор Цэйснинг қўполлигига ҳатто шама ҳам қилмай, Жофининг ўзи ичирар деб тақсимчадаги шўрвани индамайгина тумбочкага қўйди. Шани бир-икки қошиқ шўрва ичган бўлди-да, иссиқ экан, деб тихирлик қила бошлади. Жофи пуфлаб совитди, лекин Шани бари бир қошиқдан юзини бураверди, шўрва лабларидан оқиб кетди. Сира ичгиси келмаётганидан гўдак йиғлаб юборди. Лаблари титраб, ранги ўчиб, совқотиб кетяпман, деб зорланди. Гўё хижолат чеккандай сўнгги қуёш нурлари ҳам астагина сирғалиб қочиб қолган ўринда туси кўкариб, аъзойи бадани қалтираб ётарди болакай.

— Ишига аралашмоқчи әмасман-у, лекин бу доктор беморларга енгил-елпигина қарапкан,— деди Кизела сиполик билан.— Фақат ошқозонигина айнигана бўлса бола ўзини қандай тутишини яхши биламан. Шаниканинг касали ҳам шунинг ўзигина бўлсин ило-

<sup>1</sup> Будапештдаги машҳур касалхона.

йим, лекин озгина бўлсаям тажрибам бор бу соҳада. Қанақанги касал бўлмасин, қишлоқ докторларининг топиб олгани фақат битта: шамоллаган ёки меъдаси бузилганга чиқаради, холос. Буйрагимга тош келиб Пештдаги клиникада ётганимда, ёнимга ракка чалингани бир беморни ётқизишганди, бир йилгача қишлоғидаги доктор қабзият бўлнисан деб уқтириб ётган экан ўша бечорага.

Жофи чурқ этмасди. Кизеланинг ғашига тегаётганини бирон-бир ҳаракат ёки ишора билан ҳам сездирмас, токи кампир дилига озор етказган бу қўпол докторни қоралаб аламидан тарқагунича, токи илгариги мавқенини қайта тиклаб олгунича сабр-тоқат билан чидади. Тўғри, Жофи кеча оби дийда қилганини эслаб хижолат чекар, ҳатто кўзи Кизеланинг нигоҳи билан учрашиб қолмаслигига, кеча ораларида пайдо бўлған «мехр-оқибат»га қайтиб, яна оналарча гамхўрлик кўрсатишга тушиб кетмаслигини олдини олишга тиришарди. Айни пайтда у кечаги ожизлиги билан ижарачисига беморга қарашиб ҳуқуқини бериб қўйганини тан олар, эндиликда Шаника тузалгунича икковлари ёнмаён бўлишларини ҳам яхши тушуниб турарди. Бундан буён Жофи кампирдан ўзини фақат бир йўл билан — жаҳл қилмай, худди кечагидай ошкора жангга ўтмай, итоат билан ҳимоя қила олиши мумкин эканини англарди. Бунинг устига унда кечаги ишонч бугун йўқолганди. Зеро у кечаги касал деган фикрни миясидан қувиб солар, ўглининг тоби йўқ эканини тан олмасди, бироқ шу ўтган бир кечаги кундуз мобайнида «касал» деган ибора унинг онгига ниҳоят етиб борганди, эндиликда токи Шани кўз ўнгига, ўринда ётар экан, доктор нималар демасин, бу фикрни миясидан ситиб чиқариб бўлмаслиги тайин эди. У стулда гужанак бўлиб, ўғлининг эт увишиши хуружидан кейин қизариб кетган юзига тикилиб ўтиради. Болакай бошини буриб қарамаса ҳамки, кўзлари билан ҳар иккала аёлнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ётарди. Жофи ўгли тепасида нола чекмас, ув ҳам тортмасди; лекин ҳар бир суюги қўроғоиндай оғир тортиб, «касал» деган фикр тобора миясига чуқурроқ ўрнашиб бораради. Докторнинг тасалли берувчи гаплари деразани очиб шамоллатмоқчи бўлганларида хонага кириб қолиб, бемор тепасидан бир-икки айланиб, яна чиқиб кетган қушчадай тутқич бермас бир нарса эди, холос. Илло Кизела-

нинг таънаю шамалардан пбсрат гапларида жон бордай эди.

Кечки найт Мари кириб келди. Онаси, ҳар қалай, Жофининг бошига тушган кулфатга бефарқ қараб туролмасликларини билдирамагунича тинчиёлмабди. У тўнгич қизига Маридан ҳозиргина сўйилган жўжахўроз, бисквит билан бир шиша вино бериб юборибди, кейин Жофи синглим менга ортиқча юк бўлди деб юрмасин учун ҳамма юмушларига қарашишни тайинлабди. Бемор ётган хонага кириши биланоқ Мари безовталаниб, бўта кўзлари хавотирли жаҳдираб, атрофга аланглади. Мудраётган боланинг кўзига тушмасин деб чироқни пастаккина курсига қўйишганди. Чироқни пана қилиб қўйилган рўмол остидан тушаётган шуъла сочиқ бўктириб қўйилган тос турган курсини, Кизсланинг шапшали билан тиззасидаги тўқиб ўтирган тўрнигина ёритиб турибди. Жофи эса ўриннинг бир четида, сал бош томонга суюниброқ ўтирибди, унинг бели билан бўксасигина кўриниб турибди, ўзи бўлса жони чиқиб кетиб, шу кўйи қотиб қолган жасадга ўхшаб кетди Марининг назарида. Хирагина шуълада оппоқ ёстиқ аранг кўзга ташланар, фақат икрашигина эшитилаётган мургак тана эса ёстиқ билан тўшакка мутлақо ботиб кетган эди. Буларни кўргач Марининг вужудини даҳшат чулғаб олди. У шу топда қиммир этгани юраги дов бермай туаркан, ўзининг қўллари нақадар бесўнақай, овози эса нақадар шангиллаган эканини биринчи марта ҳис этаётгандай бўлди. Қиммирлаб кетса оёқлари остидаги пол гичирлаб, бу мудроқ босгани нимқоронгилик салтанатига раҳна солиб юборади-да, ахир! Жасади йирик одамларга хос беўжшовлик билан эҳтиёт бўлишга, шарпа чиқармаслика ҳаракат қилади. Қўлидаги винони қўйиш учун оёқ учпда столга яқинлашди, лекин оёғидаги яп-яни туфлиси ҳар қадам босганида фирчилларди. Жофига онаси тайинлаб юборган гапларни шивирлаб айтди: Шани тузалгунича у овқатни уйдан келтириб туармиш, ҳар куни идиштовоқларни Марининг ўзи ювиб, уйни ҳам ўзи супуриб-сидирармиш, Жофи фақат боласига қараса бўлгани эмиш. Бироқ у шивирлаб гапириб ўрганмаганидан овози ғалати бир тарзда ҳирқираб чиқарди, бундан Шани уйғониб кетиб, заиф, маъюс товуш билан сув сўради. Бу овозни эшлитиб Марининг юраги эзилиб кетди. Шунда бу нимқоронги хонада, юмшоқ ёстиққа бо-

тиб ётган бемор, бир вақтлар у жандармчи сержантга оғиз ғулиб юрган, уззукун Жофиникида қолиб кетиб, кун бўйи қитиқлаб-кулдириб ўйнатадигани ўша Шаника эмас, унинг ўзидаи туюлиб кетди назарида. У кагаровотга яқин келмади, беморнинг аҳволи қалайикига деб ҳатто кўз қирини ҳам ташлаб қўймади, иложи борича касалдан олисроқда, девор ёнгинасида бўлишга ҳаракат қилди. Турли баҳоналар билан хонадан чиқиб кетишга уринарди у. Олдин жўжахурозни салқин ерга қўйиб келди, кейин бўшаган комплот банкасини олиб чиқиб кетди, бир оздан сўнг идиш-товоқ пешиндан бери ювилмай ёттанини кўриб, ўчоққа ўт қалади, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ошхонадан кастрюльканнинг тиқирлагани, сувнинг шақиллагани эшитила бошлади.

Кечаки Марини бошпимга ураманми деб спасини юмматалаб берган Жофи ҳозир жимгина, унинг ташқаридан идиш-товоқ ювишига қулоқ солиб ўтиради. Кейин диққатини Кизела жалб этди: кампир қаддими тўғрилаб, тўқиёттан нарсасини четта қўйди-да, столдаги дори шишани олиб, қопқогини бурай бошлади, Кизеланинг кўзлари кўзойнак ортидан йилтираб кўринар, у шишачадан қошиққа қўйилаётган сарғиш дорини кузатиб турарди.

— Мана ҳозир Шаника ўзи яхши кўрадиган дорини ичиб олади. Ширин экан, дегандинг, эсингдами, ўзиям новвотга ўхшайди-да,— дея минифирлаган кўйи Шаникага яқинлаша бошлади Кизела. Боланинг бошини ёстиқ билан қўшиб кўтарниб, қошиқни нақ бурни остига олиб борди.

— Ичмайман, ойи, ичмайман, керагамас,— ҳиқиллади бола, шунда Жофи ўрнидан туриб бориб, Шанига дорини ўзи зўрлаб ичириши лозимлигини фаҳмлади— ахир у онаси-ку, Кизеланинг бўлса нима алоқаси бор ўғлига?! Аммо ўрнидан қўзғалишга мадори йўқ эди. У ошхонани синглисига, касал Шаникага ғамхўрлик қилишини Кизелага тоғишириб қўйди, ўзининг эса кагаровотнинг ёнгинасига ўтириб олиб, боласига тикилиш ва ташвиш чекишидан бўлак иши қолмади. Ҳамма — отаонаси ҳам, Кизела ҳам — боласи тепасидан жилмай, худога илтижо қилиб ўтирсин дейди уни: эри ўлиб кетди, оламда Шаникадан бошиқа ҳеч кими қолмади, мабодо ўғли ҳам кўз юмадиган бўлса бу ёруғ жаҳонда яккаю ёлғиз шўппайиб қолади-ку, шундоқ экан, ўглининг ташвишини чекмай, кўз ёши тўкмай нима қила-

ди... Ухламай, емай-ичмай ўтираверади, унинг ғамини анавилар чекишин; қорнинг очқаб қолди, бирон нима еб ол деб эсига солишиса, бир оз ётиб дамингни ол, деб қисташса, бу бошқа гап. Бироқ унинг ўзи бирон егулик нарса сўраса ёхуд тўсатдан кўзи илингудек бўлса, ана унда кўрасиз, тошбағир, ёмон онага чиқаруб қўйишади ўша заҳотиёқ. Мана масалан, ҳозир бир кесимгина колбасани олиб, уларнинг кўзи олдида кавшай бошласин, нима бўларкин! Аммо шу аснода томогидан ҳеч нима ўтмаслигини Жофининг ўзи ҳам жуда яхши англаб туар, бошига келаётган бундай аҳмоқона ўйлардан ўзи чўчиб кетарди.

У лаблари торс-торс ёрилиб кетган, оғзи хиёл очиқ, ранги заъфарон ўғли бетига тикилиб ўтиаркан, қовоқлари дам-бадам юмлиб, мудроқ босар, бундай пайтда у ўзини ғам чекаётганидан кўзини юмганга солар ва тирсакларини ўринга тираб, юзини кафтига қўярди. Кейин чуқур нафас олганидан — одам уйқуга кетаётib ана шундай нафас олади одатда — сесканиб тушарди.

— Жофиқа, ечиниб, бирпас чўзилинг,— маслаҳат берарди Кизела,— сиз ҳам озгинагина дам оливоли-шингиз керак-да, ахир.

Жофи хаёл гирдобидан чиқиб, бошини бир силкиб қўйди.

— Наҳотки шундоқ пайтда кўзига уйқу келади деб ўйласангиз! Кечаям мижжа қоқҳаним йўқ.

У ўрнидан туриб, боласи боши остидаги ёстиқни тузатди-да, яна жойига қайтиб, кўзларига қайноқ қум қадалгандай бўлиб, қимир этмай ўтираверди; бироқ мана, қора рўмоли ўғли устига сиргалиб тушди, ўзи бўлса қийшайиб, боши боланинг оёгини босиб қолди-ю, астагина хуриллай бошлади. Кизела эса худди мағлуб бўлган рақибасининг жасади тепасида ўтиргандай мағруона қиёфада, мамнун бир кайфиятда чаққон-чаққон тўқий кетди. Кичкина Шани эса оёгини тортиб олишга қуввати етмай, устидан босиб ётган тим қора лиbosга қўрқа-писа жавдиарди.

Эрталаб Шаника яна сал енгил тортгандай кўринди. Бола қаҳва янчгични олиб беришларини сўради-да, унинг бандини айлантиришга тушиб кетди. Тўшаги тепасида ҳеч ким йўғида у, гўё автомобиль чамбарами ёки кема штурвалини бошқараётгандай, ҳатто сеенигина «гу-гулаб» ҳам қўяр, нақ ҳад-ҳудудсиз йўл-

лар, денгизу океанларда сайр қилиб юрарди; лекин Жофининг ўзига тикилиб турганини кўргач, болакай жим бўлиб қолди, ҳаъва янчичнинг бандини секинроқ айлантира бошлади, сўнгра эса норози қиёфада уни нари суриб қўйиб, анграйиб ўтираверди. Унга овқат едиришнинг иложи бўлмай қолди, шўрвага кўзи тушиб, товуқ бўтакасини беришларини сўради, бироқ оғзига солиб айлантириб-айлантириб турди-да, тўсатдан йиглаб юборди. Кундузи йўқдай ётди, деярли қимир этмади, бетлари кўпчигандай кўринди, кўзлари жавдиллаб ўйнай бошлади. Кизела, бутун фикри-ёди ўзи тўқиётган тўр кўйлакнинг тиззасида ликиллаб турган енгида бўлса-да, кўзойнаги устидан бот-бот Жофига тикилиб қўярди. У эса каравот четида ҳануз букчай-ганча, қўлларини тиззаларига қўйиб ўтирас, рўмолини шунчалик пастга тушириб олгандики, остидан лабларигина кўринарди, холос; Жофи бадбуруш, қоқбош кампирларга ўхшаб қолганди.

Буни кўрган Кизела яна бир бора доктор билан бўлган ҳангоманинг аламини олишдан ўзини тийиб туролмади. «Қани, ўша доктор Цейс ҳозир келиб, боланинг меъдаси бузилган, холос, деб кўрсинг-чи менга. Унга қасални аниқлашида ёрдам берай десам ўқрайганини қаранг! Лекин менинг кўзим пишиб кетган бунаقا нарсаларда. Ўглининг мазаси қочиб қолганида мен Вилмошларникида эдим. «Менга қара, Вилмош, дедим унга, болангнинг қасали оғир кўринади», — «Ҳеч гап йўқ, мазаси бўлмаса ўзим ҳам пайқардим», — деб жавоб берди у. Эртасига бўлса жияним «Штефания»га тушибди. Мияси яллиғланган экан». Унинг «мияси яллиғланган экан» дегани Жофининг юрагига ўқ бўлиб текканди. Мияси яллиғланган! У беихтиёр бола устига энгашиб, гўё ўглининг терлаган пешанаси остидаги мия яллиғланмаганига ишонч ҳосил қилмоқчикидек қўли билан пайпаслаб ушлаб кўрди. Унинг муздек қўли тегиши билан Шаниканинг кўзлари очилиб, тепасида энгашиб турган каттакон башарага шундай жавдираф тикилдики, нақ бу кўзларнинг бегонасираб милтиллаши она шўрликка мия яллиғланишининг чинакам белгиси бўлиб туюлди.

Шу пайт тутқични оҳистагина бураб, эшикни қия очиб Мари кирди, унинг бесёнақай гавдаси қия очилган эшикдан аранг ўтди. Мари тўхтаб, сал бўлмаса қўрқувдан икки букилаёзиб, каравотга термилди; кейин девор-

га тақалиб, бемордаи иложи борича ўзини олисроқда тутиб, ёнламасига ич кийимлар турадиган шкаф томонга ўта бошлади. Жофи Кизела ўтирган курсининг гижирлаганини эшилди, қарши томондаги деворга унинг нақ шифтга етгудек сояси тушди, сўнгра қоқшоқ бармоқлари бурчак томонга чўзилиб, яна ғойиб бўлди. Кизела шкафдан ниманидир излаётган Марига ишора қилиб, хонадан чиқиб кетди. Мари унга эргашди. Қари гийбатчи қандай шивирлаб гапиришни биларди, бироқ синглисининг фўнгиллагани ора-спра Жофининг қулогига чалиниб турди. Икковларининг ошхонада қандай пи-чирилашаётганларини кўз олдига келтириш Жофи учун қийин эмасди. Кейин кимдир шошганча айвондан гурсгурс юриб ўтди, ана, кўча эшик очилиб, яна ёпилди, ғалақа шарақлади... Жофи оқшомги зим-зиё кўчани, рўмолининг учини тутганча, чўчинқираб бораётган Марини шундоққина кўриб тургандай эди шу топда. Бу фўнгир-фўнгир ҳамда одим товушлари, ундан кейинги кўзига кўринган рўё хатардан дарак бериб, карахтлиги тарқади, кўнглига яна ғулгула тушди. Баногоҳ хонадаги жамики жиҳозлар Шаникани қуршаб олгандай, қурт галвир қилиб юборган ҳари эса устига босиб тушаётгандай бўлаверди, Жофининг дод солгиси, жони борича чинқиргиси келди, ортиқ ёлғизликка чидаёлмай қолди — ҳаммалари уни нега ёлғиз ташлаб кетишиди? Башарти Кизела худди шу дақиқада эшикни очиб қолмаганида, Жофи уни чақириши турган гап эди.

Орадан ярим соатча фурсат ўтгач, доктор кириб келди. У хансирар, ботинкасини тозалаб зинани дўпиллатар, тўнғиллар, худди ёмғирда ивиган кучукдек силкинар, томоқ қириб қўярди; унинг тоқатсизланашётгани одим ташлаганидан ёки билиниб, шу маҳалда набираЛАРИНИ қолдириб, бутун қишлоқни босиб ўтиб, шундай олисга сургалиб келишдан норози экани ошкора сезилиб турарди. Жаҳали чиққанида докторининг соч-соқолигача типпа-тик бўлиб кетиб, кўзларидан бўлак нарса кўринмай қоларди. У заҳрини сочадиган одамни излаётгандай хонага хўмрайганча аланглади, бироқ бемор болага кўзи тушар-тушмас ўзини ўнглаб олди. Қовоғи осилган кўйи бошини кўтариб, Жоfigа бошламайсанми, шикоятингии эшилгани келганиман-ку бу ерга, дегандай ишора қилди. Жофи бор гапни айтиб берашётганида болага қараб-қараб қўйди, кейин Кизелага бир назар ташлаб, тепакал бошини бир-икки силаб олди.

Жофи тутила-тутила, шоша-пиша, болага нима бўлганини аниқ айтиб беролмаслигини, лекин унинг касали жиддийга ўхшайдиганини сўзларкан, бемаҳалда безовта қилганлари учун жаноб доктордан ранжимаслигини сўради. Жофи паст овозда, эҳтиром билан гапирар, гўё унинг шу топдаги асосий нияти бехосдан бу қовоги солиқ жанобнинг дилини оғритиб қўймасликдан иборатдай эди. Доктор унинг гапини эшишиб бўлгач, адёлни олиб ташлаб, қатъиятсизлик билан, истамайқираб боланинг баданини кўрган бўлди, уни ўтқазишга ҳаракат қилди, бола яна чалқанча ётиб олганида эса қўзғатмай қўя қолди. У бемор ёнидан нари кетиб, хона ўтрасида бир он тараддуланиб туриб қолди. Кизела олдинига мағруронава музafferона бир қиёфада индамай бузилиши эмас шекилли, а?— айёrona, ширинсуханлик уни ҳамлага ўтишга унади.

— Хўш, жаноби доктор, ҳар қалай, оддий меъда бузилиши эмас шекилли, а?— айёrona, ширинсуханлик билан сайдай кетди у.

Доктор ўзини ўнглади; пешанасини тириштириб, фикрини жамлашга мажбур этди ўзини.

— Иссигини ўлчадингизми?— деб сўради Жофидан, Кизелага нафратомуз қараб қўяркан.

— Қирқдан баландроқ,— жавоб берди Кизела.— Тўрт кундирки, нуқул кечга бориб иситмаси кўтарилиб кетади. Шуни-чун Марикага, Жофиканинг синглисига: бунақа қўл қовуштириб қараб ўтиrolмайман, бу ҳар қалай оддий меъда бузилишига ўхшамайди, агар яна бир марта чақириб келсак, жаноб докторнинг ўзлари ҳам шу гапимни тасдиқладилар, дедим. Жиянимни, ҳалиги, мияси яллиғланганида...

— Мия яллиғланишини тиқиб қўйибдими бу ерда!— Фигони ошиб кетди бирдан докторнинг.— Бир гапни илиб олишади-да, кейин алланима балоларни қўшиб-чатиб ҳамманинг ўтакасини ёриб юришади...— шундай дея у жиддий тусга кирди-олди: агар ҳозир кампирни жиловидан тортиб қўймаса обрў-эътибори таҳлика остида қолиши турган гап эди-да, ахир.— Бола тифга чалинган,— деди у,— тиф ҳамиша меъда бузилишидан бошланади. Шунинг учун маза-бематра гапларни валақлаш яхшимас. Онажониси, кичкинтойингиз ҳар қалай тузалиб кетади,— дея Жофига ўгирилди у.

— Менимча ҳам, афв этасиз-у, отрай бўлиб кетса керак,— чийиллади Кизела.— Лекин, тиф меъда бузи-

лишидан бошланади деган гап ғалати туюляпти менга. Шу маҳалгача мен тиф — бу, тиф, унинг меъда бузилиши билан ҳеч қанақангиди алоқаси йўқ, деб юргандим. Мня яллигланиши борасида эса менга жаноб асистент Русняк гапириб бергандилар, шуниси таассуфлики, Пештдаги клиниканинг энг олди асистенти ҳеч ерда йўқ касалларни ичидан ўйлаб чиқарган экан-да.— У маънодор бир қиёфада эшикни ёпиб чиқиб кетди.

— Қари ўлакса,— деб ғўлдираб қўйди доктор Цејіс ўзича. Сўнгра Жоффга юзланиб, кутилмагандан ўта мулоийимлик билан деди:— Ўз ғамингиз етмагандек, анави қари қузғун ҳам қағиллаб бошингизни қотиарканда. Гап шундай, ҳозир мен сизга нима қилиш лозим ва қандай қилиш кераклигини айтиб-кўрсатиб бераман, ташвиш тортманг кўп, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

У Жофининг билагидан оталарча қисиб ушлаганча компрессни қандай қилиш керак, дорини қошиқда қандай ичириш лозим, қандай енгил сутли таомлар пишириб бериш зарурлигини тушунтирди. Кўча эшикка етганида орқасига ўгирилди:

— Одамнинг боласи яккаю ёлғиз бўлса шунаقا бўлади ўзи. Салга ўзингни йўқотиб қўясан. Турмуш қурсангиз бўлармиди. Анавинақангиди боййўғлилар билан пачакилашиб, ис босиб ётиш ярамайди. Хўп, худонинг паноҳига топширдим сизни, сираям қўрқманг!— Доктор бароқ қошлари остидан жилмайди, шу дамда гўё гўдакнинг ҳаётини сақлаб қолиш унинг иродасига боғлиқдай туюларди.

Докторни жўнатгач, Жофи айвонда туриб қолди. Ҳаво хийла совиган, суяк-суягигача етиб борган совуқ, олис-олисларда хира ёғду таратаётган ой бир нафасга вужудини банд этиб, ҳамма-ҳаммасини қувиб солгандай бўлди. У тирсагини деворга тираганича ўтмишини ҳам, келажагини ҳам унугтан кўйи туар, барглари тўқилган ялангоч аймоқи токнинг деворга чирмашган новдаларига тикилишдан бўлак иши қолмаганди гўё бу жаҳонда. Ушбу жонсиз, унсиз дамлар нақадар ҳаловат бахш этарди унга!.. Аммо худди шу пайт тосдан сепилгган сув шундоқ ёнгинасидан ўтиб ҳовлига шалоплаб тушди-ю, кетма-кет Кизеланинг товуши эшитилди:

— Вой-бўй, Жофиқа, ҳали шу ерда турибсизми, яна сиз ҳам шамоллаб қолманг-а!

Жофи сесканиб кетди, уни воқелик денгиз гирдобидай яна ўз комига тортиб, атрофида қуюндеқ чарх ура

бошлаганди. У ичкари кириб, қоронги ошхонадан ўтиб борди-ю, оғир-оғир нафас олаётган ўғлининг оёқ томонига чўйди.

Кейинги икки-уч кун ичидаги ҳам Шанининг аҳволи ўзгармади. Эрталаблари ўринда туриб ўтирад, зўлдирчаларини сўрарди. Жофи уларни тахтачага — тарам-тарам, ҳар тусда товланадиган шиша зўлдирчани ўртага, мармар зўлдирчаларни атрофига териб берарди. Шани аввалига уларни юмалатиб ўйнаб ўтиради, лекин тезда хаёл суриб кетиб, қимир этмай қоларди; юзлари мумдай сарғайган, кўзлари чақчайиб боқар, кўйлакчаси остидаги бадани бужмайиб кетгандай эди. У зорланмас, фақат овқат едираётгандарни йиглар, оғизига зўрлаб қўйплган сутни илгариgidек инжиқлик билан туфлаб ташларди. Тушдан кейин у тинкаси қуриб ётиб олар, фақат кўзларигина хонани кезар, бошини кўтариш ёки бурилиб қарашга мадори етмасди.

Дарднинг дастлабки хуружи бир оз бўшаши. Жофи билан унинг ижарачиси, умуман бутун Кураторлар оиласи, худди душман ҳамласига дучор бўлган мамлакат уруш ҳолатига кўнишиб кетганидек, боланинг касалига сал кўнинкандай эди. Дастлабки жонсараклик, ҳаяжон ва чоп-чоплар барҳам еди, ҳар ким ўз ўрни ва вазифасини билиб олди. Ёшгина оқсоч ҳар куни каттакон корзинкада Кураторларнидан тушлик ҳамда кечки овқатни таширди. Мари хонани супуриб-сидирар, идиш-товоқларни ювар, дорихонага бориб келар, бошқа вақт бекорчиликдан зерикиб эснаб ўтиради. Кажбаҳслиги тутиб чиқиб кетган Кизела ҳам бемор қешида бўлиш учун пешиндан сўнг қийшайиб кириб келарди. Дори ичириш, иссигини ўлчаш, компресс қилиш ва Жоfigа далда беришни ўз зиммасига олганди у. Бир қарашда уни ҳеч зор айбситолмасди: зеро у ёш она Шанининг ҳар қандай истагини бажо келтириши учун барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қиласди.

Аммо-лекин боланинг истаги тез ва сўзсиз адо этилишини қаттиқ назорат остига олганди. Мабодо Шанинга тўсатдан: «Сув!» — деб қолса-ю, Жофи Кизеладан олдинроқ стаканни олиб улгуролмаса, кампир боланинг қандай чанқоқлик билан сув ичишини кўрмасин деб онаси олдини тўсисиб оларди. Шундан кейин Жофи боласининг кўнгли нимани тусаётганини бетиним сў-

райверар, гоҳ бир нарсани, гоҳ бошқасини тутқизишга уринар, кези келди дегунча кампирдан бурунроқ ёстигини тузатиб қўйишга ҳаракат қиласарди.

Бир куни, чошгоҳдан олдинроқ Пали кириб келди. У илгарилари, соғ пайтларида гидек бола билан ҳазиллаша бошлади, кейин нима қиласарини билмай, бувлама паккисини Шанининг кўзи олдига келтириб: «Манавини кўр, жиянча! Сенга берайми?»— деди. Бироқ Шани ҳатто қўлинини ҳам узатмади, шундан сўнг Пали бу ердан қандай қилиб тезроқ чиқиб кетишини билмай га-рангсиб қолди.

Кечқурун Жофиканинг онаси келди, у ҳамиша нокми ё қандми, шунга ўхшаш нарсани рўмоли остига тиқиб келтиради. Бундай совгани гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди-ю, лекин шундай қилгани туфайли у ўзини яхши буви ҳис этарди; Кизела билан қизи олдинда иккى қўлинни бурнига тиқиб қуруқ келишни эп билмасди.

— Мана, бувижониси ҳам келди!— шундай дея у набирасининг катта-катта очилган кўзлари тушадиган ерга бориб турди.— Кўрдингми, бувижонинг сени кўргани келиб турибди. Мен касал бўлиб қолганимда сен ҳам борб кўрасан ҳали.— Бу фикридан ўзи ҳам чўчиб кетди-ю, ортиқ бир оғиз ҳам сўз айттолмай, бурнини тортиб, уфлаб қўйди.— Бошига зулук солиш керакмиди,— деди сал ўзини ўнглаб олгач.— Эсингдами, қизим, уканг Палининг ўпкаси шамоллаганида унга зулук согланидик, ўшанда дарров енгил тортганди.

— Зулук юз йил бурун таомилдан чиқиб кетган,— оғзига урди Кизела.— Ҳатто доктор Цейс ҳам зулук солишини айтгани йўқ, ҳозирги пайтда бундан кўра эскича докторнинг ўзини тополмайсиз, шундай қолоқ одам ҳам зулукни тилига олгани йўқ.

Кизелага эътиroz билдиrolмади буви, лекин нима биландир ёрдам бергиси келарди, шу боисдан бир муддат жим тургач, яна зулукдан гап очди-ю, бироқ Кизелага кўз ташларкан, юраги ботинқирамай, сўзи оғзида қолди.

— Даданг ҳам келмоқчи,— оҳистагина деди Жофига.— Лекин ўзинг биласан-ку, касал кўришга тоқати йўқроқ, ўзи қизиққон одам-у, юраги қурғур жуда бўш.

Дарҳақиқат кекса Куратор шу орада уч марта қизиникига отланди, лекин етиб келолмади. Биринчи гал оқсоқол йўлдан қайтариб, ер бўлашишга ҳолис гувоҳ

бўласан деб олиб кетди; иккинчи сафар «Қумуроқахона»га етадиган пайтида қачонлардан бери қўшга тиш буюртироқчи бўлиб юргани ёдига тушиб, ичкарига кираркан, муаллимга рўпара келиб қолди-ю, у билан бир шишагина циво ичишиди. Шундан кейин Жоғиникига бориш ниятидан айниди; хотини тўғри айтадиган эди, ҳар гал касал кўриб келгач, гарчи сиртдан қараганда ҳеч нима билинмаса ҳам, чолдан то ярим кун ўтмагунича бирон оғиз садо чиқмасди, дори-дармоннинг ҳиди бошини айлантириб қўяр, ҳатто томоғидан овқат ўтмас, ҳамма нарсадан худди дори иси келаётганга ўхшаб туюлаверарди. Шунга қарамай, якшанба куни черковга бораётиб хотини, шунча кундан бери бир марта набирангни бориб кўрмасанг-а, одамни номусга қўйдинг-ку, деб қулоғини қоқиб қўлига берди, ё «Қумуроқахона»да пиво ичиб ўтирганимни Жоғи билмайди, деб ўйлайсанми, пивохўрлик қилгани вақт топилади-ю, набирасини келиб кўришга вақт топилмайди, демайдими?!

— Ўргатма менга,— деб ўшқириб берди Куратор хотинига, бироқ ичиди, албатта бораман, дея қатъий аҳд қилди.

Айтгандай, ҳадемай тушлик ибодатга қўнгироқ чалинади, шунда қизига, э-эҳ, яна бир оз ўтирадим-а, лекин черковга руҳонийдан кейин кириб борсам ярашмас, дейди.

Ошхонада ҳеч ким йўқ әкан; Куратор ҳассасини эшик ёнига тираф қўйди-да, қулоқ сола бошлади: ичкаридан Кизеланинг дори ичирман деб касални кўндирироқчи бўлаётгани, Шаниканинг эса ичмайман деб тихирлик қилаётган шикоятли овози эшитиларди. Чолнинг юраги қисилиб кетди; бироқ камзили ёқасидан ушлаб тортиб тузатди, сўнгра оёгини полга суртиб, бирбирига уриб тозалаган бўлди-да, ердаги курсини нари суриб, «худо ярлақасин», дея ичкари кирди.

— Мен қаердан изласамикин, кимдан сўрасамикин деб юрсам, сен бу ерга биқиниб олган экансан-да,— Марига ёпиша кетди.— Қани, бориб ўз қўзим билан кўрайчи, ростданам ўша ердами ёки бирор олиб қочдимикин, онанг тўғрисини айтмаяптимикин, дедим... Саломатмисиз, хоним,— Кизела билан кўришди у,— мен билан биргалашиб черковга боришини истамайдиларми? Бирор нозанин билан бирга борсам дегандим у ерга.— Чол ҳазиллашарди-ю, ўзи бўлса қўлларига суйканает-

ган қизининг кўзига қарамасликка тиришарди.— Хўш, бу қароқчивой нима қнлиб талтайиб ётибдилар?!— қўйқисдан Шанига гап ота кетди у ҳамон қўлига ёпишаётган Жоғининг боши узра набирасига кўз қирини ташлаб, унинг ёш ювган юзида жилмайиш пайдо бўлганини кўриб.— Ў-ҳў, сен жуда бойвачча бўлиб кетибсан-ку, куппа-кундузи талтайиб ётқўсан-а. Қани энди мен ҳам умримда лоақал бир марта мана шунаقا ялпайиб ётсам! Сен ҳали ётоқчи-ухлоқчи экансан-ку!— шундай деб у икки қоқсуяк бармоги билан Шанининг бўйини қитиқлади. Дори жонига тегиб турганида бобосининг келгани жуда зўр бўлди-да Шаникага; бобосининг шундоқ ёстиққа тегиб турган қуюқ мўйловидан ёқимли ис келиб турар, қитиқлаши эса болакайнинг дардан изтироб чеккан танасига яқингинадаги ўйнашганлари, олишганларини эслатганди...

— Мен ётоқчи-ухлоқчиман,— деб пичирлади у ва икки бора худди кулайтгандай бошини кўтариб-кўтариб қўйди, кейин ғурур билан онасига эшилтириб айтди:— Мен ётоқчи-ухлоқчиман.

Бу илк ютуқдан руҳланган Куратор ўзини қувноқ қилиб кўрсатишда давом этди.

— Бу касал эканми? Йўқ, бу тойчоқдек ўйноқлаб иргишилаб кетади-ку! Нимага ҳаммаларинг оби дийда қилиб юрибсанлар? Қани, вафодор тойчогим, тура қол, қундузларни уйидан қувиб чиқарамиз бориб. Сен кўзани кўтариб оласан, мен инларига сув қуяман, бўптими?

Шани бобосига ишонинқирамай тикиларди-ю, лекин хиёл очиқ лаблари теграсида табассум нишонала-ри акс этиб турарди.

— Бугун сал тузукка ўхшайди,— деб қўйди отаси ортидан астагина хонага кириб келган Пали. У каравот суянчигига суянганича отасининг набираси кўнглини кўтариш учун қандай қилиқлар қилаётганини ку-затиб турганди.

— Ҳа-ҳа, мен ҳам шуни айтмоқчи бўлиб тургандим,— гапни илиб кетди Мари; отасининг бу ҳазилларидан Шаниканинг касали бери қарашини жуда-жуда истарди у.

— Илоё шундай бўлсин,— дея маъқуллади Кизела ҳам, у ҳамманинг кайфиятини қай томонга буриб юбо-ришни билмай, боши қотиб турганди. Лекин бола ҳозир чиндан ҳам кўзига сал тузукроқ кўринди. Шу аснода

кириб келган доктор ҳам бу гапга қўшилди, дарҳақиқат болакайнинг аҳволи анча дуруст бўлиб қолибди, деди у. Бир-икки ҳафта сирқовланиб туради, лекин қўрқинчли пайти ўтиб кетди, деди. Боланинг дарди ҳаммаларини оғир аҳволга солиб қўйганди. Куратор бу хонага кириб келар олдидаги ваҳимасидан қутулишни истарди, Мари бўлса якшанбани ҳам шу ерда бекор ўтказишини ўйлаб юраги сиқиларди, Кизеланинг беллари эса чарм спирлган диванини қўмсаб қолганди, докторга қолса боланинг касалини меъда бузилишидан келиб чиққанини тушунтиришни маъқул кўрарди. Боланинг кайфи чоғлигини кўриб, шу баҳонада катталар бир-бирларига далда беришиб, биргаллашиб касал ҳақидаги фикрни қувишга тушдилар. Худди шу пайт черков қўнгироқлари даранглаб, ҳаммаларининг кайфиятларини кўтариб юборди. Доктор Цейс одатига хилоф тарзда шошилмади, у Куратордан маҳаллий бошқармага сайловлар тўғрисида суриштириди, Марини пивога зингиллатишиди. Доктор Кизела билан чўқиштириди, ҳатто уни мақтаб ҳам қўйди. Шаника билан эса ҳаммалари, худди у бугун-эрта чопқиллаб кетадигандай, бунга сира шубҳа қилмай гаплашишар, ҳазиллашишар, бундан болакай сал жонланиб қолганди.

— Гапимга ишонавер,— дея ишонтиради онаси, у набираси тузуклигини эшита солиб юргургилаб келганди.— Шаниканинг кечаги аҳволи билан бугунғиси орасида ер билан осмонча фарқ бор!— Суюниб кетган кампир Жофини юз-кўзидан ўпа кетди.

Жофи Шаниканинг қиқирлаб кулишини эшитиб, отаси билан докторнинг пиво ичаётганларини кўриб, онасининг юзида қолган бўсаси изларини туйиб туарди, артиб ташлашга эса хижолат чекканди. Шаниканинг тузалиб қолгани тўғримикин-а? Бу фикр ўзига жалб этар, хотиржамлик, ширин бир тасалли ваъда қилярди. Ростдан ҳам Шаника тузук бўлса у ҳозироқ ётиб, уйқуга, эҳтимолки абадий уйқуга кетарди. Бироқ Жофи жудаям хотиржамликка берилмаслик кераклигини ҳис этиб туарди айни чоғда. Ҳозир-ку Шаниканинг бетоблигига кўнишиб қолди, борди-ю, ўғли тузалмаса-чи, унда бунга иккинчи марта қандай қилиб кўнинади?! Жофи ҳамон каравотнинг оёқ томонида ўғлига тикилиб ўтиради. Қувончга тўлган онаси ҳам кетгач, у ёлғиз қолди. Кундузги поезд билан Кизеланинг ўғли келганди, айни дамда у ошхонада нимадир

пишириш билан овора. Мари эса бирровгина кириб, туфлисини алмаштириб, бошқа рўймолини ўраб чиқиб кетди. Шундай қилиб, Жофи Шаника тепасида ёлғиз ўти-раркан, ўғлининг бетига дам умид билан, дам бемаъни ваҳимали ўйлар билан тикиларди...

Шаника чиндан ҳам енгил тортган кўринарди. Жофи ўглим ухлаяпти, деб ўйлаганди, лекин Шани тўсатдан гапириб қолди:

— Бобом мени ётоқчи-ухлоқчи дедилар.— Ярим қоронги хонада унинг жилмаяётганини ҳис этиш қийин эмасди. Шани ўз хаёллари билан бўлиб:— Ойи, эчки болаларининг оти нима? Анави бўри қорнида ётиб, она-ларини чақириб йўқлагани-чи, ўшаларни?— деди.

— Улоқчалар,— дарров жавоб берди Жофи.— Сенга уларни ким ҳикоя қилиб берганди?

Шани эса жавоб бермади: чунки улоқчалар ўзи ҳам бекитиқча ўтадиган жойда, говнинг нариги томонида яшашар, Ирманинг ҳикояларида маърашиб, ўша ҳикояларда иргишлишишарди-да, ахир. У ерда бўладиган гапларнинг ҳаммасини ойижониси билмаслиги керак. Қисқаси у онгсиз бир тарзда айёрликка ўтиб, касаллик баҳонаси билан индамай қўя қолди. Бироқ Жофи улоқчалар ҳақида ўғлига ким ҳикоя қилиб берганини фаҳмлади. Демак, дард билан олишиб ётган бир пайтида ҳам хаёли ўша ёқда, анави нотавону ногиронда эканда?! Етти ёт бегоналар ўглини шундай осонгина ўзларига ийдириб олганларидан кейин қанқанги она бўлди у! Бошқа болалар мазалари қочадиган бўлса онарининг қўлларидан тушмай қоладилар, ўлим чангалидан қутулмоқ учун оналари қаноти остидан паноҳ излайдилар, шўрлик Шаника-чи, у ҳатто шундай азоб чекаётган чогида ҳам қалбан онасидан йироқлашиб, зигирдаккина бўлса-да қувонч бажш этадиган ўзгалар ёнига талпинади.

Ҳаммасига унинг ўзи айбдор! Сал нарсага жаҳли чиқади, дили ранжийди. Гўё шу бир бурдагина бола атайлаб жигига тегаётгандай, жўрттага дилини вайрон қилаётгандай! Кошкийди бу гал ҳам тузалиб кетса, унда аҳвол бутунлай бошқача бўларди, ишқилиб дардига шифо берсин-да. Ие, бирор уни тузалмайди деяптими ўзи?! Доктор, отаси, онаси, Кизела — ҳаммалари далда беришяпти-ку, ахир. Шунга қарамай, у яратганинг бу сафар ўз марҳаматини дариг тутишини сезиб-ҳис этиб турарди. Шунинг учун ҳам Жофи қоронгига оғир-

оғир нафас олаётган ўғлига ожизона тикиларди. Бу ёстигу тўшакка ботиб, йўқдай бўлиб ётган мурғак та-на эндиликда асли ҳолита, ўчоқ олдига бориб, қўлинни олов шуъласига тутнб ажабланадиган, ҳовлида сир-панчиқ учадиган, бобосининг тиззасига чиқиб олиб қийқириб куладиган шўх Шаникага айланолмаслигини кўнгли сезиб, жавдираб тикилади ўғлига.

Мана, кеч ҳам кирди, лекин ҳеч кимдан дарак бўл-мади. Кизела ёки онаси ёнида тумшайиб ўтиришганида у, қанни энди бирор кириб келса-ю, бу боййушларни таш-қарига қувиб чиқарса, деб ўйларди. Ҳозир бўлса уларни қўмсаётганди. Аслини олганда, ҳаммаларининг Шаникадан хотиржам бўлиб, кўнгиллари жойинга тушгани яхшилик аломати эди. Лекин уни ёлғизлиқ эзаётган эди шу аснода...

Жоғи шаша-ниша жойинни тузатиб, шу маҳалгача қай гўрдадир гумдан ошиб юрган Мари келмасидан бурунроқ чироқни ўчириб, ўринга кирди. Буни кўриб сал уялар, деб ўйлади. У ўринда оёқларини остига буқ-канча, човутга ҳозирланган йиртқичдай, шу пайтгача санқиб юрган Марини бир уялтиришга шайланиб ўти-рар, ёнида эса Шаника уйқусида алаҳлаб, тўлганиб ётарди. Ошхона томондан тиқ этган товуш эшитилмасди. Кизеланинг эшиги фақат бир мартағина очилиб, шипшакнинг шипиллагаги, кейин столдаги алланима шиқирлаб, яна эшикнинг ёпилгани эшитилди. Ҳудди шу пайт, эшик беркилаётгандага кичик хонадан эркак кишининг овози, Марининг кулгани эшитилгандай бўлди. Жоғи бутун вужуди қулоқка айланиб, пашша учса эшитилгудек жимжит бўлиб қолган ошхона томонга қулоқ солиб ётди. Мари хийла вақтдан кейин кирди келди; эшикни очиб, хона қоп-қоронғилигини кўргач, орқасига тисарилди-да, бошқатдан, яланг оёқ бўлиб қайтди. Жоғи синглисининг залворли оёқлари остида инграётган тахталарнинг гижирлашига бадҳоҳлик билан қулоқ солиб ўтиради. Гўё шу дамда кўз ўнгиде жиноят содир бўлаётгандай, синглисининг қоронғида апил-тапил кийимларини ечганини, ўринга кирганини кузатиб турди. Шундан кейингина онасидан ўрганганди-да, деб ўйладим:

— Уйга борганимидинг? Мен Шаникага бўтқа пи-шириб берасанми деб ўйлагандим. Қарасам, чошгоҳдан кейин қорангни ҳам кўрсатмадинг, ҳа, уйга кетибди-да, деб ўйладим.

Мари дарров жавоб бера қолмади. Буни кўрган Жофи, ғалаба қозонгандек, унинг тарааддудланиб қолганидан лаззатланарди. Синглиси ҳозир уялганидан ерга кириб кетгудек бўлаётгандир. Номуссиз, нима деб алдашни ҳам билмай довдираб қолди-я! «Чақирсангиз бўлмасмиди, мен ошхонада идиш-товоқни юваётгандим»,— деб ғўлдираганида, алдаётганини билиб туриб индамаётганим ҳар қандай таънаю койишдан ортиқроқ таъсир қилсин, деган маънода Жофи чурқ этмади.

Аммо Мари эрталаб тағин гойиб бўлиб қолди. Кизела эса бирровгина қорасини кўрсатди, холос; чунки у ҳам касалнинг оғир, хатарли пайти ўтди, деган фикрда эди. У олдинига жуда қўрқиб кетганини, лекин, худога шукурки, бекорга жавотирга тушганини ўзи ҳам кўриб-билиб турганини айтди. Кизеланинг диққат-эътиборини Шаниканинг касали эмас, эндиликда мутлақо бошқа нарса жалб этганини Жофи тушуниб турарди; кампир ниҳоятда ўзгариб қолган, кўзлари чақнаб турар, чехрасида дам-бадам аллақандай сирли, ҳаяжонли ўйлар нишонаси акс этиб қоларди. Қалбida түғён ураётган қувонични жиловлашга чори келмаётганини Кизеланинг ўзи ҳам пайқаб, Шанининг соғлиги яшишланганидан хурсанд бўлаётган қилиб кўрсатишга тиришарди Жофининг ҳузурида. Ҳеч қанча ўтирумай чиқиб кетди, афтидан Шанининг касалидан кўра ортиқроқ қизиқтириган нарса чорлаётган бўлса керак уни.

Ажойиб, сарин эрта эди бу. Дераза ортида дастлабки келган қалдирғочлар чарх урар, очиқ фортинчадан яъни атрофдаги темирчилик дўконидан болга-босқонларининг бир маромдаги товуши хонага бостириб киради. Жофи Шанининг туиги кўйлагини алмаштириб, чойшабини тозасига ўзгартди. Тоза кийим ва тоза чойшаб боланинг ўзига ҳам тетиклик ато этгандай бўлди, болакай қайтадан дунёга келганга ўхшарди. Буни кўриб Жофи ҳам ўглининг ҳар қалай тузалиб кетишига ишонч ҳосил қилгандай бўлди. Бола ўз сғзи билан қаува сўради, ҳадеб, Пали тогам келдилар-а, деб сўрайверди; нега деганда, тогаси унга пичогини ваъда қилганди-да, ахир.

— Ойижон, Пали тогам!— хитоб қилди Шаника ошхонадан келаётган эркак овозини эшишиб.

— Бу Пали тоганг эмас,— жавоб берди онаси ва хонага кириб келаётган бегона одамни қарши олишга жизирлангандек ўрнидан сапчиб турди.

Ошхонада Мари кимгадир ўз одатича босиқлик билан чўзиб жавоб қайтарди, бунга жавобан эркак кишининг шилқимона, шўх кулгиси янгради. Сўнгра кулги чўрт узилиб қолди, шунда Жофи уларнинг имо-ишора билан шу томонни кўрсатиб, нафаслари ичларига тушиб кетганини фаҳмлади. Ҳозир иккаласи бир-бирига тикилиб иршайиб туришгандир, бузоққа ўхшамай ўлгир Мари ипакдай эшилиб, анг-танг бўлиб, анови сафсатабоз олифта бўлса, ҳув бир куни ошхонада Жофига тиржайгандай, сурбетона тиржайиб, қаёқдаги латифаларни айтиб берётгандир. Ҳа ярамас махлуқлар!..

Мана, ошхонадаги узилиб қолган суҳбат яна жонланди, шунда Жофи чидаб туролмай, лоақал бирор оғиз сўзни эшитиш ниятида қулогини эшикка тутди.

— Менинг бир ошнам бор, ўзи таксачи. У мана бундай қиласи: ўтиринг, ойимқиз, бог атрофини бир айлантираман сизни, дейди. Ўзи бўлса, бу қароқчини кўринг, машинани боғ томонгамас, овлоқроқ майсазорга қараб суради... Автомобилни кўрганда эсидан айрилаёзмайдиган қизнинг ўзи бўлмаса кераг-ов. Орқа ўриндиққа керилиб ўтириб оладилар-у, ўша заҳотиёқ бойвучча сеза бошлайдилар ўзларини...

Жофи ҳамма гапни тўла-тўқис әшитолмаётган эди-ю, бироқ Имренинг нима деб мақтанишини фаҳмлаб турарди. Марининг пиқ-пиқ кулишини эшитганда эса, унинг хижил тортган, ял-ял ёнган башарасини нақ кўриб тургандай бўларди. Аҳмоқ, намунча қиқирламаса?! Анави пештлик саёқ-чи, шунақанги расво гапларни галиришга қандай тили борди шундай иболи, ёшгина қизга! Башаранг қургур, қани энди шу гапларини унга айтса! Жофининг тўсатдан бу пештлик кеккайтан олифтанинг афтига туфургиси, икки бетини юмдалаб ташлагиси келиб кетди...

— Ойи, нима қиляпсиз у ерда? — деб сўради Шани, онасининг эшикка қулогини қилиб, қимир этмай турганини ҳадик билан кузатаркан.

Жофи уялиб кетиб, ўша заҳотиёқ ўгли ёнига қайтди.

— Ҳеч нарса, болажоним, бошим оғриётганди, эшикка суюниб турдим бирпас.

Боласидан қайтиб садо чиқмагани онасига оғир ботди. Жофи компресс қилиш учун тайёрлаб қўйилган тосадаги сувни ола солиб, жуда вақти зиқ одамдай, ошхонага отилиб чиқди. Имре бир оёғини курсига қўйиб, қўлидаги бир парча матони юқоридан паастга, чапдан

Ўнгга тортиб, учи ингичка туфлисини тозалаётган экан, Мари бўлса эшик кесакисига суюнганча, гўё бундай туфли тозалашни энди кўраётгандай, маҳлиё бўлиб кузатиб турибди. Жофи остоноада пайдо бўлганида Имре эҳтиром билан қаддини ростлаб, пошналарини бир-бирига уриб, тақиллатиб қўйди.

— Саломлар бўлсин,— деди у мулойимгина, худди илгаритдан таниш эканликларини эслатаётгандек бир оҳангда. Жофининг тосни кўтарганича индамай ўтиб кетаёттанини кўргач, нафаси ичига тушиб, уни нигоҳи билан кузатиб қолди, йигитнинг кўзларидан опасининг хушбичим, нозик қоматига суқланиб боқаётганини ҳатто Маридай одамнинг ҳам пайқаши қийин эмасди. Жофи қайтиб кирганида эса йигитнинг қиёфаси жиддий ҳамда эҳтиромли тус олганди.— Бунга бало бораканми шундай пайтда деб жаҳлингиз чиқмасин тағин. Эшитишимча Шаниканинг мазаси йўқмиш, бунақа пайтда уйга кириб келган биргина бегона киши ҳам ортиқчалик қиласди. Лекин мен кўп бўлмайман, шу бугуноқ жўнаб кетаман.

— Менга халал бераёттанингиз йўқ,— жавоб берди Жофи қуруққина ва ўша ондаёқ шартта эшикни беркитиб олди.

Бу бир нафаслик ташқарига чиқишдан яна айниб кирди хонасига. Ҳаяжонда шундоққина эшик тагида сўррайганча туриб қолди. Имрушнинг тилини чўлпиллатганини ўз кўзи билан кўргандай бўлди (эҳтимол хаёлида шундай туюлгандир), икковлари унсизгина кулиб ҳам қўйишгандир...

Жофи кун бўйи хуноби ошиб, роса бўғилди, газабдан худди безгак тутаётгандай қалтиради. Шаника билан дўкон-дўкон ўйнади, юмалатди, қитиқлади; назарида ўғлининг согайиб кетиши гўё боласини кулдира олишига боғлиқдай эди. Онаси пешиндан кейин набирасидан хабар олгани келганида: «Худога шукур, анча тузук», деди қатъий. Кейин «Шафқатли эгамнинг менга раҳми келди шекилли», деб қўшиб қўйди.

Аслида эса Шаника унчалик тузук эмасди. Бувиси кетмасиданоқ яна бўшашиб қолди, борган сайин кам гапиравди, ниҳоят лаблари кўкариб, кўзлари худди парда тортилгандай жиравлашиб қолди. Жофи Шаникам туриб кетсин, унга нотариуснинг Лайчикасиникига ўхшаган матросча қалпоқ олиб бераман, бошлангич мактабга бермайман уни, ўша битлиқи исқиртлардан яна

бирорта касални юқтириб юрмасин, каби ширин хаёларга бериларкан, онаси тобора камроқ маъқуллай бошлади.

— Ҳа, ҳа,— деб бош иргаб қўя қоларди у бўшашиб.

Тезда Жофи ҳам жим бўлиб қолди, афти ташвиш ва аламдан бир зумда шундай кўкариб кетдики, буни кўрган онаси ғужанак бўлиб олди; орага чўккан дастлабки жимликдан кейиноқ ўрнидан қўзгалиб, ийманибги на хайрлаши.

Салдан кейин ярқиратиб тозаланган чироқни кўтариб Мари кириб келди, кўзлари эрталабки бахтиёр дамлардан ҳануз чақнаб турарди, лекин боланинг кўкарибунниқиб кетган башараси билан Жофининг бўздай оқарган пешанасига нигоҳи тушди-ю, қути учди-кетди, кўзларидаги учқун сўниб, чироғи сўнган хонадай зимзиё бўлиб, ҳувиллаб қолди. У қўлидаги чироқни қўйди-ю, бу ерга бекор кирган эканман деган қиёфада, астагина чиқиб кетди. Кейин каравот ёнига Кизела келди йўргалаганча, лекин у на компресс қилайми деб сўради, на қошиққа доридан томизди, индамай бурчакда турган креслога бориб ўтири. Унинг кекса чеҳрасида ҳётдан асорат қолмаганди, нималарни ўйлаётганини афтидан асло билиб бўлмасди шу онда. Эҳтимол бу чеҳрада ҳамдардлик, эҳтимол ғалаба ҳисси яширингандир ёки шунчаки ўз тақдирини ўйлаётгандир. Бир оздан сўнг доктор Цейс етиб келди. У ҳам ўзини худди Кизеладай тутди: афтига қараб дилидагини ўқиб бўлмасди. Доктор сертук қулоғини боланинг кўкрагига қўйиб эшиитди, жонсиз қўлини олиб, томирини кўрди-да, индамай ён дафтарини чиқариб, рецепт ёза бошлади. Жофи далда берувчи бирон оғиз сўз эшитиш ёки докторнинг Кизелага қараб ўқрайиб қўйганини кўриш умидида ундан кўзини узмасди. Бироқ Цейс то чиқиб кетгунича Кизелага, кўрмайн ҳам, куймайн ҳам, дегандай тескари ўгирилиб туришга ҳаракат қилди. Кампир эса бир кўнгли, хўш, қалайсиз энди, деб жаноб докторни узибузиб олай дерди-ю, лекин Шаниканинг тепасида бўлган бир кунлик шод-ҳуррамликдан кейин тўсатдан қарор топган жимжитлик унга ҳам қаттиқ таъсир қилганди...

— Вой худойим-эй, тирноқлари кўкариб кетибдими? — деб гўлдиради Жофи доктор кетгач.

Кизела ҳали жони чиқмаган тирик танадаги ўлим жарчиси — кўм-кўк кўкарган тирноқчаларни илгарироқ пайқаганди; аммо ҳозир, унинг таҳмини тамоман

тасдиқлангач, Кизела ҳар қанча марҳамат кўрсатса бўлаверади. Ҳали Жоғига ҳам, почмейстер хотинига ҳам аввал бошданоқ шундай бўлишини билганини исботлаб берадиган пайт келади. Шу сабабли у тирноқлари кўкариб бораётганини аллақачоноқ пайқаганини билдирамади, ҳатто докторни бадном қилиш учун қулай фурсатдан ҳам воз кечди:

— Йўғ-э, шунчаки соя тушиб турибди, ўзингизам жуда ваҳимачи бўлиб қолибсиз-да,— эътиroz билдириди у ясама ишонч билан.

Жоғи чурқ этиб оғиз очмади, Кизела эса ўзининг бундай ногаҳоний ишонч билан айтган сўзлари унга таскин берган-бермаганини билолмади. Жоғи бошқа ёққа қарашга уринар, бироқ тобора кўкариб бораётган тирноқчалар яна эътиборини тортар, шунда ичида алланимаси узилиб кетгандай бўларди. Ниҳоят у паастга осилиб қолган, аста титраётган қўлчани олиб, адёл остига тиқди-да, яна тушиб кетмасин деб авайлабгина ўраб қўйди. Ўглининг қўлчаси энди кўринмаётган бўлса ҳам, бироқ вужудига қутқу солган ваҳима ўз исканжасини бўшатавермади ҳадеганда. Қани энди бу ердан бош олиб чиқиб кетса, ортиқ бу каравот ёнига қайтмаса, эс-ҳушидан айрилса, ҳеч нимани еезмайдиган бўлиб қолса! Ниҳоят ушбу васваса ҳам ўтиб кетди, унинг ўрнини беқиёс ҳорғинлик эгаллаб, Жоғининг жисми-жонини эза бошлади. Кизела, бирпас чўзилиб олинг, деб қистади, лекин Жоғи ўз ожизлигидан хижолат чекди.

— Йўқ, йўқ, ётмайман,— деди у, бу билан Кизела-га қаршилик кўрсатмайтганди, балки танасини ўринга тортаётган чарчоқни қуваётганди. Кизеланинг индамай қўя қолганидан қувонди у. Ўз навбатида бу ҳол бир оз далда берди унга. Кизела чиқиб кетди, бир текисда пишиллаб ётган Мари ва хириллаб, энтикиб-энтикиб нафас олаётган Шанининг ёнида танҳо қолди. Шунда ҳам у, кийим-пийими билан бўлса-да, ётмади. Хаёлидан эса қўйидагилар кечарди: «Яқинда сўққабош бўлиб қоламан, ҳеч ким мени «ойижон» демайди. Умрим ёлғизлика ўтади, олисдан бўлсаям бир кўз ташлаб оламан десам ҳам бунақангичроили ўғилчани ҳеч ердан то-полмайман. Жон болам, сени гўрдаги қурт-қумурсқаларга ем бўлсин учун боқаётган экансман, бўталогим. Нимагаям тугилган экансан-а, тойчогим... Мана ҳозиртирик у, энтикиб-энтикиб нафас оляпти, абадий яшай-

диганга ўхшайди, орадан бир-икки ҳафта ўтмаёқ қаро ерда илон-чаёнларга ем бўлиб ётар...»

Бу унсиз марсия юрагини зулукдай сўрарди, томоғидан отилиб чиқмоқчи бўлган фарёдни тўхтатиб қолмоқчидек, муштлари билан оғзини тўсади. Кейин аъзойи бадани бўшашиб, аллавақтгача ҳеч нимани ўйламай карахт бўлиб ўтири.

— Сенинг ўрнингга менинг жонимни ола қолса бўлмайдими,— дея тўсатдан хўрсиниб юборди-да, кўнглидаги бу гап оғзидан чиқиб кетганидан вужуди бир сония муз қотгандай бўлди. Кейин бу гапни астойдил айтдимми, деб шубҳа билан ўз қалбига қулоқ солди. Қалбидан эса ҳеч қандай эътиroz билдиргувчи садо чиқмади. Аксинча, вужуди ийиб турган шу изтиробли дамда кўнглига чанг солган қўрқув, виждон азоби барҳам топганди. Дарҳақиқат, Шаниканинг ўрнига жонингни оламан, деганларида, мижжа қоқмай, юзидағи бир туки ҳам қильт этмай, ўтирган жойида жон таслим қилишга тайёр эди. Буни пайқагани ҳамоноқ кўнгли хотиржам тортди, гёё барча гуноҳлардан фориг бўлгандай, ўз ихтиёри билан каравот четига чўзилиб, мудрай бошлиди.

Тонготарда Кураторлар Торндан доктор олиб келишиди. Уни олиб келгани Пали борди (мабодо хизматкор болани юборадиган бўлсалар жаноб доктор уйғонсин деб куттириб қўйишлари мумкин эди); саҳар паллада айвонларида эснаб, керишиб турган кексалар Кураторларнинг кўчадан ғизиллаганча ўтиб бораётган қўш отли аравасини таажжубли кўзлари билан кузатиб қолишаарди. Токи кимдир аравадаги йигит торнлик доктор эканини, Жофининг ўғилчаси қаттиқ бетоб ётганини, Пали докторни ўша касал жиянини кўрсатгани олиб кетаётганини тушунтириб бермагунича бу кексалар анграйганча аравадаги нотаниш йигитга тикилишиб, ким экан бу деб бош қотириб ётишарди.

Бу доктор ҳали жуда ёш, нари борса ўттизлар атрофида бўлиб, Торнга у тўғри клиникадан келган, тез орада оғизга тушиб қолган эди, негаки йигит ҳатто рентген қилишни ҳам биларди-да. Керакми, нокеракми — ҳамма эркакларни қатор тургизиб қўйиб, ўз аппарати олдидан ўтказганди, шундан кейин ҳатто бедаво дардга чалингандарнинг қариндош-уруғлари ҳам

ҳар эҳтимолга қарши «рентгенли доктор»га саломга келишарди. Ёш доктор сирам Цейсга ўхшамасди. Кўча эшикдан кирар-кирмас, гўё ўзи келганидан огоҳлантираётгандай, шангиллаб салом берди; ошхонага кирганида бошқатдан салом берди — бу галги саломи, мен торнлик доктор бўламан, асло чўчиманглар, мен саҳий одамман, дегандек далда берувчи оҳангда янгради; хонага бошлаб олиб кирганларида эса, бу ерга биринчи маротаба қадам ранжида қилаётган бўлсамда, бари бир ўзимни бегона ҳисобламайман, дегандай дўстона саломлашди. Палини «азиз дўстим» деб атаб, ундан йўл-йўлакай бемор тўғрисида сўраб-суринтириб олганди. Каллаи саҳарлаб етиб келган меҳмонларни Мари уйқули кўзлари билан ошхонада кутиб олганида, у «саломатмисиз» деб кўришди ва кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз, илгари қаерда учрашганмиз, деб сўради. Кизелага иккى букилиб, тавозе билан таъзим қилиб, кампирнинг фикр-мулоҳазаларини, шу қаторда мия яллигланиши борасидаги гапларини ҳам сабр-тоқат билан эшитди, кампир тараддулданиб жим қолгач, бир онгина кўзини юмиб олиб, далда берувчи оҳангда деди:

— Илтимос, давом эттираверинг, марҳамат, ахир қишлоқда сиздай синчков ҳамда сиздай билимдон одам анқога шафъе! — Кейин у тўшакка яқинлашиб беморни енгил-елпигина кўздан кечирди, сўнгра Жофига назар ташлади-да, одамни ҳайратга солар дараҷада дона-дона қилиб, кетма-кет беш-олтида савол берди: — Бола ўн-ўн бир кундан бери қаттиқ оғриб ётиби, шундайми? Илгарилари ҳам тоби қочиб турган-у, лекин сиз, бекач, эътибор бермагансиз, тўғрими? Эрталаблари бола ўзини сал тузук сезади, аммо кечга томон эти увишиб титроқ туради ва аҳволи мутлақо оғирлашади, шундоқ эмасми? Бир неча кун бурун жуда яхши бўлиб қолгандай кўринган, бироқ кечга бориб яна титроқ турган, ўшандан буён оғир аҳволда ётиби, тўғрими?

Кизела ҳайратда ёқасини ушлаб қолди; докторнинг барча гапларини бажону дил тасдиқлаб турди. Жофи билан Мари ҳам шу топда бу янги докторнинг бир кўз ташлашдаёқ ҳамма гапни ипидан-игнасиғача билиб олганини кўриб унинг ақлига тасанно ўқирдилар. Борди-ю докторнинг гапи авжига чиққанда Пали кириб қолганида ҳам, бари бир унинг бунчалик аниқ

саволлари йўлда отни қамчилаб келаётib ўзи ҳикоя қилиб берганлари самараси эканини фаҳмлаёлмаслиги турган гап эди.

Бу орада доктор бемор тўшаги сари юра бошлади.

— Болага ҳаво етишмаётганига кўп бўлдими? — деб сўради у Шаниканинг титраб турган бурун катақлари ва оғзини кўрсатиб. Кейин ҳайрон бўлгандай қўшиб қўйди: — Ие, ҳали ҳамкасабам болага ҳаво етишмай қийналаётганини айтмаганмиди?

Кизела доктор Цейсдан бунақанги гапни эшитмаганини айтди. Жаноб докторнинг фақат меъда бузилиши ҳақида гапирганини эслатиб ўтди.

— Ахир бола кўкариб кетибди-ку, тирноқларига, қулоқлари солинчоқларига бир қаранглар. Қирғоққа улоқтирилган балиқдай оғзини каппа-каппа очаётганини кўринглар, ахир.

Дарҳақиқат, Шаниканинг лаблари «о» шаклига келиб қолганини, худди ўша «о»нинг ўртасидан ҳаво хириллаб чиқиб-кириб турганини кўришди ҳаммалазари. Торнлик доктор яна савол устига савол ёғдириб ташлади: сийдиги, қони, нажаси анализ қилинганми? Орқа мия суюқлигидан текширишга олинганми? Албатта у айтган гапларнинг бирораси қилинмаган эди, буни эшитган ёш докторнинг такаббур, оппоқ башараси тобора жиҳдийлаша борди. У Шаниканини ечинтиришини буюриб, боланинг яланғоч баданини тўқиллатиб уриб, қулоқ солиб узоқ текширди. Шаника аввалига карактлик билан ҳаммасига бардош бериб турди, бироқ кейин кўзлари очилиб, шундоқ афтига нафаси урилиб турган нотаниш кишига нафрат билан тикилган кўйи чинқириб йиғлаб юборди. Доктор эса бунга парво ҳам қилмади. Умуман назоратдан сўнг у аллақандай асбобини бармоқчага суқиб, чиққан қонни шишачага симириб олди; кейин катетер билан сийдигидан олди ва ниҳоят гўдакни каравот четига ўтқазиб, умуртқасига уч марта шприцни суқди. Бу қийноқлардан Шаниканинг карактлиги тарқаб кетиб, жони борича додлаб, юлқина бошлади.

— Бу амаки кетсин, ёмон амаки экан, жудаям ёмон амаки экан, ҳамма ёғимни оғритяпти... ойижон, менга нина тиқмасин!

Митти беморни ушлаб турмоқ учун Кизела бор кучини жамлаганди. Бироқ шу дамда унинг кучи шундоқ ҳам юз чандон ортиб кетгандай эди. Кампир бу

ғалати ёш доктор билан биргаликда гўдакнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳаёт-мамот жангига шайланганини фаҳмлаб тураркан, унинг сертомир, чайир бармоқлари ҳолдан тойган гўдакнинг танасига бамисоли темир исканжадай ботиб кетган, чеҳрасида эса олижабурчни адо қилаётганидан мамнунлик аломати акс этганди.

Жофи бўлса боласини не кўйларга солаёттганларини даҳшат ичра кузатарди; у тикилиб турган жойида икки қўзидан шашқатор ёш қуиилаётганини билмасди; у икки қўлинин олға чўзганча Шанисига талпинарди-ю, бироқ ақл бовар қилмайдиган бир мажолсизлик бу олифта жанобни боласи ёнидан нарға суриб ташлашига ҳалал берарди.

— Хоним, ташқарига чиқиб туринг,— деди доктор игна учинчи марта ҳам умуртқа поғонасига кирмагач.— Сизни кўриб бола баттар безовталаняпти.

Аммо Жофи қулоқ солмади, аксинча Шани томон юрди, бола ҳам ўша заҳотиёқ митти қўлчалари билан онасининг бўйнидан қучоқлаб, бир юлқиниб Жофига ёпишиб олди.

Доктор дабдурустдан текширишларига чек қўяқолди.

— Очигини айтганда, етарли. Минг таассуфки, гап нимадалиги шундоқ ҳам аён бўлди менга.

У ҳафсала билан қўлинин ювиб, асбоб-ускуналарини жойлади-да, Кизелани эргаштириб ошхонага чиқиб кетди. У ерда Жофининг онаси кутиб турган экан. Торнлик доктор етиб келганини унга хабар қилишига ултурган эканлар. Шўрлик кампирнинг икки бетида карам баргига қўнган шудринг томчилари сингари йирик-йирик ёш томчилари йилтиради.

— Сизни сира хафа қилгим йўқ, лекин, афсуски, соғайишига заррача умид қолмабди. Бутун организми заҳарланган... сал илгарироқ чақирганларингда, балки... ўшандага ҳам ишончим комил эмасди. Ҳаво етишмаяпти, ўпкага ҳам зиён етган. Индинга тагин келаман, лекин олдиндан огоҳлантириб қўйиш бурчим, онасини бунга кўнитириб бориш зарур...

Докторни қуршаб олган учала аёлнинг афти учхил тусга кирганди. Мари худди имтиҳонда қийин, билмайдиган савол тушиб қолган толибалардай, қўрқанидан пир-пир кўзи учиб турарди. Онаси бўлса бурчини тортганча пиқ-пиқ қилас, нақ шу топда ўз ўли-

ми кўзига кўриниб кетаётгандай туюларди. Кизела эса ғирт илмий синчковлиги ва шахсий галабасидан мамнунлигини саҳоватпешалик остига аранг яшириб турарди.

— Мияси яллиғланганми? — Жофининг ўглини овутаётган гўнгир-гўнгир овозигина бузиб турган узок жимлиқдан сўнг титраб-қалтираб сўради кимдир.

— Охири нима бўлишини ҳали-ҳозирча билмайман; лекин мия ўзгариши содир бўлгани ҳам эҳтимолдан ҳолиямас,—жавоб берди доктор ва аста чарм пальтоси тумаларини қадайверди.

Торнилик докторнинг гапи кўз очиб-юмгунча бутун қишлоққа тарқади. Бу гал Жофининг онаси кўчага чиқиш олдидан одатдагича юзига ҳам, юришига ҳам кексаларга хос салобатли, жиддий тус бериб ўтирмади. Чехрасига тўр ташлаган ажин чизиқларидан ёш сизиб, Берлинда тўқилган рўмолини кўкрагига босганча, дам юргилаб, дам кўчанинг қоқ ўртасида тўхтаб-тўхтаб кетиб бораарди. Ботинкаси лойда сирғаниб, юбкаси этакларига лой сачраб, нафаси тиқилиб, кўз ёшлари қуилиб, ҳиқиллаб, энтикиб кетаётганди у. Илгари ҳам у худди шундай аҳволга тушган. Бир марта эрини хизматчи аёллари билан тутиб олганида бундан баттар изтироб чекканди, бироқ ўша куни узумзордан уйга хотиржам қиёфада, деворлари ортидан мўралаб қараб қолган ҳар бир кимса билан саломлашиб қайтганди. Мана ҳозир ҳам у ўзини босиб, жиддий қиёфада кетавериши мумкин эди, аммо одат-таомил бу гал уйига соchlari тўзгиган, ақлу ҳушидан адашган кўйи югуриб-елишини тақазо этарди. Шу тариқа қишлоқ бўйлаб борааркан, йўлда учраганлар унга — эс-ҳушидан айрилаёзисб югуриб кетаётган кампирга тикилиб қолишарди. Салгина кўз танишлар унинг орқасидан қараб қоллар, Кураторлар бошига бирор кулфат тушган бўлса керак деб ўй сурар, бошқалар ундан «нима бўлди» деб суриштиришар ва элбурутдан аянчли қиёфага кирадилар... Шу тариқа уйига етиб келганида ранги-рўйи, худди орқасидан бирор қувиб келгандек, пага бўлиб кетганди; у айвон устунини қучоқлаб қолди, оқсоч дарров курси қўйиб берди. Молхона томондан паншаҳа кўтарганча югуриб келаётган эрига олисдан кўзи тушар-тушмас, қай шаклу қай тусда айтишга тили бор-майдиган хабарни шартта айтди-қўйди:

— Бу дунёда яшаш пешонасига ёзилмаган экан, набирамиздан жудо бўладиганга ўхшаймиз!

Торнлик докторнинг холосаси қишлоққа таралиши билан яқин-йироқ қариндош-уруглар касал кўргани йўлга отланиб қолишиди. Биринчи бўлиб доимий ҳамроҳи — ҳассасини олиб, кекса Куратор йўлга тушди; чошгоҳга бориб телефонда Илушни чақиришиди, куёвлари ҳам келди, пешиндан кейин эса бирин-сирин ҳамма уруғлар йигила бошлишиди. Улар ботинкаларини эшик олдидага ҳафсалада билан тозалаб, очиқ турган ошхона эшигини чўчинқираб тиқиллатишар, кейин қора рўмол тангиб олган бошларини суқиб астагина мўралаб, оёқ учидаги кириб келишарди. Хонага киришда яна қайтариларди бу ҳол. Аёллар жимгина Кизеланинг қўйини сиқиб, Жофини бағрига босиб кўришишарди-да, каравот атрофига териб қўйилган стулларга ўтиришарди. Стул етмай қолгач, диванга ҳам ўтиришиди, кечроқ қолганлар эшик олдидага ёки печь ёнида тизилишиб туришарди. Ҳаммалари рўмолларини маҳкамроқ боғлаб, қимтинибгина, лаблари ҳарорати зўрлигидан торс-торс ёрилиб кетган, оғир-оғир нафас олиб, дам-бадам: «Сув... сув», деб ёттан касал болага тикилиб қолишган эди. Гоҳо икки бош бир-бирига яқинлашиб: «Шўрлик Жофи, бечорага жуда қийин бўлди-да, олдин эри, энди ўғли...»—«Бошқаларни билмайман-у, лекин саккиз яшар боламни ерга қўйиб, бунинг қанақангидаги гамлигини тотиб кўрганман. Лекин бу бечорага жуда қийин бўлди-да, ахир пешонасида биттаю битта фарзанди шу Шани эди-да»,— деб пичирлашиб қолишаарди. Баъзилар эсанкираб қолган, бошқалар ҳадеб бурнини тортишар, бир хиллар қулай фурсатни пойлаб, Жофини қучиб, кўзига ёш олиб хайрлашардилар. Сал тажрибалироқлар эса нима ёрдам қиласагикин деб бош қотиришарди. Эшик ёнида турган бақалоқ Пордан кампир қўшнисига: «Фернадлик табибга кўрсатиб боқилса бўлармиди», деб шивирлаганди, у нарироқдагиларга, стулда ўтирганларга пичирлади бу гапни. Шошеда бир бола бутунлай нафас ололмай бўғилиб қолаётган экан, табиб оғзига нима балонидир тиққан экан, ўша заҳотиёқ бола яхши бўлиб қолганмиш ва ҳоказо, ва ҳоказо... Гуриллаб ёнаётган печка ва одамларнинг ҳароратидан хона тандирдек қизиб, аёлларнинг қора рўмоллари ҳамда, эркакларнинг кийимлари остидан тер ҳиди анқирди. Мари одамларга бўгирсоқ

тутяпти, меҳмонлар навбати билан битта-биттадан олишяпти. Кекса Қуратор эркакларга кўзадан вино қу́йиб бериб, стаканлар жингиллаб кетмасин учун оқис-тагина чўқиширияпти. Мана у меҳмонларни ташқарига кузатиб чиқиб, ўша ёқда ҳаёт ва ўлим ҳақида бир-икки оғиз валақлашиб, кейин оқшомги осмонга тикилиб турди-да, яна одамларга лиқ тўла хонага қайтди. Ич-карида ҳамма нафасини ичга ютганча, чироқ ёқин маросимини кузатиб турган эди бу пайт.

Жофи каравот четида худди елимлаб қўйилгандек қимир этмай ўтиради; ерга ҳам бўлган қора дурралар орасидан бирори бемор тепасига яқинлашганда у индамайгина, беихтиёр ўрнидан туриб, қўлини чўзар, хайрлашмоқчи бўлганларга сассизгина юзи ва кифтини тутар, бу аёллар бағрига босиб хайрлашар эканлар, унга оғир синовда тўзим тилаётганларини тушуниб турарди. Бир вақтлар куёв бола уни астагина тўй дастурхони олдидан ошхонага олиб чиққанида, қўнгиллари бўшашиб кетган қариндошлари уни худди мана шундай бағриларига босиб, юз-кўзларидан ўпишган эди. Ўшанда бири шляпасини, иккинчиси туфлисини, бошқаси ич кийими солинган пакетни тутқазишганди... Жофи ҳозир ўзини бағрига босаётганларнинг хўрсиниқлари, «шўрлик Жоғигинам», «худо сабр-қаноат берсин» деган сўzlари остида нима ётганини англаб турарди. Ўзига яқинлашайтганларни жуда аниқ кўриб, таниб, юзларидаги ҳар битта ифодани, лаблари қандай пи chirлаётганини, бетларида йилтираётган тер томчини, хуллас ҳаммасини пайқаб турарди. У фаяқат ўзини унутган, ўзини ҳис этмасди: елкасига тегаётган бошларнинг тариқча оғирлигини сезмас, гўё елкаси жонсиз бўлиб қолгандай эди. Бир марта пиқиллаёттан бир аёлнинг бўйнига юзини босгандা йиғлаб юборди, бироқ кўзларидан ёш оқаётганини ҳатто ўзи ҳам сезмади. Юраги ҳам худди елкасига ўхшаб жонсиз, карахт бўлиб қолгандай эди. Доктор кетиб, безозталангандан боласи қўлида қолган дамдан буён унинг бутун вужуди ва қалби тобора аллақандай галати тарзда жонсизланиб, увишиб бораётган эди — шунга қарамай у ҳаракат қила олар, юарар, гапирав, ҳамишагидең ташвиш чекаётганини юзида ифода эта оларди-ю, лекин ўзлигини, жисмига чуқурроқ кириб борган гам-ташвиш, изтироб томирини сезмас, ҳис этмасди...

Энг сўнгги меҳмонлар чиқиб кетганларида вақт хуфтонга бориб қолганди. Мари ошхонада, курсида ўтирган кўйи уйқуга кетганди, шундай қилиб Жофи bemor боласи билан ёлгиз қолди; Шанининг нафас олиши тобора қийинлашиб борар, вақт-вақти билан беш-ўн дақиқа мудраб кетар, кейин яна уйгониб кетиб ихрар, сўнгра тагин жимиб қолар, шунда зимистон қоронгилкда унинг ҳансирашигина эшитиларди. Кизела иккинчи каравотдаги ўринни ҳам тайёр қилиб қўйган эди: боланинг касали жуда юқумли, Жофиканинг у билан бирга ётишининг ҳеч қандай ҳожати ҳам, фойдаси ҳам йўқ эди-да, ахир. Бироқ бошқа каравотга бориб ётиш Жофига ноқулай кўринди. У кофтаси, юбкасини ечиб ташлаб, алангаи оташ бўлиб ёнаётган боласи ёнига чўзилди. Шани уни бўйнидан қучоқлаб олди. Даҳшат ва боласига бўлган меҳри жисмини ларзага солган Жофи ҳар қалай уйқуга кетди.

Субҳ чоғи у: «Ойи! Ойи!»— деган чинқириқдан уйгониб кетди. Шани ўринда туриб ўтирас, иситмадан лаблари пўрсиллаб кетганди. Энди кўзлари ҳам хира тортиб, худди балиқнинг кўзи сингари шишага ўхшаб қолганди.

— Нима бўлди сенга?— сўради Жофи даҳшат ичра баданига муз югуриб.

Аммо Шаника ўзига нима бўлганини, нега ўринда ўтириб олиб, ойисини нега чақираётганини гапириб, тушунтириб беролмасди. Унинг ҳеч қаери огримаётган эди, шунчаки қўрқиб кетаётганди, холос.

— Қўрқиб кетяпман,— деди у ва онасининг пинжига суқулиб, энтика-энтика ҳаво ютганча ухлаб қолди.

Жофи ўглининг пинжига суқилган бошини бир қўли билан ушлаганча, иккинчиси билан (юрагининг гурсиллаб тепиши ўглининг уйқусини бузишидан ҳадиксираб) юрагини тўсиб ётди ўз назаридаги. Дераза қопқоқларидан биттаси очиқ қолганди, ҳозир эса ўшандан тушиб турган тонгги ёруғда гижимланган чойшаб устида, қўлтигига суқулган жажжигина бошча яққол қўзга ташланиб турарди. Шишинқираган юзларига қўлага ташлаган оч кўкимтири тус эрталаблари — уйгонар олдида Жофи ҳамиша кўриб ўрганиб қолган чеҳрани мутлақо ўзгартиб юборганди. Шанининг ўрнига аллақандай бир қўрқинчли арвоҳ-болакай келиб қолганга ўхшарди. «Ўз қорнингдан тушган, жон бера-

ётган болангдан қўрқяпсан-а!» — деб пичирлади у юраги типирчилаб. Бироқ ваҳима тарқамади, балки борган сайин зўраяверди. Нихоят ўрнидан туриб кетди, бoshига рўмолини ташлади, бориб деразани очиб, кўчага мўралади. Рўпарадаги почта ва шундоқ ёнгинасидаги акаслар орасига яширинган симёғоч, гўё ўзга оламга сузib кетаётгандар билан соҳилда видолашиб қолаётган кузатувчилардай, унга бош чайқаётгандек туюлди. Жофи бир сапчиб тушди — орқа томонда кимдир эшикни очганди. Хонага Мари мўралади; соchlари тўзғиган, уйқудан кўзлари қизарганди. У туннинг бир қисмини ошхонада, бир қисмини Кизеланинг калтаги на диванчасида ўтказганди.

— Бу ёққа чиқ,— деди Мари ва ўша ондаёқ орқага тисарилди.

Жофи юкбасини, туфлисини кийиб, ташқарига чиқди. Эшикнинг таккинасида, деворга қапишганча қўғиниси Ирма турарди; ўзининг мажруҳ танасини совукдан асраш учун дазмол уриладиган чойшабнусха матони икки буқлаб ёпиниб олган, икки учини қалтираётган қўллари билан аранг ушлаб турарди. У узун, чўзинчоқ боши чўриларча итоаткорлик билан сал ёнга эгилиб, бўйини қисиб, ийманибгина, жилмайиб, титраб кетаётган лабларини қимтишга уриниб, индамай турарди. Оч кўк кўзлари илтижо-ла жавдиради.

— Шундай пайтда безовта қилганимга жаҳлингиз чиқмасин, бекам. Кундузи киришга ботинолмайман... Шаникага манави ўйинчоқни олиб келгандим, ўша тоби қочиб қолган куни икковлашиб ясаганидик. Бу қўғирчоқни кўриб роса кулганиди. Балки, ҳозир кўрса суюнار. Ўзим ҳам уни биттагина кўрсам. Ухлаб ётган бўлса ҳам майли...

Мана, ёпинчиқ очилиб, нимжон бармоқларда антиқа бир ўйинчоқ кўринди. Оддийгина таёқча, қушқўнмас кучаласидан бошча ясалган, икки ёнида симдан қўлча, жўхори поясидан эса оёқчалари бор. Бошчасида картошқа пўчогидан қалпокча, кўзи сариқ жўхори донидан, итнингми, мушукнингми жунидан узун мўйловчалари ҳам бор. Бу галати қўғирчоқ аскарча бўлса керак, нега деганда, ип билан боғланган битта хасни милтиқча ўхшатиб елкасига осиб қўйилган, белида эса қамишдан ясалган қилич осиглиқ. Антиқа аскарча ва қалтираб уни узатаётган қўл шундай аянчли эдики, асти қўяверасиз. Аммо Жофи бу жўнгина ўйинчоқни

кўрганда зардаси қайнаб кетди. Шу матоҳни ўглиниңг ўрнига қўярканми? Кейин, уйғонгач, уни ким келтирганини ҳам айтар? Гапириб ўтиришининг ҳожати ҳам бўлмас балки, кўзи тушгани ҳамоноқ Шаниканинг ўзи ҳам, қовжираб, пўрсиллаб ётган лабларини сўнгги бор очиб, илжайиб қўяр... йўқ, бунга эришолмайди бу қотила!

— Энди ҳожати йўқ,— деди Жофи ғижиниб, кейин шартта бурилди-ю, Ирманинг қўлидаги қўғирчоқни улоқтириб, лаънати мажруҳнинг ўзини ҳам тушириб қолмаслик учун хонасига кирди-кетди.

Жофи ичкарига кира солиб эшикни ёпди-да, бир нафас бўйин томирларининг тепишига, ошхонадан эшитилаётган пичирлашга қулоқ согланча туриб қолди.

— Йўқот ўша букини!— деб ўшқирди ичкарига кирган Марига.— Иккинчи қорасини кўрмай бу ерда! Агар яна бир марта тумшуғини суқадиган бўлса, нақ битта қўймай сочини юламан. Болани касал қилиб, яна уялмай-нетмай келибди-я, мегажин! Ҳали кунини кўрсатиб қўяман унга!

Жофини бунақангидар газаб кўрмаган Мари ўтакаси ёрилиб, орқасига тисарилди.

— Хўп, хўп, ҳозир ҳайдаб юбораман,— деб гўлдиради у, кейин Жофи тағин ёлгиз қолди.

У Марининг ошхонада пичирлаганини эшитиб турди, кейин кимдир пиқиллади; Жофи кўча эшикнинг тарақлаб ёпилишини хийла вақт кутди, лекин эшик тарақламади. Шаникага ўкшаб, орқа томондан кетган бўлса керак бу қиз, деган хаёлга келди Жофи. Шу пайт унинг миясига, ана энди ўша тирқишдан ҳеч ким ўтмайди, деган фикр келди-ю, бир дам мамнун ҳис этди ўзини. Оний мамнуният кетидан чексиз алам қамради жисмини. Жофи каравот томон отилди. Шу топда Шанини оёғидан бошига қадар бостириб-бостириб ўпгиси келганди. Бироқ каравот олдига борганида кўкариб мўматалоқ бўлаёзган лабчалар ютоқиб-ютоқиб ҳаво шимириар, адёлни пайпаслаётган қўлчалардаги тирноқчаларгина эмас, ҳатто бармоқчалари ҳам тарамтарам бўлиб кўкариб қолган эди.

Куратор кампир пилдираганича кириб келганида, Жофи ўглиниңг бош томонида ҳайкалдек қотиб, эсқушидан айрилиб ўтиради. Кизела билан кеча кечқурун келишга қўли тегмаган қариндошларидан баъзилари каравот атрофига қўйилган стулларга жойла-

шиб олишганди. Лекин улар бугун камчилик келганиданми, ёки кун ёруғлигиданми, балки даҳшатли ўйга бир оз кўнинканларидаңдир, ҳайтовур сал баландроқ сўзлашишарди. Онаси остона ҳатлаб ўтар-ўтмас, Жофини чақириб олиб:

— Менга қара, қайнананг Шаникани кўргани келармиш. Набирамни кўрмагунимча кўнглим тинчимайди, дейди. Яна-тагин унга бирон нарса деб ўтирамгин-а,— деди.

У бу гапларни шивирлаб, аммо ҳамма меҳмонлар эшитадиган қилиб айтди. Қора дуррали аёллар шивиршивирга тушиб қолиши, Юли Куратор бирпасгина улар билан ўтирган бўлди, бу ғалати ташриф ҳақидаги хабар аёлларга қандай таъсир этганини билмоқчи эди. Кейин туриб, ошхонага чиқиб кетди: қудасини биринчи бўлиб кутиб олмоқчи эди-да, ахир.

Илгарилари Жофи, менга деса ўлиб кетмайдими, боламнинг қорасиниям кўрсатмайман унга, дерди так-пор-такрор. Уни мол-мулкидан маҳрум қилдими, энди набирам йўқ, деб қўя қолсин! Мана ҳозир ҳам Жофининг хаёлига қайнанасини киритмайман деган фикр келди. Ахир унинг бошига тушган кўргиликларнинг асосий сабабчиси ана шу қайнанаси-ку! Лекин қизиқ, эрталаб ёгоч қўғирчоққа кўзи тушар-тушмас газаби қўзиб кетган Жофи энди, қайнанаси келаётганини эшитганида кўнглида ҳеч вақони сезмади. Унинг олдидиа Ковач кампирнинг айби нима эканини охиригача ўйлашга ҳам мажоли келмади. Жофининг ортида ўтирган қора рўмолли аёллар эса кампирнинг келишини маъқуллаб: «Ҳар қалай келармиш-ку. Ишқилиб буларнинг ярашишига шўрлик Шаниканинг жон таслим қилиши сабаб бўлиб қолмасин-да. Бошига кулфат тушганда қон-қардошлар топишиб, бир-бирларининг кунига ярайдилар, дейишади-ку. Ковач кампир ўзи ёмон хотина мас, лекин бир феълли аёл!»— деб шивирлашишарди. Жофи ана шу ҳикматли сўзларни эшитиб тургани учун эмас, балки тинка-мадори қуриганидан қайнанасининг келишини табиий деб топганди. Ана, Кизела ҳам беихтиёр туртгандек бўлиб, креслони каравот ёнига суриб қўйди, диванни аллақачон эгаллаганларига қарамай, кресло бўш турса ҳам унга ҳеч ким ўтирмади. Бу кресло Жофининг қайнанасига, ниҳоят ақли жойига тушиб, ўлим тўшагида ётган набирасини кўргани келаётган кампирга аталганини ҳаммалари билишарди.

Тубига қанд қуйқаси ёпишиб қолган кружкани чайгани айвонга чиққан Куратор кампир худди шу аснода зинапоядан кўтарилаётган қора кўйлак кийиб олган, икки бети қип-қизил қудасини биринчи бўлиб кутиб олишдек баҳтга мушарраф бўлди.

— Ҳар қалай кепсиз-да, қудажон,— деди Жоғининг онаси кўнгли бузилиб; ҳар қанча аччиқланиб юрмасин, бироқ нимасидир Юли Кураторни қудаси олдидиа беихтиёр хушомад қилишга мажбур этарди.— Озгинагина умри қолдимикин деб қўрқаман...

У келиштириброқ гапиришни истар, ҳатто нима дешишини олдиндан ўйлаб ҳам қўйганди, бироқ тўсатдан юраги тўлиб кетиб, оғзи бужмайди-ю, сўзлари бўғзида қолди. Юли Кураторнинг лаблари титраб, милки қочган оғзига ботиб кетди гўё, йиғлоқи кексалик эса кўзларига ёш томизди, шўрлик кампир қудасининг бўйнига осилгудай бўлди.

Аммо қудаси сиполикни қўлдан бергиси келмади, йиғлаб кўришашётган кампирнинг елкаси оша остонаяда пайдо бўлган Кизелага тикилганча, Куратор кампирнинг елкасидан салгина қучиб ҳамдардлик билдириди гўё, кейин худди ўшандай ҳамдардона ҳаракат-ла уни йўлдан четлаштириди.

Важоҳатли меҳмон ая эшикни оқистагина тиқиллатди, «кираверинг» деган овозни эшигтгачгина ичкари кирди. Ким тиқиллататёйтганини ҳаммалари фаҳмлаган эди, шу ерда ҳозир бўлган зиёратчилар лашкари ўрнидан туриб, бир нафас тик қолди. Хона ёп-ёруг, деразадан тушаётган қуёш нури ташриф буюрган хоним ойимнинг важоҳатларини ёритиб, ҳозир бўлганлардан ҳар бири у кишининг юз ифодаларини бемалол ўқий оларди. У кишини танимайдиган бирон кимса калтабинлик билан парвосини бузмайди-я бу тепса-тебран-мас, дейиши мумкин эди, бироқ хонадагиларнинг бари ушбу сиртқи беларволик замира иде олишув бораётганини, кўхна аламлари янги илиқ туйфуга жой бўшатиб бераётганини англаб турарди. Қовач кампир бу ерга расм-руссумга амал қилиб келганди; аммо у ўз ҳадрииззатини шундай кулфатли дамларда ҳам асраб-авайлаб қолмоқ ниятида эди. У Жоғининг ўрнидан қўзгалиб, истиқболига юришини кутиб эшик олдида турарди; мана, ёш жувон унинг қаршисида, лекин қайнанаси билан қандай кўришишни билмай довдираб қолди. Шунда қўққисдан қандайдир номаълум бир куч

орқасидан туртиб юборгандай бўлди-ю, қайнанасининг биққа қўлларига ёпишиб, ўпди-да, ҳўнграб йиглайверди. Бу ишлар шунчалик бехосдан рўй бердики, нимага бундай қилганини Жофининг ўзи ҳам билмасди. Қайнанасини таомил тақозо этганидай қарши олганидан унинг ўзи ҳам ҳайратда эди, бироқ ўрнига қўйиб адо этгач эса, анча енгил тортганини ҳис қилди. Унинг қайноқ бўсасидан қайнанаси ҳам эриб кетгандай эди; мол-мулки беҳисоб бойвучча хонимлардай, виқор билан Жофининг бошини кўтариб, пешанасидан ўпди-да, Шаникага яқинлашди. Кизела билан Жофининг онаси бараварига креслони суриб беришди унга, лекин у бемор бола тепасида нима қилишини яхши билганидан, набираси устига энгашганча тураверди. Олдинига адёл устида ҳолсизгина ётган қўлчани ушлади, сўнgra пешанасига тушиб турган сочини тўғрилаб қўйди-да:

— Мени танияпсанми, неварағинам? Ковач бувинг келди сени кўргани! Дадажонингни онаси келди,— деди Шаникага оҳистагина. Бола тепасига энгашиб қарангларида бошқалари юзида куйиниш ёки қўрқув акс этган бўлса, Ковач набирасига худди ёш келин-куёвларни никоҳлашга шайланган руҳоний қиёфасида яқинлашганди. Шанининг ҳозиргина ҳаракатсиз тикилиб ётган кўзлари бесаранжомлик билан унинг баркашдай қип-қизил юзларига жавдирай бошлади ва бирдан бошини буриб олди.

— Ойи,— деди у ҳазин товуш билан.— Ойи!— Жофи ёнига югуриб келганида эса:— Нимага келишди?— деб сўради.

— Кимни айтяпсан?— шивирлаб сўради Жофи.

— Шунча кўп одам нимага келди?— дея ингради бола ва онасининг қўлига ёпишиб, торта бошлади, Жофи ҳам ётишга мажбур бўлди.

Ҳамма ўзини боланинг гапини эшитмаганга солди, ҳеч ким ҳатто кўз уриштириб олгани ҳам йўқ, аммо тилларининг учida яна бир янгилик тайёр туради. «Бечора болагина, бувисининг ўтказган зуғумини билиб тургандай-а. Бошини бурди-ю, кетсин у, деб йиглаб юборди». Мағлуб бўлганини Ковач кампирнинг ўзи ҳам тан олди; у ранжиган қиёфада қаддини ростлаб, қудасига таъниали қараб қўйди, қудаси эса бу ҳолни нима деб хаспўшлаб кетишини билмай, каловлаб қолди.

— Бечорани жуда мазаси қочиб қолди. Эрталаб Ковач бувинг келади деганимда кулиб қўйганди, мана

энди бўлса ҳатто танимаяпти. Эҳтимол бизни ҳам та-  
ниёлмас ҳозир.

Ковач кампир маъқуллаб бош иргаркан:

— Биз бандай ожизаларнинг қўлимиздан нимаям  
келарди, пешонасига битилгани шу экан! — деб қўйди.

У креслога чўкиб, қўмирлаб-қўмирлаб яхшилаб ўр-  
нашиб олди-да, қулогига алланималардир деб пичир-  
лаётган Кизеланинг гапларини диққат билан тингла-  
ди, ўзи эса муваффақиятсизлигини ҳазм қилаётгандай  
чурқ этиб оғиз очмади. Жофи ҳозиргина ўз бувисидан  
нафрат билан юзини буриб олган ўғли ёнида, каравот-  
да устига зنكайганча ўтиради ҳануз. Анави қари  
аҳмоқ Юли Куратор бўлса алланимабалоларни мин-  
гирлаб ётибди, бошқалар эса ичиқоралик билан севини-  
шиб, бетига тўрсайиб қарашни пайдан — келинининг  
уйида унга меҳр-оқибат кўрсатаётган ёлғиз Кизелаги-  
на, холос. Кампир бу ерда аранг ўтиради, заҳрини  
сочмай, индамайгина чиқиб кетавергиси ҳам келмас-  
ди. Бу ўзига бино қўйган кеккайма келинини сўнгги  
марта тунроқ билан тенг қилиш ёки бошқа бирон йўл  
билан таҳқирлаш ниятида эди у. Шундай қилиб бол-  
лаши керакки, кеттанидан кейин тавбасига таяниб,  
кўкрагига муштласин, одамлар кейинчалик Ковач на-  
бирасининг ўлим тўшаги устига қайдай келганини эс-  
лаб юрсинлар. Бу орада бир неча әгачи-овсинлар кетиш  
тадоригини кўра бошлагандилар. Борди-ю у ҳам ҳози-  
роқ кетмаса, кўрсатадиган кароматига шоҳид қол-  
майди.

— Мен ҳам бора қолай энди, қизим,— дея каравот-  
дан турган Жофиға ўгирилди.— Худо ўз паноҳида асрар-  
син ва бу кўргиликларга чидашинг учун куч-қувват,  
тўзим берсин илоҳим. Борди-ю, яна яратганинг ўзи ас-  
расин-у сизларни, бирон гап бўлса у ҳам Ковачлар номи  
билан аталганини унутма, онаси бизни боладан жудо  
қилганига қарамай, ўглининг жойи отасининг ёнида бў-  
лиши керак. Агар неварамни бошқа ерга қўядиган бўл-  
санг, шўрлик Шандоргинам нақ гўрида тикка тура-  
ди-я.— Шундай деб у бирдан пиқиллаб юборди ва Жо-  
фини бағрига босди.

Жофи ҳеч нарсани англамай, гап даҳма ҳақида бо-  
раётганига ҳатто ақли етмай, қайнанаси қаршисида  
лол бўлиб тураркан, қулогига фақат атрофдагиларнинг  
хўрсинишигина кирап, ўзи эса ёстиқдай-ёстиқдай кўк-  
раклар билан ўпичларнигина ҳис этарди, холос. Бу ка-

рахтлик тўсатдан ожизона ҳўнгроқча айланди. У қай-нанасининг қучоғидан қутулишга уринмасди ҳам, кам-пир бўлса мамнун ва таъсириланган бир кайфиятда ке-линини қўйиб юбормай, ошхонагача олиб чиқди-да, ўша ерда Жофини авайлабгина бағридан чиқарди. Энди, сиполик зарур бўлмаган жойда унинг ҳам кўзида бир-икки томчи ёш йилтиради. Жофи ошхонада, стул суюнчигини ушлаганча қолди, уни ичкарига киритгунича Кизела тасалли беравериб ўлиб бўлди.

Бу кеча Жофи ўғли ёнида ётмади. Боланинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди, Кизела эса, Шаниканинг касали жудаям юқумли деб қулогига қуийгани-қуийганди. У дам-бадам «уф-уф»лаб ётган Мари уйқуга кетгунича кутди, кейин ўзи учун тайёрлаб қўйилган ўринга чўзилди. Чип-чиннидай чойшабнинг ёқимли исидан тетиклангандай бўлди, ҳеч қанча вақт ўтмай, онги ҳорғинлик билан қанчалик олишмасин, донг қотиб ужлаб қолди. Бироқ икки соатлар чамаси фурсат ўтгач, аста-секин воқеликни сезиш ҳисеси қайта бошлади; энди Жофи боласининг инграганини эшитиб бот-бот ўрнидан сапчиб тураг, кружкадаги сувни тутарди унга. Шаника бир-икки ҳўплаб, нафаси қайтиб куржкани на-ри итарарди.

— Ойижон, мен ҳам сиз билан ётай,— деб зорла-нарди у кружкани нари сураркан.— Сиз билан ёта қолай, бу ерда қўрқяпман!— шундай деб онасининг қўлига ёпишарди.

Жофи эса қўлини ўғлининг маҳкам ёпишиб олган бармоқларидан бўшатиб, овози мулоийм чиқсин учун бор кучини тўплаб:

— Мумкинмас, бўталогим, ухлай қол,— дерди.

Эҳтимол Шанининг сўзида туриб олишга мажоли етмаётгандир, балки жон таслим қилаётганлар инсон ақлу онги етмайдиган нарсаларни билиб олгувчи қандайдир сирли йўл билан одамлар оламидан насибаси узилгани ва абадул-абад ёлғиз ётишга маҳкум этилганини фаҳмлагандир. Ишқилиб у Жофига ёнингизда ётаман деб тихирлик қилмай қўйди, Жофи бўлса ўз ка-равотида ваҳима ҳамда номус тўлқинлари вужудини ларзага келтириб, дағ-даг титраб ўтираверди. Кейин у астагина чўзилди-да, ҳеч нарсани ўйламай, дераза қопқоқлари тирқишидан тушиб турган ёруғга тикилиб ётди; боши остига қўйиган қўллари увишиб қолса ҳэмки қимир этиб қўймади.

Эртасига эрта билан торилик докторни олиб келишиди яна. У Шаникага қандайдир укол қилди.

— Бола бечора тортаётган азобни сал енгиллатишмиз керак,— деди у шприцни ёруққа тутиб, ичидаги ҳавони чиқараркан. Шаника шалвиллаб қолган қўлига қилингандай уколдан кейин чиндан ҳам уйқуга кетди.

— Вуй, маза,— деди у бир марта уйқусида, шунда изтироб чеккан юзида кулгига ўхшашибир нарса йилт этиб ўтди. Энтикиб-энтикиб нафас олиши ҳам секинаста равонлаша борди, сўнгра эса шу ҳам ортиқчалик қилгандек енгилгина пишиллашиям тинди қўққисдан — чуқур уйқуга кетган одамнинг уйгонар олдидан худди шундай бир сония нафас олиши тўхтайди одатда. Шаника эса ана шу оний танаффус пайти беҳуда ўтгандек бир неча бор ютоқиб-ютоқиб нафас олди-да, шартта бошини кўтарди, унинг шаҳло кўзлари қайларгадир олисларга қадалганди. Бир он шу таҳлит турди, кейин таппа ёстиққа ташлади ўзини, хира тортган кўзларида даҳшат ифодаси акс этиб турарди.

Шу пайт хонада беш киши — Жофи, унинг онаси, Кизела, Жофиканинг тутинган онаси Хорват ва одатда кир-чирини ювиб-дазмоллаб юрадиган, ҳозпр ҳолидан хабар олгани келган аёлгина борийди. Доктор укол қилганидан кейин улар болага аҳён-аҳёнда бир, шунда ҳам бемор тўсатдан қимирлаб қолса ёки хириллай бошлиласа қараб қўйишарди. Ҳар бир инсоннинг жон таслим қилиши, ҳатто у норасида гўдак бўлганида ҳам, унинг мутлақо шахсий иши, бу пайтда жон бераётган бандага ҳадеб тикилавериш яхшимас, устига устак хосияти ҳам бўлмайди, деб ҳисоблардилар-да, ахир. Шу сабабли улар ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Олдин Хорват йиғлоқи овоз билан шивирлади опасига:

— Петер Торнга бориб, зарур нарсаларни олиб келар.

Опаси ҳам шивирлаб жавоб берди:

— Яна билмадим... Отаси пешинда Фехерварга бориб келаман деяётганди. Торнлик дурадгорни жини ёқтиргмайди. Күёвимга ҳам қопқоғи ёпилмайдиган тобутни ўша ясад берганди-да, ахир.

— Мен айтдим-қўйдим, тагин ўзингиз биласиз,— энди бемалолроқ гапирди Хорват.— Бунақа пайтда ташвиш билан бўлиб баъзи нарсалар эсдан чиқиб қолиши ҳеч гапмас.

— Пештдан гулчамбар келтириш керак бўлса, мен ўғлимга телеграмма бериб юбора қолай, йўқ демайди у,— Кураторлар олдида Имресини тилга олгиси келиб қолди Кизеланинг.

Эгачи-сингил, Имрени чиқимдор қилиб қўянимиз, деб ўйлашиб шекилли, дарров жавоб бера қолишмади.

— Майли, поччам бари бир Фехерварга борарканлар...

— Ҳа, ҳа, аравада олиб келган қулайроқ — синглисининг гапини илиб кетди Куратор кампир.

Шу тариқа улар дағн маросимига тайёргарлик ҳақида маслаҳатлашиша бошладилар. Қовач кампирни йўлатиш-йўлатмаслик устида бош қотиришга тушдилар.

— Айттирасак бўлмас, минг қилгандаям бувиси,— мулоҳаза билан деди Жофининг онаси.

— Турқи қурсин ўшанинг,— деб тўнгиллади Хорват бу гапи опасига ёқишини билиб.

— Кўнгиллари яна нималарни тусаркин, Шаника-мизни у кишининг хилхоналарига қўярмишмиз-а! Буни ўзингиз ҳам эшитдингиз-ку, ахир...

— Ҳа, Жофикамизнинг пешонаси шўр экан, турмушдан ёлчимади. Менга қара, Жофика,— жиянига мурожаат қилди Хорват. Жофи бу орада каравотдан туриб, говлаб кетган бошини икки қўли орасига олганча, диванда индамай ўтиради.— Яна-тағин қайнанангнинг гапига лақقا тушиб юрмагин-а. Ўша тош даҳмалари бошларидан ордона қолсин!

— Ўлганидан кейин қаерга қўйилса ҳам менга бари бир,— жавоб берди Жофи, гапни айлантиргиси келмаётгандай оҳангда.

Бироқ онаси билан холаси пичирлашганча уни кўндиришга уннаб кетишибди, шундан сўнг у чор-ночор уларга яқинроқ сурилиб, саволларига жавоб қайтара бошлади. Эндиликда унга ҳаммаси бефарқ бўлиб қолганди. Майли, онаси айтиётгандек бўлсин. Унга деса, ўзини ҳам лаҳадга қўя қолишсин... Яқинларига ана шундай жавоб берарди-ю, лекин каравотда жони узилаётгтан боласига тикилганча, қазо дақиқаларини кутиб ўтиргандан кўра ўзига қарата айтилаётгандан гапларга қулоқ солиш маъқул келаётганди.

Шаника: «Вуй, маза», деганида орадаги суҳбат бир дам тўхтади.

— Бу морфийнинг таъсири,— деб қўйди Кизела,— бирорта яхши нарсани туш кўряпти.

— Лоақал қийналмай, тинчгина оёқ узатадиган бўлди-ку,— деди ювгучи аёл, бирон нима беришар-ку, деган умидда сўнгги дақиқани сабр-тоқат билан кутиб ўтирган эди у ҳамон.

Бошқалар, бало бораканми унга бу ерда, дегандай кўз уришириб олишди. Лекин уни ҳайдаб ҳам бўлмасди. Шу боисдан пичир-пичирни давом эттиришаверди, ҳамма нарсанг борми, деб Жоғидан суриштиришди.

Онаси ташқарига чиқиб кетди, у Марига Шаниканинг кишилик кийимларини дазмоллашни буюрди. У қайтиб кирганда бошқалар каравот олдида уймалашибарди, орқада турган ювгучи аёл секин дегандай ишора қилди унга. Олдинига йигидан Хорватнинг бўлиқ кўкраклари селкиллади; кейин кўзларини ишқалаганча Кизела каравотдан узоқлашди, ювгучи аёл унга йўл бериб бир қадам чекинди. Ҳудди шу пайт Куратор кампирнинг нигоҳи набирасига, унинг заволга юз тутиб, астагина очилаётган кўзларига тушди. У югуриб бориб ушлаган пайтда қўлчаси ҳали илиқ эди, аммо пўрсиллаб ёрилиб кетган лаблари орасидан нафас ўтаётгани сезилмас, бурун парраклари ҳам тек қотганди.

— Вой худойим, жажжи набирагинам, бизни ташлаб қайларга кетдинг,— узоқ умрида кўриб-эшитавериб пишиб кетган дийдиё кўксидан отилиб чиқди. Унинг ув тортиши ишора бўлгандек, ўша ондаёқ бошқалар ҳам бараварига ув тортилар; ҳатто тарашадек қотиб кетган ювгучининг қип-қизил бурни ёқалаб ёш юмалади...

Жофи одамнинг қандай жон беришини умрида кўрмаган эди. Эри жасадини ёпинчиқда худди харсангдай ўраб келтиришган, ўқ теккан дақиқада унинг юзида қандай ифода намоён бўлганини тасаввур ҳам этолмаганди. Ўғлининг жон бериши ҳатто ҳайрон қолдирди уни: «Вой шуни ўзиякан-ку?!»— дегандай ажабланди. Ҳеч қаерида ҳеч қандай оғриқ-изтироб сезмади у. Юраги худди қўли ёки оёгига ўхшаб игна урса ҳам сезмайдиган бўлиб увишиб қолди. Фақат биргина нарса — кузатиш сезгисигина қолди, холос. Боласининг ҳар бир ҳаракати унинг қалбига муҳр бўлиб босилаётгандай эди; у онасининг йиглаётганини аниқ-тиниқ эшитиб, холасининг бўйнига томаётган ёшлирини сешиб турарди.

— Йиғла, Жофи, йигласанг-чи. Йиглаб хумордан

чиқмасанг юрагинг ёрилиб кетади-я,— такрорларди Хорват.

Кейин Кизела шартта белидан қучоқлади-ю, ўзининг хонасига олиб чиқиб кетди. Жофи йўлакай онасига ўгирилиб қараганди, унинг ортиқ йифламаётганини, Шаниканинг кўзлари устига қандайдир тангаларни қўяётганини кўрди. Мари шу пайт Шаниканинг кишилик кийимини олиб кирди; у ҳам йиглаётганди-ю, бироқ афти худди кулиб юборишдан аранг ўзини тийиб турганга ўхшаб кўринарди. Ошхонада эса ювгучи сув иситаётганди.

Жофини нақ эртаклардагидек ҳавода сузиб юрган элак билан девордаги чайқалиб турган жавон орасидан нариги хонага олиб ўтишди. Кизела стул қўйиб бериб, Жофининг қулоғига ҳадеб алланималарни пичирлай кетди, у гарчи ҳар бир сўзни аниқ эшишиб турган бўлса-да, кампирнинг нималар деяётганинг маънисига тушунолмади. Кейин Мари кружка кўтариб кирди, Жофи ундаги нарсадан ичиши керак экан. Мана, у қўлини ҳам узатди, лекин худди шу пайтда тўсатдан қўли қалтираб, бу титроқ бутун танасига таралди. Буни кўрган Мари дод деганча ёрдамга чақиргани отилди, Жофи эса ниҳоят вужудини занжирбанд этган карактликдан қутулиб, хийла енгил ҳис эта бошлади ўзини.

Кун бўйи Кизеланинг хонасида ўтирди у. Ошхонада эса одамлар уймалашишар, у ёқдан-бу ёққа зир югуришар, шкафларни нари-бери сурешар, идиш-товоқларни тарақлатишшарди. Гоҳо унинг олдига ҳам киришар, ҳар қайсилари бирон нима тотиниш ёки ҳўплашга унатмоқчи бўлишар, ёхуд орқасига ёстиқ қўйиб беришга уринишшарди.

— Бирпас чўзилиб дамингни олсанг бўларди, Жофика,— тамшанганча уни кўндиromoқчи бўларди онаси,— нақ аллакимларга ўхшаб, кўринишинг бир ҳолатда-я.

Худди курк товуқдек бир жойда қимир этмай ўтиравериш Жофига ноқулай туюла бошлади; дераза олдига борди. Айвоннинг панжарасида кимдир ёйиб қўйган, ҳозиргина Шаника ётган чойшабу устидаги ич кийимлар оқариб кўринди. У шошганча орқасига қайтиб, ҳурпайганча яна стулга ўтириб олди. Шу топда унинг вужудини энг даҳшатлиси энди келади-ку, деган бир туйгу чулгади. Энди навбат уники. Ахир унга ҳам юққан-ку бу дард. «Тезроқ ўла қолсам кошкийди!»—

деди ичида, лекин ўша замоноқ жисмини бекиёс даҳшат забт этди. Худди Шаникага ўхшаб нафас ололмай бўғилиб ўладими ҳали! Лаблари торс-торс ёрилиб, кўмкўк кўкариб-а!.. Онги эса бунга тан бериб, яшаб нима ҳам қилардинг, дерди. Кўзлари бўлса, яна кўкармаяптимикин, деб тирноқларига тикиларди, салгина йўталади, деб аъзойи бадани титраб кетарди.

Хонага Кизела кириб келди, тайёргарлик ишлари битганини айтди, бироқ у дағн маросими — Шаникани дағн этиш маросими ҳақида эмас, мутлақо бошқа нарса ҳақида гап бораётгандек оҳангда сўзлади. У оғзидан воқеликни эслатадиган бирон сўз чиқиб кетмаслигига ҳаракат қиласади.

— Мехрибон дадангиз эрталабоқ Фехерварга кетганлар. Гул ва бошқа керакли нарсаларни олиб келадилар. Мен ўғлимга телеграф қиласай дедим, бажони дил олиб келарди у. Лекин дадангиз, жаноб Куратор унга иноммадилар чоғи. Вой худойим-эй, суймаганга суйканма, дейдилар-ку ахир! Айтгандай, қанақанги шойидан келтиришаркин, эсим қурсин, буни тайинламабман, худо кўрсатмасин, тагин ип газлама кўтариб келишса-я. Ҳамма эркак ҳам бунақа нарсанинг фарқига боравермайди...

Бу гапларнинг барини тўй маросимида ҳам бемалол ишлатилса бўлаверади. Жоғи ҳозир гангиб, боши говлаб ўтирганидан Кизеланинг қандайдир гуллар, шойи борасидаги гаплари миъсига кирмас, гўё бу гаплар онтига таъсир этмай, қулоғи ёнидан ўтиб кетаётган эди. Кизела ўғлини тилга олганда у сал-пал сергак торти, холос. Шу тариқа, бошида фикр-ўйдан ном-нишон йўқ, ҳеч нимани ўйламай, ҳеч нимани англамай бир неча соат ўтиргандан сўнг унинг бирданига шунча гапларни сингдириши маҳол эди. Бақт ҳам гоҳ қисқариб, гоҳ узайиб, йўргалаганча ўтиб боряпти. Бироқ Кизела стулга чиқиб, какку қушли соатни тўхтатган дақиқа ҳеч тугамаётгандек эди, энди бўлса тўсатдан оқшомги ибодатга қўнғироқ даранглаб қолди. Жоғи ҳеч нимани тушунолмасди: нима бу, соат етти бўлдими аллақачон ёки яна бошқа бирор ўлдимикин?

Кўп ўтмай, бир йўла уч ё тўрт аёл кириб келишиди ва негадир шовқин сола беsshлашди. Кизела баланд овоз билан ювғичига товуқ берганини айтди, онаси бўлса «ҳе» йўқ, «бе» йўқ шкаф эшикларини тарақлатарди,

холаси Хорватни йўтал тутиб қолди, у эшик ёнида икки букилиб йўталарди. Аммо Жофи бу шовқин орасидан ошхонага эркаклар кириб келганини аниқ эшилди бари бир, мана, дадаси кимгадир жеркиди: у ҳеч қачон ўзини вазмин тутолмасди. Кейин ҳаммаларини шамол учиреб кетгандай гизза чиқиб кетишиди. Жофи ёлғизликдан бўғила бошлиди. «Тобутни олиб келишиди,— ўйлади у.— Бегона қўллар уни тобутта қўяди ҳозир». Қалби оппоқ қорга бурканган қиши тунидек тиниқ тортди. «Ўғлимни тобутга бегона қўллар жойлашига йўл қўймайман», дея ўз-ўзига амр этди-да, ўглини дағнি маросимиға тайёрлаш борасида ўз оналиқ ўрнини талаб қилмоқ ниятида кичик хонадан чиқди. Ошхонада милтиллаётган шам ёниб бўлаёзибди, ҳамма ёқни атиргул ҳамда марваридгулларнинг иси тутиб кетибди. Гулчамбарларни ертўлага олиб тушиб қўйишига ҳали улгуришмабди. Уларнинг бўйи димоғига урилган Жофи тўхтаб қолди шу ерда, кўнгил кўзгусида хотиралари жонлангандай бўлди; шамлар шуъласига гарқ бўлган заҳил чеҳра кўриниб кетди кўзига... Шунда кўз ўнгида отасининг миттигина жонсиз жасадни оқ яшикчага жойлаётгани, итоат этмаётган жажжи қўлчаларни қора нимча кўкрагига қўйиб қўйяётгани яққол намоён бўлди... Шўрликнинг тиззалири қалтираб, липиллаб ёнаётган шам нақ парвонадек чарх уриб айланиб, гулчамбарлар устига гурс этиб қулади бечора она. Кизеланинг каравотида ўзига келди, кимдир юрагини уқалар, кимдир пешанасига сирка суртиб ишқарди, кўзини очганида сирка томчилари сизиб кириб ачитиб юборди.

Энди уни назардан қочирмай қўйишиди, Кизела муттасил алланималар деб мингириларди, онаси ўз ойисидан қолган дуолар китобчасини олиб кириб, то Жофи уйқуга кетгунича ўқиб ўтирди. Шу пайтгача Шаникани кўргани келиб-кетиб турганлар эндиликда у ётган кичик хонага танда қўйиб қолишиди. Яна қия очиқ эшикдан аввал қора рўмолли аёллар астагина кириб кела бошлиди, бу қариндош-уруғларнинг чеҳралари Шаниканинг тўшаги тепасига келган пайтларида гидек ташвишли, безовта тус олганди яна. Уларнинг кўзлалири Жофининг юзидан мудҳиш ажал аломатини излар, буниси ҳам кўпга бормайди деб ўйлашарди. Гёё Жофи шу ерда, уларнинг кўз ўнгиларида юраги чок-чокидан сўклилиб, жон таслим қилиши лозимдай, бошларини эгуб, жимгина кутиб ўтиришарди стулларда. Улар ув-

вос тортишга шайланиб дастрўмопларини гижимлаб ўтиришар, вақти-вақти билан хўрсиниб қўйишарди. Гоҳо аёллардан бирортаси тобутда ётган ўғли ҳақида гап очиб қоларди:

— У ёққа кирдингми? Худди ухлаб ётганга ўхшайди-я бола шўрлик.— Шунда бу сўзларни эшигандага Жофининг қандай титраб кетганини кўриб, Хорватдан шивирлаб сўрарди:— У ҳали боласининг тобутда ётганини кўргани йўқми?

Хорват эса бўлиқ кафти билан оғзини пана қилиб, алланима деб пичирлаб жавоб қайтарарди.

— Киргизмаганларинг тузук,— паст овоз билан маъқулларди сухбатдоши ва, жуда мазаси қочиб қолган бечоранинг, дегандай Жофи томонга ишора қилиб қўяр, кейин ўзининг кап-катта бўлиб ўлган ўғли жасади устида оппоқ тонг оттирганини айтиб, ўзи шунаقا, ҳамма бирдай эмас, бирор ташвишни кўтаради, бирорни гам букиб қўяди, деб ҳамдардлик билдирган бўларди.

Кечга бориб эса бу қора дуррали аёллар тобора овозларини баландлатиб, киритмаганларинг яхши, жонсиз ётган ўғлини кўриб жонини беҳуда қийнамагани тузук, дея уқтира кетишиди. «Бир марта видолашгани ҳам етади»,— дейишарди атрофидагилар, Жофи ниҳоят виждон қийиноғини туйиб, Шани ёнига киритинглар деб зорлана бошлади, кейин кираман деб туриб олди. У киритишмайди, балки, эшикни қулфлаб қўйишади, деб ўйлаганди. Чиндан ҳам унга: «Кераги йўқ, кирма, нима ҳожати бор»,— дейишди, бироқ у тил учидагина эътироуз билдираётгандарини англади-ю, тўсатдан қатъий бир қиёфада ўрнидан турди.

— Ҳозир шу ердалигига кўрмасам, кейин бир умр кўролмайман-ку,— деди у.

Жофининг бу гапи ҳаммаларига маъқул тушди ва уни раъйидан қайтармай қўйишди. Ёш жувон олдинги хонага қараб юраркан, ҳаммаларининг башараларига жиддий бир синчковлик қалқди. Кизела олдинга тушиб йўргалаб қолди, у гўё ниманидир тўгрилаб қўймоқчига солди ўзини, аслида эса кампир Жофининг шу топдаги чеҳрасини кўрмоқчи эди, холос; онаси бўлса қизига ёпишди ва, зора Жофи ҳам ниҳоят йиглаб кўнглини бўшатса, деган умидда олдиндан пиқиллай бошлади.

Хона нимқоронги, фақат битта дераза қопқоғини

қия очиқ қолдиришганди, тобутнинг бош томонида иккита шам милтиллаб турибди. Оғир шкаф билан дейвордаги устига дастурхон ташлаб қўйилган ойнадан бошқа ҳамма жиҳозларни ташқарига чиқариб қўйишибди. Ён томондаги харракда икки хотин — Шанини ювган ювгучи билан ҳамқишлоқларининг хайр-эҳсонлари ҳисобига кун кўриб келаётган ақли ноқис кампир Жужа Морилар ўтиришибди. Бу кампир куну тунларини қабристонда ўтказар, бирорта дағи маросимидан қолмас, тобут ёнида соатлаб дуо ўқирди зўр бериб. Мана ҳозир, марҳумнинг уруғ-аймоқлари кириб келгач, икковлари ҳам бошларини янада эгиб олдилар, лаблари алланималарнидир пичирлар, бармоқлари билан эса тўр ҳошияли рўмолчаларини эзгилар, чўзғилар — туриш-турмушлари-ла дуога шўнгигб кетганга солардилар ўзларини. Жофи бу икки аёлни дарров пайқади, иккала дуохоннинг ўзига кўз қирларини ташлаб қўяётганларини кўриб турди. Бу пайт онаси бутун оғирлигини ташлаб унинг елкасига осилиб олган, Жофининг овози борича ўкраб йиглашини кутаётгани очиқ-оидин сезилиб турарди. Жофи орқа томонда, эшик олдидা тўдалашиб турган хотинларинг синчков нигоҳлари кўкракларига қадалганини ҳис этарди. Шунда тўсатдан қандайдир бир ваҳшиёна қайсарлик тилга кириб, тўнини тескари кийди-олди: «Сизларга эрмак бўлиш учун бошимни деворга уриб додламаганим бўлсин! Бекорга кўзларингни лўқ қилиб турибсанлар, ийқилмайман, ёқамни йиртиб, фарёд ҳам урмайман!..» Шу хаёл билан у кўзларида қатра ёшсиз, барча аркони давлатнинг икки кўзи қадалиб турган маликалардай дадил одимлаб, тобут ёнига борди.

Қора чойшаб билан милтиллаб турган икки шам ўртасида илгари сира кўрмаган, нотаниш бир чеҳра ётарди. Шамларнинг саргиш шуъласи осойиш топган, изтиробдан қутулган бу чеҳрада Жофи билмаган, тушунмаган бир самовий руҳ акс этиб турарди. Абадий уйқуга кетган Шаника фаришталарга ўхшарди бамисоли; сал кенгбар бурни ҳозир ингичка тортган, сақичдек соchlари остидаги пешанаси мумдай ялтираяпти, юмуқ қовоқлари остидаги йирик кўзлари ҳазин боқиб турганга ўхшайди. Шаника ҳеч қачон бунчалик чиройли, бунчалик самовий бўлмаган. Бу Шаника илгаригининг нафақат жасади, балки чинакам Шаниканни абадий ютиб юборган қабри ҳам эди. Жофи ундан кўзи-

ни узолмасди. Ўғли бир неча йиллик саргардонликдан сўнг қайтгандек, қани, мени танирмикин-йўқмикин, қанчалик ўзгариб кетиби-я, дегандек маҳлиё бўлиб турарди у. Аста-секин онасининг пиқиллаши ҳам тинди, кейин қизидан олислашди, синчков меҳмонлар ҳам Кизеланинг хонасига чиқиб кетишид сургалиб. Харракда ўтирган икки доуохонгина гоҳо-гоҳо қимирлаб қўйишарди, шам шуъласи қаттиқроқ липиллаб кетганида гўё Шаника кулиб қўйгандек бўларди.

Жофи эркак киши овозидан ўзига келди; ошхонада кимдир саломлашди.

— Етиб келдингми? — сўради Кизела.

— Ошнам ташлаб кетди.

Ошхонада энди пичирлаб гаплашиша бошлишди, яна бояги эркак:

— Бўлмасам-чи, камелия гули,— деб жавоб берди.

Кейин яна шивирлашишга тушишди, ора-сира бояги эркакнинг овози сал баландлаб, узуқ-юлуқ, гаплари эштиларди. Жофи ўзининг бу овозга беихтиёр қулоқ солаётганини, шивир-шивир орасидан ажратиб олаётганини сезиб кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Ўзи Шаниканинг янги, фариштага ўхшаган саргимтири юзига тикиляпти-ю, лекин фикрини бир ерга жамлаб ололмаяпти. Жофи шунда бошини янада тобутга яқинроқ эгди, лекин унинг шу топдаги туриши нимагадир берилиб қулоқ солаётган одамнинг ҳолатини эслатарди. Марҳум ўғлининг сочини яна бир бор сийаш учун қўлинни узатди, бироқ қўли ўғлининг сочига текканида ҳам у фикри-ёдини унга қаратолмади. Шунда харракда ўтирган аёлларга кўз қирини ташлади. Ювгучи энди пичирламай қўйган — ўтирган жойида ухлаб қолганди; рўмоли уничилиб, қилтириқ бўйни кўриниб турарди. Жужа Мори эса уйғоқ, Жофига тикилиб ўтиради. Унинг ажин босган юзида эҳтиром аралаш ғалати бир дўстона самимият акс этиб турарди. У биргалашиб қилган шўхликларини эслатаётганга ўхшарди худди. Қампирнинг юз ифодаси Жофини тамоман довдиратиб қўйди. У тобут қаршисида тиз чўкиб, қўлларини тобут четига қўйиб, бошини ҳам қилганча (ёшлигидан бери биринчи маротаба бўлса керак) илтижога ўтди: «Ё худо, бу норасида гўдагимни ўзинг афв этгайсан...» Бироқ илтижо сўзлари шаккогона, беўхшов чиқарди оғзидан. Шунда ҳатто бундоқ тузук-қуруқ ибодат қилишни ҳам эплаёл-

маганидан алами зиёда бўлиб, бошини қўлларига қўйганин кўйи тиз чўкканча ўтириб қолди.

Бир вақт холаси, кейин яна бир қариндошлари, орқада онаси кириб келишиди. Ҳаммалари Жофини четга чақиришиди, ҳадеб ўзингни қийнайверма, деб насиҳат қилишиди ва ниҳоят уни стулга ўтиргизиб, ўзларича кенгаша бошлишди. «Кимники дийдаси шунаقا қаттиқ бўлса, ҳаммадан кўра кўпроқ азоб тортади,— дейишиди такрор-такрор. Ҳеч бўлмаса мундоқ йиглаб кўнглини бўшатсачи-я». Сўнгра Жофини нариги хонага чақиришга кўндиришга уриниб кўришиди, бироқ у қулоқ ҳам солмади. Баъзан ошхонадан айрим сўзлар аниқ эшитилиб қоларди, шунда у бир сесканиб тушиб, юзини кафтлари билан баттар бекитиб оларди. Хотин-халаж чиқиб-кириб турарди. Ювгучи хайрлашаётуб, худонинг паноҳига топширдим сизларни, деди шангиллаб, кейин қолган-қуттган овқатларни йигиб беришларини кутиб ошхонада туриб қолди. Онаси ҳам Жофини нариги хонага чиқишига унатишга уриниб кўрди.

— Қўйсангиз-чи, ойи,— деди Жофи йиглаб,— шу ер яхши менга.

Ниҳоят Кизела кириб келди.

— Гулчамбарларни қараб келдим,— деди у.— Бахтимизга у ер жуда салқин экан, қандоқ бўлса шундоқ-лигича турибди. Имруш олиб келганини ҳам ўшатга әлтиб қўйдим. Сираям Пештдан олиб келинган демай-сиз, лоақал битта баргчаси ҳам сўлимабди, диркиллаб турибди.

— Вой эсим қурсин-а, айтаман деб туриб унутиб қўйибман,— шоша-пиша деди Жофининг онаси.— Ўглингизга айтинг, бизникига бориб худо берган бирор нимани тамадди қилиб олсин. Бизга шунча яхшилик қилдингларки, ҳоним, сиз ҳам, ўғлингиз ҳам, қандай миннатдорчилик билдиришимни билмай қолдим, биздан қайтмаса, худодан қайтсин.

— Йўғ-э, ҳозир ўз ташвишинглар ўзларингга етибортиб ётибди. Синглиминида ётиб, ўша ерда тамадди қилиб турга-турар.

Кейин онаси кўндиromoқчи бўлиб тагин Жофига ёпишиди. Шундан сўнг у ўрнидан туриб, ўғлининг сочини яна бир марта силади.

— Сенга энди яхши, ўғлим,— дея хўрсиниб қўйидида, қўлтиғидан ушлаб олиб чиқиб кетишларига қўйиб берди.

Жужа Мори ҳам ўрнидан қўзгалиб, тобут ёнига келди. Бир ув тортиб йиғлаганди, серажин афти буришиб кетди, кейин рўмолини билагига ташлаб бошқаларга эргаши...

Дафн маросимига тумонат одам йигилди. Қора лиbosга бурканиб олган хотинлар пешиндан кейиноқ югуриб-елиб қолишиди. Юзларига хафагазак тус берган, йиғлаш учун ҳошияли рўмолчаларини шай тутган аёллар ошхона пардаларини очиб қўйдилар, қўй тери қалпоқларини чангаллаб олган эркаклар эса эшик олдидағи мосламада оёқ кийимларини тозалаб, қоқиб-суқиб, қимтинибгина кириб келишарди уйга. Улар бир нафасгагина ичкарига, шамлар ва гулчамбарлар иси-ла ҳавоси оғир бўлиб кетган хонага киришар, зумдаёт икки кекса ёнғоққа тортилган кир ёйиладиган дор март шамолида лопиллаб турган ҳовлига ошиқишарди яна. Хотинлар эса бошқача тутардилар ўзларини: хонага киришга муваффақ бўлган аёллар тобутга яқинроқ боришга тиришар, марҳум тепасида бўлаётган биронта ҳаракату расм-русумни кўздан қочирмасликка ҳаракат қиласидилар. Жофининг елкаси сал титраб кетгани борми, онаси тўқаётган кўз ёшларию Илушнинг эгнидаги шаҳарча бичимдаги пўстини борми, Козач кампирнинг кўзидан ёш чиқармоқчи бўлиб кучаниши борми, ҳеч бири уларнинг назаридан қочиб қутуломасди. Янги келганлар қўлларидаги гулдастлари билан зўр бериб тобутга яқинлашишга уринишар, аммо марҳумни қуршаб олган аёллар — улардан аксариятининг бу хонадонга ҳатто чатишган жойи ҳам йўқ эди — қимир этмас, айниқса бечораҳоллар ўз ҳуқуқларини сабот билан ҳимоя қилиб (бу ердан ўзларини ҳеч ким қувиб юбора олмаслигини яхши биларди-да улар), бир қарич ҳам силжимасдилар. Одамлар Жофини тобора қисиб борардилар, буни сезган қариндошлардан бир нечтаси ўrnak кўрсатиб жойни бўшатдилар, шунда, бошқалар ҳам уларга эргашдилар.

— Баъзи бир хиллар юз йил яшаганларидаям бунча гулчамбарни кўрмайдилар,— деб минғиллади Ковач кампир ташқарига чиққандан кейин.

— Ана, жаноблар ҳам келишибди,— деди Хорват.— Айтишларича хоним ойимнинг ўзлари Жофига жуда ачинаётганмишлар. Чиндан ҳам қотмадан келган прокурор билан унинг юм-юмалоқ хотини бошқа зиёлилар даврасида, сал чеккароқда туришарди; бу кички-

нагина тўда, гарчанд ёғоч айвонда турсалар-да, бари бир ҳамманинг эътибори ўзларида бўлишини яхши биларди. Худди шу пайт Қуратор чол прокурор хотинига стул кўтариб келиб қолди, шунда ҳамма оддий бир дехқон одамнинг қўйини прокурор жанобларининг но-зик қўллари билан қандай қисганини кўриб турди.

— Қайнатамнинг вафотидан кейин бунақангি одам кўп йигилган дафи маросимини кўрмагандим,— деб қўйди Хорват хола.

— Мени фақат битта нарса, набирамнинг ўғлим ёнида ётмаслиги ўртаяяпти,— деди Ковач кампир,— илло, нима ҳам қиласардим, ўлганидан кейин ҳам Жофи унинг Ковачлар қонидан эканини тан олмаяяпти. Ҳаммасига худо шоҳид, унга бу кўргиликни мен истабманми, лекин манманлик әгамга ярашади, манманнинг қандай жазосини беришни унинг ўзигина билади.

Миттигина тобутни икки йигитча кўтариб чиқиб, руҳоний жаноза ўқиши лозим бўлган тахта тагликка қўйиган пайтда, ҳовлида тангадай бўш жой қолмаганди. Талайгина жулдуурвоқи болакайлар жаноблар ёнида уймалашишарди, кўпчилик кўчада туриб, дарвозадан мўралашарди. Ичкаридан чиқиб келганлар айвонга сифмай қолишиди. Тобут ортидан ташқарига чиққан Жофининг йигилган тумонат одамни кўриб кўзи тиниб кетди. Ўнг қўлтиғида онаси, чап томонда Илуш, икковлари Жофини (одамлар кўрсинг деган мўлжал билан) авайлабгина суюб чиқишиди. Қуратор кампир остона ҳатларкан, ув тортиб:

— Во набирагинам-а,вой жигарбандим-а...— дея айтиб йиглади.

Жофи: «Вой болам, топилмас матоҳим, суюнган тоғим...»— деб ёқа йиртиб фарёд уриши лозимлигини билиб турарди. Тобут олиб чиқилаёттанди шундай деб йиглаш қадимдан қолган таомил эди, шу сабабли кўпчилик йиги чиқаришга ҳозирланиб, дастрўмолларини шайлаб турарди. Бироқ Жофи фарёд урмади, йигламади; шунча одамни кўриб тилдан қолгандай эди у, чурқ этиб оғиз очолмади. Сал қаддини букди, аммо шунда ҳам бари бир онаси билан синглисидан баланд эди бўйи. Қора рўмол остидаги жиiddий чеҳраси оппоқ мармарни эслатарди.

— Қаранглар, ҳақиқий кибор хонимнинг ўзигинаси-я, оддий халқ орасида қандай ажойиб нодир нусха-

лар учраб туради,— дея шивирлади ижарадор Прокурорнинг қулогига.

Жофи оломонга бирровгина кўёз ташлаган пайтда жаноблар даврасини кўрган, эҳтимолки саҳнага чиқувчи тийрак одамларга хос зукколик билан уларни дилларидаги фикрларигача фаҳмлаб олгандин. Шундэ дех-қонча одатий бир ўй: «Катта шараф бу!»— деган фикр ўтди. Ўша ондаёқ яна дилини кўланка қоплади: «Кўзларини лўқ қилиб, марҳумнинг яқинлари фарёдини эшитгани келган булар! Шу заҳотиёқ Жофининг нигоҳи совуқ, нафрлатли, ётсировчи, аламли тус олди.

Бу ернинг руҳонийси қавмларининг кўзларига ёш келтириш бобида ном таратган эди. Тўғри, бир вақтлардаги ширадор овози жира тортган, қоп-қора соchlари оқарган, ҳар жумлани бошлашдан аввал бор кучини жамлаётгандек қўлларини осмон сари чўзар, илгариги янгроқ овози ўрнига гўё қошлари хизмат қилаётгандек тез-тез кўтарилиб тушарди. Эндиликда у бурунгидай қавмларини ҳайратга сололмас, шу боисдан ваъзхонликни калтагина қилиб қўя қоларди. Мана, ҳозир ҳам шундай бўлди.

Ниҳоят руҳоний ўз ишини тугатгач, дарвоза ёнида турганлар кўчага чиқа бошладилар, Пали билан холаваччаси елкасига олган оқ тобутча қора рўмоллар денгизи узра қайиқдай қалқиб сузга кетди. Руҳоний ҳам эгнидаги либосига яхшироқ ўраниб, Жофини олдинга ўtkазиб, чийилдоқ товуш билан оятларни куйлашга тушди. Онаси билан Илуш суюб олган Жофи тутдай тў-килай деб турган кўҳна дағн араваси ортида борарди; унинг кўзлари митти оқ тобут билан арава томидаги шамолда ҳилпираётган ленталарда эди. Кураторларнинг аравакаши отни қай маромда ҳайдашни билмас, чўзилишиб келаётгандар дам-бадам аравадан анча орқада қолиб кетишарди, шу сабабли Пали уни тўхтастишга мажбур бўларди. Қишлоқ чеккасида яшайдиган бир бечораҳол аёл боласининг қўлидан маҳкам ушлаб олганча ён томонда шаҳдам одим ташлаб боряпти. Бу жасади жуда бесўнақай, башараси ялпоқ гум-гурсдай хотин бўлиб, синчков бит кўзларини Жофидан узмасди. Баъзан анқайиб ортда қолиб кетар, шунда чопишга тушар, қўлидан маҳкам ушлаб олган боласи эса оёғи бир ерга тегиб, бир тегмай борарди. Қуёш чпқиб турган бўлса ҳам шамол қайлардандин оппоқ учқунларни учириб келиб қоларди; маросимчилар янги қабристон-

га бурилганларида қайсиdir гулчамбарнинг қозоз лен-  
таси акас шохига ўралашиб, ўша ерда ҳилпираганча  
қолаверди.

Янги қабристон ҳали яп-яйдоқ эди, фақат тевараги-  
дагина дарахтлар кўринар, у ер-бу ердаги нурай бош-  
лаган қабр дўйнгчалари орасидагина кўкарған тўп-тўп  
майсаларгина кўзга чалинарди. Баъзилар эски қабристонни  
кесиб ўтишганди бу ерга, шу туфайли маросим-  
чилар янги қазилган қабр ёнига етиб келганларида  
дурустроқ жойлар аллақачон эгаллаб бўлинганди. Киз-  
зеланинг ўғли ҳам шу ерда эди. У Имренинг нигоҳида  
аллақандай ғалати бир ифодани пайқади, назарида  
Имренинг кўзлари: «Шўрлик, шўрликкина», деяётган-  
дай туюлди. Бироқ ўша заҳотиёқ Жофининг нигоҳи  
бошлиқларининг ишораси билан оятларни куйлай бош-  
лаган оятхонлар оғзидан бўлак нарсани кўрмай-пай-  
қамай қолди.

— Ҳозир ўзидан кетиб йиқилиб тушади,— шивир-  
лади орқасида кимдир.

Жофи ўгирилиб қараб, ҳуркибгина турган икки қиз-  
ни кўрди, биттасининг шеригини туртган тирсаги ҳали  
дугонасининг биқинига тегиб турганди, иккинчиси эса  
хижолатдан шолғомдай қизарип, кафти билан оғзини  
бекитганда фурсат ўтган, буни Жофи аллақачон кўриб  
бўлғанди. Шунда қўйқисдан Жофининг ўз тошбагир-  
лигидан хўрлиги келиб кетди: мана, у яккаю ягона  
Фарзанди — бу дунёдаги борлиғию қувончининг тобу-  
ти тепасида турибди, ўзини боласи устига отиши, эс-  
ҳушидан айрилиши, фарёд уриши керак бўлса-ю, бу-  
нинг ўрнига унинг қалби ўгри урган уйдай бўм-бўш,  
ҳувиллаб ётса...

— Мениям бирга кўминглар,— тўсатдан бўғзидан  
отилиб чиқди ақлга сиғмайдиган бир нидо,— уни кўм-  
ганларингдан кейин мениям қўшиб кўминглар!

Шу топда у — боя ҳовлида турган оломон қаршиси-  
га кўзларида такаббурона қайсарлик чақнаб турган  
бир қиёфада чиқкан жувон, одамлар истаги ниҳоят ғо-  
либ келгандай, дод солиб қабрга ўзини отишга ҳам  
тайёр эди. Отаси аранг ушлаб қолди орқасидан, қабр-  
га туширилган тобут устига тарақлаб кесагу тупроқ  
юмалади, йиглаётган аёллар атрофини ўраб олишди,  
устига энгашиб: «Эсингни йиг, Жофи! Худонинг қаҳ-  
рини келтирма, Жофи!» — дея бидирлаб кетишиди.

Жофининг бирдан жазавага тушганини кўрганлар

узоқ вақтларгача ўзларича ҳар нарсага йўйиб, чалпиб юришди. Бошқалар ҳам ўз яқинларини кўмаётганла-рида ёқа йиртиб фарёд урадилар, гўрга туширилаётган тобут ортидан ўзларини ташламоқчи бўладилар, таомил шунаقا ўзи, бу нарса баъзиларга таъсир қилса, бир хилларга ёқмайди.

Жофининг нам инмаган қуруқ кўзлари, қаддини фоз тутиши унинг ўз дарди-алами билан олишаётганини айтиб туарди. У тобут ортидан худди жон битган ҳайкалдек одимлаб келган, бутун дағн маросимида қатнашаётганлар унинг ғам буқолмаган қаддини кўриб, ҳайратда ёқасини ушлаганди. Шунчалик қатъият билан келаётган аёлнинг тўсатдан аламига чидаёлмай қолиши ҳатто эркакларга ҳам қаттиқ таъсир қилди, гўё ҳамманинг кўзи олдида пўлат юрак чил-чил ёрилиб, атрофга сочилиб кетгандай бўлди. Дарвоқе, одамлар бундан маълум даражада мамнунлик ҳис этдилар — ҳар қалай унсиз изтироб остига сув кетди, кўзларida қатра нам йўқ ҳайкал уларнинг мададига муҳтоҷ экани, ҳар ҳолда!

Уйга қайтишда ҳаммалари Жофининг бундан-буён қандай яшаши лозимлигини мунозара қилишди ва шундай ажойиб ёшгина жувонни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди, деган қарорга келиши.

— Ҳозирча Мари опасиникида тура турсин,— деда Куратор кампирни огоҳлантириди Кизела, баъзи сабабу мулоҳазаларга биноан Мари жуда ёқиб қолганди унга.— Сизни қўрқитмоқчи әмасман-у, лекин Жофикага ўхшаган ҳеч нарсадан қайтмайдиган жувонни мен сирайм кечаси ёлғиз қолдирмасдим.

— Э худо, ишқилиб ўзини бир нарса қилиб қўймасин-да,— кекса она дарровгина қармоққа илинди-қўйди.— Шўрлик қизгинамни ўйлаб кўнглим сирайм тиичимайди әнди.

Уйида, сигирни сога туриб, қабристондан биргалашиб келган синглиси Хорватта кўзида ёш билан шундай деди:

— Оҳ, Лиди, кўнглим сезиб турибди, Жофиқа ўзини бир нарса қилиб қўядиганга ўхшайди. Нима қилаrimни билмай, ич-этимни еб ётибман... Мундоқ у билан юрагимни очиб гаплашолсам ҳам гўргайди-я. Ўзим ҳам билмайман, сал уқувим йўқроқми, бошқа оналарга ўхшаб түқдан болам билан тузукроқ гаплашолмабман-а ҳеч қачон. Анави Кизеланинг гап-сўзларига оғзим очи-

Либ қолади, ҳамма нарсани тушунади, ҳаммасини билади. Буларни қаерда ўргана қолганийкин-а, деб сира ақлим етмайди.

— Хавотир олма, Юли,— далда берди унга Хорват,— биз ҳам қараб турмасмиз, ўзим эпидан чиқолмасам, қизимни юбориб турарман. Ҳадеб ўй суравермасин, уни сал чалғитиб туриш керак. Ҳали ўн гулидан бир гули очилгани йўқ, энди йигирма бешга кирди, у тенгилар турмуш нималигини энди тушунади. Ҳаммаси олдинда эканига ишонтириш керак уни.

— Унинг қанақалигини ҳеч қайсиларинг билмайсанлар,— деди она хўрсиниб.— Феъл-атвори унақаямас. Шундоқ ёш нарсаларнинг бошига шунча кулфат тушмаса нима қиласди-я! Ундан кўра ёшини яшаб, ошини ошаган мендай кампирнинг жонини ола қолса бўймасмиди-я!

Тиниб-тинчимас Хорват хола тобора гапни газак олдира борди; механик Лакнинг хотинига, Жофи онасига энди менга ҳеч кимдан ҳеч нарса керагамас, деяпти деб етказди. Механикнинг хотини бўлса, Жофининг қўлидан ишқор солинган шишани тортиб олганларини эшитган экан. Бу гапни унга Пордан айтибди, кампир эса бу гапни Маридан эшитганмиш. Лиdi Хорватнинг ўзи ўша кеч Жофиникида бўлиб, нима гап бўлганини ўз кўзи билан кўрганди, шунга қарамай у эътиroz билдириб ўтиради, балки маъқуллаб турди. «Ҳа-ҳа, Жофиға қарашиб туриш керак, ҳали жуда ёш, бечора. Тўғри, ўзимнинг ҳам ишларим бошимдан ошиб ётибди, шунга қарамай худо берган куни Жофиникига ё ўзим бораман бирров бўлсаям, ё қизимни юбораман. Опамга ҳам Жофини сира-сира ёлгиз қолдирманг, деб тайнладим», ана шуларни гапириб ташлади у лаби-лабига тегмай. Механикнинг хотини Жофиникига деярли қадам босмасди илгарилари, аммо эндиликда иложини топди дегунча бориб туришга сўз берди. «Бола-чақам йўқ, қулоги том битган эрим билан бўлса мундоқ гаплашолмайман ҳам, оқшомлари эса йилдек узун. Дастлабки кунларда шўрликка ёрдамлашиб, далда бериб туриш керак, бу оғир кунлар ҳам ўтар-кетар, вақт ўтиб ҳаммаси унут бўлиб кетади ҳали. Ҳозир унга жуда оғир, у ёғига бир гап бўлар, балки худо Шаникани бекорга олмагандир, шўрлик беванинг бошини очиб қўйиш учун шундай қилгандир», деди у.

— Менга ҳеч қанақа ёрдам керак эмас, деб Жофи синг-

лисини уйга жўнатишга беҳуда уринарди. Мари, ўзим жон-жон деб қоляпман, дея шудсизгина эътиroz билдириб, сўзида туриб олди; Кизела ҳам унинг ёнига кириб, то бир ўзингиз ётишга ўргангунингизча шу ерда турга тургани яхши, ўргилай, деб бидирларди. Шундан сўнг Жофининг икковларига қаршилик билдиришга қуввати келмади. У Марининг пиш-пиш ухлашига ярим кечагача қулоқ солиб ётар, бир неча бор тура солиб синглиси ёнига бориб, силкилаб ошхонага олиб чиқиб қўйишига шайланарди-ю, лекин чурқ этмас, ўрнидан ҳам турмай, шундоқ ёнгинасида бирор қотиб ухлаб ётганидан аламига чидомлай ёстиқни ташларди. Докторнинг: «Боланинг касали жудаям юқимли...» дегани хаёлидан нари кетмасди. Борди-ю, унга ҳам юқсан бўлса-я — ана, нафас олиши оғирлашаётганга ўхшайдими?.. Шундай пайтларда Жофи қўрқиб туриб ўтириб олар, то томирларида гурс-гурс уриб оқаётган қони тинчигунича аллағанча дақиқалар ўтиб кетарди. Нимага Марини бу ерда ётишга мажбурлашяпти, нимага онаси ҳар куни кечқурун хайрлашаётib: «Жофи, кўзингга қара, яна аҳмоқлик қилиб ўтирганин», — деб таъкидлайди кўз ёши қилиб? Бир куни кечқурун Хорват холаси қаҳва ичгани келиб қолди, шунда Жофи нон кеса бошлади, бироқ онаси югуриб келиб, унинг қўлидан пичоқни юлқиб олди-да, қўй, ўзим тўғрайман, деди. Тағин ўзини бир нарса қилиб қўймасин, деб қўрқишаётган бўлишмасин? Хўш, шундоқ қилса ҳақи йўқми, нотўғри иш қилган бўладими? Кейин, тунлари юраги сал қаттиқроқ урса нега эсхонаси чиқиб кетади? Уни қаранг-а, ўлимдан қўрқиб ўтиrsa-я, шу ҳам гап бўлди-ю! Кичкинагина Шаникаки дош берган экан, у ҳам бир амаллаб чидар ўша ўлимга. Бироқ кечалари энтикиб-энтикиб нафас олганида яка чўчиб кетар, кундузлари эса қўнгил сўраб келгандарни нафратланиб, ваҳимага тушиб қарши оларди; улар Жофининг фамини бир оз енгиллатгани келишарди, албатта, лекин бу ишни шундай қиёфа билан адо этишардики, гўё ўзларининг бераётган таскинлари билан жувоннинг кўнглига ҳандайдир даҳшатли бир қутқу солаётгандай бўлардилар. Эрталаблари бир нави эди. Бедор ўтган тундан кейин, тонгга бориб уйқу элита бошларди, аммо Жофи ҳар ҳолда ўрнидан туриб, енгилелпигина кийинарди-да, дераза олдида мудраб ўтиарди. Мабодо бирор тўсатдан кириб қолса, у сесканиб тушмас, балки уйгоқ, гўё хаёлга толган одамдай, бошини

буриб қараб қўя қоларди. Кейин у ошхонага ўтар, ҳовлига чиқар, рўзгор юмушлари билан машгул бўлар, ўзига бир қошиқцина шўрва ёки қўймоқ пиширас, тоvuқларга дон ташлар, сўнг атрофида ўралашиб юрган Кизеланинг саволларига оҳистагина жавоб бериб, маъюсгина хонасига кириб кетарди яна.

Уруглари эрталаблари ҳам кириб ўтишар, ҳаммалари бир хилда сўрашиб, бир хилда суриштиришар, Жофи ҳам ҳаммаларига бир хилда жавоб қиласарди. Аммо кечқурун жамоат жам бўларди. Онаси билан Хорват холаси келишини канда қилмас, деярли ҳар куни механикнинг хотини келиб турар, қишлоқнинг нариги бурчидан Пордан кампир қатнарди; ҳатто ювгичи ҳам онда-сонда бўлсаям кўргани журъат әтиб қолар, лекин доим қимтенибгина эшик олдидা туради. Бу меҳмонларнинг бари ҳам олдин рўмолларини кўзларигача тушириб олиб, бўйниларини қисиб, кейин ичкари киришар, кириб ўтиргач эса унга худди оғир касалга қарандек, рўмоллари остидан жавдираб тикилишарди. «Жофи, аҳволинг қалай, тузукмисан?»— деб сўрашарди хийла сукут сақлаб ўтиришгач. Бу сукут Жофининг ғамига эҳтиром билдираётганларининг аломати эди. Бундан ташқари, бу сукут Жофининг ювига ғам-ташвиш тиги билан чизилган янги чизиқни излашлари, қалб кўзгуси бўлмиш маъюс кўзларидаги ташвишни ўқишлари учун имконият яратиб берарди. Жофи олдинига уларнинг саволларига индамай, фақат елкаларини учирис билангина жавоб қайтарарди. Кейин, бу савол ўн, йигирма, юз мартараб такрорланавергач, кескин ва зарда билан жавоб қайтарадиган бўлди.

«Тезроқ тугай қолса-чи бу гаплар» ёки: «Гўрга кирмай, ҳалиям сургалиб юрибман-а»,— деб қўярди у ўзича алам билан. Баъзан Хорват холаси: «Ҳали ёшсан, Жофи, вақти билан ҳаммаси унут бўлади, яна ҳеч ниша кўрмагандай бўлиб кетасан», деб таъна қилиб қолади бош чайқаб. Шунда Жофи: «Бўлмаса вақт эрим билан ўғлимни қайтариб берсин», деб шартта оғзига уради. Хорват холасининг икки гапнинг бирида: «Ҳали ёшсан, Жофи», деб хўрсиниши Жофига айниқса қаттиқ тегарди. У овози аламли титраб:

— Кошкийди ҳамма ҳам менга ўшаган ёш бўлса. Мен ахир туққан онамдан ҳам қариб қолдим-ку, ҳали онам на эрини, на ўғлини тупроққа бергани йўқ-ку.

Одам фақат йил ўтиши билан қаримайди, холажан,— дерди холасига.

Бу гапни эшитганда Хорват ҳам нима деб жавоб қилишини билмай довдираб қоларди. «Қўй-э!»— деб гўлдиради-ю, яна дардга малҳам бўлувчи вақт ҳақидаги, ўзининг ота-онаси, ҳатто урушда ҳалок бўлган кичик укасининг фамини унутиб юборгани тўғрисидаги дийдиёсими бошларди.

— Буларни ҳаммаси бошқа гап,— дерди Жофи, бироқ дилидаги аччиқ гаплар: «Агар ўглим тириладиган бўлса, отамни ҳам, онамни ҳам, сингилларимни ҳам, ҳамма-ҳаммаларини беришга тайёр эдим!»— тилининг учиди турарди. Унинг шу топдаги важоҳатини кўрган Хорват таслим бўлиб, Шаникани эсда қолган айрим сўзларию қилиқларини таърифлай бошларди. Жофининг индамаганини кўргач эса нафаси ичига тушиб кетарди.

Бахтларига янги меҳмонлар келиб қоларди, яна ўша аҳвол сўраш, панд-насиҳатлар бошланарди. Механик Лакнинг эзма-чурук хотини, масалан, Жофининг зарда билан берган жавобига парво ҳам қилмас, ўша заҳотиёқ ўз дардини бошларди. У сўзлаётганида дамбадам бурнини қашир, бунинг оқибатида оғзини gox кафти билан бекитаётганга, gox яна очаётганга ўхшарди, gox бармоқлари билан бурнини ғалати қилиб бураб қўядими-ай. Унинг боласи йўқ эди, лекин бир вақтлар, Лак граф мулкида темирчилик қилиб юрган кезларда, ўзининг гапига қараганда, бир ўгил кўришган, олти ҳафталик бўлганида оламдан ўтган экан, ҳозир эса Жофига тасалли бериш ниятида ўша ўғлини эсга олиб, гапга тушиб кетарди.

— Бундай пайтда одамга қанчалик қийин бўлишини бошимдан кечирганман. Эрим хўжайиннинг отида келди, кейин похол устидаги тобутчани туширишди қанақанги тобут эди дeng-а, ҳамма ёғига мис қопланганди, ўзим ночор кун кўрсам ҳам, уни ясатишга пулни аямагандим), ўша миттигина яшикни кўргандан кўра оёқларим остидаги ер ёрилса-ю, тагига кириб кета қолсам дейман. Бўталогим, энди мана шу яшикда ётасан, сени тугмай мен ўлиб қўя қолай, илон-чаёнларга ем бўласан энди, деб юм-юм йиглайман... Шундоқ фариштадай болани ерга берганимдан кейин бу ёғига бола кўрмай ўтаман, эржон, деб уввос тортаман. Ўшанда ерим, қўй, йиглама, Розика, ўзи олган худо яна ўзи бе-

пар, деб юпатганди (ўша вақтларда ҳозиргидаقا вайсақи әмасди бу сассиқ чол; бечорани темирчилик касби билан отинг ўчур арақ ишдан чиқарди-да). Мен бўлсам худогаям шак келтирибман десангиз, ҳафтасига икки марта борардим қабристонга, сиз турган жой билан қабристоннинг ораси эса шу ердан Торичалик келарди. Кўпинча хўжайнинг аравакашидан олиб бориб ташлашини илтимос қилардим; станцияга меҳмонларни олиб келгани кетаётганида секингина боғларнинг орқасига ўтардим-у, аравага чиқиб олардим, қайтища бўлса бир амаллаб пиёда етиб келардим. Уйга келганимда йиглайверганимдан кўзларим қизариб, қовоқларим муштдай-муштдай бўлиб шишиб кетарди, ахир ўзиям кела-келгунимча тинмай кўз ёши тўкардим-да. Ниҳоят сабри-тоқати тугаган эrim тепамга ўдағайлаб келиб: ўша чала тугилган болангга намунча йиглайсан. Улди-кетди, вассалом, ҳадеб йиглаб жонимга тегаверадиган бўлсанг, болға билан битта уриб пачогингни чиқараман-қўяман, деб дағдага қилди. Менга ёмонликини соғинганидан әмас, нима қилишини билмаганидан шу йўлга ўтганди бу қилтиллаган чол ўлгир. Мен бўлсам бутунлай ўзимни йўқотиб қўйибман, ур, туриб ўлдириб қўя қол, жонимни худо юборган кулфатдан кўра ортиқроқ оғритолмайди бари бир, дебман. Шунда ўзи ҳам хижолат бўлди. Шунаقا гапларни кўрган бу бош, айланай, бунинг қанчалик даҳшатли эканини жуда яхши биламан, табиб — табиб әмас, бошидан ўтган табиб, дейдилар-ку, ахир. Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, ҳалигача бальзи-баъзида тушимга киради — аравачада дўмбоқ қўлчаларини узатиб ётади; қўлчалари бирам ширин, ҳалқа-ҳалқайди-да ўзиям... ўшагаям оз әмас — кўп әмас, ўттиз йил бўлди-да!..

Пордан кампир бўлса — механикнинг хотини йўқлигига албатта — унинг ҳеч қачон боласи бўлмаган, йўқса мен билардим, умри бефарзанд ўтди деган маломатни эшлишидан уялганидан шундай дейди, деб тасдиқларди гапини...

Бу олти ҳафта кун кўрган марҳум ҳақидаги гаплар Жофининг foятда аччиғини келтиради. Бу кампир уялмай-нетмай ўттиз йил бурунги ғами билан унинг бошига тушган кулфатни таққослаб ўтиrsa-я! Лекин у бу вайсақи кампиргага нима ҳам дерди? Аллақачонлар тупроққа айланиб кетган ўлиқ тугилган боласига қўшиб қарғаб берсинми? Еки у билан гап талашиб ўтиришади.

синми? Сизнинг болангиз бор-йўғи олти ҳафталик экан, менинг ўғлим уч яшар эди, деб исботлаб ўтирасинми? Сизнинг болангизнинг суюк-суюгигача чириб, тупроқса айланаб кетган, менинг ўғлим бўлса тобутда бус-бутун, кўзларини юмид ётибди, десинми?.. Бироқ Жофи индамас, ҳар замон-ҳар замонда бир маҳмадона кампирнинг гапини бўлиб қўярди:

— Болангиз тўғрисида шунча гапни гапиряпсиз-а!  
Шаникам тўғрисида шунча гапирадиган бўлсанам нақ юрагим ёрилиб кетарди-я!

— Э, айланай, ўша пайтларда мен ҳам ҳеч зог билан гаплашмасдим, худди сизга ўхшаган бир феълли өдим, нуқул ўз ич-этимни ердим... Ҳаёт ўзи шунақаякан, ўргилай, одам қариганидан кейин бўшашиб, эзма бўлиб қоларкан. Ҳали сиз ҳам юрагингизда гап ётмайдиган бўлиб қоласиз. Мени айтди дерсиз, айланай.

— Ҳар кимнинг ўзидан ўтади, ўзи билади,— сўз қайтарарди Жофи лаблари аламдан жийрилиб.

— Эртойи кеч ғам чекиш яхшиямас, унда одам ўзини ўзи еб қўяди!— Гапга аралашарди Пордан.

Пордан ҳар қандай «оҳ-воҳ»ларнинг душмани эди, у Жофини оддий насиҳат ва кундалик гаплар билан ҳаётга қайтаришни истарди. Ҳар қандай оғир ғамга, айниқса Жофининг фуссасига ишонмасди. Ахир эри ҳалок бўлганида Жофи ҳозиргидан кам куймагандику, мана, қандай яшаяпти, кейин анави сержант билан дон олишиб юрганиш-ку. Бунақалар сал нарсага эс-ҳушларидан айриладилар, обидийда қиласадилар, одамлар бунақаларнинг кўнглини нима билан овлашни билмай гаранг бўлиб қоладилар, эркакларга бўлсаю уларнинг оппоқ юзи ёқади. Мана, унинг Катисига ҳеч кимнинг раҳми келмайди; ўзи ҳунук, бунинг устига сепкилдор. Анави тентак Пали Бадъо олганига ҳам хурсанд бўлаверсин, дейишади. Эридан бекиниб олиб, ярим кечада битта кўйлакда эшик олдига бориб, тагин болта кўтариб келмаётганмикин деб дағ-дағ қалтирашлари билан уларнинг неча пуллик ишлари бор дейсиз. Манави бевага бўлса бошқача кўз билан, бутун бир қишлоқка келган кулфату оғатлар фақат унинг бошигагина тушгандай қарашади... Албатта бу гапларни Пордан овоз чиқариб айтолмасди. Зотан унинг ўзи ҳам бу жувонни овутгани, тасалли бергани, кейин кечқурун бу ерда эшитганларини қўшиб-чатиб ҳамсояларига етказгани келади-ку, ахир. Шунга қарамай, ҳар қалай

унинг сўзларида ўзига хос далда берувчи, руҳлантирувчи оҳанглар сезилиб қоларди. Масалан, у Жофининг эртами-кечми кўнгли яна жойига тушиб, бирорта гўзал йигитга тегиб олишини олдиндан билиб турган одамдай гап қиласарди.

Пешанамизга худо нималарни битганини ким билади дейсан! Жофи, ҳали яна ўғил ҳам, қиз ҳам кўрасан, ували-жували бўлиб яйраб-қувнаб кетасан. Йигирма беш ёш нима деган гап экан? Шу ёшгача ўйин-кулги қилиб юриб, менинг шўрлик Катигинамга ўхшаб энди турмуш қурсанг ҳам бўларди ўзи. Сенинг зуваланг бир умр бева ўтадиганлардан эмас унаقا. Агар шундоқ қиласанг, бу сенинг аҳмоқчилигинг бўлади.

Бундай қатъий ишонч билан айтилган гаплар Жофининг қалбини тиф каби жароҳатларди. Демак, Пордан унинг қайғу чекаётганига ишонмаяпти. Уни ҳам худди бошқаларга ўхшаган деб ўйлади. Шундай бўлиши ҳам табиийки, ахир, унинг ўрнида бўлган бошқа аёл оёгига урилган тушовдан қутулганига севиниши мумкин әди-ку. Шундай қилиб, Хорват оқкўнгиллик билан тўккан кўз ёшлари, Лак эса вайсақилиги билан эришолмаган нарсага Пордан ўзининг ишонч билан айтадиган гаплари орқали эришишга муваффақ бўларди, зеро Жофи ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини исботламай туролмасди. У Порданнинг умидбажш камроматларига қарши бош кўтараркан, кампир олдида тобора кўпроқ кўнглидаги изтиробу ситамларни тўкибсоларди.

— Бундан чиқди, мени яхши билмас экансиз. Яна бир марта эрга теккандан кўра одамларнинг муштидан ўлиб кетганим афзал. Ахир менинг қадамим етган жойда гиёҳ ҳам ўсмаслиги шундоққина кўриниб турибди-ку! Ёки мени, худо қарғаган бир бевани яна бола туғиб беради, деб ўйлайсизми? Йўқ, ҳатто бирорвонинг боласини қўлимга олмасман, ахир уни ҳам жувонмарг қила-ман-ку!

— Ҳозирча шундай деб ўйлайсан. Қанақасига худонинг қарғишига учаркансан? Ҳам чиройли, ҳам ёшсан, худога шукурки, бинойидай рўзгоринг ҳам бор. Ҳали гам-андухинг кўтарилиб, очилиб-сочилиб кетасан, ишонавер гапимга. Сени феъл-авторингни биламан. Кати билан оғилхонамизда ўйнаб юрадиган қизалоқ пайтларингда ҳамиша сен онабоши бўлардинг. Бошқа қизлар бўлса сенинг оғзингга тикилганлари-ти-

килган әди. Гулдай ёшлигингни қора рўмол остида ҳазон қилгани туғилганссан. Сен ҳозир ўзингча ҳамиша шундай бўлади деб ўйлаяпсан, лекин мен сира-сира бундай бўлиб қолмаслигини жуда яхши биламан.

— Сизнинг нималарни билишингиз менга қорон-ри-ю, Панни хола, лекин умримнинг охиригача бирорта эркак мени — жоним, бирорта гўдак — ойи деёлмайди! Шаникамнинг кўкариб кетган лаблари кўзимга кўринавермайдими, ахир... Жони узиладиган куни бечоранинг: «Ойи, сув...» — дегани сира кўз ўнгимдан кетмайди.

— Вой худойим-эй, қанақасан-а ўзинг,— дерди хўрсиниб Пордан,— шунақаям бўладими-я. Илло сен нима қилганингда ҳам бир аёлсан, Жофи, худо хушбичим қилиб яратган бандасининг тақдирини олдиндан белгилаб қўяди, шундоқ бўлгач, бечора опам билан бир умр шўппайиб ўтмассан, ахир.

— Қандай тақдир битиб қўйганини худо кўрсатиб бўлди менга. Ахир у ҳақиқатан ҳам бўлса... Агар бор бўлса, бундан яхшироқ кунни кўрсатмас. Муштдаккина болага офат юбориш нимага керак бўлдийкин унга? Пачагини чиқаришга қодирлигини кўрсатмоқчи бўлгандир балки? Хўш, нима учун? Мен нима гуноҳ қилибманки, бунчалик жазолайди? Ёки қишлоқда мендан ёмонроқ одамни тополмаганмикин?

— Тақдиру азал тўғрисида сен нимани ҳам билардинг? — бўш келмасди Пордан.— Балки Шаника марҳум эрингни унутишинг учун ташлаб кетгандир бизларни. Худо сенга әркингни қайтиб бергандир.

— Эркимни? — тувақиб кетди Жофи, гўё вужудидаги алам яна бир жойидан чипқон янглиғ тешиб чиққандай. У ғазаб ва аламидан кўкариб кетди.— Сиз, Панни хола, мени боласини кўмганидан кейин кўчага югуриб, қани, бева жувонни ким олади, деб ўзини бозорга соладиган, токи бирор эркак билагидан тутиб, уйига судраб қолгунича қора кийим кийиб юрадиган аёл, деб ўйларсиз, албатта.

— Сираям ундей деб ўйламайман, илло хоҳ жаҳлинг чиқсан, хоҳ чиқмасин, бари бир оқибат битта.

— Ҳали менга бирорни танлаб, кўз остингизга олиб, ҳам қўйгандирсиз балки, Панни хола? — ошкора ғазаб билан деди Жофи, бироқ қалбининг алла қаериладидир галати бир ҳаяжон учқуни милт этгандай бўлди.

— Жуда билгинг келаётган бўлса, айта қолай,—

ўша заҳотиёқ ёпиштириди Пордан,— бирор сен тўгрингда сўраб-сурингириганди. Унча-мунча пачаки одамлардан эмас ўзиям.

Ҳозир номини айтиб юборади деган ўйда Жофининг бетига қон қуийлди, нега деганда у ҳатто буни эшишини ҳам хоҳламасди!

— Буни хаёлига келтирган одамнинг жазосини берсин худо,— деди у овози хириллаб, ранги эса нақ бошидаги рўмоли сингари қорайиб кетди.

— Сен ҳам ўзингга етгунча ақллисан-да, Панни, шунаقا гапларни гапирадиган пайтми ҳозир,— ниҳоят гапга аралашди Кизела, уларни бир оз шаштидан тушириш ниятида.— Ҳамма нарсани ўз вақти бор, олдиндан кўча чангитишга бало борми.

Бироқ Жофи тинчланолмади. Қуёш ботиши билан меҳмонлар уйларига ошиқишиди, у Кизела билан бирга меҳмонларни дарвозагача кузатиб чиқди. Икковлари пўпанак босган ғовга суялганча, олислашиб бораётган қора юбкалар ортидан узоқ кузатиб, токи уларни оқшомги гира-шира кўча ютиб юбормагунича туриб қолишиди. Ўнг томонда, Гуяшларнинг бостирмаси тепасида булут чўғланиб туарар, гоҳ-гоҳ кучайиб келган шабада ялангоч акаслар бутогидаги бултурги қўзоқларни шилдиратарди.

— Ўн икки кун ўтди-я,— деб қўйди Жофи.

— Ҳа, яна бир кун ўтди,— деб Кизела ҳам хўрсишиб қўйди.

— Бу гапларни эшитиб туриб, бир хиллар намунча енгил-елпи ўйлашаркин-а, дейман. Фақат: қисталанг келса эркакнинг бўйнига ўзинг осиласан, дейишмайди афtingга, холос.

— Паннининг гапларига парво қилманг,— деди Кизела муросасозлик оҳангида.— Ўзи ҳамиша шунаقا, калласига келганини гапириб юбораверади. Мен у билан дардлашмайдиган бўлдим, нега десангиз, ўйламайнетмай, шартта-шуртта гапираверади, жаҳли чиқади-ю, деб ўйлаб ҳам ўтирумайди. Нима ҳам қилардик, ўзича уям ҳақ. Лекин, тўғри, ҳақ эканман деб ҳамма гапниям ҳуда-бехудага гапириб ташлайвериш ярамайди, албатта. Ҳамма нарсани ўз йўриғи, ўз вақт-соати бор.

— Мен унинг гапларидан хафа эмасман, мени ким деб тушунаётгани алам қилади,— эътиroz билдириди Жофи.— Ёки мен юрагидаги гам-ташвишларини осонгина унутадиган шунақанги енгилтак аёл эканманми?

Ё эрига уч йил аза тутган мен эмас, бошқа аёлми? Мана сиз, шунчадан бери бирга турибсиз, ё шу вақт орасида биронта ёмон томоним бораканини билдингизми? Нимага энди, бошимга яна бир ташвиш тушган пайтда, мени ўзгариб қолади деб ўйлашади? Гапини қаранг-а! «Худо эркингни қайтариб берди!» эмиш-а. Менга қолса душманимга ҳам бунақанды эркни раво кўрмасман...

— Шунчаки бир гап-да бу,— деди Кизела, у тўсатдан Жофига нисбатан сергак тортиб қўлган ва ёш жувонга заррача эътиroz билдиргиси йўқ эди шу топда.— Марҳумлар тўғрисида сираям ёмон гапирмаслик керак, шуни-чун улар ҳеч қачон гуноҳкор ҳисобланмаса керак бизнинг олдимизда. Чолим ҳаётлигида қанча жанжаллашардим у билан, ҳозир бўлса уни эслаб кўзимга ёш олмаган куним йўқ. Баъзан ваҳимали тушларни кўриб ётиб саҳар паллада уйгониб кетаман, қарасам: «Имре, дадаси, эшитяпсанми!..»— деб уни чақираётган бўламан. Кейин нафасим ичимга тушиб кетади-ю, лекин қўлим чап томондаги деворга тегади тарақ этиб, чолим шу томонда ётарди-да, шунда юрагим бир орзиқиб кетади, энди чолим абадий йўқ, деб нола чекаман. Кексаларнинг хотиралардан бўлак нарсаси қолмайди, деганлари ҳақ гап экан. Ёшларнинг йўриги бўлак. Ёшгина бўлатуриб хотиралар билан яшаш ярамайди. Мана, сиз ҳам бирорта эрмак топиб олсангиз ёмон бўлмасди. Бирор кимсаннинг уст-бошини ювиб, овқатини пиширадиган бўлсангиз, ўй ўйлашга вақтингиз ҳам қолмасди. Олдинига у кўнглингизга ўтиришмасаям ҳечқиси йўқ, кейин кўнишиб кетасиз... қўйинг, қўйинг, олтиним, бир гап келиб қолгани-чун гапиряпман-да, сизга қанчалик оғирлигини яхши тушунаман.

— Суйганимгаки хизмат қилиш насиб этмаган экан, суймаганимни кир-чирини ўла қолсам ҳам ювомасман. Яшашимдан мақсадим, ҳеч қанақанды ниятим ҳам йўқ. Ҳозирки йўқ экан, бундан кейин ҳам кераги йўқ асло! Үлсам ўламанки, лекин биронта бевага оқ-сочлик қилмайман!

— Яшашимдан мақсадим йўқ дейиш ёшларгагина эмас, ҳатто кексаларга ҳам ярашмайдиган гап. Ўғлим анави қилғиликни қилиб кетгандан кейин, эсингиздадир, жудаям ҳафсалам пир бўлиб кетганди. Эҳтимол, ўғлимдан ноҳақ ранжигандирман. Ҳали ёш, енгил-елли ўйлайдиган йигитчайди, худога минг қатла шукурки, ҳозир нолийдиган жойим йўқ. Мундайроқ бўлсаям иш-

лайдиган жойи бор, шўхликлари ҳам барҳам топди... Худо хоҳласа туппа-тузук бола-чақалик одам бўлиб кетганини ҳам кўрарман, бошقا кампирларга ўшаб йўқлаб ҳам бориб турарман. Йўқ, одам ҳеч қачон яшашидан мақсадим йўқ демаслиги керак, ўз тақдиримдан қиёс қилиб айтяпман бу гапни.

Жофи чурқ этмасди; богчадаги ясмин шабадада чайқаларди; гарчи иссиқ рўмоли билан кўкракларини яхшилаб ўраб чиққан бўлса-да, Жофи бирдан титраб кетди. Кизела эса ўзининг келажакдаги режа-умидларини ривожлантиришга журъат этолмади чоги, Жофи эса индамасди, Кизеланинг айтганларини тушундимикин ўзи ёки ўз хаёллари билан бандми, буни билиб бўлмасди.

— Биласизми, мени ҳаммасидан ҳам нима кўпроқ қийнайди,— ишонч билан шивирлади Жофи ҳаяжонланиб.— Назаримда, ҳалиги... нимайди... бола ўлди дейлик — уни ахир худо олган бўлади-ку, ахир! Лекин ҳаммаси худодан деб қўя қолишдан осон гап йўқ. Борди-ю, жонини худо олмаган бўлса-ю, онасининг ўзи ношудлик қилиб қўйган бўлса-чи? Шу пайтгача, ишонсангиз, бу тўгрида ҳеч кимга оғиз очмадим-у, лекин уни йўқотганимдан бери: агар сен болага шунаقا қарамаганингда ҳозир бечора гўрда ётмаган бўлармиди, деб ўз ёғимга ўзим қовриламан. Қанақанги оналигими ни худонинг ўзи кўриб турибди, ёруг жаҳонда ундан бўлак ҳеч кимим бўлмаса-ю, мен расво ҳар қалай у билан тил топишолмаган бўлсам-а. Ишонасизми, бу норасида гўдак мендан қўрқарди, уйдан қочиб қолса қувонганидан терисига сигмасди. Қўшнининг ҳовлиси га югуради, ўша ёқда парча-пурча сополми-ей, теликтешик кастрюлькаларними-ей топиб ўйнарди, балки ўша ерда шамоллаб қолгандир.

— Қўйинг, бунақанги бемаъни ўйлар билан ўзингизни қийнаманг,— деди Кизела харихоҳона, айни чогда, болани эплолмаганини мана Жофи ўз оғзи билан тан олди, деган хаёлда тантана қилиб.— Ҳамиша ёнингизда бўлиб, бечора болага қандай қараганингизни кўриб-билиб турдим-ку, ахир. Бундан ортиқ нима ҳам қиласардингиз. Бошқалар ўз болаларини уради, калтаклайди — уларга бало ҳам урмайди, бинойидай яшайверишади.

— Лекин мен биламан,— гапида туриб олди Жофи,— сиз ҳам пайқагансиз, жоним, унга керагидан

бошқача муомала қилардим. Эсингиздами, қаҳвани зўрлаб ичирардим унга. Олдинига яхшиликча айтардим, кейин уришишга тушардим, ўшанда мазаси йўқ эди-ку, ахир. Сабрим чидамасди. Пешанамда биттаю битта боламнинг қалбига йўл тополмагандим.

— Бошқалар топади деб ўйлайсизми? — дея хўрсинди Кизела; шу топда у Жофининг оғзидан бир пайтлар ўзи айтган таъналарини эшитаётган эди, бироқ буни эслатишга уялиб туарди.— Мана, мен энди ўғлимдан нолимайман. Охирги марта, дафн маросимига келишида мен билан бирам очилиб гаплашдик, дилида борини тўкиб-солди, авваллари баъзан «жаврамасангиз-чи, кампир» деган қўрс гапдан бошқасини эшитмасдим. Болалар ўзи шунаقا бўларкан: бир қарасанг етти ёт бегонага ўхшайди, бир қарасанг, яна тўсатдан туққан онаси эканинг ёдига тушиб қолади. Буни ўғли мана шунақанги қайсар бўлиб ўсган онагина тушунади. Мана, ниҳоят мен унинг маслаҳатгўйи бўлиб қолдим. Шаникангиз ҳаёт қолганида сизлар ҳам худди бизга ўхшаган бўлардинглар.

— Менимча эса у ҳеч қачон дилини ёрмасди онасига. Ахир ўша куни ҳам уни қўшни кўтариб чиқмаганмиди? Анави букри Ирма у билан мендан кўра тузуроқ тил топишарди. Ҳамма чўчийдиган феълимни худо билмаса, бандаси тушунолмайди. Яна билмадим-у, лекин боламга ўша мажруҳ юқтирган бу дардни...

— Ким билади дейсиз, айланай? Бечора эрим кўпинча, нега ундей бўлди, нега бундай бўлди, деб ҳадеб бир нарсани ковлаштираверишдан наф чиқмайди, ўтган ишга салавот дегучи эди. Мана мен бугун-эрта эллик еттига тўламан. Тўғри, сизнинг бошингизга катта кулфат тушди, лекин ёшлиқ, шунча ташвишу қайгуси билан бўлса ҳам, бегам-беташвиш қарилекдан минг чандон афзалроқ. Қарилек ҳар битта суягингга болта уаркан, дам қўлинг сирқирайди, дам оёғингни оғриганига чидмолмайсан. То подачи сурнайини чалгунича беш-олти бор ўрнингдан туриб ўтирасан, қув-қув йўталиб, девордаги соат нечага занг урятти деб қулоқ тутасан, вақт йилдай имиллаб ўтаётганга ўхшайди назарингда. Яқин орада мен ҳам онамга ўхшаб мўнкиллаб қоламан, онам шўрлик ўзича мингирлаб, ўз-ўзи билан гаплашгувчи эди. Бахтимдан ўргилайки, ёнгинамда сиз борсиз, гоҳо-гоҳо оқшомлари кириб гаплашиб тураман, лекин ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди-ку, ахир. Ил-

тарилари ёлғизликинунча сезмасдим; чолим қазо қилганида йиғладим-сиқтадим-у, бироқ энди уришиб-жанжаллашадиган одам қолмади деб сал енгил тин олгандаи ҳам бўлдим. Эндиликда бўлса ёнингда бирор бори қандай яхши-я, деб ўйлайман, ахир кун сайин кучдан қолиб бораркан одам, шунача пайтда кўнглинг яқинроқ одамни қўмсаркан. Баъзан: эй аҳмоқ, нимага умид боғлаяпсан ўзи? Хўп, ўғлинг ҳам уйланар, бирорта пештлик билимдон отинча бўйнига миниб олиб, ҳадоб ишимга тумшугини суқавермасин деб сенинг кавушингни тўғрилаб ҳам қўяр ҳали. Эркакни лақиллатишдан ҳам осон иш бораканми... Тўғри, ҳозир бошқача ўйлайдиган бўлиб қолганга ўхшаб кўриняпти назаримда; пойтахтлик қақажонлар жонига теккан бўлса керакки, туппа-тузук одам бўлиб қолди...

Жофи ғовга сал суюлганча, ой нурида қисқагина кўланкасига тикилган кўйи Кизеланинг мулоим сўзларига қулоқ соларкан, изтиробли хотиралар уммонига шўнгирди.

— Урнидан тургазиб олган куним эсингиздадир,— деди у,— сог қилиб кўрсатмоқчийдим ўшанда. Уввос солиб йиғлайдиган йиғичилар билан яқин-йироқлари ҳозир бостириб келиб қолишади деб ваҳима босаверганди нуқул. Ундан кўра болам оёққа тургани маъқул, деб ўйлагандим. Ўшанда бўтқа бечорагинамнинг томоғидан сира ўтмаганди-я! Балки менинг қайсарлигим сабаб бўлгандир унинг ўлимига?

— Сабаб бўлгандирингиз нимаси!— қаршилик билдириди Кизела, шунда Жофи унинг овозидаги тоқатсизликни пайқаб жим қолди.— Биласизми, ҳозир мен нимага ҳаракат қиляпман?— бир оз дам сақлаб, кейин қатъият билан сўзини давом эттириди Кизела.— Имрушни фарнадлик графга шофёрликка жойлаштириб қўймоқчиман. Яхши жой, ўзи кўл ёқасидаги уйда туради, ўша швейцарча уйни биларсиз? Ҳар қанақангни бадавлат қиз ўша уйда жон-жон деб бирга туради у билан. Мен аллақачон қоровул хотин билан гаплашиб қўйдим, у бошқарувчининг хотини билан ош-қатиқ экан. Ўша ишга ҳозир одам керак экан.

Бироқ Жофини Имренинг режалари қизиқтирмасди, афтидан.

— Эртага мозорга гунафша олиб бораман, Кати Пордан ваъда қилганди, уларникида бор экан. Лойи

билан олиб бориб ўтқазаман, қабрча шир ялангоч бў-  
либ ётибди, битта таёқ қўйқайиб турибди, холос.

— Яхши, ҳозир экса бўлаверади,— дея унинг га-  
пига қўшилди дили ранжиган Кизела.

— Ўша ерга борсам кўнглим сал таскин топади,—  
гоядта қизишиб сўзларди Жофи.— Ойимларга ҳам  
айтдим, яқинда худди Жужа Морига ўхшаб қолади-  
ганга ўхшайман, дедим. Қачон бормай, у ўша ерда...

Кизеланинг эса Жужа ҳақида гаплашгиси йўқ  
эди мутлақо. У дили оғриб жим бўлиб қолди, девор-  
дан сал четроққа олди ўзини. Бу орада бутунлай қош  
қорайиб, акасларнинг қораси томга қўшилиб кетган,  
кўчадан бирор келаётганини фақат одим товушлари-  
дангина пайқаш мумкин эди. Кимдир ҳайратланиб  
саломлашди ва сал нарига бориб бу икки аёл қораси  
кўринган томонга ўгирилиб қаради. Шу пайт ичкари-  
дан чақириб қолишиб уларни:

— Жофи, қаердасизлар, шу ердамисизлар ўзи?

Афтидан узоқ ёлғиз ўтириб Марини ваҳима боғсан-  
ди. Кизела қаддини ростлади.

— Ростданам уйга кирайлик энди. Ҳаво салқин,  
сизга зарар қиласди.— Марига қараб қичқирди:— Кет-  
япмиз, кетяпмиз, ўргилай!

Жофининг лаблари жийрилди: унга заарлимиш!  
Лекин индамади. Эндиликда ҳеч нимадан қўрқмасли-  
гини, тезроқ бир ёқлик бўлгани қайтага яхши эканини  
учраган одамга тушунтириб ўтиармиди. Уйга кирган-  
ларида бўлса икки бети ял-ял ёнар, кўзлари чақнарди.

— Бир ўзингиз қўрқдингизми, айланай, бизни қо-  
чиб кетишибди, деб ўйладингизми?— шундай дея Ки-  
зела Марикага жилмайди-да, чайир қўллари билан қи-  
нинг ёногига шапатилаб қўйди.

Жофи худди шу дақиқада Кизеланинг афтига ті-  
килганди: кампирнинг одатдаги хўмрайган ва заҳаро-  
луд башараси меҳрибонлик кўрсатаман деб ғалати бир  
даҳшатли тусга кирган, худди изтироб чекаётгандек  
бужмайиб кетганди. Мари бўлса бунга жавобан оғзи  
қулогига етиб, сал хижолатомуз кулиб турарди.

Орадан кунлар ўтиб, апрелнинг қутурган шамолла-  
ри тинди. Яқингинада тунлари чувиллаб, ўзларини у  
ёқдан-бу ёққа уриб нола чекиб чиқадиган шох-бutoқ-  
лар эндиликда парвозга қанот ёзадиган қушчаларнинг  
салгина турткисидан силкиниб, бўртиқ куртакларини  
силкиб хайрлашиб қолардилар. Турк чиннигуллари

аллақачон дераза олдидаги гулпушталарга әкилған, куни кечагина тепасидан бадқовоқ булатлар шитоб билан ўтиб турган қудуқ атрофидаги күлмаклар узра эндилікда парқы булатлар ялқовлик билан оҳиста сузиг юрарди. Ана шундай осойишта кунларда Жофи Шаника янги кўмилган пайтларидағига қараганда ҳам тез-тез қатнайдиган бўлди қабристонга. Ўз полизларида тер тўқаётган аёллар озгинагина нафасларини ростлаб олиш учун вақт-вақти билан ўринларидан туриб, дарвозалари олдига чиқарканлар, тўсиқ ёнидан гизиллаганча ўтиб бораётган баланд бўйли, қоп-қора кийинган, бир қўлида сават (саватдан атиргул навдаси чиқиб турарди), иккинчисида чопқи кўтарган аёлга бот-бот кўзлари тушиб туради.

Жофи асосий кўчадан заруратдан юрар, имкон туғилди дегунча тинчгина орқа кўчаларга бурилиб кетарди. Бундай кўчаларда, саломлашадиганлар кам йўлиқар, кейин кўзларини ерга қадаб юриши ҳам барҳам топарди. Охирги уйларни ортда қолдиракан, гўё елкасидан тегирмон тоши тушгандай енгил тортарди. Ҳамон қиши бўёғини асраб турган ялангоч акаслар қорайиб турган эски қабристон амал олаётган майса-тиёҳларнинг яшил гиламига буркангандай. Деворлари қийшайиб қолган бутхонача олисдан кўзга ташланади, дарвозанинг синиб-майишган панжараси орасидан ноатариуснинг Юлишкасига қўйилган ажойиб мармартош ярқираб кўриниб турарди.

Одатда у эски қабристонни кесиб, кекса акаслар остидан, сариқ ва гунафша ранг гулсапсарларга кўмилган гумбазчаларни оралаб ўтарди. Бу гулсапсарлар ўлим ботқогига қўйилган қопқонлардай оёқларига чирмашиб, юришига ҳалал берарди. Ёнидан ўтиб бораётиб эри ётган Ковачлар даҳма-хилхонаси ёнида бир нафасгина тўхтарди-да, кейин эски қабристон билан янгисини ажратиб турган буталар орасидан тўгри йўл соларди. Бу буталар остидан ёлғизоёқ йўл ўтарди; сиренъ ва дўлана буталарининг сертикан шоҳ-шаббалари бу йўлдан юрган кимсанинг юз-кўзларини юлқиларди. Жофининг юбкаси ҳар қадамда нимагадир илиниб ўтар, буталар орасидан чиққанда әтагига бутунлай қариқиз илашган бўларди. Бироқ бу ёлғизоёқ йўл машақватлари Жофи учун гуноҳлардан форуг бўлиш йўлидай бир гап эди. Ниҳоят яп-янги олтин тусли хоч қадалган, барра майсалар барқ уриб, атрофифа гуллар яшнаб турган

гумбазча кўзга ташлағанда у буталар орасидан покланиб, ҳаяжонланиб чиқиб келар, икки оғизгина қайгули сўзни дилидан ўтказса кўзига ўз-ўзидан ёш қуилиб келаверарди.

Боласининг ўлимидан сўнг Жофининг эти бориб устиконига ёпишиб, ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолди. Овози ҳам қуюқ туману қалин булутларни ёриб ўтаётгандек хириллаб чиқарди. «Шу аҳволда кетадиган бўлса кўпга бормайди у», деб пичирлашарди одамлар орқасидан. Кечқурунлари, эшиклари олдидаги харакада милтиллаган юлдузларга тикилиб ўтиргакларида яна уни эслаб қолишар ва яна: «Шу аҳволда кетадиган бўлса Жофи Куратор кўпга бормайди», дея такрорлашарди ўзаро. Мўй босган тўмтоқ бурунлари жийрилиб, ясмин бўйига тўйинган ҳавони ютиб ўтирақланлар, ўзларининг ҳам ёшлик баҳорлари тугаб бораётганини ўйлардилар. «Жофини бир нима қилиш керак,— дерди одамлар Жофини чўқинтирган онасига,— шундоқ ёшгина жувоннинг умри ҳазон бўлиши яхшимас. Ёшларнинг мана шунақанги ўй сурэдиган бўлиб қолишиларидан ёмон нарса йўқ дунёда. Гамга берилиб ўзини-ўзи еб қўяди улар». Еу гапларният барни шунчаки, ўз меҳрибончилигини намойиш қилиш учунгина айтиларди, холос. Дала ишлари авжи қизиган паллада Жофининг ғамини ейишга кимнинг ҳам бўш вақти борииди дейсиз! Лекин, шундай бўлса-да, қариндошлари, айниқса Лиди Хорват, сқщомлари Кураторларникида йигилганларида тез-тез бу ҳақда гап очиб турнишарди. Олдинига қайси товуқ қанча тухум қилгани, Илушкинг қанақанги ажойиб адёлу кўрпалар буюргани ва шунга ўхшаш нарсалар устида валақлашишиб, кейин Жофи тўгрисида бош қотиришарди.

Қисқаси оиласини суҳбату гийбатларнинг мавзуи Жофи бўлиб қолди. Паскада Илуш боласи билан келди. Бу ишни шу аҳволда қўйиб бўлмайди, оқибати мусибатга айланади, деб ҳаммадан ҳам кўпроқ томоқ йиртган Илуш бўлди. Жофининг сўнгани ҳавасини яна қайтариш керакмиш, у — Илуш, масалан, бир бевани билармиш, у ҳали қирққа ҳам бормаганмиш; хотини кузакда қаттиқ дардга чалиниб ўлган экан, ундан етти-саккиз яшар қиз қолганмиш, ана ўша қизалоққа она керакмиш; гап орасида ўша бева кишининг ўз ресторанчаси бор эканини ҳам қистириб ўтди Илуш.

— Лекин бу гапни Жофига оғизигдан чиқара кўр-

ма, бўлмаса шундай узиб оладики, айтганингга минг пушмон ейсан! — деди онаси. У тўнгич қизининг бир сўзлилиги сабабини тушунолмасди-ю, бироқ ҳар қалай уни эъзозлар, фақат бу феъли билан ўзига душман ортириб олмаса гўрга эди деб чўчирди.

Кўзадан стаканга вино қўйиб ҳўплаб ўтирган Куратор чол ҳам ўйга толди; мўйловини артиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Зўрлаб бир иш қилиб бўлмайди. Лекин шундай бўлгани маъқул эди. Боласи борида мен ҳам мажбур қилмагандим, илло Жофийимиз тошбағпр бир нарса, бирор билан чиқишиб, кўнишиб кета олармикин, янатагин биз гуноҳкор бўлиб қолмасмикинмиз, деб ўйлагандим. Аммо эндиликда уриниб кўрса наф чиқиб қолар дейман. Лекин бунақангидан одамни зўрлаб кўндириши амри маҳол. Бунинг устига боласини ерга қўйганига ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ.

Бироқ Илуш ҳозир Жофиғига айниқса хайриҳоҳ эди; унинг ишлари жойида, эндиликда уни «хоним», «бекач», деб аташади, баҳтиқаро опасига шундай бахт кулиб боқсан синглиси ёрдам бермаса, ким қўлини чўзади. Эҳтимол Илуш билан бир қишлоқда яшаса дарди унитилар, кейин қабристонга ҳам ҳозиргидай тез-тез қатнамасмиди. Ёшгина жувоннинг доим қабристонда қолиб кетгани яхшими?! Бу гирт савдоийлик-ку, ахир! «Савдоий» сўзини у бўлар-бўлмасга ишлатаверадиган эридан ўрганиб олганди. Лекин кекса Куратор важоҳат билан бош чайқаб: «Ҳали әрта, кейинроқ, фурсатини топиб айтилар, ҳозир ярасини янгилаб қўясан», деди.

Жофини аста-секин шу фикрга кўниктира боришга келишиб олишиди. Илуш шу заҳотиёқ опаси билан юракдан гаплашиб олиш истагини билдириди. Эри унга деб ёзилган «Янги замон»да худди шунга ўҳшаган, бир бирори билан юракдан гаплашиб оладиган бир лавҳани ўқиганди-да, ахир. Ўша лавҳадаги чиройли гапларни ҳам сув қилиб ичиб олганди. Аммо эсхонаси чиқиб кетган онаси кўнмади. Кампир, Жофи куракда турмайдиган сўзлар билан қайриб ташласа, опа-сингил бир умрга юз кўрмас бўлиб кетишади, деб қўрқиб, барча оғирликни ўз устига олди. Нега деганда Жофининг Илуш ҳақида қандай фикрдалигини у жуда яхши биларди-да. Кампир дарҳақиқат бирорнинг кўнглини ийдиралигидан сўзамол бўлиб туғилмаган эди. Жофидай

одамнинг этини ўлдириш йўл бўлсин унга! Шунга қа-  
рамай у идиш-товоқларни ювив бўлиб, йўлга тушди;  
кампир шилдираған, ҳилпираган узун юбкаси билан ер  
супуриб бораркан, кўнгли фаш эди, у қизига нима де-  
йишини, гапни нимадан бошлашини ўйлаб шунчалик  
хаёлга берилиб борардики, ҳатто шляпасини сал кўта-  
риб саломлашган бир неча уругу таниш-билишларни  
ҳам пайқамади. «Жофи, болагинам, вақтинча бўлсаям  
бу уйдан кетганинг маъқулмиди. Пештдаги даволайди-  
ган сувда чўмиладиган жойга сен билан ўзим ҳам жон-  
жон деб кетардим», дейди. Ундай деса, чўмилишдан  
қандай қилиб анави қовоқхоначига ўтади? Балки Жофи  
умуман чўмилгани бориш ҳақида эшитишни ҳам хоҳ-  
ламас! Йўқ, бу ерда бирор ҳийла ишлатиш керак. Эҳти-  
мол мана бундай бошлагани тузукроқdir: «Деҳқон-  
нинг кўрган куни қурсин. Анави дўкондор қўшнимиз  
Унгварга ҳавасим келади, худо берган куни чўмилиб,  
жони роҳатда ўтади-я. Еки бўлмаса қовоқхоначи-  
ни олайлик. Агар ҳозир мен қиз бўлсан фақат қовоқхона-  
чиагина тегардим». Ҳозир-ку айтиш осон-а, қани,  
унинг хўмрайган кўзларига қараб туриб гапириб кў-  
ринг-чи... «Жуда вақтида қиз бўлгингиз кеп қолибди-  
да, ойижон», деб узиб олади... Лекин анави қовоқхона-  
чининг бошига тушган мусибатни гапириб берса бў-  
лар?! Бечора бева қолибди, оғир дард хотинини икки  
кунда олиб кетибди. Кўргиликни қаранг-а, шўрлик қи-  
залоги билан шўппайиб қолаверибди, болага қарашиб-  
как кишининг қўлидан келармиди. Кампир яна гап-  
ни қандай бошлаш устида бош қотиришга тушди:  
«Жофи, болам, қаёққа қарама, ҳамма ерда ташвишу  
ғам. Илуш гапириб берди, қишлоқларида битта қовоқ-  
хоначи боракан, хотини шўрлик икки кун ётиб ўлиб-  
ди-қўйибди. Бечора қовоқхоначи гўристондан бери кел-  
масмиш, одамлар хотинига куяётганини кўриб, ўзиям  
адойи тамом бўлмаса, деб хавотирланётганмиш. Агар  
унга бирон гап бўлса қизининг аҳволи не кечади? Йир-  
тиқ-ямогини, майда-чуйда ишларини Илуш қилиб бе-  
раётганмиш — эркак одамнинг қўлидан нимаям келар-  
ди дейсан? Айтишича қизалоқ ақлли, чиройли, мўмин-  
қобилгинамиш, шундоқ қиз онасиз ўssa-я!» Шу таҳлит-  
да гапириб берса ҳар қандай одамнинг ҳам кўнгли  
юмшаб кетади. Лекин шунда она назарida Жофи ўқ-  
райиб тургандай ва: «Бирорнинг етимчасига шунчалик  
ачинаётганингиз яхши... Қизалоқ ҳали тирик экан, ба-

ло урмайди, деяётгандай бўлди. Жофи тошбагир, бераҳм жудаям. Она то етиб келгунича қандай найранг ишлатмасин, бари фош бўлишили тушунди; Жофининг уйда эмаслигини билгач, ҳатто енгил нафас олди. Қош қорайиб қолганига қарамай Жофи ҳануз қабристондан келмаганди.

Одатда Мари бундай пайтда Кизеланинг ҳужрасида ўтиради. Уйда идиш-товоқни ювади-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб гумдон бўлади. Унга биронта ишни буориб бўлмай қолди: картошка унидан нон пиширса қаймоқ солиш өсидан чиқади, сўйгани товуқ ушлаб кел десангиз, курк товуқни олиб келади. Қўлинин айтмайсизми, нақ акашак бўлиб қолганми дейсиз, кўзани олди дегунча тушириб юбориб, чил-чил қила қўяқолади. Пешиндан кейин бўлса-ю, қорасини ҳам кўрсатмайди. Майли, кечаси Жофиканикода тунаса тунайверсин, онаси қарши әмас (гарчи бунинг жатига эрталабки сигир соғиши ҳам ўзининг зиммасига тушса-да), лекин одатда Жофи мозористонда бўлладиган пайтда, чошгоҳдан кейин бу ерда пишириб қўйибдими унга? «Қаёқ-қа?»— деса: «Мозеш холаникига, менга нимча тикиб бераман дегандилар»,— деб важ кўрсатади. Кейин билса, Кизеланикода шивир-шивир қилиб ўтирган бўлади. Кизела нимагадир унга жуда меҳрибончилик қилиб қолди ўзи?! Қизини нима билан мунча ўзига оғдира қолдийкин-а? Бугун бир таъзирини берсин. Лекин у — Юли Куратор унақанги шартиллатиб бетига соладиган одамлар тоифасидан әмасди, айниқса Кизелага ўхшаган «хоним»ларга нисбатан. Аксинча, Кизела унинг одим шарпасини эшитиб дарпардани суриб, кўзойнаги устидан «мўралаганда» Куратор кампир ўша заҳотиёқ илжайди.

— Ие, сен шу ердамидинг?— деди у Мариға қараб, унинг мулойим овози остига яширинган норозилик оҳангини ҳатто қизи ҳам пайқамай қолди.— Мен сени Мозешларникода деб ўйлабман.

— Кампирнинг гапини эшитай деб Кизела холасиникига келган-да бирровга,— Мари ўрнига жавоб берди ижарачи.— Марика, сиз бошқа ёшларга сира ўхнамайсиз, бошқачасиз, дейман. Гап йўқ-сўз йўқ, жимгина ёнимизда ўтирибсиз, сизнинг ўрнингизда бошқа қиз бўлганида юз марталаб, икковинглар ҳасратлашиб ўтираверинглар, менинг бундан бошқа ишларим ҳам ошибтошиб ётиби, дейиши турган гап әди, дейман. Лекин

Маришка унақалардан әмас, деразаси өртида изғийдиган әтикларнинг ғарчиллашига қулоқ солиб ётиш ўрнига, мана уч ойдирки опасиникига қатнайди.

— Нима ҳам қиласардик, қўлнимиздан келганча ёрдам берамида боламига,— жавоб берди онаси.— Тўғри, ҳозир уйда мана бундоқ зарур, эрталаб сигир соғиш ҳам ўзимга қолган, пешинда товоқ-қешиқ тогдайт уйилиб кетади, бу кишининг бўлса Мозешникида зарур ишлари чиқиб қолибди. Ахир менинг ҳам белим резинкаймас, кексайиб қолдим, олтмиш иккига кирдим.

— Айланай эгачи, қизингиз бир-икки кунлик меҳмон уйингизда, әрта-индин қарабисизки бешига никоқ гулчамбарини кийиб турибди-да, шунақаямасми, жонгинам?— шундай деб у қари даллалардай айёронга кўз қисиб қўйди Марига, қиз бўлса лолақизғалдоқдай қизарип, уялганидан ерга қаради.

— Унда кўнмай иложим қанча-я,— дея бош иргади онаси, кўзларига қалқан шубҳа алматлари йўқолиб.— Бу ёққа келиб, озгина бўлса ҳам Жофига ёрдам бераётганини гапираётганим йўқ, бунга ачинмайман. Жофикамиз ҳам ўзи бир галати-да: ёнида ким бўлсаям барি бир унга.

— Унақа деб ўйламанг,— ўша вакоти оғзидан илиб кетди Кизела.— Ўзини мақтаятти деманг-у, мабодо мен билан манави олтингинам, кейин Панин бу ерда бўлмаганимизда, худо билади нималар қиласарди ўзини. Жофи киши кўзигагина ҳеч ким керакмас қилиб кўрсатади ўзини, агар сал узоқроқ муддатга ўзини ёлгиз қолдирсан, худди бир иши бордай излаб қолади. Гаплашаман деб оғиз очди дегунингизча яна маликага айланади-қолади, фақат: «Ўз ҳолимга қўйинг, жигимга тегман!»— демайди, холос. Мен бундан хафаям бўлмайман, сизлар билан нақ тувишгандай бўлиб кетдим да ўзиям. Худо берган феъл-да бу ҳам.

Куратор кампир бир фурсат жим қолди, у сукут сақларкан, зиммасига олган вазифа қийнай бошлади. Шундан сўнг у жим туролмади, ғилини ёрди:

— Бир гапни айтсам сиз нима дейсиз — баъзилар унга уйланишга ҳам тайёр.

— Жоfigами? Ҳа-ҳа, синглим ҳам бир йигитнинг ҳадеб ундан Жофини сўраб-суриштиришини айтганди. Шўрликка ачинаман, шамдай эриб боряпти.

— Бунисини Илуш топибди,— деди Жофининг онаси, Пордандан қизини суриштирган ўша йигитнинг

қанақалигини икки дунёда сўрамайдиган бир қиёфада.— Яхши одам экан, бадавлатакан, камчилик жоий йўғакан. Илушга ҳам ҳайронман, нима деб ўлади ўзи? Жофи осонгина хўп деб қўя қоладиганлардан эканми. Қариб-чиригуничаям Шаникасини қўмсаб юраверади.

— Вой худойим-эй, қўмсайдими, қўмсамайдими, бари бир қандайдир яшаш керак-ку, ахир. У ҳам овуниб қолар, лекин тез орадаямас, албатта. Мен Паниниям, бекорга қийнаб нима қиласан уни, деб уришиб бергандим. Синглим бўлса, Жофини эрга бераман дедимми — бераман, вассалом, деб ўзиникини маъқуллагани маъқуллаган. Ҳозирча Жофиқа қанчалик саркашлик қилмасин, бари бир оқибати шундай бўлади. Бора-бора эти ўлиб қолади. Мен ўзим ҳам кўпинча гапни шунга бураман, дунёда қабристондан бўлак гаплар ҳам бора-канини унутмасин дейман-да.

— Барака топинг илоё, у билан гаплашинг, ҳоним, бунақа ишларга эпчилисиз. Снага қараганда бошқа бирорвга осонроқ кўчади бу,— деди она елкасидаги юкни бирорвга топширганидан курсанд бўлиб.

Снанинг ентил тортганини ўша ондаёқ пайқаган Кизела бундаға фойдаланиб белига гайрат камарини боғлади.

— Айтаман, гапираман, ишқилиб Жофиқамиза ҳам ёруғлиққа чиқсин. Бечорани туқсан қизимдай кўраман... Рост, кейинги бир неча кун орасида банд бўлдим, ҳар куни кечқурун почтачининг хотининикига қатнадим, кейин ўғлимнинг иши юзасидан Фарнаддаги бошқарувчига учрашдим, энди, худога шукур, вактим бемалол бўлиб қолди яна. Мана кўрасиз, кўнглидаги губорларини тарқатиб юбораман.— Шундан сўнг, ўғлим тўғрисида сўрамасмикин, деган ўй билан кампирга тикилиб турди.

Бироқ Фарнад ва ўғлининг режалари ҳақидаги гаплар кампирнинг қулогига ҳам кирмаганга ўхшарди. Шунда Кизеланинг ҳаммасини ўзича айтиб беришдан ўзга чораси қолмади.

— Имреимга бир амаллаб жой ундиридим, биринчидан графнинг машинасини ҳайдайдиган бўлди. Қанчалик қувонганимни билсангиз эди! Граф чинакам мутахассисларни ишга олади, иннайкейин, шоферига нақмирзасидай муомала қиласди. Фаросатлироқ йигитча учун бунақа жой бошига баҳт қуши қўнган билан баробар. Шўрлик Имрегистам шунга муносиб, кейинги пайт-

ярда шунақаям яхши бўлиб қолдики, барака тоңкур, асти қўяверасиз!

Бир неча дақиқа ҳаммалари жим қолишиди. Кизела ялтоқланиб мәҳмонга илжаярди. Мари ўрнидан туриб, кружкани олди-да, пақирдан сув келтириш учун ошхонага чиқиб кетди. Унинг онаси бўлса тагин қўзларимдан жаҳлим чиққанини сезиб қолишмасин деб кўзларини олиб қочарди ҳадеб. Ошхонадан пақирдан шовиллатиб қўйилган сув овози эштилди, дераза ортида эса қалдирғочлар вижирлади. Бахт кулиб боққан Кизелага нимадир дейиш керак эди — лекин нима дейди? То-леига айвондан туфлининг тақиллагани эштилиб қолди, ошхонада ниманидир тақ этиб қўйишиди, ана таёққа ўхшаган алланима тўқ этиб урилди деворга. Кейин әшик очилди.

— Жофи келди,— деди онаси ва иккала кампир ўрнидан қўзгалди.

Жофи Кизеланинг ҳужрасига кирмади, фақат әшикни очди-ю, остонада туриб қолди. У минерал сувдан бўшаган шишани қўлтиқлаб олганди — одатда ана шу шиша билан ўғли мозоридаги гулларга сув қуярди. Жофи озиб-тўзигб кетганидан бўйи хийла чўзилиб қолгандай кўринарди. Шу топда остонада тураркан, онаси кўзига ашир танновдай кўриниб кетди.

— Ўша ёқдамидинг?!— деб сўради онаси мулозамат билан.

— Сал тупроқни юмшатиб гул экдим, энди совуқ таъсир қилмаса керак.

— Жуда кеч қолиб кетдинг-ку! Бир ўзинг қўрқмайсанми?— сўради онаси. Кампир яна ноўрин гапириб қўймадиммикин деб юраги дараҳт япрогидек титраб турарди.

— Нимадан қўрқардим?— Жофининг лаблари бурчи, гўё жилмайишга ҳозирлангандек, салгина титраб кетди.— Арвоҳларданми? Одамлардан кўра ўшалар билан учрашганим яхшироқ мен учун.

— Қабристонни нимасидан ҳам қўрқарди,— гапқистирди Кизела.— Фақат ўша ерда дам олса бўлади. Мен ҳам Жофиқа билан бирга борсам деган ниятим бор: раҳматли ота-онамизнинг гўрини сал тартибга келтириб қўйишимиз керак, сингилжоним мутлақо қарамай қўйибди. Кейин, Жофиканинг ёлғиз ўзлари қатнамайдилар ҳам. Якшанба куни бормоқчийдим, Фарнаддаги бошқарувчига учрашгани бориб қўлим тег-

мади. У ердан ўғлимга бўш жой топганимни ҳозир онангизга гапириб турувдим ўзиям. Эрталаб бошқарувчи почмейстерга қўнғироқ қилиби, граф Имрени ўзига шофферликка олармиш. Қанчалик севинганимни сизга айтишга улгурмагандим ҳали.

Ошхонада курси тарақлаб кетди, Мари қоқилиб кетган бўлса керак; лекин ҳужрадагилардан ҳеч бири — на она, на қизидан лом-мим деб садо чиқди.

— Ие, мени қаранглар-а! Худди яна қайтиб борадигандай шишани қўлтиқлаб турибман-ку ҳануз,— дея ғўлдиради Жофи ва шишани рўмоли остидан чиқариб, гўё қопқоги жойида турибдими-йўқми дегандай айлантириб кўра бошлади.

У шундан кейин шартта бурилди-ю, қоронги ошхонани босиб ўтиб, тўғри ўз хонасига йўл олди. Олдинига Кизеладан жаҳли чиқиб турган онаси буни кўриб ҳуркиб кетди: шундай «хоним»нинг гапига жавоб бермай, сенинг гапинг менинг фалоним деб шартта бурилиб кетавериш яхшими?! Она нима қиласини билмай, довдираганича қизи орқасидан эргашиб, унинг хонасига киришга кирди-ю, эшик олдида туриб қолди. Жофи тим қоронги хонада эшикка орқа ўгириб, каравот ёнида тўхтаганди; қоронгидаги худди каравот ваҳимали хочга ўхшаб кўринар эди.

— Сизмисиз, ойи? — бир сесканиб сўради у, онаси эса қизининг овозини танимай қолди шу топда.— Ҳозир чироқни ёқаман.— Жофи стол ёнига борди.— Бу Марига сира тушунолмайман, доим гугуртни аллақа-ёқларга тиқишириб юради.— Бу энди Жофининг асли овози эди.

Онаси Жофи чўчиб турган айни шу дамни унинг пинжига кириб, қўйнига қўл солиш учун қулай фурсат деб билди. Кизеланинг гапи Жофининг жаҳлини чиқарди — у ҳам ҳозир Жофи билан фикри бир эканини, Кизеланинг ҳадеб ўғли ҳақида гапириши унга ҳам ёқмаслигини англатиб қўяди. Шу хаёл билан онаси Жофи ҳали чироқни ёқиб улгурмасидан унинг тирсагидан ушлади:

— Менга қара, Жофи, намунча ўғлини гапиради?  
Ўғли билан бизни нима ишимиз бор экан?

Онасининг муловазамат қилаётганини фаҳмлаган Жофи тирсагини силтаб тортганди, кампирнинг нимжон ёъли сирғалиб қизининг билагини қўйиб юборди, Жофи бўлса ўзини четга олди.

— Мен қаёқдан биламан! — деди Жофи ва бир да-  
қиқалик жимлийдан сўнг баралла хитоб қылди: — Ана-  
ви кампирларга ўхшаб валдашнинг нима кераги  
бор?! Ким нима деди, гапининг тагида нима бор, деб  
чайналишдай бошқа нарсанни билмайсиз. Шундан бош-  
қа ишингиз йўқми...

— Секинроқ, Жофи, эшитиб қолади-я! — эсанкираб  
шивирлади онаси; Жофининг газаби қўзиганидан у бе-  
чора шунчалик қўрқиб кетгандики, ҳатто хонадан қо-  
чиб қолишга ҳам рози эди шу топда. Кейин Жофининг  
жануз уймалашаётганини, чироқнинг бўлса ҳадеганда  
ёнавермаганини кўргач, ҳуркимбигина сўради: — Ҳалиям  
тополмадингми гугуртни? Марини чақири қолай бўл-  
маса.

Бирор бу пайтда гугурт Жофнинг қўлида туарди,  
бир зузидан сўнг онаси қизининг юзидан ҳозиргина бў-  
либ ўтган мажароринг маъносини уқиб олиши мумкин  
эди. Жофининг юа ифодаси тунд, худди тош мисоли бир  
туки ҳам қилт этмас бўлиб, кампир ҳар қанча тикилма-  
сим ҳеч кимани пайҳай олмади.

— Қабри анча чироили бўлиб қолгандир-а? — деб  
сўради у диван чеккасига омонаттана ўтираркан. — Бе-  
рай дейман-у, лекин пасхадан бери сира иложини қи-  
лолмайман.

— Қабр тонг қўйинш керагиди, — деди Жофи. — Шу  
йилги ҳосилнинг пулидан сламан.

— Янаги кўкламда олганинг тузукмикин дей-  
ман, қизим. Агар ҳозир қўядиган бўлсанг тупроқ  
чўқади.

— Қилгиси келмаган одам доим шундай дейди. Ҳо-  
зир гўр янги, ҳали чўқади деб баҳона қиласди, бир йил-  
дан кейин ўлган ҳам унут бўлиб кетади.

— Анави нотариуснинг Юлишкасининг мозори чў-  
киб кетди-ку, ахир, — химоята ўтди онаси. Үзингниям  
эсингдадир, барча авлиёю анбиёлар байрамни арафасида  
бўлганди, гулчамбар олиб борган ишмалтирларини бо-  
сиб қолишига сал қолганди-ку.

— У ерда мендан бошқа кимни ҳам босиб қолар-  
ди, — мунсарага чек қўиди Жофи. — Бошқалар қадам  
босишмайди бари бир, мени эса қайтага босиб қолга-  
ниям тузук.

Бу гапига онаси нима деб жавоб берарди дейсиз, фа-  
қат уйга қайтаётганида: Жофи билан бир юракдан гап-  
лашай, дейиш айтишгагина осон, деб мингирлаб қўиди

ўзича. Мана, гаплашиб ҳам кўрди! Туққан қизи эмас, етти ёт бегонага ўқшайди.

Энди Кизелага келсак, у осонтина эсанкираб, саросимага тушиб қоладиган анойилардан эмасди. Имренни Фарнад графи хизматига жойлаши аниқ бўлгач, келажаги хийла ойдинлашганди кўз ўнгиди. Истиқболнинг озми-кўпми ойдинлашиши, келажати эндиликда ўз қўлида эканини аниқлаб етиш нафақат давлат арбобларини, балки нафақа зазаша яшаётган мактаб хизматчиси бевасидай одамни ҳам тиришкоқ қилиб қўяди. Улкан бир мақсад Кизеланинг заифлашиб бораётган кучига куч қўшгандай, улуғвор бир орзу — ўғлиният парвози — унинг ҳориган, ҳувиллаб қолган қалбига илиқлик ва гайрат бахши этгандай бўлди; гўё янги сулолага асос қўйяётгандай ҳис эта бошлади жампир ўини. Ҳатто кўвлари ўтқир тортгандай эди, юриш-турини ҳам илдамлашиди. У дарқақицат ўғлини ўзи тўқиган ҳийла тўрига илшинтириш ва ҳагто уни муносиб оиласдан уйлантириб қўйишдан аллақачон умидини узганди. Эндиликда у Имрени кам маош билан ошга қабул қилиб, тезгина жавобини берниб юбораверган бекалардан курсанд ҳам эди. Бу қайсарнинг кўзини очиб қўйган ана ўшалар, мана өнди бадавлат қипилоски қирага уйланнишга ҳам тайёр, ишқиллаб совуқда юқ мелнинасида пиво ташиб дийдираф ёки шисиз лашиллаб юрмаса бўлгани.

Кизеланинг Маридан жўнгли тўқ. Бу мўмингина гунахинча унга келин бўлса умрбод миннатдор юшайди. Ана унда Кизела келиним мосуво қилиб ҳайдайди деб асло чўчимай, бемалол ўглиникуга кўчиб бораверади. Лекин фақат битта тўсиқ бор бу йўлда, Кизела Кураторларният қибру қавосини енгигб ўтиши лозим. Темир йўл хизматчиси, шофер уларнинг мазарларидан ёлланиб ишлайдиган мардикордай бир гап. Улар ғизларини эртаю кеч ҳўкизни чух-чухлаб ер ҳайдайдиган яланг оёқ деҳқонга жон-жон деб беришади. Уларнинг табиати шунаقا бўлганидан кейин ышма ҳам қиласиз! Илло Кизела ўз нийтига етишга уриниб кўрмай туриб бўши келадиган анойилардан эмас. Имренинг шундоқ биқингинасида ишлаши ярми иш билди деган гап. Кизела шундай қиласиди, Мари ўзини қудуқча ташласа ҳам, осса ҳам Имрени дейдиган бўлади. Албатта бу охирни чора, Кизела жуда умашсанти нарвоннинг тепасига бирдан ница қолсан дейдигамлардан эмас. Шу таҳлит режа тузаркан, у аввало Жофи қақида ўйлай

бошлади. Мабодо Жофини ўзига оғдира олса, қарши-сида Кураторлар эшиги очилди деяверинг. Хўш,, Жофи нега унинг тарафини олмас экан? Ақалли ота-онаси-нинг жиғига тегиш учун қилади буни. Бундан ташқари озмунча меҳнати сингдими унга. Боласи оғриб ётгани-да ким парвона бўлди унга, яқинларидан бирортаси лоақал бир марта бўлсин компресс қилдими касални?! Шундоқ зиёли хоним бўла туриб уни ўзига тенг кўргани-чи?! Йўқ, Жофи унинг режаларига қарши чиқмайди. Лекин Жофи ҳозирча унинг шамаларини тушунишни истамаяпти, чунки бошига тушган ғам-ташвиш ҳали дориганича йўқ...

Эртага биринчи деган купи кундузи Имре кириб келди. Эртасига эрталабдан у граф ҳузурида иш бошлиши зарур эди, бундан ташқари у Кураторларнинг фикрини билиш ниятидайди — гапнинг қисқаси, у онаси ёнида бир кечак тунамоққа аҳд қилганди. Бу хабар етказилганда Мари ўша куни идиш-товоқларни ҳам ювмай, Жофи уйни кўтаришга ёрдамлашиб юбор деганди, деб уйдан қочиб қолди. У Жофининг хонасида ҳатто қорасини ҳам кўрсатмади, Кизеланинг ҳужрасига уриб кетди ва диванда ёнма-ён ўтириб олиб, Имре икковлари шўх-хандон суҳбат қуришди. Жофи хонасидан чиқмасди. Имре кириб келган дамдан бошлаб хонага қамалиб олди, «ғижиниб, жаҳли чиқиб ўтиргандир», деб ўйлади Кизела. Ювуқсиз идишлар катта тогорада уйилиб ётар, Жофи уларни эсидан ҳам чиқариб юборганга ўхшарди. Соат иккidan ошганда кийиниб, тайёр бўлиб чиқди ошхонага: эгнида пальто, қўлтифида тугунча — қабристонга отланган эди у. Мари опасининг шарпасини эшита солиб, Кизеланикидан ошхонага отилиб чиқди-ю, хижолатомуз, аммо қўзонч-ҳаяжонини яширомай, Жофига жилмайганча тикилиб тураверди.

— Шу ердамидинг? — ҳайрон бўлди Жофи.

— Сени ухлайсан деб ўйлаб кирмагандим,— ўзини оқлашга тушди Мари.

Худди шу пайт Имре чиқиб келди-да, гўё Жофи-нинг хит бўлиб турганини пайқамагандек, эски танишидай одатдагича ҳазил оҳангидаги деди:

— Мехрибон бекачамизга саломлар бўлсин, ҳали тузук-қуруқ саломлашмасимдан бурунроқ мени мафтункор ажойиб кўзларингиз-ла қувиб солманг, ўтина-ман сиздан!— Шундай деб унинг афтига тик боққанча тиржайди йигит.

Худди шу аснода Жофининг юзига кўз ташлаган Кизела саросимага тушди, жувондаги шундай ошкора нафратни енгишга уриняптими ҳали! Жофи нақ қироличалардай бир нигоҳ билан Имрени бошдан-оёқ на зардан ўтказди, кейин қўрқҳанидан тиши-тишига тегмай қалтираб турган бечора Марига ҳўмрайди.

— Балки мен билан қабристонга борарсан? Қабр панжарасини мойлардик,— деди у Марига.

Шу пайтгача у ҳеч кимга қабристонга бирга борайлек демаганди. Таажжубда қолган Мари опасининг сўзини қайтаришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Агар боргинг келмаса, зор жойим йўқ сенга,— Мари бирон ҳаракати билан эътиroz билдирмаган бўлса-да, тўсатдан бошини ғурур билан баланд кўтарди Жофи.— Бу фикр калламга қаёқдан келиб қолганини ҳатто ўзим ҳам билмайман.

Токи Мари, жон-жон деб борардим-у, лекин ўзинг ҳам биласан, нимчам Мозеш холаникida ҳали, деб гулдираётганида Жофи аллақачон ҳовлига чиқиб кетганди.

Имре тарвузи қўлтигидан тушиб анграйиб қолган онасининг важоҳатига бир нафас тикилиб турди-да, ҳахолаб юборди.

— Қойил!— деди у кулиб, тиззаларига шапатилаб.

— Нима қиласдинг бунчалик хушомад қилиб,— газаб билан деди Кизела.— Димоқларидан эшакқурт ёғилади-я!

— Буни қаранг-а, нақ кино артистканинг ўзгиниси-я!— ҳамон ҳахоларди Имре.— Қаёқдан ўргангана буни? Айтинг-чи, Маришка, борди-ю қитиқлаб олсам мени нима қиласди у? Э қойил-э, қараб туинглар ҳали, бир хушторлик қилай унга!

Кизелага бу гап мутлақо ёқмади. Шубҳа йўқ, Жофи ашаддий рақибаси, уни ийдириш осон бўлмайди.

Кечқурун Жофи жуда кеч қайтди, шу маҳалгача қабристонда бўлиши мумкин эмасди. Мари Кизеланинг ҳужрасидан анча илгари чиқиб, дарров ётиб олганди: у Жофининг кўзларидан шунчалик юрак олдириб қўйтган эдики, ҳатто Имренинг Пештдаги саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларини эшитишдек ҳаловатдан ҳам возкечганди. Имре ошнасиникига кетганди, Кизела ошхонада чироқни пасайтириб уни кутиб ўтиради. Шунда тўсатдан Жофининг хонасидан эшитилаётган ғўнғир-ғўнғир қулогига чалинди. У астагина яқинлашиди. Фа-

жат Жофи гапираётганди, гарчи паст овоз билан сўзла-  
ётган бўлса-да, товуши ғазабдан титраб чиқарди:

— Сени жатингта гап эшитишни хоҳламайман,—  
дэган сўзларни эшитди қулоғини калит тушадиган ерга  
тутиб турган Кизела.— Ойимга мени чақиргаиди деб-  
сан. Хўш, бошимга ураманими сени. Ҳамма иш ойингга  
қолиб кетди, ҳатто идиш-товоқ ювиш ҳам, деб мени  
туноҳкор қилишяпти. Бел оғрифига ҳам энди мен айб-  
дор бўлиб қолибман! Бу охирги марта ётишинг бўлсин  
бу ерда!

Кизела қулф тешигидан четта олди ўзини. Эндилик-  
да унинг башарасида кексалик, нафрат ҳамда ғазаб акс  
этуб турарди. Жофи Имре билан ўз синглисинг кўзи-  
га чўп солмоқчи, уларни ёшликлари учун кўролмайди.  
Ўзи рўшнолик кўрмагач, уларнинг ҳам бахтиёр бўлиш-  
ларини истамайди. Ҳа ёвуз мажлуқ! Ундаи умид қи-  
лишынг ҳожати йўқ экан. Тезроқ Илуш айтган чолга  
ёки Кати Пордандан суриштирган кишига тега қолга-  
ни яхшийди. Токи у кўнгли жойига тушмас экан, уйда  
тинчлик бўлмайди... Кизеланинг кўзига шу топда  
унинг режаларинн амалга оширишига тўсқинлик қила-  
ётган Жофидан қўра хунукроқ одам йўқ эди бу оламда.  
Лекин, ҳар қалай у оёқ учida юриб жойига қайтиб,  
бошини сертомир қўлларига қўйиб ўтиаркан, яна бир  
бошқача усуслини қўллаб кўришга аҳд қилди.

Мари ортиқ опасиникига ётгани келмай қўйди,  
раҳмдил қўни-қўшнилар ҳам борған сайин камроқ кў-  
рина бошлашди. Жофи уззу-кун мозористонда қолиб  
кетарди. Пешиндан кейин келган механик Лакнинг хо-  
тини индамай орқасига қайти, Жофининг шиква-ши-  
коятлари ахiri кўнгли бўш Хорватнинг жонига тегди.  
Бунинг устига кўклиамги ишлар қизиб кетиб, Куратор-  
лар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолишли, шундай  
қилиб Жофи ёлғиз Кизелага қараб қолгандай эди. Киз-  
ела бўлса сира тиниб-тинчимас, ҳориб-чарчамас чиқиб  
қолди. У умри бино бўлиб ҳозиргидек итоаткор, бундай  
мехрибон ұтган эмасди ўзини. Жофи бирон енгил-елпи  
иссиқ таом тайёрлаш учун плитага яқинлашди дегун-  
ча Кизела ҳам ёнида пайдо бўлар, унинг ҳар қандай  
хоҳиши-истагини адо этишга тайёр турарди. Жофи элак-  
ка қўл узатиб улгурмасидан у тухум чақиб солинган  
кружкани тутиб турарди; картошка арчмоқчи бўлиб  
қўлига пичноқ олса — Кизелада албатта тайёр арчил-  
гани бўларди: «Ишлатарсиз деб олиб қолгандим, ўрги-

лай», дерди у. Одатда Жофи қаҳва ичарди; у қабрис-  
тоидан қайтган пайтда Кизела буни ҳам тахт қилиб  
қўядыган бўлди, Жофи ҳали ечиниб улгурмасданоқ  
Кизела эшикни тақиллатиб кириб келарди да: «Мана,  
қаҳвандигиз ҳам тайёр! Бир бурдагина пирог ҳам олиб  
киргандим — синглим бериб юборган әкан, мен қанча  
ердим, бир тишламгинасига тўйман, бари бир ҳамма-  
сими еёлмайман»... дерди.

Хулласи қалом Кизела ўз режасига мувофиқ иш  
тутарди. Ўзининг даллалил ишларини маълум муддат-  
гача унутган кўринарди: Жофи ҳали-ҳозирча қайсар-  
лик қилаётган әкан, шошилишнинг ҳожати йўқ, деган  
фикрда эди у. Имренинг номини эшитибоқ жони бўғ-  
зига келаётган экан, майли, Кизела ўглини эсади чи-  
қариб юборди, деб ҳисоблай қолсин. Эндиликда у бар-  
ча хатти-ҳаракатини Жофининг кўнглини овлашга  
сафарбар этганди бутунлай.

Жофи унинг гамхўрлигини индамайгина қабул қи-  
ларди. Ҳеч нима билан, ҳатто бирон шама билан ҳам  
Кизелага меҳрибончилиги учун миннатдорлик билдири-  
масди. Айни чогда ораларига совуқчиллик тушгани ҳам  
сезилмасди. Жофи сира биринчи бўлиб гапирмас, лекин  
Кизела суҳбат бошласа сабр-тоқат билан тингларди. Ки-  
зеланинг ҳужрасига қадам босмас, кириб гаплашиб  
ўтиришни таклиф ҳам қилмасди-ю, бироқ бирон ишора  
билан норозилик аломатини билдиримасди. Жофининг  
нимасидир Кизелани янгидан-янги ҳамлага ундарди.  
Гўё муз қатлами остидаги сув илиб бораётганга ўхшар-  
ди. Жофи ҳануз унинг ҳужрасига кирмаса, у билан  
суҳбатлашиб ўтирумас-да, ҳар қалай рўбарў келиб қол-  
ганларида кўзларида қандайдир бир нарса соя ташла-  
гандай бўлар ва жувон юзими буриб оларди. Хижолат  
чекяптими ёки бошқа нарсами бу? Аммо Кизела шоши-  
лишни истамасди, иккинчи марта пешанасини деворга  
уриб олгиси йўқ, кетса бир-икки ҳафтаси кетар, лекин  
эндиликда ҳар бир қадамини пухта ўйлаб босади.

Шунда у ошиқ-маъшуқлар найрангини ишга солиш-  
га тутинди. Бир куни оқшом ўз ҳужрасига қамалиб  
олди, у ҳамма нарсани: сут, колбаса, шунга ўхшашиб  
нарсаларни олдиндан гамлаб олиб, пистирмада ўтирган  
овчилик ғлжасини кута бошлади. Жофи ошхонага бир  
неча бор чиқди, тарақ-туруқ қилиб, яна кириб кетди.  
Кизела эрталаб ҳам кўринмади. У Жофининг қандайдир  
идишдаги сувни ҳовлига сепиб юборганини, кейин

хокандозни айвонга чиқариб қўйганини эшитиб ўтириди. Қани кўрайлик-чи, бу ёги қандай бўларкин, деб кута бошлади. Ниҳоят, чошгоҳга яқин Жофининг тўқтўқ қилиб шу томонга келаётгани эшитилди. Мана, у әшик олдида туриб қолди! Кизеланинг юраги худди қиз болалик пайтларида бўлажак әрига ошиғи-беқарор бўлиб юрган кезларида гурс-гурс ура бошлади. У креслода ғужанак бўлиб олиб, бошини кафтига қўйди-ю: «Вой худойим-эй», деб зорланган бўлди. Эшик тутқичи шиқ этди. Кизела аянчли ҳолатини ўзgartмай, бошини буриб қаради.

— Тобингиз қочиб қолдими, хоним? — сўради Жофи қиз болалардай хижолатли овоз билан.

Кизела инсон қалбини сув қилиб ичиб юборган билимдонлардан эди, шу топда у — йўқ, тузукман, деса, Жофи овора бўлиб бу ерга киргани учун ҳеч қачон ке-чирмаслигини яхши тушуниб турарди.

— Йўқ, тоби жойида-ю, лекин худди бирор пичоқ санчаётгандек белим сирқираб кетяпти. Туни билан қимирилагани қўймади, сал қимириласам тамом... вой, яна сирқираб кетди.

— Мен бўлсанм кўринмай қолдилар, мазалари йўқ-микин, деб ўйладим, — қўшиб қўйди Жофи, фақат ёрдам бериш учунгина кирганини таъкидлаб.

— Ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ. Бир кун әмас, бир кун мени каравотда қимириламай ётганимнинг устига кириб қоласиз. Онам ҳам бандаликни ана шундай бажо келтиргандилар, — деди Кизела хўрсиниб, сўнгра белини ушлаб, гўё ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Туриб нима қиласиз, хоним, — хитоб қилди Жофи, — қимириламай ўтирганингиз тузук.

— Озгина тузни қиздириб қўйсам девдим, зора терлаб қўйиб юборса.

— Бунинг учун турмасангиз ҳам бўлади, — ғўлдиради Жофи ғалати хижолатпазлик билан, — тузни мен қиздириб бера қоламан.

— Ўз ташвишингиз ҳам етиб-ортади сизга, ўргилай, бир ками менга қарашингиз қолувдими, — деди Кизела иҳраб. — Сизнинг бошингизга ортиқча юк бўлиб қолишдан ўзи арасин ишқилиб.

— Қўйинг, унақа деманг, ахир Шаникамга озмунча қарадингизми! — деди Жофи овози қўнғироқдай жаранглаб, назар-писанд қилмагандай, бироқ, шундай деяётганида қизариб кетди.

Жофи ўз ташрифига қарзини узаётгандай бир тус беришни истарди, лекин Кизела жони огриётгандек афтини бужмайтиаркан, ҳар қалай синиқан ёноқларда йилт этиб ўтган қизилликни пайқаганди. «Жудаям бағритош әмас, шунчаки ўзини шунақа қилиб күрсатишига уринади-да», — деган ўй кечди хаёлидан унинг, Жофи ошхонада тўрвачадаги тузни қиздираётганида.

Эртасига Кизеланинг бел сирқираши гўё ўтиб кетгандай бўлди-ю, аммо гамгин кайфияти сақланиб қолди.

— Энди ростдан ҳам қабристонга борсам дегандим,— деди у Жофи билан бирга овқатланаётгандарида.— Онамнинг қабри устидаги қуриб қолган туюни<sup>1</sup> олиб ташлаб, бошқа гул ўтқазсам. Токи кўзим очик экан онамнинг қабрига қараб тураман энди. Менинг қабримга ким қараб туради, буни худо билади.

Кизела Жофининг бирга борармиз дейишини кутганди. Бироқ Жофи қўлидаги қошиқни оҳистагина шўрвага ботиаркан, фақат:

— Гўрига ким қараб тургани марҳумларга бари бир,— деб қўйди, холос.

— Тўгри,— деб қўшилди унга Кизела хўрсиниб.— Лекин ҳар ким ўз яқинларини эслайди, арвоҳини хотирлайди. Биласизми, у ерда битта ёдгорлик бор, отамнинг қабри ёнида турибди, у — Хусарлар оиласининг ёдгорлиги. Хусарларнинг ўзлари аллақачонлар кўкариб чиқинган, илло жуда топилмайдиган валломатлардан эдилар-да... Шаникага ўшанақсанги ёдгорлик олинса, олд томонига каттакон суратини ойнага солиб қўйиб қўйилса жуда соз бўларди-да. Бугун борсангиз ўзингизга кўрсатаман уни.

— Биламан сиз айтиётган ёдгорликни. Чиройли,— деди Жофи ўйчан қиёфада, Кизеланинг саволига жавоб бермай.

— Хаскаш билан қабр устини тозаласам дегандим, лекин хаскаш кўтариб олиб боролмайманми, деб чўчиб турибман.

— Мен шундоқ ҳам хаскаш олиб бораман,— деди Жофи оддийгина қилиб, бироқ овозида билингас хижолат сезилиб турарди.

Қуёш чараклаган ажойиб май кунларидан бири, осмонда енгилгина булут парчалари қувалашиб юриб-

<sup>1</sup> Туя — сарвга ўхшаш игна баргли даражат.

ди; ҳөттиларда ётган қўш тишлари товланиб қўзни қамаштиради; карқулоқ Лакнинг темирчилик дўконидан болғанинг жарангдор, музafferона овоги таралади чор атрофга. Кизела эса, Жоғини ийдирман деб тагин ўзим укинг таъсирига тушиб қолмай, деган ўйда ўзига оро берарди. Гўё кўнглига қутқу солган ажал туйғуси билан олишаётган қилиб кўрсатарди ўзини, ҳаётидаги энг ёрқин, энг гўзал туйғулар ана шу баҳор қуни вужудини чулгаб олганди дейсиз уни.

— Болалигим мана шу ерда ўтган,— деди у қабристонга борадиган кўчага бурилишдаги янгигина тузатилган уйни кўрсатиб; уй эгаси, мўри тозаловчи шу пайт дарвоза олдида турган экан.— У пайтларда томи черепица билан ёпилмаганди, пешайвони устунлари ҳам ёғоч устунлар эди. Уч йил бурун бу ерга ўт тушганини эшигандим, мўри тозаловчи ўшандан кейин бошқатдан тузатиб, бошқтдан ёпибди. Чордоғидаги туйнукдан бир неча кунга келган қайлигимни қузатардим дессангиз. Шўрлик онам мени уидан ҳаётни ўзигани килганди, ҳатто дўконга ҳам юбормасди мени. У бўлса ўртоғи билан жўрттага уйимиз олдида савлат тўкиб айлангани-айланганди. Икковлариям гусарлик хизматида әдилар, уйга келгандарида қўлларидаги таёқ билан әтиклари қўнжига урганча нуқул маҳкамама билан почта орасида у ёқдан-бу ёққа бориб келишаверарди дессангиз. Шунда шўрлик онам газабидан бўгилаёшиб: «Қай гўрга йўқолди бу қиз ўлгур!»— деб Панини югуртиарди. Мен бўлсам, ҳеч нимани билмагандай, чордоқда олма қоқи еб ўтираверардим. Чордоқда туйнук борлиги эса ҳеч зорнинг хаёлига ҳам келмасди. Имре билан имо-ишора билан гаплашишимни онам қаёқдан ҳам биларди дейсиз! Менга Имредан бўлак ҳеч ким кепрак амаслигини яширмасдим ҳам, уни деб ҳатто дадамгаям сўз қайтарганиман. Қани энди дадам ҳозир ҳаёт бўлса-ю, қулоқ-чаккамга тарсаки тортиб юборса!

Жофи Кизеланинг хотираларига жимгина қулоқ солиб борди. Тут дарахти ёнида тўхтаб, саватдаги қийшайиб қолган кўчатни тўғрилади-да, луқма ташлаб, кампирни яна галга солиб қўйди.

— Хар қалай кейинроқ қовуштансиалар-ку, ахир.

— Ҳа, қовушдик, лекин беш йилдан кейин. Бу ерда мени бир қишлоқи пандовоқига унаштириб ҳам қўйишиди, лекин мен эшигимизга яқин йўламайдиган қилиб думини туғиб қўйдим. Бу орада ишқимда куйган бўла-

жак эрим хизматни ўтаб, уйга қайтди, лекин бу ерда нима иш қиласди? Ери йўқ, агар ёлланниб ишласа мени икки дунёда қўлга киритолмаслиги тайин эди. Олдинига темир йўлга қармоқ ташлаб кўрди, лекин у ерда бўш ўрин йўқ экан, шундан кейин Пештга жўнади, полициячиликка жойлашиди. Аммо нозик таъб, илтифотли, юмшоқ кўнгил одам полицияда нима ҳам қиласди, шундан сўнг уни мактабга тавсия қилишибди; олдинига ўт ёқувчи, кейин хизматчи бўлиб олди. Бу жойи ўзига жуда боп эди, нега десангиз, қисоб-китобга устайди. У маошни нақ ойнинг биринчи куни етказарди, ҳатто ўқитувчиларга ҳам маошларини у тарқатарди. Жудаям тиришқоқ эди, директор Секеш жаноблари уни сира қўлдан чиқаргиси келмас, ёнидан жилдирмасди. Лекин дадам ҳамон унинг номини эштишил ҳам пстамасди, мен ҳам бўш келадиган анойилардан эмасдим, кимки унаштиргани келса нақ иккинчи йўламайдиган қиласдим. Ожири Имрега тегишимга розилик беришди. Ахир мен ҳақ эмасдимми ўшанда?

— Қандай қилиб танишиб қолгандинглар? — сўради Жофи, кўзларида ҳам хижолат, ҳам қизиқсиниш акс этиб. Кизела бир оз тараддуланиб турди. Одатда у эрининг хизмат погонасидан қандай юқорилаб борганини ҳикоя қиласди. Унинг ҳикояларида эри директорнинг ўнг қўли сифатида намоён бўлар, мабодо бирон кимсага ўз муҳаббати тарихидан сўзлаб берадиган бўлса унинг капраллик пайтини тилга оларди, холос. Лекин ҳозир Жофининг қизиқиб қолгани кампирнинг хотира дафтарини бундан хийла олдинроқдаги саҳифаларини варақлашга ундаётганди, устига-устак Жофи марҳум Кизела тўғрисида онасидан кўп нарсаларни билиб олган бўлиши мумкин-у, эҳтимол уни шунчаки синаётгандир...

— Бу ерга келганларида у ўн уч яшар эди, ота-онаси тарбиясидаиди. Улар асли юқори Венгриядан, отаси косибмиди-ей, ишқилиб шунга ўхшаган бир иш билан шуғулланарди Ҳусарлар мулкида. Онаси бўлса шу ерда тифга чалиниб ўлган. Ўшандан кейин Имрени менинг ота-онам тарбия қилишган. Жуда ажойиб, доим чиннидай бўлиб юрадиган болайди у; овқат ейишини айтмайсизми, нақ графларга ўжшаб сипо овқатланарди, мен буни ўша пайтлардаёқ пайқагандим. Боқишлияям жудди ўғлим бирорга ҳазиллашган пайтидагига ўхшаб муғамбirona боқарди.

Аслида эса әрининг ота-онаси ёлланиб ишлайдиган словаклар бўлиб, ўғилларини чўчқабоқарликка берганларидан хурсанд эдилар. Кизела директорнинг ўнг қўли мартабасига эришгунича бўлган машаққатли йўлни ана шу чўчқабоқарликдан бошлаганди. Эндиликда отасидан ўша айёrona боқувчи хумор кўзларни мерос олган ўғли унинг изидан бориши, лекин бир погона юқори турадиган оиласдан уйланиши лозим эди. Жофи унинг муғамбirona кўзлари ҳақидаги гапни эшигтганда қизармади, ҳатто Кизеладан эри тўғрисида яна ниманидир сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бу пайт мозористон дарвозаси олдига келиб қолгандилар. У Кизеланинг ота-онаси қабрини қидириб топди, устидаги қотиб қолган тупроқни юмшатди, кейин икковлари тўртта қора тувакдаги бошқа гул кўчкатларини ўтқазишиб бўлиб, Хусарларнинг қабр тошларини томоша қилишиб, бу ёдгорлик Жофига ҳам ёқарди; сўнgra эса қабристонни кесиб, буталар орасидан янги мозористонга қараб йўл солиши.

Кизела шу куни талайгина нарсага эришганини ҳис этиб, энди Жофига кўнглини бўшатишга имкон берди. Қабристон Жофининг мулки, энди сўзлаш навбати уни-ки. Шу хаёл билан Кизела янги қабристон томон чурқ этмай, бева жувоннинг ҳар бир сўзини маъқуллашга тайёр бўлиб, кези келиб қолса анави қовоқхоначи ёки ўғли тўғрисида гап қистириш ниятида борарди...

Ишонасизми, хоним, бу ерда ўзимни жуда яхши сезаман,— деди Жофи асрий дараҳтлар остида тиззага урадиган ўтларни оралаб боришаркан.— Ҳаммамизнинг келадиган жойимиз шу ер бўлганидан кейин машаққат чекишимиз, нимагадир интилишимизнинг ни-ма ҳожати бор... Кекса Хорват амаки эсингиздадир, оиласини сиқиб-сувини ичарди-я! Холам бечора эгнига битта кўйлак олиб киёлмасди, келинини эридан беш баттар тергарди. Хайфельддаги ерни оламан деб қиларди буларнинг барини. Мана энди шу ерда ётибди, уйи ҳам, жойи ҳам шу ер. Мозорига лоақал бир туп гул ўтқазилмаганини, қабрига қўйилган кафтдаккина тош ҳам қийшайиб ётганини кўрса борми, дунёни остин-устин қилиб сўккан бўлармиди ҳозир. Биласизми, мен кўпинча нималарни ўйлайман: ҳартугур мана шу ерда ҳақиқат, адолат бор заррача бўлса ҳам. Қачонлардир ҳамма гўрлар ҳам анави ёқдаги, эски қабристоннинг чеккасидагига ўхшаб бир хилда бўлиб қолади, вақти-

соати келиб кимники бу деб суриштириб ўтирмаӣ, ҳаммаларининг сувак-саёқларини чиқариб ташлашади гўрдан. Шаникам тенги болаларни кўрганимда: токи тирик экансан, югуриб, чопқиллаб қол, бир куни келиб сен ҳам Шаникам ётган жойга бориб ётасан, дейман ўзимча. Мундоқ бўйи чўзилиб, тенгқурлари билан черков олдида туриб олиб, худонинг қасрига кириб кетаётган қизил юбкали қизалоқларга тикилишини бир кўрсам эди-я, деб армон қиласман. Дунёда бундан бошқа нимаям бор ўзи. Ёки, ҳозиргина сиз айтгандек, бирорта қиз гул қадалган шляпасини кўрармикинман деб чордоқда уни пойлаб турганини бир кўрсам кошикийди...

Улар тозалаб қўйилган янги қабристон майдонига қадам қўйишиди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир нечта қаровсиз гумбазчалар орасида гуллар яшнаб турган тепача — Шаниканинг мозори ажралиб турарди. Жофи кўпроқ гул экаман деган ниятда қабр атрофидаги биринки гўр ўрнининг ҳақини тўлаганди. Уч яшар болага шунчалик катта қабр қазилгани ўткинчиларни таажжубга солиши мумкин эди; Шаника гўё туриб кетган ота-онасининг икки кишилик ўрнида талтайиб ухлаб ётганга ўхшарди. Хочининг икки ёнида икки туп атиргул, унинг ёнида ясмин, энг четда гунафша яшнаб турибди. Гулларда тукли арилар гужғон ўйнашар, хочининг кўндаланг қанотида чиройли капалак қўниб турибди.

— Жудаям чиройли бўлиб кетибди,— деди Кизела кўнгли бўشاшиб ва атиргул шохига тираб қўйилган тирговучни тўғрилаб қўйди.— Ҳаҳ отинг ўчгур ари-я!

— Бу ариямас, асалари,— деди Жофи. Булар анави дурадгор Тоотнинг чорбогидан учиб келган. Асаларилар тобут савдоси ўлганида кунига ярайди у баттолнинг. Шундоқ қилиб, бари бир қабристон ҳисобига кункечиради, ахир асални шу ердан йиғади-да.

— Гунафша жуда яхши тутиб қолибди,— мақтади Кизела.

— Майли, уч-тўрт кун бўлсаям яшнаб турсин. Агар кейинги ҳафтага темир панжарани олиб келишадиган бўлишса ҳаммасини босиб-янчиб ташлашади.

— Бутун қабристонни қидирганингизда бунақангиде яшнатиб қўйилган бирорта қабрни тополмайсиз,— деди Кизела шишада олиб келган сувини атиргул тупи остига қўяётган Жоfigа тикилиб.

— Лоақал қабри сал чиройли бўлсин. Бечора болагинам қўйилгандан бери қандай бўлиб қолгаңмайкин? Уйлашни ўзи бир даҳшат, балки териси чириб бўлган-дир. Қандай ажойибиди-я, эсингизададир, ечинтиргам пайтларимда кўрардингиз-ку. Чақалоқлигида айниҳса лўлпигинайди, қўлчалари ҳалқа-ҳалқа, дўмбоқ-дўмбогийди. Оламда чақалоқдан кўра кўзни қувнатадиган, ундан кўра ширинроқ нарса йўқ. Биласизми, мабодо мен қачон бўлмасин бола кўришни қўмтаб қолсан, факат ёнимда типирчилаб ётишини кўриш учунгина журъят этаман бунга, холос.

Бу иқрор сира кутилмаганда, томдан тараша тушигандай чиқиб кетди оғзидан, шунда Жофи шошиб қолди.

— Буни шунчаки айтяпман, албатта. Энди мен иккни дунёда бошқа бир одамга кўниколмасам, ўрганолмасам керак!

Шундай деб у шошганча шишани олди-ю, бошқа гулларга ҳам сув келтириб қўйгани қудуққа қараб юрди. У қайтиб келганида кўк бетида сузуб юрган барра булатлар қуёш бетини тўсиб қўйган, Жофининг чехрасига ҳам ташвиш соя ташлаганди.

Бу орада Кизела Илуш топган қовоқхоначини ўйлаб турганди, таваккал қилиб, шу ҳақда гап очди.

— Нимага бўлмас экан? Ҳали ёнгинангизда чақалоқ типирчилаб ҳам ётади, Жофика, ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган. Иштирма беш ёш нима деган гап экан? Бу ёшимда мей оппоқ рўмсл ўраб, дингиллаб юрардим. Дунёдан кўз юмган азизларингни арвоҳини шод этиб юриш учун ўшлигингни албатта ҳазон қилишинг шарт эмас, ахир. Мана, ўғлимни олайлик, охирги келишида: «Шундай сулув аёлнинг бекордан-бекорга ҳазон бўлишини кўриб қараб туравериш гуноҳи азим-ку», — деганди. Агар розиллик берсангиз ҳар қандай эркақ жон-жон дейди, боши осмонга етади...

— Менга бундан оғиз очишмаса дейман, — жавоб берди Жофи гулларнинг сўлиб-қовжираган баргларини юлиб ташларкан. — Бу гап оғзимдан қандай чиқиб кетганини ўзим ҳам билмайман. Эркақ кишигагина эмас, бошқа болага ҳам кўниколмасам керак. Иннайкейин уни яхши кўришга ҳам чўчисам керак, нега деганингизда, унисиям жудди Шаникаминг охирги кунидагига ўхшаб азоб чекиб чиқса нима бўлади? — У бирдан қаддини ростлаб, қўшни қабрнинг Ҷемент тўсигига суюни

турган Кизелага тикилди.— Бу гапни шу пайтгача ҳеч зоғга айтганим йўғийди... Эсингизда бўлса, ўша куни кечаси унинг ёнида эмас, ўз каравотимда ёттанидим. Тўсатдан шўрлик болам: «Ойижон, мен ҳам сиз билан ётай, қўрқиб кетяпман»,— деб йиглаб қолганди. Ҳаво ололмай кўкраги қисилган бўлса қўрқан-да. Хоҳ ишоннинг, хоҳ ишонманг, уни ёнимга олиб ётмадим. Мен ҳам ундан қўрқандим. Ўзиям сира одам башараси қолмаганди-да. Болани нимага туғасан ўзи? Кўз олдингда адойи тамом бўлсин дебми? Ё ёрдам сўраб ёлворганида қўлингга олишга қўрқиш учунми?!

— Ўша пайтда қўлингизга оласизми, йўқми, унга бари бир эди,— жавоб берди Кизела, яна афтимдан дилимдагини ўқиб олмасин, деган ниятда ерга тикилиб.

— Шундайликка шундайку-я, лекин ҳар қалай дейман-да,— ўйчан қиёфада деди Жофи, сал бўшашиб,

Қайтишда Кизела синглимникига бирровгина кириб чиқамиз деди. Жияни Катининг эри тагин қарзга ботганини эшлиби, шуни-чун синглисини огоҳлантириб қўярмиш. Пордан шу аснода товуқларини қўноқча ҳайдаётган экан, у Жофини ҳам бу ёқقا кир деб ҳолижонига қўймади.

— Бари бир ким биландир бирпас у ёқ-бу ёқдан фийбат қилишим керак,— деди у меҳмонлар истиқболи сари келаркан,— бунинг устига тайинлаган гапларини етказишим шарт!— Шундай деб у ҳаколаганча Жофини ичкарига торти.

Хизматкор қиз курсиларни олиб чиқди, улар айвонда ўтириши. Пордан қоп-қора кийинган азадор Жофиға ўгринча қараб қўйди. Ҳамма уни ғам адойи тамом қилди, аранг лиқиллаб юрибди дейди. Кошкийди ҳамма ҳам шундай ғам чекса: тўғри, сал ранги кетиб қолган, лекин бундан чиройи очилган қайтага.

— Кеча уйнингга кирганидим, синглинг сени қабристонда бўлади уззукун деди. Онанг шўрлик ҳам, қизим ҳадеб мозоротга қатнайвериб бекорга ҳазон бўлмаса гўрга эди, деб юм-юм йиглайди. Шундай куйибённиб кетяптики, нақ бугун-эрта сени ҳам ўша ёқقا олиб бориб қўядигандай. Сен бўлсанг илгаригидан ҳам очилиб кетибсан. Рангингни хиёл оқаринқирагани бирам ярашибдики ўзингга! Кошкийди Катигинам ҳам гамдан мана шундай ранги қочиб, шундай очилиб кетса! Борган сари тасқараси чиқиб, бурни шолғомдай қизарип, юзларига доғ тушиб, бедаво бўлиб кетяпти. Эри-ю қиё боқмай қўйди. Ташвишда тамом бўляпти...

Пордан овозида пинхона адоват, ҳазиллари остида нафрат яшириниб ётгани сезилиб турарди. Жофи бир дам шошиб қолди. Үнга нима керак ўзи, ранги қочин-қирагани билан нима иши бор? Агар терингни ўзи оқ бўлса чекаётган ғам-ташвишинг ҳам ёлғондакам бўларкан-да?! Кизела ҳам бу адоватни сезиб, синглисинг гапини бўлди.

— Асли чиройли одам ғам чекканда янайм очилиб кетади, хунук эса беш баттар тараққосга айланади.

Кизеланинг Катини кўргани кўзи йўқ эди, шу боисдан фурсат келиб қолди дегунича (фақат Жофига яқин эканини исботлаш учунгина эмас), уни масхара қилгани-қилганди. Пордан дили ранжиганини билдирамасди. Ўзи ҳам қизини ёзғиргани-ёзғирганди, аммо аслида бирорни бу қилмиши учун ўла қолса кечирмасди.

— Ҳақ рост бу гап,— деб ҳахолади у.— Қизлик пайтингга қараганда ҳам ҳозир эркаклар сенга жонларини бахшида қилишга тайёрлар кўпроқ,— дея у Жофининг бетига тик қараб туриб заҳарханда кулди.

— Мен учун-а?

— Панни доим шунақсанги телва-тескари гапларни топиб юради ўзи,— минифирлади Кизела, кун бўйи шунча машаққатлар билан барпо этган биносини бир дақиқадаёқ яксон қилган синглисини емоғда-ичмоғда бўлиб.

— Гапирмай қўя қолайми? Кейин ичиқоралигидан айтмаган деб таъна-маломатларга қолиб юрайми? Ахир мени қўзимни очирмай қўяр. Хира пашибадай ёпишиб олган бўлса нима қиласай ахир? Остона ҳатлаб чиқмасимданоқ у, осмондан тушадими, ердан чиқадими, билмайман, пайдо бўлади-ю, девор орқасида: «Пордан хола, сиғирингиз жуда зўр-да, қанча сут беради ўзи?»— деб шанғиллайди. Гап бўлса нуқул Жофи Кураторга келиб тақалади.

— Жофи ўша таги паст батракваччага тегарканми, калласи борми ўзи ўша аҳмоқнинг?!— қизишиб кетди Кизела.— Бундан кўра ўзингни ғамингни есанг-чи, тагин куёвинг уйни сотиб, ичиб, қизингни кўчага чиқариб қўймасин! Қовоқхонада ким учраса, ҳаммасидан қарз олиб, томогигача ботиб ётганмиш.

— Сотса ўзининг уйини сотиб ичади, сенинг ўйингни маҳалла, деди Пордан ғижиниб, лекин, ҳар қалай, нағаси ичига тушиб кетиб, то Кизела бор гапни оқизмай-томизмай айтиб бергунича, сўзни сиғирини мақташдан

бошлаб, охирини Жофи Куратор билан тугатадиган ана-  
ви ошиқи беқарор йигитни мутлақо унутиб бўлди.

— Порданларни киға иккинчи қадам босмаганим  
бўлсин,— деди Жофи кўчага чиққанларида.— Мени  
ким деб ўйлайди-я ўзи, ҳар гал топиб олгани шу гап!

— Бори шу, қизгинам. Ҳали бу ҳақда гапириш эр-  
та, бунга ақли етмайди. Яна-тагин кимни топибди  
денг-а! Бир куни менинг ҳам олдимга югуриб келибди  
денг, Жофи анави сержантнинг жигар-бағридан уриб  
қолибди, уни бир амаллаб кўндирилсақ ёмон бўлмасди,  
деганди ўшанда. Мен бўлсам, бошимни қотирма, у  
дунёю бу дунё қилмайман бундай, деб жавоб берган-  
дим ўшанда. Агар ўша гўрсўхтадан оғиз очадиган бўл-  
сам кўзларимни ўйиб қўлимга берар, тенг-тенги билан,  
тезак қопи билан, жуда баланд дорга осилибдилар-у,  
деб оғзини ҳам очирмай қўйгандим. Кўрдингизми, ди-  
дингизни билганимдан сизга ҳатто бу гапининг учини  
ҳам чиқармагандим. Мари билан бўлган ҳангомадан  
ҳам хабарим бор. Одам топиш бўлса мен ундан кўра  
минг марта тузукроқ одамни топган бўлардим, лекин  
ҳали бунинг вақти эмас,— деб қўшиб қўйди Кизела  
Жофиға қарамай, бироқ Жофининг шу топдаги фикри-  
ни билишга тиришиб, унинг ҳар бир ҳаракати шарпаси-  
га қулоқ солиб сергакланиб борарди.

— Тўгри қилибсиз, ҳеч кимни билишни ҳам, эши-  
тишни ҳам истамайман!— деди Жофи қизиши.

— Албатта, албатта, ўргилай, жуда яхши тушуниб  
турибман сизни,— унга қўшилган бўлди Кизела; лекин  
у Жофидаги қандайдир ўзгаришни пайқагандай эди (ё  
овози пастроқ чиқди, ё одими секинлашди, ё нафас  
олиши ўзгарди), ҳар ҳолда Илушки топган қовоқхона-  
чидан сўз очишининг пайти эмаслигини фаҳмлади.

Кейинги ҳафтада ҳам Кизела Жофи билан бирга  
қабристонга бир неча марта борди. Аввалига у ёққа бо-  
риши учун бирон важ топиши керак бўлди, аммо ке-  
йинроқ, орадан бир неча кун ўтгач, кампир уйда қола-  
ётганида: «Бугун бормайсизми, хоним?»— деб Жофи-  
нинг ўзи сўради. Шунда Кизела, гарчи Жофи сир бой  
бермаётган бўлса-да, ҳар қалай уни эндиликда ўзига  
яқин олаётганини англади. Энди у арзимаган нарсага  
қизишиб кетмасди. Тўгри, у энг оддий, кунда ишлати-  
ладиган нарсаларни, масалан, калит қаёқда ёки: «Қўиҳ-  
ва қайнатмадингизми мабодо, хоним?»— деб сўрар-  
ди-ю, лекин овозида эндиликда илгарилари Кизела

пайқамаган қандайдир ҳурмат эҳтиром сезилиб турарди. Дарҳақиқат, Жофи унга кексаларга қандай мумомала қилиш лозим бўлса, ўшандай мумомала қила бошлиганди. Хушомад қилмоқчи эмасди-ю, лекин, очигини айтганда, олдингидек нафрат билан ҳўмраймасди; аксинча, ёшларга хос бир тарзда ҳуркиброқ боқар, жимгина ўтиришидан эса сұхбатга майли борлиги сезилиб турарди. Юзаки кузатган одам Жәғини ҳамон илгари гидек тунд ва одамовилигича қолган деб ўйлаши мумкин эди, бироқ Кизеланинг бунақангни ишларни пайқашда устихони йўғийди ва у Жофининг метин қалбини иложи борича юмшата олганини кўриб турарди. Яна бир оз сабр-тоқат қиласа Жофининг қизиқ қон феъли Кураторлар оиласига даҳшат солиб, унинг Имреси фойдасига хизмат қила бошлиди. Жофининг Кураторларнинг гашига тегадиган ишларни қилиш одати бор. Сержант билан бўлган ҳангомада Марининг қўлтиғига сув пуркаганини қандай деб тушунса бўлади акс ҳолда? Имрени ёқтирмаслиги кўриниб турган гап, негаки, ундан оғиз очилса, ўша заҳотиёқ чимирилиб, нафаси ичига тушади-қўяди. Бунинг боиси нимада? Ўзи баҳтли бўломмагач, Марининг баҳтли бўлишини истамаганиданмикин бу? Шундай бўлиши табиий. Нотариусга турмушга чиққани учун синглиси Илушни ҳам кўролмайди. Жуда соз, унда Жофини эрга бериш керак. Шундай қатъий қарорга келган Кизела, гарчи Жофининг осонгина кўниб қўя қолишига кўзи етмаса ҳамки, ҳар қалай ахир бир иш чиқиб қолар деган мақсадда гапни муттасил шу мавзу теварагида айлантираверди.

Бироқ Имрени унинг кўзига ёмон кўрсатиб қўйган бошқа нарса ҳам борлиги аён эди. Ахир Кизеланинг ўзи ўғлини ўгривачча, ялқов, саёқ ва ҳатто кўнгли бузуқ деб таърифу тавсифлаб берганди-ку! Бу вайсақилиги учун ўзини-ўзи қанчалар лаънатларди эндиликда у. Ҳеч қачон яқинларингни ёмонламаслик керак экан. Бир ёмон отлиққа чиқариб қўйганингдан кейин уни яна оқقا чиқариб бўлмас экан. Лекин Кизела ўзининг улдабуронлигига ишонарди. Бунинг устига инсон қалбини чор атрофдан қуршовга олиб, кейин аста-секин ҳамлага ўтиш иштиёқи зўр эди унда. Қабристонга қатнаб юрган кунлари мобайнида Кизела бу санъатни чинакам артистона маҳорат билан янада чуқурроқ эгаллади. Бир йўналишда муваффақият қозона бошлигани ошкор бўлгани ҳамон бу ҳавфли мавзуни гўё мут-

ладо унугандай бир чеккага суриб қўярди. Кўраторлар қалъаси пойдеворига бир нечта портлатгични жойлагач, Жофининг саҳоватлилитини мақташга, баҳтиёр оиласиб ҳаёт учун тугилгансиз деб онт ичишга тушиб кетарди. Шундай жувоннинг боласиз ўтиб кеткиши гуноҳи азим, дея уқдиради. Яна ўша заҳотиёқ Имренинг янги иш жойини мақташга кўчарди.

Йўлда кетаётib толиқдан қўлидаги саватни иккинчи қўлига олаётганида ёки йўлакай бироннинг ҳовлисига кўз ташлаб ўтаётib, у ердаги йигитнинг ўткинчиларга кўзи тушиб, бирпас ишни қўйиб тикилиб турганини кўрган пайтларда суҳбат мавзуини буриб юборицдан осон нарса йўқ.

— Эштишимча, булар ҳам Богард далаларидан яна ўн хольд ер сотиб олишганмиш. Ўғли жудаям боийиб кетадиган бўлибди-да. Лекин ўтган гал тузукроқ разм солсам, бу Ферко (оти Ференц шекилли, шундайми?) ўзиям нақ аммамнинг бувогига ўхшайди. Қишлоқда бадавлат бўлса бас. Эҳтимол дадангиз Маришканни бажону дил берармиди унга. Бунақанги ландовурга теккан қизнинг то унга кўникиб кетгунича қанчалик авоб чекиши билан кимнинг иши бор дейсиз! Билсангиз, қишлоқ қизларига жуда-жуда ачинаман, ахир уларни худди гунажиндай сотишади-да. Лекин, худога шукурки, бу ёқларга ҳам шаҳарнинг таъсири уряпти секин-секин. Масалан, Мари мўмин қиз, илло уни дуч келган одамга рўпара қилиб кўринг-чи! Севишганларнинг-ку, илгарилариям ҳаётлари ширин кечмасди-я. Масалан, менинг ўзимни олайлик. Ўйлайманки, Жофиқа, мабодо дадангиз қўнглингизга ёқмайдиган одамга унаштирмоқчи бўлса ўла қолсангиз ҳам қўнмасдингиз.

Қабристон дарвозасига етганларида эса тагин суҳбат мавзуи ўзгарарди:

— Барча авиз-авлиёлар байрами куни Шаникани ҳам олиб келганимиз өсингиздадир, ўшанда ўғлингиз қабрлар устида ёниб турган шамларни ўчираман леб хархапа қилганди. Қўзвимиз шамғалат бўлиши билан югуриб бориб шамни пуфлаб келаверганди. Сиз нуқул қўлидан судрадингиз, у бўлса ҳадеб орқада қолишига ҳаракат қиласиди. Ахiri уни қўлингизга олиб, то отасининг қабригача қўтариб боргандингиз. Мен бўлсам орқаларингдан сукланниб боқиб, она-бала қандай ярашиб туришибди-я бир-бировларига, щундай ёшгина бошлирига ўлим мусибатини солиб нима қиласдинг-а, э худо,

деб ўйлагандим. Бунақанги дўмбоқлардан яна тўртбештасини тугмайдими, чугурлашиб этаккинасига ўралашиб юришмайдими-я, деб куйиб кетгандим. Худонинг ўзи сизни болалари ва бирон эркакни баҳтиёр қилсин деб яратиб қўйган-ку, ахир.

Уйлари ортидаги сирендан қирқиб келган гулдасталирини Қовачлар даҳмасига қўяётгандарида эса тамоман бошқа гапни бошларди:

— Эрталаб Имренинг машина ҳайдаб ўтганини, меҳмонларни кутиб олгани станцияга кетаётганини кўрдингизми? Графнинг «мерседес»ни гизиллатиб ўтиб кетди. Мен ертўладан қаймоқ олиб чиқаётгандим. Ынё боқмай ўтиб кетса-я. Вой-бўй, намунча кеккайиб кетмаса, деб кулиб қўйдим. Машинани жуда қотириб ҳайдайди-да ўзиям, йўлнинг ўйдим-чуқурини ҳам сезмай қоласан. Граф ҳатто Торн йўлини тузатишганни дейман, машина худди Штефания ҳиёбонида кетаётгандай қилт этмайди-я, дебди бир сафар.

Жофи деразадан «мерседес»ни жуда аниқ-тиниқ кўрганди, сигнал берганда дик әтиб ўрнидан туриб кетганди ҳатто, шунинг учун ҳам дарров гапни Шаникага бурди шоша-пиша, кейин энди ҳеч қачон бола кўрмаслигини, ҳеч қанақанги шовқин ёқмай қолганини бир ўйла айтиб ўта қолди.

— Бошқаларга ёқади деб ўйлайсизми? — гапни илиб кетди Кизела.— Ғашимга тегадиган нарсадан мендай қари бир алвастининг тепа соchlари тикка бўлиб кетаман-ку! Чолим ҳам бир вақтлар: «Жаҳлинг чиқиб турганида нақ мени ҳам ютиб юбормасанг деб қўрқаман», дерди. Тўғри, бир гал уни, фаррош хотин билан илакишиб қолганида, директор жанобларига чаққанидим ҳам; керакли одам бўлмаганида ҳайдаб юборишилари ҳам ҳеч гап эмасди ўшанда. Ўғлимни жонимга тегмайди деб ўйлайсизми? Ўзингизни ҳам эсингизда-ку, кафолат пули деб топган-таянганимни талаб кетганида уни озмунча чалпиганмидим! Бўлмаса у бинойидай ўғил, ҳаракатчан ўлгидай. Ойлигидан ўша пулларимни аллақачон қайтарганини ўзингиз ҳам биласиз-ку. Жаҳл чиқса ақл кетар деганларидаи, ўшанда болам шўрликни нималар деб қарғамаганидим. Ҳатто Полицияга чақмоқчи бўлгандим. Ишонсангиз, ўшанақа пайтда сира ўзимни тутолмай қоламан. Кимгаки яхшилик қилсам, назаримда, ўша менга ёмонликни соғинаётгандек туюларди, шунда қандай ва қаерда панд

берсамикин, деган ҳаёлга бораардим. Бегоналар нима десаям чидайман, лекин уругимни бундай пайтларда ғиппа бўгиб ташлашга ҳам тайёрдек сезаман ўзимни.. Тўгри, бу гапни ноўрин ишлатдим, ахир сен ҳам менга бир туғишгандай бўлиб қолдинг-ку, яна ким билади дейсан, балки бундан кўра ҳам яқинроқ бўлиб қолармиз,— деб қўшиб қўйди Кизела айёrona va Жофининг кўзларига синовчан тикилди.— Нима сабабдан мени ҳадеб «хоним» дейсан, буни сира тушунолмайман, шунчаки Эржике хола деявер!— Шундай деб у Жофини бағрига босди.

Жофи бунга жавобан Кизелани қучмади, лекин унинг бағридан ўзини олиб қочмай, чидаб тураверди. Албатта «хоним» «хоним»лигича қолаверди, Кизела ҳам қариндошчасига муомала қилишга бир неча бор уриниб кўргандан сўнг, «сен»лашдан воз кечди. «Йўқ, Жофининг менга муносабати яхши, лекин ўзи сиркаси сув кўтармайдиган, жizzакироқ жувон, холос»,— деб қўйди ичида.

Янги қабристондаги янги қабрлар устини ҳам хийлагина майса-гиёҳлар қоплаб қолганди; майна ва читтаклар пар этиб келиб, қабрлар устига қадалган хочларга қўниб, исталган дамда парвоз қилишга шайланиб, қора лиbosга бурканган икки гавдага тикилишади, у ер-бу ерда гунафшалар, турк чиннигуллари яшнаб кўзга ташланади, атиргулларнинг эрта этилган илк фунчалари дудоғи ҳам табассумга чоғлангандай хиёл очилиб қолган. Теграсигина сийрак акаслар билан қуршалган яйдоқ янги қабристон бағрида аҳён-аҳёнда яшнаб қоладиган бундайин гулпушталар чўпон чопонига тикилган нақшларга ўхшаб кетади. Ана шу ҳувиллаган мозоротда икки қора лиbosли кимса — Жофи билан Кизела уймалашишади.

Гоҳо Жужа Мори шарпа чиқармайгина ёнларига келиб қолади. У кўзларини худди читтакка ўхшаб пириллатганча, бирон оғиз илиқ сўзларига интиқ бўлиб, чеккароқда уларга тикилиб тураверади. Жофи ҳазил-ҳузул қиласидиган яккаю ягона зот шу кампир бўлса ҳам ажаб өмас. Бошқа бирор кимса гапни ҳазилга бурди дегунча Жофи бамисоли тошга айланар, бошимда шунча гам бўла туриб кўнглимга ҳазил сиғармиди, сал андиша қилсанг бўлмасмиди, дегандай терсайиб оларди. Аммо Жужа Мори шунчалар аянчли кўринардики, унга кўзи тушган одам беихтиёр жилмаярди. Ўтиб кета туриб Жо-

фи қиладиган икки оғизтана ҳазил гап Жужа Мори үчун ҳар қандай совредан ағзал эди.

— Ҳа, Жужа, сен ҳам марҳумлар руҳини шод этгами келдингми?

— Ҳа, келдим. Шаника билан чолимни зиёрат қилгани келдим,— муғамбирона илжайиб жавоб берарди Жужа. Шунда Шаникани ҳам унутмаганидан мамнунлиги яққол кўзга ташланиб турар, бу эса унинг иоқиси ақли чун беқиёс жасоратдай туюларди.

— Чолингни сира унотолмаяпсанми?

— Шундоқ меҳрибон чолимни унугиб бўларканми, бунақаси энди оламга келмайди,— деб тақрөрларди Жужа бошқалардан эшиставериб ёд бўлиб кетган сўзларни.

— Балки у, чолинг, ер остида жуда қийналётгандир?

— Йўқ, қийналмайди, бошига ёстиқ қўйиб қўйганман.

— Қорни очиб қолгандир, Жужа,— зўрма-зўраки жилайиб, Кизелага кўз қисиб қўяди Жофи.— Қанча вақтдан бери емай, ичмай ётганини ҳисоблаб кўр. Улганига етти йил бўлдими?

— Йўқ, у овқат ейди. Мен келтириб тураман. Мана ҳозир ҳам унга озгина шўрува билан ясмиқ ёвғонидан олиб келдим. Мана!

Жофи унга яқин бориб, илвираб турган тўрванинг ичига қаради, Жужа бу елкага осадиган тўрвани бирон жойдаги аҳлатни титкилаб топган бўлса керак.

— Комароми ейдими бу овқатни ўзи?— сўради Жофи.

— Бўлмасам-чи. Бу ерда унинг тунука товоги бор, іачон келсам бўшаб қолади ўша товоги.

— Бунга йўл қўйиб бўлмайди, унақада итларни ўргатиб қўяди бу ерга,— гап қистирди Кизела, шунча яхши гаплар Жужага аталаётганидан жаҳли чиқиб.— Кейин улар ҳамма ёқни титиб-ковлаб расвойи радди бало қилиб ташлайди-ку.

Бироқ Жофининг гапни давом эттиргиси, Комаромининг ёвғонни қандай ичиб қўйишини билгиси келди.

— Битта ҳам ясмиқни қолдирмай, товоқни ялаб қўйса кераг-а?— деркан, кўксидан галати бир тушкун кулги отилиб чиқди.— Ҳеч бўлмаса бечора чолига овқат келтирганидан қувонади-ку. Кўрмаса ҳам овқат еяпти деб таскин топади-ку лоақал,— деб қўшиб қўйди у шу замоноқ маъюсланиб.

Шунда Кизела унинг чеҳрасига наазар ташлаганди, аnavи қовоқхоначининг ниятига етишига яна шубҳа пайдо бўлди кўнглида.

Кунлар шу таҳлитда ўтиб, ниҳоят троица байрами ҳам етиб келди. Кизела Жофи билан ҳудди шу куни гаплашаман, ундан мадад тилайман, деб дилига туғиб қўйганди. У шанба куни шундан гап очмоқчи эди, лекин почмейстеркинг хотини тўсатдан, пешиндан кейин бориб, бирпас чақчақлашиб келаман, деб қолди. У Кизеланикига биринчи марта келмоқчи эди, лекин келмади. Шундай қилиб Кизела уни деб қабристонга боролмади. Кечқурун бўлса Имре велосипед миниб келиб қолди. Қабристондан қайттан Жофи бир дақиқагина ўтирди-ю, бошим оғрияпти, кириб ёта қолай, деб дарров хонасига кириб кетди. Шу тариқа Кизела ҳал қилувчи суҳбатни якшанбага қолдиришга мажбур бўлди. Эрталаб Жофи ошхонага чиройи очилиб чиқди. Имре билан онаси қаҳва ичиб ўтиришган эди. Кизела ҳатто столга дастурхон ҳам ёзганди (ўғлим «стол чиройли бўлғанини ёқтиради» дерди илгарилари). Улар ҳужум режаларини ипидан-игнасиғача ишлаб чиқандилар. Кизеланинг кўкси гуурурдан бамисоли тоғдай кўтарилиб кетганди: Имре катак камзул, шим ва сарғиш этик кийиб безаниб олганди, нақ агрономнинг ўзгинаси дейсиз! Фарқ очиб тараалган соchlари офтобда ярақлар, лабларида шўх табассум ўйнарди. Шундай келишган ўглини Кураторлар бир кўриб қўйишин! Кизела ҳудди шу пайт ўглига черковга борганида биринчи қаторда, зиёлилар ёнида ўтиришни, унинг жойи ўша ерда эканини тайинлаётган эди. Имре умри бино бўлиб черковга қадам босмаган бўлса керак, лекин бугун уни бутун қишлоққа кўз-кўз қилиши лозим эди. Аnavи Кураторлар кўриб, Марини берадиган бўлсалар ерга қараб қолмасликларини билиб қўйсилар.

— Қалай, бошингиз тузукми? — сўради Кизела, Имрени кўриб яна чимирилмасмикин, деб ҳаяжон-ла Жофининг афтига термилиб.

Жофи эса хотиржам кўринар, ўзини ошкора эркин тутишга тиришарди; у мулоҳимгина жавоб қилди:

— Тузук, ўтиб кетди. Ўзиям байрам куни бош отриши камлик қилаётвиди-да.

Кизеланинг чиройи очилиб кетди. Имре борида Жофи бирон марта бўндаӣ илтифот кўрсатмаганди. Афтидан ўзининг ғанчалик заҳар эканини унтишларини ис-

таб ўзгариб қолганга ўхшарди. Бу мулойимлиги ўзига бирам ярашиб тушибдики, асти қўяверасиз! Бетига салпал қизил югурибди, ҳатто қадди-қомати ҳам бутунлай ўзгариб қолгандай. Шу топда Кизела Жофини қулоқлаб олишга тайёр эди, ҳатто ўрнидан ҳам турди.

— Тўғри айтасиз, ўргилай, байрам куни бош оғригани яхшиямас. Айниқса шундоқ кунларда-я, қаёққа қарасангиз кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди. Ҳатто мендай кекса одам ҳам ясаниб олгим келиб қолди, шэйи блузам шкафда чириб кетмасидан бир шаммоллатай деб турибман. Сиз ҳалиям худо билан аразлашиб юргандирсиз, албатта? Менинг Имрем ҳам шунақа шаккоклардан: черковда қанақанги ишлар бўлмаган, дейди... Мен унга жойингни билиб ўтиргин, сенинг жойинг зиёлилар қаторида, дейман унга. Аллақанақанги қаланги-қасанғи Дюрка Тоот билан Ян Хорватлар орасида ўтиргани ўқиган эмассан, дейман... Ие, қўнгироқ ҳам даранглаб қолди-ку, бунақа ўтиришда кеч қолишимиш ҳам ҳеч гапмас.

Шундай дея Кизела ёш қизлардай ҳужрасига отилди; шкафни тарақлатиб очиб, ниманидир қидираётгани эштилиб турарди.

Жофи бир дамгина йигит билан танҳо қолди.

— Кейинги пайтларда онам менга тузук муомала қиласидиган бўлиб қолди,— деди Имре соддадиллик билан шўхчан жилмайиб. Унинг бу жилмайиши: «Қарияларнинг бақор ҳавосидай дам очилиб, дам айнаб туришини ўзинг ҳам яхши биласан-ку, ҳа, кексалар шунақа бўлишади, биз ёшлар эса улардан кулиб юрамиз, холос»,— деб турарди.

— Сиз билан шундай фахрланадиларки,— деди Жофи, шунда ёшларга хос жилмайиш қалқди унинг ҳам чеҳрасига; бу жилмайиш нозик териси узра ўрмалаб бориб, кўзлари қорачигида туриб қолгандай бўлди. Кейин Имрега қалбларга чўғ ташловчи қайноқ, аммо маъюс бир нигоҳ ҳадя этиб, яна ўша замоноқ плита томонга қараб олди; Жофи кастролькадаги сутдан каттакон кружкага қуйиб, хонасига кириб кетди.

Черковда иккинчи марта қўнгироқлар чалинди, кейин учинчи марта; кўча бўйлаб ранг-баранг камзулли, минг бир хил тусдаги юбкали оломон оқа бошлади; гулдор-рангли лиbosларга бурканган шўх қизлар галаси қора кийинган йигитлар тўдасига қоришиб кетар, йигитлар черков рўпарасида тўхтаб, бир-бирларини ча-

қиришарди. Айвойи тур баҳор бўёқларини жамлаб гулпушталардаги, йўл ёқаларидағи дала гулларини оҳанрабодек етаклаб келганга ўжшарди қўнгироқ садолари. Мана, аста-секин бўёқлар гойиб бўлиб, кечиккан қавмларгина бўшаб қолган кўчадан чопганча боряптилар; станцияга бўш аравача келиб тўхтади шалдираб, унга қўшилган отнинг кишинови кўкка ўрлаётган оятхонлар хонишига омухта бўлиб кетди. Шу пайт Жофи ногаҳон сесканиб кетди: ошхонада кимдир бурчакка ҳассасини дўқ этиб қўйди-да, эшик ортида бир нафас тўхтаб, кейин астагина тиқиллатди. Жофи тиқиллатишидан ким келганини таниди. Отаси Черковда бўладиган пайтда нима қилиб юрибдийкин бу ерда?

— Илгари ҳечам бунақанги ноқулай аҳволга тушмагандим,— деди у пишиллаб, қизининг қўлидан астагина ушлаб, кейин диванга чўқаркан.— Онанг кўйлагим илгакларини шунақанги қилиб тиқиштириб ташлабдики, то уни топиб йўлга тушгунимча кеч қолиб бўлибман. Шундоқ муюлишга етганимда қарасам, кашиш кириб кетяпти-да ибодатхонага. Ундан кейин кириб одамларга кулги бўлиш ярашмайдиган қилиқ. Кел, бир кириб кўрай-чи, зора уйда бўлса, деб бу ёққа бурилдим. Черковга ҳушинг йўқлигини биламан.

— Худодан илтижо қиладиган ҳеч нимам йўқ,— деди Жофи заҳаролуд, бироқ жилмийб.— Сўрайдиган нарсанг бўлганидаям бари бир беҳуда ҳаракат бу!

— Шундоқликка-шундоқку-я, лекин фойдаси бўлмаганидек, зарари ҳам тегмайди... Ақалли оятларни куйлаб юраингни бўшатиб оласан-ку. Илушлар келишармиш; ҳабаринг борми бундан?— деди Куратор.

— Қаёқдан ҳабарим бўларди?

— Пешиндан кейин келишармиш; ўша қишлоқдан келадиган оҳак сотувчилардан айтиб юборибди.

— Оҳак оласизми деб қичқиришаётгандай бўлувди нотаниш одамлар,— деди Жофи Илуш ҳақида ортиқ эшитгиси келмай.— Мен илгари келтиришганда олгандим.

— Кўрдим, аллақачон оқлаб ҳам бўлибсизлар. Шундоқ киришинг билан оппоқ девор кўзингни қамаштирялти. Айвондаги битта устун эсларингдан чиқиб қолиб истганми дейман, сап-сағайиб турибди.

— Эгимиздан чиқарганимиз йўқ,— жавоб берди Жофи.— Шаника Пали совға қилган қалам билан боплаб унга 7 солиб ташлаганти. устилан оқнаб юборищ-

га кўнглиминиз бўлмаганди. Энди оқлаб қўйсам бўлар, ахир умрбод шундоқ қўйиб бўлмас уни.

— Баракалла, қизим, бу гапинг тўғри,— оҳистагина маъқуллаб қўйди Куратор. Кейин бир оз сукут сақлагач келишдан мақсадини баён этди: — Марҳумларни ёдда сақлаш яхши иш, албатта, илло уларга ёрдам беролмаганингдан кейин бундан нима наф. Биласанми, кўпдан бери сенга айтмоқчи бўлиб юраман-у, лекин бошқа ёққа буриб юборасан деб чўчийман, жудаям унақангни ташвишга бошинг билан шўнгиб кетмагин, бундай қилиш ярамайди, Жофи. Биласан, танаси бошқа дард билмас, бошига тушмаганлар гапираверади-да, дейсан. Илло сен ҳали ёшсан, ёлғизликнинг қанчалик ёмонлигини сезмайсан... вақти-соати етиб сўққабош бўлиб қолганингда қаттиқ алам чекасан. Биласан, бизларни сенинг олдингда унча қадримиз йўқ, илло шунда ҳам, ҳар қалай қазойи муаллақимиз етиб, бир куни биз ҳам оламдан кўз юмамиз, сингилларинг, уканг — ким билади тагин — қаёқларга тўзиб кетади, ўзлари билан ўзлари ўралашиб қоладими, ўшанда, қариган чоғингда ҳеч кимга керагинг бўлмай, ёлғизлик азобини тортасан. Қилмишингдан ўқинасан, лекин фойдаси бўлмайди унда. Одам боласи худога қарши иш тутъаслиги керак. Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма. Қайсарлик ўзингга зиён келтиради.

Гарчи кекса Куратор у билан гаплашишга қатъий аҳд қилган бўлса-да, унинг қийналалётгани кўринниб турарди. Кўнгли бузилиб кетган чол ўзини зўр-базўр тутиб, иложи борича жўнгина қилиб гапиришга тиришарди. Жофининг ҳам томоғига алланарса тиқилиб, кўзларига ёш қуиилиб келай деб турарди. Ҳамма кампирларнинг йиглаб-сиқташларию панд-насиҳатларини ана шу бузилган кўнглини аранг босиб сўзлаётган титроқ товушга алмашмайди ҳеч қачон!

— Қайси бевага хотин керак бўлиб қолганини шартта айтиб юбораверинг, дадажон,— дея кўз ёшлари орасидан отасига жилмайди у.— Кимга етим қолган сигирини соққани хотин заруракан?

— Ана, айтмабмидим, жуда тилинг заҳар-да,— деди отаси ҳам илжайиб.— Дехқонга муносиб кўрмайт-гандирман сени балки. Менимча, бу ердан кетганинг маъқулмикин, олисроқда бўлсанг ғаминг осонроқ унут бўлар дейман. Сенга дехқон одам муносиб эмас, эрингни ҳам у овчи бўлгани, газета ўқиб, велосипедда ай-

лантириб юргани туфайли ёқтириб қолгандинг. Ана ўшанақа куёв керак сенга... Бирортасини кўз остига олгани учун шундай деяпти, деб ўйлама тагин, ўзинг яхшилаб ўйлаб кўргин деган важ билан айтаяпман бу гапларни.— Жофи унинг рўпарасида қизариб, икки ёноғи лола бўлиб, юмсам яна ёш чиқиб кетмасин деб мижжаша қоққани чўчиб ўтиради. Отаси чўнтагидан залворли кумуш соатини чиқарди, у ортиқ Жофининг афтига қарамасди.— Ҳозир чиқиб қолишади черковдан, мен ҳам йўлга тушай энди. Айтгандай онанг кечқурун келсин, деб тайинлаб юборганди. Илуш шундоқ ҳам, боламни ақалли бир кўришга арзитмади, деб аразлаб юрибди. Мусибатинг ҳар қанча катта бўлганидаям, сенинг олдингда гуноҳсиз одамни беҳудадан-беҳудага дилини ранжитиши яхшияimas.— Жофи уни кўча эшиккача кузатиб чиққанида яна бир бор сўради:— Борасан-а? Илло ҳозирги гапларимдан жаҳлинг чиқмасин, сенга яхшилик тилаганимдан айтдим бу гапларни.— У қизининг қўлини маҳкам қисиб қўйиб, аста уйга қараб жўнади.

Жофи пешайвонга чиқиб, бирпас туриб қолди. Пешанасини устунга тираган кўйи юрагидан мавж билан бутун баданига тараляётган қоннинг томирларини қандай тепаётганига қулоқ тутди. Шунда у худди тўлқин кетидан тўлқин тарататётган дарё ёқасида тургандай ҳис этди ўзини. Бадани бетиним живирларди, гоҳо вужудида галати бир ҳузурбахш ҳоргинлик сезиб қалтираб кетарди. «Миям айниб, жинни бўлиб қолганга ўхшайман!— деган фикр кечди хаёлидан.— Бундайларни бўғиб ташласа ҳам озлик қиласди. Ёки ҳаддан зиёд тошбагирманми?» У ҳануз бошини устунга тираганча турар, аммо танасини ҳаловатли толгинлик чулғаб олганди. Мовий кўйда тиқ этган товуш эшитилмас, ер ҳам худди само каби жонсиздек туюларди. Бироқ шу пайт қишлоқнинг қуий чеккасидан маҳобатли гувиллаган овоз эшитилди: бу оятни билган одам унинг янграётган ҳар бир сўзини бемалол ажратса оларди. Жофи қаддини ростлади. Ҳозир улар, қора шойи булузга кийган Кизела билан катак камзул, сариқ этик кийган ўғли етиб келишади... У бўлса ҳануз аҳмоқона ўйларга толиб турибди. У ёнида турган устунга қизил ранг билан чизма-чизиқлар чизиб ташланганди. Эй ифлос, шу устунни оқламоқчи, нафас ололмай оғзини каппа-каппа очиб ётган, кўкариб кетган чехрани унутмокчи бўл-

динг-а! Демак, қалбимиизда ҳам худди мозордагига ўхшаб марҳумлар хотирасини гиёҳ қоплаб оларкан-да? Ё одам ҳам шунчаки бир йиртқич ҳайвондай гапмикин? Бу орада оятхонлик пасая бошлаганди, шунда Жофи қавмларнинг бирин-сирин курсилардан туралётганлари ни кўз олдига келтирди, аввалига аёлларнинг ингичка овозлари тинди, сўнг дўриллаган эркаклар товуши ҳам аста пасая борди...

Жофи уйга отилди, бошига рўмолини ташлаб, шишани қўлтиқлади-ю, фақат ўз хонасини қулфлаб, ташқарига югурди. Кўчага чиқиши билан биринчи муюлишдаёқ черковдан қайтаётган оломон кўзга ташланди. Жофи қадамини тезлатиш ниятида узун юбкаси этағини сал кўтариб олди; у кўклам гулларидай рангоранг кийинган оломондан ўзини олиб қочар, гўёс бу оломон тошқин сувдай бостириб келиб, уни оқизиб, босиб кетадигандай, югуради ҳисоб. Изидан келаётган оломон орқада қолиб кетгачу, қандай аҳмоқман-а, деб ўзи ни койий бошлади. Хўш, дехқон, кейин бу ерлик бўлмаса нима қипти? Бунаقا одам фақат битта ўшами? Ким билади ҳали, кимни мўлжаллашяптийкин, балки анави гаранг Тоотга ўхшаган бирорта қарияни кўз остига олишгандир, у бўлса ёш йигитни ўйлаб ўтирибди. Ота-онаси: кўрмайлик ҳам, куймайлик ҳам деб ундан қутулиши пайтига тушишган. Ё бирон ножўя ҳаракатини пайкашдимикин? Лекин қайси ножўя ишини? Ахир у ўша Йимре билан уч-тўрт оғиз гаплашдими ўзи? Унга кўзи тушиши билан жўнаб қолади-ку. Хўш, унда Кизела нега айланиб- ўргилади? Олдинлари мутлақо бошқача эди-ку. Шунчаки унга ачингани, раҳми келганидан шундай қиласпти, холос. Жофи билан ўғли ҳақида гаплашмаса нима тўғрисида гаплашади, бошқа қувонадиган жойи борми ўзи?! Яна ким билади.. Эҳтимол срқаворотдан келишиб олишгандир, отаси шунчаки далда бергани келгандир... Боя шу гап ақлига келганидами, дадасининг олдида уятдан қип-қизариб лола бўлиб кетармиди?! Қандоқ қилиб унинг тўғрисида шундай фикрга келишади-я, ахир у бунга важ бўладиган бирон ҳаракат қилгани йўғиди-ку? Жофи ўзини отасининг ўрнига қўйиб кўрди. У Жофи билан мулоим гаплашди-ю, лекин ичидা: «Шўрлик Жофигинам, ўша йигитчани бошингга урасанми, ёшларинг ҳам теппантенг, ҳали қанақасига одам бўлди у. Ё шоффёрлигига учяпсанми? Ха майли, агар кўнглингга ўтириб қолган

бўлса қувончингни бузмай қўя қолай, шунча ғам-таши-  
виш тортганинг ҳам етар», деб ўйлагандир. Отасининг  
фикрлари оқимини шу тариқа тасаввур этаркан, вужу-  
дини уят чулғаб олди. Йўқ, отасининг хаёлига сираям  
бунақа фикр келмаган. Унинг ташвишу қувончини ўй-  
лашдан бошқа ишлари йўқми! Биронталари ҳам ўзла-  
рини койитгилари келмас!.. «Марининг ташвишини  
қилишаётган бўлишса-чи», деган ўй келди хаёлига қўй-  
қисдан ва юраги бир озиқиб тушди. Илгарилари Мари  
Кизеланинг ҳужрасида қолиб кетган пайтларда кўнгли  
ниманидир сезгандай бўлувди чоги. Шунда яна кўз  
ўнгида қуийидаги манзара намоён бўлди: ошхонада  
Имре турибди, Мари ҳам кетидан ийманибгина чиқиб  
келди, демак улар анави қўшмачини ишга солишган!  
Ўшанда синглisisини нимага ҳайдаб юборганини Жофи  
энди тушунди. Онасининг таъналари узукка кўз қўй-  
тандай бўлувди ўшанда. Ҳа ифлос маҳлуг-а, ҳали но-  
расида гўдакни гўрга қўяр-қўймасларидан шунақа  
ишларни қилиб ўтиrsa-я! Тўнкага ўхшаган, бузоққа  
ўхшаб лалайган Марининг нимаси ёқдийкин унга? Пу-  
лига учгандир-да! Калласига келган аҳмоқона фикр-  
ларни қаранг-а, ҳали ўғлининг қабри тепасига шуна-  
қанги хаёллар билан бормоқчи-я! Ҳаммаси тутуруги  
йўқ гаплар. Имре графнинг оқсочлари билан ўралашиб  
юргандир, хўш, унда отасининг гаплари-чи, қариялар  
насиҳат қилишса бас, буни яхши кўришади. Биронта  
одамни кўз остига олмаганини ўз оғзи билан айтди-ку,  
ахир. Отасининг худди шу гапига ёпишиб олиб, фақат  
ўглининг мозори, янги ўрнатилган панжарага боғлаб  
қўйиши лозим бўлган атиргул навдаларинигина ўй-  
лашга ҳаракат қилди. Бу орада у қишлоқдан чиқиб  
бўлган, йўл четидаги дўнг марзадан юриб борарди. Ян-  
гигина чопиқдан чиққан жўхорилар, барра буғдой  
майсалари илиққина шабадада ҳилпираб, денгиз мисол  
мавжланар, тепалар елкасидаги акаслар гўё мовий  
кўкка бош уриб турганга ўхшарди. Жофи ногаҳон қу-  
лоқ сола бошлади: пастда, йўлда резина гилдираклар-  
нинг шигиллагани эшитилгандай бўлди, велосипедга  
ўхшайди, ана, велосипедчи сакраб тушиб, велосипеди-  
ни етаклаганча орқасидан яқинлаб келяпти. «Вой  
уяксиз-эй!»— ўйлади Жофи ва одимини тезлатди. Паст-  
дан кўтарилаётган әркак ҳам жадаллаб келаверди,  
майсадан кўз узмай одимлаётган Жофи берет кийган,  
велосипедини етаклаб олган кишининг тепа ёнбағрида

илгарилааб келаётган соясини кўрди. «Сурбет,— гижинди Жофи,— қишлоқма-қишлоқ юрадиган бирор соат-созга ўхшайди, ишни шундан бошлаган бўлса жуда кўпга боради-да!» Шу хаёл билан тепага қараб чиқиб бораверди жадал, мабодо тўхтатиб, у-бу дейдиган бўлса, калласига шиша билан солади.

— Жуда тез юаркансиз-да, ортингиздан ўпкасини қўлтиқлаб келаётган ҳамроҳни ҳам пайқамайсиз-а,— тўсатдан Имренинг овози эшитилди орқадан.— Троица байрами куни шундай шошилиб кетаётган ким экан, деб тикилиб, бу бекамизга жуда ўхшаб кетаркан-ку, деган гап хаёлимдан ўтди-ю, лекин чақиришга ботинол-мадим. Саломлар бўлсин,— деб қўшиб қўйди у Жофи бир дамгина тўхтаганда.

— Сизмисиз бу?— деди Жофи, ўша ондаёқ чеҳрасидаги газаб йўқолиб, чиройи очилиб кетди. Оёқлари остидаги ер гўё талвасага тушган юрак сингари безовта депсинаётгандай, у қадам босмаяпти-ю, ана шу юрак депсиши олға итқитиб, дарахтлар эса томир-помири билан қўпорилиб, дала бўйлаб югуриб кетаётгандай бўлди.

— Ҳа, менман, Богардга кетяпман, у ерда механик дўстим бор, бугун пешинга меҳмонга айтганди. Ҳа, жуда ўйланиб қолдингиз,— деди Имре, кейин нимагалигини ўзи ҳам билмай шўхчан кулиб юборди.

Жофи унинг ёлғон гапираётганини билиб туарди. Кизела кеча кечқуруноқ хамир қориб, хўрор сўйиб қўйганди. Богардда ҳеч ким кутаётгани йўқ уни. У ерда қаёқдан механик дўсти бўларди? Ёлғон гапиряпти, уятсиз, бироқ Жофи, Ҷари бир сендан устун келдим-ку, деган фикрда сал тасалли топди бу ёлғондан. Ўша заҳтиёқ учиб бораётган дарахтлар пайкаллар теварагида яна тек қолгандай бўлди, чайқалиб кетмаслиги учун Жофи ўзини босишга уринди. У ҳатто майнингина илжайди.

— Шарпангизни эшиздим-у, лекин бирорта сурбет бўлса керак-да деб ўйладим.

— Тўгри ўйлабсиз,— ҳаҳолади Имре. Бироқ Жофининг чеҳраси жиддийлашганини кўриб, онасининг: «Тағин ҳазиллашишни хаёлингга келтириб ўтирмағин-а!»— деб тайинлагани ёдига тушиб, оғзини ийғишириб олди.— Черковдан келганимиздан кейин ойим сизни роса қидирди. Кейин дадасиникига кетган бўлса

керак, деб ўйлади. Ҳали пешинлик овқатни ҳам емагандирсиз, ахир.

— Ҳали очқаб қолганимча йўқ,— жавоб берди Жофи совуққина.

— Жуда ғалатисиз-да,— деди у ва Жофининг афтига қизиқиш билан тикилди.— Баъзан бунақалар фақат китобларда бўлади, деб ўйлаб қолади одам.— Унинг кулиб турадиган кўзларида қандайдир бир нарса борга ўхшади-ю, Жофи тўсатдан хижолат тортди. Бир сония ўзини Имрени истеҳзо-ла боқувчи кўзлари билан кўргандай бўлди: мана, қузғундай қоп-қора лиbosга ўралган Жофи Қуратор баландга кўтариладиган сўқмоқдан пилдираганча боряпти, ҳали пешинлик овқатини ҳам емай туриб қабристонга ошиқяпти. Шошилмай бўладими, секинроқ юрса кеч қолади ёки манави мавжланиб-чайқалиб турған барра майсаларга, осмонда бафуржа сузаётган пага-пага булатларга мақлиё бўлиб, хаёlinи ўғирлатиб қўяди-ку! Шунда Жофи буғдоизордаги бу қора жандали қўриқчининг қанчалик кулгилиларгини кўриб, бирдан ўз-ўзига қарши исён кўтарди-ю, бу тиржайиб турған йигитчага ўзининг аъзойи бадани ю миясигача қора тусга бурканмаганини кўрсашиб қўйгиси келиб кетди.

— Мана, кўриб турибсиз, бунақалар фақат китоблардагина бўлмас экан,— жавоб берди у, шунда ўзининг овозидаги қизлиқ пайтларидагидек шаддодликни пайқаб шошиб қолди. Ўша пайтларда у бирортаси ҳазил қилса ана шундай шаддодлик билан суробини тўғрилаб қўярди.

Имре унинг овозидаги бу ўзгаришни дарҳол пайқади ва юрак ютиб, яна одатдаги муомаласига ўтди.

— Мундоқ қараб турсам,— жавоб берди у тиржайиб,— шундай ёш жувонни нуқул қари-қартанг кампирлар қуршаб олишибиди. Худди яраланган қўзичоқ дейсиз, рост, ҳали жони бор-у, лекин қузғунлар чўқийвериб ҳамма ёгини галвир қилиб ташлаганга ўхшайди. Нега энди уларга ўзингизни чўқилатиб қўясиз? Тирқиратиб қувмайсизми, ахир?! Дийдиёларини бошлаганларидан кейин дилингизни хуфтон қилиб юборишадику. Бошингизга мусибат тушди, кўргилик бу, нима ҳам қила олардингиз, ёшсиз, чидайсиз, унутасиз. Албатта бу сизнинг ишингиз, менга даҳли йўқ,— деб қўшиб қўйди у бу ёққа нима мақсадда келганини эслаб. Умуман, нега энди у ваъзхонлик қиляпти ўзи!

— Сизга шундай дейиш осон,— деди Жофи илжайиб,— велосипедга минасиз-у, истаган томонингизга кетаверасиз гизиллаганча, ҳеч қанақанги ташвиш-гамингиз, уйда сизни кутиб қоладиган ҳеч вақоингиз йўқ.

Имренинг ҳазиломуз таъналари унинг дилига заррача ботмади, аксинча йигитнинг уни деб қуйинаётгани ёқди. Бошқалар ҳам худди шу гапларни айтишарди, лекин Жофи, гўё улар сир олиш пайида шундай деётгандай, сирини билишлари билан қалбига тупуриб кетадигандай туюлиб, дарров қизишиб-тутақиб кетарди. Бироқ енгилтак Имренинг оғзидан бу сўзлар шунчалик ишонарли эштилардики, Жофи қалбининг теран ерида пинҳон ётган худди ўшандай енгилтакликка омухта бўлиб кетди. У ҳам худди Имре сингари енгил одимлай бошлади. Имре яна кулди.

— Ортингизда кутиб қоладиган ҳеч вақоингиз йўқ дейсизми? Овқат-чи? Ғоз бўйни-чи? Богардда ростдан ҳам бирор таниши бор деб ўйлайсизми? Бирор танишим бўлса ўлсин агар.

— Ўзим ҳам билгандим,— ғолибона кулди Жофи.

— Билгандингиз? Ана холос! Ойимнинг найранглари ҳам бор бўлсин-да. Битта назар ташлаганда таги кўринади-қолади-да: мен кўнглини ийдирман, мен аста-секин тайёрлайман... Мана оқибати. Эрталаб, хўш, ойи, гаплашдингизми, деб сўрадим. Агар гаплашмаган бўлсангиз, ўзим гаплашаман, дедим. «Вой, болам, шошилма, пешиндан кейин гаплашаман, шошган қиз эрга ёлчимайди, дейдилар-ку, ахир», деди. Пешинда келсак, қушча уясидан аллақачон учиб қолибдилар. Гаплашинг деб шунча қўйиб бердим, энди ўзим гаплашаман, пайтини топиб, бетма-бет бир дақиқагина гаплашсам мени еб қўймас-ку, дедим. Ойим бўлса нуқул: худо асрасин, ҳамма ишни расво қиласан, ҳеч бўлмаса тассодифан учрашиб қолдим, Богардга дўстимникига кетаётувдим, дегин, деб ўргатди. Атайлаб орқангиздан кеялётганимни сиз дарров билиб слдингиз. Мана ойимнинг найрангларининг нархи.

— Ойингизга кеча кечқурун овқат тайёрлашга ўзим қарашиб юборгандим-да, ахир,— деди Жофи кулиб: оёқлари енгилгина одимлаётгани сирини тушунолмас, уларни жиловлаб туришга тиришарди. Жофи марздан йўлга сакраб тушди, лекин сарв қадди ҳатто қильт этиб чайқалмади ҳам. Шу пайт улар кўхна мозористон дарвозаси қаршисида тиришарди. Имре вело-

сипедига суюниб олган, дам-бадам чап оёғи билан пе-  
дални босиб, қўярди.

— Ҳар қалай, сиз айтгандай, тишлаб олмайман,—  
деди Жофи.

Унинг ял-ял ёнган чеҳрасида ошкора ибо акс этиб турарди. У Имрега айборона қиёфада нозик нигоҳ бахш этди, гўё у шу топда қалбини буркаган пардани олиб ташлаб, қани, бунга нима деркин, деб кутаётганга ўхшарди. Имренинг оёғи педалга қўйган жойида тек қотди, юзидаги табассум зумда йўқолиб, лаблари бурчидагина нишона қолди ундан. Йиртқичона бир синчковлик билан Жофининг афтига тикилиб қолди. Тушими бу, ё ўнги? Бу қабристон қушининг ўзими, ё бошқа қушчами? Мана, у қаршисида, хижолат пардасига чулғанган чеҳрасида қандайдир бир янги туйғу тонгдай чараклаб турибди. Орқасида эса мудҳиш қабристон, уваланган эски гўрлар дўмпайиб, қорайнб кўриниб турибди. Такаллуф қилиб ўтириш Имренинг қўлидан келмасди. Лекин нималарни кўрятти ўзи? Бу туриштурмуши ғуурурдан иборат, қоп-қора аза лиbosига бурканиб олган жувон нималарни ваъда қиласпти?.. Имре каловлаб қолди. Ниҳоят келажагини ўйлаб таваккал қилишга жазм этди... Э, жин чалсин бу қишлоқи телбани! Йўқ, у янглишган экан. Жофи кўзларини юмди-ю, чеҳрасидаги хижолатомуз ифода тумандай тарқадикетди... Йигитнинг кўзига шундай кўринган экан-да!

Бу ҳол бир сониягина давом этди. Йиртқичона боқувчи кўзларда яна ҳазил учқунлари чақнади, лаблари бурчида қотган табассум яна юзи бўйлаб таралди.

— Ҳалиги, гап нима ҳақда бораётганини фаҳмлаётгандирсиз?— деди у қувноқлик билан.— Ойим шунақанги фитначики, асти қўяверасиз, лекин оғиз очмасимданоқ ҳаммасини тушунган бўлсангиз керак.

— Мари ҳақида, шундай эмасми?— сўзини бўлди Жофи, бор кучини тўплаб, жилмайишга уриниб.

Гап Мари тўғрисида бораётганини яққол фаҳмлаганидан унинг ўзи ҳам ҳайратда эди. Бошқача бўлиши мумкинми? Бекорга бошини оғритиб ўтириби-я.

— Шундай. Энди ақл-ҳушни йишиб оладиган вақтим келди, кейин Маришка ҳам жуда яхши қиз,— деди Имре зўрма-зўраки илжайиб; шунда негадир, велосипедда бунинг орқасидан қувиб келиб нима қиласдим-а, деган фикр ўтди хаёлидан.

— Бу сизларнинг ишингиз,— дея кулди Жофи.—

Менинг ишим эса мана шу ерда.— У доим ёпиқ турадиган, қийшайган мозорот дарвозаси томон ўгирилди ва зум ўтмай унинг ҳилпираб бораётган юбкаси дарахтларнинг соясига қўшилиб, кўздан гойиб бўлди.

Имре орқасидан қараб қоларкан, ўз одатича тиззасига шапатилаб қўйди.

— Эшшак эканман-да ўзимам!— тўнғиллади у. Нимага деб сўралса, сабабини тушунтириб беролмасди шу топда. Ўзини онаси тайинлаганидай тутмагани, Кура-торларни тилига ҳам олмагани учунми ёки лавашанглик қилиб, пухта ўйламай гапириб юборганиданми, буни ўзи ҳам билмасди.

Кечга томон, янги ўрнатилган панжарага ёпишган қўум-тупроқни тозалаб, қурт еган, ўргимчак тўр солган атиргул баргларини олиб ташлаб бўлгач, Жофи кейинги кунларда азадорлигига раҳна солаётган бемаъни орзулардан бутунлай мусаффо бўлганди, қабристонда топадиган оромини эндиликда ҳеч ким буза олмайди. Бу орада осмонни булат қоплаганди: дов-дарақтлар зарда билан нола чекар, шамол ҳам пайт пойлаб туриб кўзга тупроқ сепиб қочарди. «Ёмғир ёғадиганга ўхшайди», хаёлидан кечди Жофининг ва отасининг кўча эшик олдида такрор-такрор: «Борасан-а?»— деб сўрагани эсига тушиб қолди тўсатдан. Бориш керак, яна дили ранжимасин. Ҳар ҳолда отаси — унга яхшиликни раво кўрадиган биттаю битта одам шу, эрталаб йиғлаб юборишига сал қолди. Шу аламли, кўнгли ғаш дамда ҳар қалай ўзи яхши кўрадиган одами билан бирга бўлгиси, жимгина ёнида ўтиргиси келди. Тўғри, ҳозир Илуш ҳам эри билан ўша ерда. Нотариус уят-уят латифаларни айтиб, атайлаб оғзи қулоғига етгудек бўлиб хаколайди, Илуш эса япги ортирган ўртоғи — докторнинг хотинидан гап очиб, мақтанишни унутмайди, кейин «Сеҳрли қўллар»да дастурхонга солинадиган қанақанги гуллар сурати берилганини ҳикоя қилишга тушади. Бироқ уйига қайтиб, ўз хонасига бикиниб олганча ошхонадан эштиладиган одим шарпаларига (эҳтимолки Имренинг қадам товушларига) қулоқ солиб ўтиришга ҳам тоқати йўқ эди. Ундан кейин ҳали-замон ёмғир қуийиб берадиганга ўхшаб туриби, унда уйига етгунича шалаббо бўлиб ивийди... Қисқаси, уни отасининг уйига етаклаётган нарса мутлақо кўнгил ғашлик, қалби тўрида мавжланиб келаётган ҳўнгроқ эмас, балки ёғай деб турган ёмғир.

Онаси ошхонада, қайнаб тошиб кетган қаҳва қайнатиладиган чойгумни латта билан артаётган экан. Янги кўйлак кийиб олган Мари бўлса ичкаридан бир даста таҳсимчани кўтариб чиқиб қолди; тепадагисига турли қолдиқ овқатлар уйиб солинганди...

— Намунча кеч қолмасанг? — таъна қилди онаси, лекин кўзлари ҳадиксираб, илтижо билан жавдирарди қизига. — Уйдан келяпсанми?

— Йўқ, мозорбошидан, — жавоб берди Жофи столга қўйилган таҳсимчаларга тикилиб, унда кемирилган устихон, тузланган бодринг қолдиқлари, тамаки кули аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Илуш билан эри келгандан кейин зиёфат қуюқ бўлиши турган гап-ку, ахир. Нотариус жаноблари ростки дехқон қизига уйланган эканлар, қайнаталариникида бир мириқиб овқатлансалар арзимабдими! Бу таҳсимчаларга, столда ётган пиҷоқларга кўзи тушиб, ичкаридан эшитилаётган вағир-вугур қулогига чалингач, Жофи бу ерга келганига пушаймон бўлди туйқусдан

— Қаҳвани ўшоққа, ичкарига олиб кириб қуяйми? — деб сўради Мари; у бесўнақай қўлларида японча суратлари бор патнисни кўтариб турар, устидаги қаҳва ичиладиган чинни-оёқлар эса жирингларди.

— Ҳа, ичкарида, — жавоб берди онаси. — Эҳтиёт бўлиб қўйгин, тагин, мунча қовушмаган экан-а, деб ўйлашмасин. — Шундай деб устидаги идишлар титраб-жиринглаб бораётган патнисни кўзлари билан эшиккача кузатиб қўйди-да, кейин Жоfigа ўтирилди; ҳануз қулоқлари остида жаранглаб турган «мозорбоши» сўзи юзига кўлка ташлади. — Мозорбошидан дейсанми? Кеча мен ҳам боргандим, янги панжарани кўриб келдим. Пулига арзиркан, қиммат эмас экан. — Сўнгра у гурр этиб кулги кўтарилган эшик томонга қараб қўйди чўчинқираб. — Илуш неча марта сўради, энди келмайди, деб ҳафсаласи пир бўлганди, балки унинг ўғлини кўргинг келмаётгандир?

— Менга бари бир, — елкасини учирди Жофи ва эшикка қараб юрди.

Хонада яна кулги кўтарилди, нотариуснинг гулдурак овози ажралиб турарди. Кейин нотаниш бир эркакнинг: «Боплаб тазирини берибсиз, жаноб нотариус!» — дегани эшитилди. Жофи бу овозни эшитиб тўхтади.

— Бегона одам ҳам бор шекилли?

— Улар билан бир ойлик чўчқа боласи олгани бир ҳамқишлоқлари биргалашиб келибди.

Она бечора шошиб қолганидан тузукроқ гап тополмай, қиз болалигида эшитган гапини такрорлади: куёв қайлиқ кўргани келганда шунаقا дейишарди доим. Жофи эшик ёнидан чекиниб, негадир кутилмагандан қаҳва қайнатгич мурватини бураши зарур бўлиб қолган онасига тикилди.

— Бу ёқча нимага келдим-а ўзи? Нотариуснинг латифаларини эшитганими? Ҳа майли, ёмғир тинишини шу ерда кута қоламан.

— Ёмғир тинишини? — қайтариб сўради онаси, ошхона деразасидан ташқарига қарапкан.— Қўй-е, Жофи, бу ерда нима қиласан: Илуш хафа бўлади.

Жофи индамади-ю, лекин лаблари буришиб кетди. У эшик томон бир қадам қўйиб, тутқицидан ушлади. Ичкарида ҳангама давом этарди ҳамон, шунда кекса она вужудини ваҳима қамради тўсатдан.

— Менга қара, Жофи,— деб шивирлади овози титраб, заиф бармоқлари билан қизи юбкасидан чангальлаб.— Менга қара, Жофи, тағин у ерда ножўл гап гапириб ўтирганин-а...— у кўзлари пириллаб, кексаларга хос ожизона илтижо билан Жофига жавдиради.

— Уларнинг ташвишини қиляпсизми ё меними? Ахир мен қопиб олмайман-ку,— деди Жофи овозини пасайтириб.

— Бўлди-бўлди, шунчаки айтяпман-да, болам,— деди онаси тутила-тутила. Жофи ичкарига кириб кетгач, у эшикка қулоғини тутганча, нафасини ичига ютиб, тағин бу қайсар қиз бирон «ножўя» гапни айтмаяптими, деб хийла вақт турди.

Хочада Мари билан қўшиб ҳисоблагандан беш киши: Илуш ва эри, отаси, яна нотаниш киши ўтиришган эди. Нотариус диванда ялпайиб, тўрли ёпиқни фижимлаб остига босиб ўтирарди, тепадаги оилавий суратлар пастга тушиб кетганди. Илуш ҳам оёқларини йиғиштириб, бошини эрининг пинжига сукиб диванда ўтирибди; эри дам-бадам елкасига қоқиб-қоқиб қўяр, у бўлса эрининг титраб турган иягини силар, гўё бахтиёрлик ҳамда иноқ-аҳилликларини кўрсатаётгандек сергўшт афтидан бот-бот чўлпиллатиб ўпарди. Мари қаҳва қуйилгән чинни-оёқларни ҳаммаларига бирма-бир тутиб, тес әркаклар қантдондан қант олиб, қаҳва ичига ташлагунларича тепаларнда чидам билан кутиб тура-

ди. Куратор билан меҳмон стол ёнида нима ҳақдадир қизгин баҳслашишарди. Ҳар иккалалари ҳам сигара тутишишарди. Хонага кириб келган Жофини эшикка қараб ўтирган меҳмон биринчи бўлиб кўрди-ю, эҳтиром билан саломлашди. Бу қирқ ёшлар чамасидаги ягриндор киши эди; қорача юзидан хотиржам-босиқ кўринади, кўзлари қоп-қора. Бошқалар ҳам ўринларидан туришди. Жофи келди деб Мари огоҳлантириб қўйган Илуш дарҳол эрининг пинжидаги бошини кўтара со-либ, опаси истиқболига юрди.

— Салом, Жофиқа,— шивирлади у,— бугун ҳам сени кўролмай кетаманми деб чўчиб тургандим.

У Жофининг икки бетидан ўпди, ҳатто ҳомийлар-ча меҳрибонлик билан елкасини силаб қўйди.

— Кундан-кунга очилиб кетяпсизми,— дея хитоб қилди нотариус ва Жофига қўлини узатди. У ҳазил-ҳузул билан эркин, бамайлихотир сўзлашиш учун вазият яратишга ҳаракат қиласади.— Ўзинг бир кўргин-а, Янош! Бунағанги соҳибжамол қайнинэгачим борлиги тушингга ҳам кирмаган бўлса керак.— Шундай деб у хотинига, қалай, қотирдимми, дегандай қараб қўйди.

— Эшитгандим, рафиқангиз айтгандилар,— деди меҳмон жиддий, кейин Жофига яқинлашиб ўзини таништириди:— Янош Приккель, ходошлиқ қовоқхоначи.

Жофи унга қўлининг учини берди, отаси билан ҳам кўришида-да, кафель ёпиширилган плита ёнига бориб ўтиреди. Бошқалар бир жойда, фақат угина бир чеккада ўтиришарди. Бирон оғиз ҳам сўзламасликка аҳд қилгани яққол кўриниб турарди. Азадор жувоннинг ўзини бундай жиддий тутиши ҳатто нотариусдай одамни ҳам эсанкиратиб қўйди, у гап тополмай қолди.

— Намунча бир чеккага тиқилиб олмасанг, қизим?— деди кекса Куратор орага чўйкан сукутни єузиб. У Жофининг кўзига меҳрибонлик, айни чоғда илтижо билан тикилди.

— Шу ерда ўтиришга ўрганиб қолганман,— деди Жофи ва айтишим лозим бўлган гапни айтиб бўлдим, бошқа гапим йўқ,— дегандай лабларини маҳкам қимтиганча ўтираверди.

— Мендан чўчийди, шунинг учун узоқроқ ўтирай деяпти-да,— гапга солишга уринди нотариус.— Илушнинг кўнглини овлаб, унга парвона бўлиб юрган пайтларимда мен билан бир хонада ўтиришни истамаганин-

гизни тан оларсиз, ҳа, ана шунақа бу киши.— У шупдай деб кулиб, бошқаларни ҳам кулдирмоқчи бўлди.

Бироқ Жофи ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади, шу сабабли ҳеч ким нотариусга қўшилиб кулишга журъат этолмади.

— Хаҳ тентаквойим-а,— Илуш эрини койиган бўлди,— ким билан қандай гаплашишни сен қаёқдан ҳам билардинг. Ахир эртаю кеч куни идорада, ёлланиб ишлайдиган хизматчи хотин-халаж билан валақлашиб ўтади-да.— Илуш суҳбат мавзунини бошқа ёқقا буриб юборишга аҳд қилган кимса қиёфасида меҳмонга юзланди: — Опам шўрликнинг бошига кўп ташвишлар тушди. Сизга бу тўғрида гапириб бергандим шекилли, жаноб Прикkelь.

— Ҳа, хоним, гапириб бергандингиз,— тасдиқлади меҳмон ва Жофига илиққина нигоҳ ташлаб қўйди.

— Бундан оғирроқ мусибат бўладими, кетма-кет энг яқин икки кишисидан айрилди,— дея хўрсинди Илуш, ўзини шунга муносиб тарзда ғамгин кўрсатишга тиришиб. Айтгандай, жаноб Прикkelга буни тушунириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Нега десанглар, у киши ҳам кузда гўзал, меҳрибон рафиқаларидан жудо бўлганлар.

Энди Жофи беихтиёр нотаниш кишига кўз ташлади, у бўлса ортида шовиллаб ёмғир қуйиб турган деразага қаради; ҳеч кимга даҳли бўлмаган шахсий иши устида ҳаммага эшиттириб айтилган бу гапдан унинг ноқулай аҳволга тушгани ошкора кўриниб туарди. Деразага тикилган кўзлари ва пешакасига қандайдир бир нарса — хижолатпазликми ё қўймасми — кўланка ташлаб ўтгандай бўлди; унинг дагал, фаросатсиз одам эмаслиги кўриниб туарди. «Бева экан-да»,— деб қўйди Жофи ичиди, у тўғрида ҳозиргина ҳис этган яхши таассуротини қувиш ниятида. Пайпогини ямаб-яқсаб, овқатини пишириб берадиган хизматкор керак бўлиб қолибди-да. Ҳеч кимга кераги йўқ шу кекса одамни рўпара қилишаптийкан-да! Илуш, Жофи бирон нима дермикин, деган ўйда бир оз кутиб турди-да, сўнг яна бидирлай кетди:

— Жуда аҳволи оғир, раҳми келади одамни. Бир ёқда Ходошдаги энг катта қовоқхонаси, бир ёқда етимча қизи. Бечора қизгинага шунақаям ачинаманки, асти қўяверасан, ўзиям бирам ақлли қизки. Розикангиз нечада, жаноб Прикkelь?

— Ўн бирда,— уялинқираб деди меҳмон.

— Тўғри, ўн бирда. Жуда она зарур пайти-да ҳозир.— Шунда у, қани, опам ҳам қизга менга ўхшаб ачинармикин, йўқмикин, деб Жофиға тикилди. Аммо Жофи учун оламдаги ҳамма етим-есирлар сариқ чақадай гап әди, унга деса барини бир қилиб ахлатхонага келтириб тўқмайдиларми!

Сенларча шундан бошқага ярамай қолибман-да ҳали. «Марҳума онаси» ўрнига қандайдир Розиканинг битини боқиши раво кўрибсизлар-да менга! Худди шу мақсадда боргин деган экан-да дадаси?! Шунинг учун овози титраб гапирган әкан. Яна уни қишлоқдан нарироққа жўнатмоқчи әканлар-да? Шу фикрлар билан у бешбаттар тундлашиб олди, ҳеч ким унинг ғазабнок кўзларидан қочиб қутуоллмай қолди. Креслода қимир этмай, чурқ этиб оғиз очмай ўтирган бу жувон ҳаммаларининг кўнгилларига ваҳима соларди.

Кекса Куратор кружкасини кўтариб, меҳмон билан чўқишитирди.

— Жуда керагиди-да ўзиям бу ёмгир, зап вақтида ёғди,— деди у дераза томонга ишора қилиб, ҳамманинг фикрини бир бурчакда ўтирган қизидан чалгитиш мақсадида.— Афсус, тез тиниб қоладиганга ўхшайди-да.

Ҳаммалари, гўё шу тўрт бурчак ромдан нажот из-лягадай, дераза томонга тикилишди ва бараварига гапга тушиб кетишли.

— Қовоқхона эгасининг ҳамиша ошиғи олчи,— гапни илиб кетди нотариус.— Ёмгир ёғадими, ёғмайдими, унга бари бир.

— Хато қиласиз, жаноб нотариус,— ҳазил қилди қовоқхоначи жилмайиб.— Ҳосилнинг мазаси бўлмаса бизнинг меҳмонларимиз ҳам камайиб кетади. Жаноб нотариусларга келсак, ана уларга фарқи йўқ бунинг, бари бир чўнтакларига маош тушаверади.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Яхши жавоб бу, жаноб Приккель,— бош иргади Куратор.— Шўрлик одамларнинг нега бунчалик осмонга термилишларини бу жаноблар қаёқдан биларди дейсиз.

— Сизга жуда ёқиб тушди-я бу гап, дадажон,— тантиқлик билан деди Илуш.

Нотариуснинг ўзи ҳам, Жофи билан иши юришмагани учун унга далда бериш ниятида, бу ҳазилдан қотиб кулди. Кейин, ўша заҳотиёқ қарши ҳужумг‘ ўтиб,

унинг иши осмонда ҳам, ерда ҳам эмас, каллада битишини исботлашга тушиб кетди.

— Балки сиёҳдондадир,— деб жилмайди Куратор, яна ҳаммалари кулиб юбориши.

Улар бир-бирларини аямай, гап билан олар, нотариус тинмай хаҷолар, Илуш қиқирлар, кекса Куратор шўх-шўх ҳазил қилар, меҳмон ёқиб қолганини сездиришга уринарди. Шовқин-суронни эшитиб хотини ҳам әшикдан мўралади: Жофи «заҳрини» сочмаган кўринади, негаки ҳаммалари кулишяпти-ку, ахир! Күёви ўша замоноқ гап қотди:

— Мана, қайнанажоним ҳам келдилар. Энди битта қайнаналар ҳақидаги латифалардан айтиб ташлаймизда. Лекин сиз ҳақингизда эмас, ойижон, рамкага солиб деворга осиб қўйишга арзийдиган ягона қайнанасиз.

Қўшни хонадан уйғониб кетган чақалоқ йиғиси эшитилди. Илуш эмизгани югурди, эркаклар бўлса яқинроқ сурилиб, нотариус билақ шивирлаша бошладилар.

Жофи бўлса плита ёнида рўмоли попугини ўйнаб ўтиради. У Илушнинг кетидан чиқмади, буни эслатган снасининг гапига ҳам жавоб қайтармади. Эркаклар унга бот-бот қараб қўйишарди. Жофи тўсатдан ўрнидан турди-да, хайрлашмоқчи бўлиб отасига яқинлаши.

— Кетасанми, Жофи?— сўради отаси хафа бўлишдан кўра маъқулловчи бир оҳангда.

— Бир оғиз сўзингизни эшитмадиг-а ақалли,— деди меҳмон қайноқ кафти билан Жофининг қўлини маҳкам сиқиб, қора кўзларини кўзларига қадаб.

— Эшитмаганингиз ҳам тузук,— жавоб берди Жофи, унинг қуруққина товушида истеҳзо сезилиб туарди; буни пайқаган меҳмон дарҳол қўлини бўшатди.

Аёллар бу пайт чақалоқ билан овора эдилар, уларни ҳеч ким чақирмади ҳам. Ҳеч ким ҳеч нарса демади-ю, лекин эркаклар унинг бу ерга қайтиб қадам босмаслигини фаҳмлаб туришарди. Бир дам ҳаммалари жим қолишиди, кейин стаканлар ҳаракатга келди, Жофи пешайвондан юриб бориб дераза ёнидан ўтиб кетаётганда улар депутат сайлаш борасида, йўл қўйилаётган кўзбўймачиликлар тўғрисида суҳбатлашишарди.

Ёмгир кўча чангини босиб, сув сепиб ўтгаиди; акасларнинг барглари яшнаб, симёғочлар қорайиб кўринарди. Булутлар парча-пурча бўлиб титилиб, шарқ томонга ошиқишар, ботиб бораётган қуёш ортларидан сўнгги нурларини найзадай отиб, нимжонгина камалак

живирларди. Ёмгир пешайвонларга қамаб қўйган ёш-яланглар чувиллашиб кўчага отилишар, шунда нағали оғир этиклар кўллоблаб ётган сув юзига тушган си-рен шохчаларини топтаб ўтишарди.

Жофи орқа этагини салгина кўтариб, ерга тикилганича, илдам юриб, ранг-баранг кийиниб олган қизлар орасидан тезроқ ўтиб олишга ошиқди. Шўх қизлар эса қора либосга бурканган гавдага кўзлари тушгани ҳамоноқ кулгини бас қилиб, ўzlарини четга олиб, тикилиб қолишди. Жофи кўзини ердан узмай, уларнинг саломларига эгик бошини билинар-билинмас қимирлатиб ўтаркан, турли рангдаги юпкаларни, бурмаларига қадалган гулларни кўриб-пайқаб, йигитларнинг ҳазил-мутойибаларини эшитиб борарди.

- Бёжике, рўмолчангиз тушиб қолди.
- Рўмолчамиз ёнимизда, уни эгаси бор.
- Мана, қаранг, олинг уни.
- Рўмолчани кимга тушириб қолдиришни биламиш.

Ўзлари қизларга гап отишга ботинолмаган ошнала-ри йигитчага ҳазиллаша кетдилар. Гап отишга ботин-ган йигитнинг қизлар тўпидағи синглиси ўгирилиб: «Жуда ботир бўлиб кетганиларини қаранглар-а!» — деб қичқирди. Кейин бир нафас ола-була блузкалару қора камзуллар аралашиб-қоришиб кетди-ю, қизлар яна аж-ралиб, нарироқда йўлларини тўсиб турган бошقا йигит-лар тўдаси томон шошилдилар.

«Аҳмоқчиликни қаранг-а», — ўйлади Жофи. У қиз болалигиде йигитлар жуда бунчалик лавашанг эмас-дилар. «Анави қари тўнка ҳам худди шунаقا ношуд-лардан экан-ку: «Бир оғиз сўзингизни эшитмадиг-а ақалли» эмиш-а. Худо овозимни эшитгулик қилмасин-а сени...» Бозорга яқинлашгани сайин қизлар тўдаси то-бора кўпроқ учрайверди, улар бир-бировларига томон жадал яқинлашишар, яқинлагач эса шартта икки ёқса ўтиб кетишар ёки тўдалар қўшилишиб давра ҳосил қилишар ва кўча четида савлат тўкиб юрган йигитларнинг кўзларини ўйнатишарди. Бир жойда дугоналари ёшгина бир қизчани йигитлар тўдаси томонга итариб юбориб, ўzlари нари ўтиб кетишди, ана, у қизариб-бў-зарив, жаҳли чиқиб, орқасига лапанглаб кетаётган ду-гоналари кетидан чопиб қолди. Кекса дорифуруш ҳам кўчага чиқибди; ўз дорихонаси эшиги олдида туриб-ка тутатганча, бир қадаҳгина ликёр илин-жиде кел-

ган нотариус ёрдамчисига қараб маза-бематра гапларни валақлаяпти шанғиллаб. Ана, полициячи сержант ҳам шериги билан майдондан савлат тұқиб боришаپты; иккаласи ёнма-ён баравар қадам ташлаяпти, аслида ясанган-тусангандарни томоша қылгани күчага чиққан бўлсалар-да, ўзларини ҳеч ким билан ишлари йўқдай кўрсатишапти. Сержант Жофи билан әхтиром-ла саломлашди. Буниси ҳам эсини еган, ҳануз ўша бемаъни ўй билан юрибди, сенга ким қўйибди буни, батраквачча!

Худога шукур, ҳозир уйига етади; байрамларда энди сираям күчага чиқмайди, ҳар хил қаланги-қасанги бекорчилар кўзига кўринмайди иккинчи. Бироқ почта олдида кўчани кесиб ўтаётib бошини кўтаришга мажбур бўлди. Қаршисида Мари билан Имре ва яна бир қиз хаҳолашиб туришарди. Марининг эгнида яп-янги шойи блуза, юzlари ёмғир ювган акас баргидай ярқираб, ял-ял ёниб туради. У қизиқроқ нарсани эшитди дегунча қаҳ-қаҳ уришга шайланиб, оғзи ярим очиқ ҳолда Имренинг гапларига қулоқ соларди. Опасига кўзи тушган заҳотиёқ Марининг ярим очиқ оғзи ўз-ўзидан юмилди-ю, бақа бўлганча тикилди-қолди. Кейин у қаёққа уриб қолсамикин деб атрофга аланглади, аммо Жофининг кўзлари ўзига қадалганини кўргач, илон авраган жонивордай жойидан жилолмай серрайиб тураверди. Кейин тўсатдан Жофининг ёнига югуриб келди-да, бесабабдан-бесабаб кечирим сўраётган одамдай жилмайиб боқди унга. Бироқ Жофи эътибор ҳам бермай ўтиб кетаверди.

— Ойимга айтмай келганидим,— гўлдиради Мари, опасининг индамай ўтиб кетганига худди шу қилиги сабаб бўлгандек. Унинг дили хуфтон бўлди-қўйди.

Бу аснода Кизела бир оз газетхонлик қилмоқчи бўлиб чироқни ёқди. У ошхонадаги деворга осиб қўйилган чироқ остида ўтириб, газетани олиб, ҳаммасидан кўра ўзини кўпроқ қизиқтирадиган никоҳ ва ўлим ҳақидаги эълонларни, шунингдек ракни қандай муолажа қилиш тўгрисидаги тиббий мақолани кўздан кечира бошлади. Жофи кириб келганида тузукроқ кўришай деган ниятда ўрнидан турди, лекин у то газетани қўйиб, кўзойнагини пешанасига кўтариб қўйгунича Жофи ўз хонасига ўтиб кетиб бўлди. «Ў-ҳў, бунча тез!»— хаёлидан кечди Кизеланинг ва ўша заҳотиёқ, шунча машақ-қат билан тиклаган биноимни ўглим бир гални ўзида кун-паякун қилмадимикин, деган хавотирга тушиб

қолди. Овқат устида Жоғи билан қандай гаплашганини сўраб-сурингириб ҳеч нимани билолмаган, у эсини еган елка учиреб ўтираверган эди... Мана, Жоғи қовоғидан қор ёғиб кириб келди. «Менга нима, ўлиб кетмайсанларми менга деса»... Кизела қўл силкиб, газета ўқишга тушиб кетди.

Бироқ газета ўқиб ўтиргани билан, Жоғи чироқни ёқмадимикин, деб дам-бадам эшиғига қараб-қараб қўярди. Йўқ, қоронгида ўтирибди. Лабларини қон чиққудек тишлаб, кимнидир қарғаб ўтиргандир — табиати жуда расво-да ўзиям! Шунда бирдан Илуш эри билан келғани эсига тушиб қолди. Марика яна қандайдир мәҳмон келганини айтаётувди — тўғри, улар билан қовоқхоначи ҳам келган — Жоғининг жинини қўзитган ана шу! Энди унинг вужудини қизиқсиниши қамраб олиб, яна умид учқунлари чақнади. Ҳануз ичкарида чироқ ёқилганича йўқ, пол ҳам гичирламаётибди. Кизела ортиқ чидаёлмади. У қозиққа илингган чироқни олиб, астагина эшик ёнига келдида, қулоқ солиб туриб, тиқиллатмасдан ичкарига кирди. Жаҳли чиқса-чиқар, лекин Жоғининг қоронгида нима қилаётганини Кизела кўриши шарт. Эҳтимол йиглаётгандир, қўлларини тишлаётган ёки бошидаги рўмолини юлқилаётгандир? У чироқ ёритган жойгача кўз илғаган жамики нарсани назардан ўтказди-ю, лекин ҳеч кимни кўрмади. Жоғи бурчакда, муздек печга суюнганча турарди: қишида ана шундай туриб исинилади одатда. Ҳонага чироқ кўтарган Кизела кириб келганда у қаддини ростлади, аммо тиқ этган товуш чиқармади.

— Қарасам, хонангиз қоп-қоронги, чироқни олиб кира қолай, кейин бирпастгина гаплашармиз, дедим,— табиий овоз билан деди Кизела.— Уйга борган кўринасиз-а, ўргилай?

— Ҳа, бирровгина боргандим.

— Илуш ҳам байрам қилиб келгай экан шекилли эшитишимча, ўғилчаси кап-катта бўлиб қолгандир-а?

— Боласини кўрганим йўқ.

Ҳа, ҳамма гап бу ёқда экан. Синглисинг боласиники кўрмабдими, бир гап бўлган... Кизела анча енгил тортди. Қовоқхоначини эшитиб тутақиб кетган, бошка гап бўлиши мумкин эмас. Яна бир айлантириб кўриш керак, Имруш жаҳлини чиқармаган бўлсин-да ишилиб.

— Имруш сизни қабристон олдида учратдим дейдими?

Жофи индамади, унинг қора рўймолга бурканган боши шу топда печка соясида бўлиб, юз ифодасини кўришнинг иложи йўқ эди. Лекин Кизела тусмоллашини қўймади.

— Ўзи қанчалик телба бўлмасин, қалби тоза бола ҳар қалай,— деб қўйди у бир оз сукут сағлагач.— Бугун ҳам шу ерда ётиб қола қол, эрталаб велосипедда бирпасда етиб оласан, бари бир граф Лондонда экан-ку, дедим унга. Сира кўнмади, ёш беканинг жаҳли чиқсанчи, ахир бу ерда ётишим келишилмаган-ку, деди.

Турган гапки, Имрега ўла қолса ёпишмайдиган бу гапларни Кизела ҳозирнинг ўзида, Жофи у ҳақда тузукроқ гап айтармикин деган ўйда тўқиганди. Олдинига Жофи миқ этмади, сўнгра ғалати бир оҳангда деди:

— У ҳақ.

— Ҳақ дейсизми? Ким ҳақ?— дея бошини кўтарди Кизела; худди катта бир хатардан дарак бергувчи яллигдай қалбидаги алланияма йилт этиб кетди.

— У ҳақ. Ҳужрани ўглингизга эмас, сизга берганман ижарага. Менинг уйимга эркак кишини эргаштириб келишингизни ўрни йўқ.

Бу гапни эшитиб саросимага тушиб қолган Кизела дарров ўзини ўнглайлмади; у вужудини қалтиратиб келаетган титроқни аранг босиб турарди. «Эркак кишини эргаштириб келишингиз» деган ибора нақ кўйдан тушган яшиндай куйдиради аъзойи баданини.

— Аввало, ҳар қандай эркак эмас, ўргилай, менинг ўғлим,— дея тилга кирди у ғазабини зўрга босиб,— қолаверса у хонада сиз эмас мен тураман.

— Мен эса менинг уйимда бундай нарсага йўл қўймайман,— босиқлик билан эътиroz билдириди Жофи.

— Бундай нарсага? «Бундай нарса» деганингиз нимаси? Нима бало, эсингизни еб қўйдингизми, айланай!— минғиллади Кизела.

— Гап нимадалигини ўзингиз ҳам балонинг ўқидай тушуниб турибсиз. Бу тўгрида сиз билан ортиқ гаплашиб ўтирмайман, лекин бир нарсани айтиб қўйай: энди бу ерга ҳеч ким — на бирорвонинг ўғли, на бирорвонинг қизи иккинчи қадам босмайди, вассалом.

— Ҳа, ҳали гап бу ёқда денг! Ўғлим сизга нима деди, буни билмайман-у...— Кизела овозини пасайтириб, печка ёнида қоронғида турган Жофи томон одим таш-

ларкан, бунинг бари тушумовчилик, ҳали олдини олса бўлади деган умидда эди. Бироқ Жофининг ҳануз индамай турганини кўрган Кизела яна овозини баландлатди: — Енгилтаклик қилиб нималар деганида ҳам жуда бунағанги ачитишнинг ҳожати йўқ! Кураторларнинг уйидан қиз олса ўглимнинг бошига баҳт қуши қўнади, деб ўйлајпсиз шекилли?

— Менга деса Кураторларнинг уйига ўт тушиб, кули кўкка соврилиб кетмайдими,— деди Жофи тутақиб.— Менга мана шу уй керак, бу ерда тинчгина яшашни истайман.

— Бу миннатдорчилигингизми менга?! Болангизга қараганимда яхшийдим, шундайми?— шангиллади Кизела ўзини йўқотиб.

— Мен учун ҳеч қачон яхши бўлганмассиз, буни ўзингиз ҳам биласиз. Сиз қузғунсиз, менинг бошимга кулфату балоларни чақирган қузғунсиз.

— Мен-а?! Фалокатларни мен чақирибманми ҳали?! Шаника букри Ирма билан ўралашиб юрганда, эртойи-кеч Хоморларнинг ҳовлисидағи қўлмакларда қолиб кетган пайтларда диванда маза қилиб ёнбошлаб ётган ҳам мендирман балки? Жуда яхши гапни ўйлааб топибсиз, тасаддиқ. Бу кишининг бошларига тушган мусибатларни мен чақирганмишман-а! Жони узилаётган боласининг кўкрагидан итарган онага-я! Уялинг-э!

Жофи бирон нима деб улгурмай, Кизела эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди. Аламидан кўзига ҳеч нима кўринмай тарақлаб стулга қоқилгани ва шангиллаб қарғагани эштилди. Тўсатдан ўзида пайдо бўлган бу жаҳолат хиёл совигунича шу кўйи турди-да, кейин тагин печга суюниб, чироқ шишаси оғзидан тушган шуъла ёритиб турган шифтга тикилди.

Троица байрамининг иккинчи куни черковдан қайтишда Илуш билан кекса Куратор Жофиникига киришиди. Илущнинг эгнида яп-янги, оч сариқ рангли костюм, бўйнига бароқ тулки мўйнасини ўраб олибди, қўлида кумуш ранг сумкача. Черковда у биринчи қаторда, руҳонийнинг рафиқаси ёнида ўтиаркан, одамларнинг тикилишидан юзлари шолғом бўлиб кетди. Эрининг ҳамқишлоқларининг «хоним» деб сўзлашларига алла-қачон кўнишиб кетган, шундоқ руҳоний қаршисида ўтиришга ўрганиб қолган эди. Бироқ ўз қишлоғида, болалигидан таниш черксва эса бундай ҳузур унинг учун очилмаган қўриқдай бир гап эди; ўзига қадалган кўз-

лар, суқланиб боқишилар, уни бамисоли булоқнинг чулдурасидаи алаларди. Айниқса у елкасидағи тулки мўйнаси билан гуурланарди. Троица байрамида тулки мўйнасини бўйнига тутиб келиш ҳазил гапми! Ҳасадгўй, ичи куяётган ҳамқишлоқлари уининг қанчалар юксакларга парвоз қилганини кўриб қўйсинар! Бундай шоншухрат уммонида бир соатлик сузишдан у ғоятда бахтиёр эди, гарчи кечқурун Жофи учун энди қўлимни совуқ сувга урмаганим, иккинчи бу қўрс опамни деб обрўимни бир пул қилмаганим бўлсин, деб онт ичган бўлса-да, «шўрлик опаси»ни кирга бирровгина кириб ўтишни унинг ўзи таклиф қилганди ҳар қалай. Ўзини қандай тутмасин, ундан хафа әмасликларини кўриб қўйсин опаси. Илгагини чиқариб қўйган тулки мўйнаси қучоқлашиб кўришганида сал бўлмаса елкасидан тушиб кетаёзган бу хонада Илуш гўё бошқа оламдан келиб қолган хонимдай кўринарди.

— Сен билан хайрлашгани кирдим, кеча кечқурун индамай жўнаб қолибсан,— гина қилган бўлди Илуш, отаси эса шапкасини каравотга қўйиб, опа-сингил гапга тушиб кетишадиган бўлишса томоша қилиб ўтираман деган ўйда дераза олдидаги стулга ўтирди.

— Болангни әмизаётувдинг, халал бергим келмади,— деди Жофи, ҳатто узр сўраётиб ҳам бирорни узуб оладиган жабрдийдалардек шафқатсизлик билан, гўё чақалогига ақалли бир кўз ташламагани Илуш учун ҳақорат әмас, арзимаган бир гапдай.

Илуш унинг узуб олганига парво ҳам қилмади; Жофи нима қилсаям опаси-ку, ахир, бошига шунча мусибат тушиб турган пайтда ундан гина қилмаса ҳам бўлади; лекин бирорни рўкач қилиб бўлса-да, норозилигини билдиргиси келди.

— Эримга ҳам юринг дегандим, лекин у кечаги қилингдан хафа ҳалиям. Енеке, Жофидан хафа бўлиш яхшияmas, бошига тушган ғамдан кейин ўзини ўнглаб олгани йўқ ҳали, десам, у: бошқаларнинг бошига ғам тушмабдими, аммо ҳеч ким бунақа қўрслик қилмайди-ку, деб жавоб берди.

— Илгарилариям жаноб нотариус билан камдан-кам кўришардик,— деди Жофи ҳазон бўлган ҳаёти учун ўша совуқ «жаноб нотариус»дан аламини олганидан бир қадар ўзини мамнун ҳис этиб.

Илуш сал қизарди.

— Бунақа қилиш яхшияmas, Жофика, ҳаммамиз

ҳам одамлар орасида яшаймиз, шундоқ бўлгач, ўзни тута билиш ҳам керак-да. Жаноб Прикель жудаям эътиборли, олихиммат, ўзига тўқ, иззат-икромга лойиқ одам. Тўғри, у сенга ёқмаган бўлиши мумкин, лекин ҳаммамизга ҳам кўп нарса ёқмайди-ку, ахир. Ҳамма буни ошкор қилаверса оқибати нима бўлади унда?! Бечора Ененинг қай аҳволга тушганини ўзинг бир тасавур қилиб кўргин-а, бу одамни бизникига у таклиф қилганди-да, ахир; бундай муомаладан кейин нима деган одам бўлди!

— Уни ким таклиф қилсин деди сизларга, ўша қо-воқхоначиларинг кимга керак өкан ўзи? Агар пайпоғини ямаб-ясқайдиган кампир керак бўлса, ўзи топиб олади. Мени эса бунақанги нарсалардан ҳоли қилиб қўйинглар, кейин бунақанги қарияларни тепамга бошлиб келаверманглар!

— Қария? — жаҳли чиқди Илушнинг. — Жуда сен айтганча эмасов! Жаноб Прикель қарияканми ҳали? Бақувват, ёқимтой эркак, соғлиғига ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Бевалигига келсак, мени кечирасан-у, бу жиноят эмас, бахтсизлик. Агар шунақа ўйлайдиган бўлса, у ҳам елкасини учирив қўя қоларди, нега деганда сен ҳам бевасан-ку, ахир. Гапни истаган томонингга бурсанг буравер-у, лекин икковинглар бирбировларингга жуда муносибсизлар. Ёки сенга ёш йигитча керакми?

Бу охирги сўз Илушнинг оғзидан тўсатдан чиқиб кетди; нега бундай яланғоч гапириб юборганидан ўзи ҳам афсусланди, лекин вақт ўтганди. Бу орада дераза пардадаги гулларни томоша қилиб ўтирган Куратор гапга аралашиб фурсати етганини фаҳмлади. У ўрнидан туриб, шапкасини қўлига олди-да, кетаётиб икки оғизгина сўз айтмоқчидай деди:

— Нима бўлгандаям, шу арзимаган гапни деб аччиқ-араз қилиб ўтирадиган пайт эмас, арзимайди бунга. Уни бу ёққа яхши ният билан бошлаб келгансизлар, Жофини жаҳлини чиқариш учун эмас. Кўнглига ўтиришмаган бўлса Жофи ҳам гуноҳкорамас. Бирорни бирорвга зўрлаб ёқтириб бўлмайди.

Аммо-лекин Илушнинг гапи Жофининг нақ юрагига напштар бўлиб санчилган, энди уни тўхтатиб қолиш амри маҳол эди. У қадини ростлади, шунда бўйи отасидан бир қарич ўсиб кетгандай кўринди. Эти қочған юзида худди мурда сингари ранг қолмаганди, кўзлари эса газаб-ла чақнарди.

— Сизга қолса, дадажон, ҳамманинг гапи тўғри. Бу ҳам яхшилик қилмоқчи, менинг ҳам, сизнинг ҳам, анави қовоқхоначининг ҳам ниятимиз яхшилик. Лекин менга ҳеч қанақанги яхшиликтин кераги йўқ, ҳар хил валенеъмату ҳомийлар жонимга тегди. Энди менга ҳеч ким яхшилик қилмай қўя қолсин, бўлмаса нақ башара-сиға тупураман. Агар бирор яхши турмуш кечираётган бўлса, бошқанинг баҳтсизлигига бурнини суқмай қўя қолсин. То нотариусга теккунича ноз-карашма қиласевриб, бўйнига осилиб, қийшанглайвериб кўрган каромати шуми? Майли, кумуш ранг сумкачасини кўз-кўз қилиб, тулки думини ликиллатиб, айшини суриб юраверсин. Лекин, ҳечқиси йўқ, Жофи, сенга ҳам бирорта устихон ташлармиз, деб менинг елкамга қоқиб ҳомийлик қилмай қўя қолсин. Ёки у, мени худо сийлаган, сени бўлса ўз қўли билан уриб қўйибди, деса, унда гапи ҳақ! Ўша худо боласини ҳам асрояпти, меникини бўлса кўп кўрди! Бу ҳам тўғри, лекин менинг кўз ўнгимда олифталик қилмасин бунақа. Кейин менга ким керагу ким нокерагини гамини емай қўя қолсин бу ялтоқи, гийбатчи, айёр маймун!

— Қойил-э, Жофи,— асабий кулди Илуш.— Агар орқа-олдини ўйламаганимда сен билан бошқача гаплашиб қўярдим-а.

— Бас, етар,— дея эшикка қараб юрди кекса Қуратер.— Ноҳақ гапирдилг, Жофи, қизим.

— Ноҳақ?— ёниб кетди Жофи.— Хўш, менга нисбатан ҳақ иш қилдими бирор? Қани айтинг, ким ўша? Худоми? Ёки сизларми? Мени мана шу даҳмага тиқиб қўйидиларинг, тириклиайн тобутга солдиларинг. Ҳар бир босган қадамидан хабардор бўлиб турсин деб авали кампирни қоровул қилиб қўйидиларинг. Уни ижарага қўйишга мажбур бўлдим, йўқса биринчи бўлиб ўзларинг ёмон отлиққа чиқарарадиларинг мени. Мана энди бу ерда пўпанак босиб, тириклиайн чирий бошлаганим етмагандек, оҳу зорини эшитмай қўя қолайлик деб қишлоқдан ҳам узоқлаштироқчисизлар. Нима ҳам дердим, бунақанги оила бошига битган тирик товондан нима фойда, буни тушунаман, унга қараб хўрсинади одам, холос. Лекин ким хўрсинларинг деб ялиняпти? Иккала баҳтиёр қизингизни кўриб қувонаверинглар: бири нотариусни тузоғига илинтириди, бошқаси шу кешида шофёрга тегиб олади. Бир-бирларингникига автомобилда қатнайверасизлар. Битта набирангиз тиз-

зангиздан тушса, иккинчисини ўтқазиб ўйната верасиз. Меникига келмасангиз ҳам майли, менга ачинишнинг ҳожати йўқ.

Куратор ташқарига юра бошлаганди, Илуш ҳам бу эсини еган билан тортишишнинг фойдаси йўқ дегандай имо-ишора қилиб, ҳадеб пальтоси енгидан тортқилярди. Лекин автомобиль ва шофёр тўгрисидаги гапни эшишиб икковлари ҳам тўхташди. Куратор шофёр ҳақида ўзича мутлақо сўрамасди, бироқ яна бирон гап айтиб қолармикин деб оstonада тўхтаганди.

— Кўрдингми, каллангга қандай бемаъни гаплар ўрнашиб қолган,— тўнғиллади у.— Қани, ўзинг айт, нима қилайлик: бирон ёрдам кўрсатайлик десак ёқмасак, ўз ҳолингга ташлаб қўйсак, яна ёқмасак.

— Нима қилсак ҳам ёқмайди унга,— дея истеҳзо билан жигига тегди Жофи.— Бу бечора Жофикамиз охири нима бўлади билмайман, уйига келгани ҳам қўрқамиз, эшиқдан кирмасимизданоқ почадан олади. Якшиямки меҳрибон Кизела боракан, у билан қандай чиқишияпти, сира ақлимиз бовар қилмайди. Билиб қўйинглар, Кизеланинг ҳам бу ердан кавушини тўғрилаб қўяман. Бизга қуда бўлса ҳам бари бир менинг уйимда жой йўқ унга. Ёдларингда бўлсин, менга қоровул керагамас. Мени марҳум яқинларим қўриқлашади.

— Ҳа майли, ҳали сенинг ҳам ақлу ҳушиңг жойига келиб қолади, қизим,— гўлдиради кекса Куратор ва Илуш ортидан эшикка қараб юрди шошганча. У сал бўлмаса тирқишдан қулоқ солиб турган Кизелага урилиб кетаёзди. Кампир гап шу билан тугашини кутмаганидан энг сўнгги дақиқадагина ўзини четга олганди. Бўлажак «қуда»сини қандай қарши олишини билмай гангиб қолганди. Шунда Илуш унга ўндаид нописандлик билан назар ташладики, буни кўриб Кизеланинг ҳам кибри-ҳавоси тилга кирди. У четроқقا, плита ёнига ўтиб, шошилганча, каловлаб чиқиб кетаётган «қуда»сини ўшшайганча кузатиб турди.

Ўша куни Жофи уйдан чиқмади. Эртасига, у қабристондалигига Кизела кўч-кўронини дехқонлар арасига ортиб, почмейстерникега кўчиб кетди. Баҳорда уларнинг кекса оталари вафот этиб, кичик хоналари бўшаб қолгани сабабли Кизелани бажону дил ижарага қўйишидди. Албатта, Жофи оладиган ҳақдан ортиқроқ

тўйлайдиган бўлди, лекин чинакам жанобларга кўпроқ тўлашга ҳам рози эди кампир.

— Кейинги пайтларда у ерда туришдан қўрқиб қолдим,— дея тушунтириди у,— охирги кунларда бу Жофи жуда ғалати бўлиб кетди, ишонасизми, кечалари ухлаёлмайдиган, тағин бир бало қилиб қўймасин деб жон ҳовучлаб, тунни ўринда ўтириб ўтказадиган бўлиб қолгандим. Шкаф тиқ этса, эй худо, ишқилиб Жофи бўлмасин-да, деб юрагимни чангаглаб қоламан десангиз. Троица байрамида яхши кўнгилда хонасига кирдим, қоронғида ўтирмасин деб чироқни олиб киргандим, худди қасоскор маъбуладай заҳрини сочди: унинг айтишича, бошига кулфат ёғдирганмишман, уйига иенод келтирганмишман. Ўшанда яқинида ишқилиб пичоқ-мичноқ йўқми деб аланглайман, тағин сўйиб қўймасин деб ўтакам ёрилаёзида ўзиям. Ўшандан бери хонасига қамалиб олган, мабодо ошхонага чиққудай бўлсаям, нақ шарпага ўхшаб юради. Кўзлари девор ортидагини ҳам кўрадиганга ўхшайди, ундан ҳар нарсанни кутиш мумкин. У касал, асаби бузилган.

Ичиди эса Кизела Жофининг асаби бузилганига ишонмас, балки уни тажанг, заҳар деб ҳисоблар ва Кураторларни бир амаллаб кўндириш умидидан қайтмагани сабабли бўлажак қудалар орасига Жофининг жатига совуқчилик тушиб қолишини истамасди. Жофининг эс-ҳуши жойида эмаслигини таъкидлаш эса наздида унчалик зарар келтирмасди унга. «Шўрлик Жофининг миясини ғам-ташвиш айнитиб қўйган»— тўнгич қизлари тўғрисида шундай деб гап тарқаганида ҳам Кураторларга тегадиган жойи йўқ; Кизела унинг ҳақида ҳеч қанақангি ёмон гап айтмас, фақат кўчиб кетишенинг сабабини ота-онасига ҳам етиб борадиган қилиб тушунтиради, холос. Тўғри, Жофининг ҳаётида Кизела кўз юмиб, индамай ўтолмайдиган лавҳалар ҳам бор эди, албатта. Жофининг ўғлини қаровсиз ташлаб қўйганини, боланинг ҳамиша қўшниларникида қолиб кетишими, дардга чалиниб ётганида ўрнидан зўрлаб турғазганларини, ўлими олдидан гўдак бечорани ёнида олиб ётишга қўрққани ва ундан ҳазар қилганини чалпимай бўларканми? Ёки Имрушга нисбатан қандай муомала қилгани ҳақида гапирмай бўларканми?

— Шўрликнинг илгари ҳам эс-ҳуши жойидамасди. Боласи ўлганидан кейин-ку адойи тамом бўлди-қўйди, тириклигига бўлса унчалик қарамасди унга. Бечора

болани Хоморларнинг ташқарисидаги акаслар остида лойга қорилиб ўйнаб юрганида неча мартараб уйга етаклаб олиб келардим. «Жофиқа, болани бундай қаровсиз ташлаб қўйиш ярамайди», деб тайинлаганим-тайинлаганди. Шунда у нақ одамнинг баданини тешиб юборгундек бўлиб ўқраярди нуқул. Бола бечора иситмада алаҳлаб ётиб қолганидан кейин ҳам зўрлаб турғизарди ўрнидан. Менга бўлса шундай олаярдики, гёё мен боласини жўрттага касалга чиқариб қўяётгандай. Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Қандаи она ўлим тўшагида ётган ўз жигарбандидан қўрқади, жонини берар. Энг охирги кечаси боланинг, ойи, сиз билан ётаман, деб зор қақшаганини ўз қулогим билан эшигдим. Нафас ололмай бўгилиб қолаёзганди бола шўрлик, бир ўзи ётгани қўрқкан-да. Сиз болани ёнига олиб ётгандир деб ўйларсиз? Йўқ, ухла, деди. Ахир бу ўз боласининг кўкрагидан итаргани эмасми? Боласини ёмон қўрганидан эмас, худо асрасин бундан. Шундоқ ойдаккина жувон бир-икки ойда қай аҳволга тушиб қолганини бир кўрсангиз әди... Жуда ғалати бўлиб қолди. Бирон одамни жини ёқтирамайди, ота-онасини бальзан шундай ёмонлайдики, эшигиб жони-понингиз чиқиб кетади. Илуш тўгрисидаги гапларини-ю айтиб ўтираса ҳам бўлади. Бу ҳам майлига-я, мўмин-қобил, итоаткор, шундоқ яхши Маришканичи тупроққа қориштиради. Имрушим гоҳо Маришка билан ҳазил-ҳузул қилишни ёқтиради, буни кўриб Жофи ўғлимни ҳудди қонжўр қотил билиб, нақ емоқда-ичмоқда бўлиб олаярди унга. Унга мен тоқат қиласардим, лекин энди сабр-бардошим тугади, ортиқ чидаёлмай қолдим. Шўрликка раҳмим келади-ю, лекин иложим қанча, қариб қолдим, энди менга тинчлик керак.

Одамлар Кизеланинг шиква-шикоятига ҳамдардлик билан қулоқ солар, шошганча қабристонга ўтиб кетаётган Жофиканинг орқасидан кузатиб қолишаркан:

— Бечора. Жофи, бир ҳолатга тушиб қолибди-я. Бошига тушган мусибатдан эси киравли-чиқарли бўлиб қолганга ўхшайди. Яна қабристонга кетяпти. Кўзларига қарасанг этинг жимиirlashiб кетади-я!..— деб пичирлашишарди.

— Бир куни қайнатамнинг қабрига эккан гулларга сув қуяй деб борғандим,— дерди қўшниси.— Қарасам Жужа Мори икковлари хочлари ҳам йўқолиб кет-

ган эски қабрлар орасида юришибди. Пордан айтган-ди-я, Жофи энди менинг ўртогим, деб мақтанганмиш Жужа.

Жофи эса ҳар куни ошиққанча ўз йўлидан борар, афтидан, чор атрофдан ўзига қадалган синчков кўзларни пайқамас эди; баъзан яқин танишлари ҳам шундай тикилиб қолардиларки, ҳатто саломлашишини унутиб қўярдилар, бу қора кийинган жувон анча олислаб кетгандан кейингина ўзларига келардилар. Сирасини айтганда, бир оз ранги кетиб қолгани, сал озгани, қаддини гоз тутиб, бошқалардан кўра қорароқ кийинишини ҳисобга олмаганда Жофининг одамлар эсини оғдириб қўядиган жойи йўқ эди. Лекин кимки Жофини йўлда қай вақтда учратмасин, қаерга кетаётгани ва қаердан келаётганини билади; унинг бошига нималар тушганини ҳамма билади, унинг қирмизи кўйлаги кўкрагига гунафша қадаб, қўлида ажойиб оятлар китобчасини кўтариб юрган пайтларини ҳамма эслайди. Шунинг учун ҳам одамлар унга кўзлари тушганда жиддийлашиб, орқасидан қараб қолишади. Ҳамма ҳар қаёққа юради, фақат унинггина йўли битта, бу нарса ҳамманинг фикрини тортади, ортидан эргаштиради. Қишлоқ ташқарисидаги ўтлоқда копток тепаётган болалар унинг уйлар ортидан чиқиб келаётганини кўрганларида бир нафас тек қотадилар; юмалаб кетган копток орқасидан югуриб келган бола унинг оёқлари остидаги коптокни олишга ботинолмайди; уйиб пичан ортилган араваларда пиқиллашиб келаётган қизлар бир-бировларининг биқинларига туртиб, дамлари ичларига тушиб кузатиб қоладилар қора либосли, шарпадай ғизиллаб бораётган азадор жувонни.

Кекса она бечора, бориб бир дилдан гаплашиб кела-ман, деб бир неча маротаба отланди-ю, лекин Илуш рас-во бўлиб қайтгач, Жофи марҳумлар ёди билан тунайдиган ўша лаънати уйга қадам босищдан батамом қўрқиб қолди. Кечаси Куратор безовта бўлган отлардан хабар олгани бир зумгагина чиқиб кетган пайтда ўтакаси ёрилаёзади унинг. Ёлғиз ўзи ётишни-ю гапириб ўтирмаса ҳам бўлади! Ниҳоят калласига қизи билан қабристонда учрашиш фикри келиб қолди. Марига картошкагулдан гулчамбар тўқишини буюриб, кеини уни худди қалқондай олдинда тутганча йўлга туш-

ди. Жофи онасини олисданоқ кўрди, лекин унинг истиқболига юрмади, ўзи етиб келишини кутиб турди.

— Сен ҳам шу ердамидинг? — ҳайрон бўлганга солди она ўзини.— Ўрим пайтида сира қўлим тегмайди десанг, етти ўроқчига овқат қилиб беришим керак. Шундаям бугун, бўлганича бўлар, бечора Шаниканинг мозорига қанчадан бери бормайман-а, деб ўйладим. Худо ураман деса қўш қўллаб ураркан, сира ишимиз юришмай қолди,— дея гапини давом эттириди у Жофи-нинг гулчамбарни панжарага илиб қўйиб, чурқ этмай турганини кўриб.— Шаника ўлганидан бери уйимиздан фалокат аrimай қолди. Илушнинг ўғлини тиши азоб беряпти, бу ёқда Мари аҳмоқлик қилиб ётибди. Эшитгандирсан? Арқондан аранг қутқариб қолдик!

Жофи йилт этиб онасининг афтига қаради. Онаси қизида қизиқиши уйготганидан қувониб, шоша-пиша сўзлай бошлади.

— Ўзини осмоқчи бўпти. Кизеланинг ўглини деб ақлидан озаёзди, яшшамагур бош-кўзини айлантириб қўйганга ўхшайди. Анави қўшмачи кампир ўлгир нуқул қўлтиғига сув пуркаб ётибди — ўттиз хольд ер оладилар-у, қорнилари огрийдими! Даданг икковимиз эшитишни ҳам хоҳламаймиз. Илушкининг эри бўлса, агар кўнглига ёқиб қолган бўлса нега қарши чиқасизлар, деб ёзибди. «Шоффёр» деган сўздан бунчалик чўчи-манглар — автобус ёки трактор олиб берсанглар шоффёр эмас, хўжайн бўлади-қолади эмиш. Ҳозирги пайтда таги-тахтини суриштириб ўтирилмайди, ўзи тузук одам бўлса бас, бу Имруш деганлари ақлли йигит кўринади, деб ёзибди. Худо билади унинг яхши-ёмонлигини. Менинг бўлса йиглашдан бошқа иш келмайди қўлимдан. Ўшанда Пали арпани шамоллатгани чордоқча чиқиб қолмасами, қип-қизил шарманда бўларканмиз... Қўлидан арқонни тортиб олибди.

— Ўзини осаман деган одам бари бир осади,— деди Жофи, лаблари қийшайиб кулмоқчи бўлди, лекин кулги ўрнига галати йўтал эшитилди.

Онаси жим қолди. Ўзини шунча ойу кунлардан бери уйқудан маҳрум этган нарса ҳақидаги гапни бе-парвогина эшитаётган бу Жофи билан қандай муомала қилиб, бўларди? Шуларни деб тунни тонгга улаб, ўзинг емай, шуларга едириб, ўзинг ичмай-ичириб, пайпаслаб катта қилсанг-у, оқибати шундай бўлса, қандай даҳшат бу! Ўз қизингга айтадиган гап тополмасанг.

Жофи гулчамбарни сим билан панжарага маҳкам боғлаб қўйди, бобоси билан бувисининг чекаётган ташвиши гўё бундан нарига ўтолмайдигандек, панжарага боғлаб қўйди, холос. Шунда онаси Жофи билан юракдан гаплашиш ниятида келганини эслади. Лекин қизининг ўша юрагига қандай йўл топади?

— Ўзингни аҳволларинг қалай, Жофи? — оғзидан чиқиб кетди-ю, бемаъни савол берганини ўша заҳотиёқ ўзи ҳам фаҳмлаб, индамай турган қизидан кўзларини олиб қочиб, гулчамбарга тикилиб қолди.

Жофи эски қабрларни оралаб юрган Жужа Морини кўзлари билан излаб топиб, гулчамбарга пуркагани сув келтиришни буюрди. Жужа кўзлари жавдираб бекасига тикилди-да, кейин итоаткорлик билан чуқурга тушириб, устига барг ташлаб бекитиб қўйган жойидан занглаб кетган сув сепгични олди; буни мозорни изғиб юриб топган эди. Жужа Морининг қиёфаси бирдан она-га далда бергандай бўлди.

— Менга қара, Жофи,— деди у узоқлашиб бораётган гадо ортидан ишора қилиб,— нега бу бахти қарони эргаштириб юрибсан? Қишлоқдагилар шундоқ ҳам уни сенинг ўртогинг деб гап қилишяпти.

Жофи сал қизарди. Ўзига илгариги Жофи кўзи билан назар ташлади. Ахир, товогига ёғли шўрвани қу́йиб бераётсиб унинг ўзи ҳам неча марталаб ҳазиллашар ва тўйинг қачон деб жигига тегарди-ку. Энди ўша Жужа унинг ўртоғи бўлиб қолдими? Куни шунга қолдими ҳали?! Бироқ юзидағи қизиллик яна йўқолди ўша замоноқ.

— Майли. На эрим, на ўғлим, на уруғ-аймоғим бўлмагандан кейин, лоақал ўртоғим бўлсин-да.— Шундай деб истеҳзоли жилмайди.

Бунга нима деб жавоб бериб бўларди. Онаси бирпас уҳ тортиб турди-да, келган изига қайтиди. Ўн кишига кечки овқат тайёрлаш осон иш эмасди. Жофига эса «ўртоқ» деган сўз қаттиқ таъсир қилди ва ўша кундан эътиборан Жужага янада яхшироқ муомала қила бошлиди. Майли, қабристонга келиб, Шаниканинг қабрига бирровгина кўз ташлаб қўядиганларнинг бари Жужа Морининг чиндан ҳам ўртоғи эканини кўриб қўйисин. Куратордай одамнинг фарзанди, қишлоқнинг олди қизи, Шандор Ковачнинг хотини эди, бир неча ой бурун олисдаги бир қишлоқдан унинг қўлини сўрагани бадавлат қовоқхоначи келганди, бироқ у мозористонни аф-

зал кўрди, тириклардан кўра марҳум яқинларини аъло билди, қабристонда кимларни кўрганларини уйларида эрларига хўрсиниб гапириб бериб, уларнинг қўланса пинжларига тиқиладиганлардан кўра Жужа Мори билан суҳбатлашишини маъқул топди. Шаниканинг қабрини тозалаб, гулларга сув қуиб бўлиб, эски қабристонга, эри мозори ёнига қайтаётганида Жофи йўлакай Комаромининг товоги жойида турибдими деб қараб ўтишни унутмади. У олдинда, Жужа эса орқада сургалиб борарди. Баъзан у бирорта қабрнинг ёнида қолиб, қийшайиб кетган мум гулни тўғрилаб қўяр ёки акасларнинг ширин қўзогини силкитарди бахтиёр қиёфада. Аммо Жофи орқасига ўгирилиб: «Эшит, Жужа, қизилиштон қандай тўқиллатяпти», деса, Жужа оғзи очилганча, кўзлари чақнаб, тўқ-тўқ әтган товушга маҳлиё бўлиб қулоқ солиб қоларди.

Эндиликда фақат отасигина аҳён-аҳёнда бир хабар оладиган бўлди Жофидан. Улар ҳосил тўғрисида, қабр тоши ҳақида, уни қаерда кимга буютириш ва қандай олиб келиш тўғрисида гаплашишарди. Шаҳарга ҳам отаси бориб келди, қабр тошни адёлу чойшабларга ўраб олиб келди. У билан икки хизматкор ҳам келди, ўша куни қабристонда ёлғиз ўзи изғиб юрган Жужа Мори улар билан гапга тушиб кетди. Шаникасининг қабрига қўйиладиган ёдгорликнинг чиройлилигидан фууруланаётгани яққол сезилиб турарди. Жофи кечга яқин келди. Салқин шамол кўйлагини ҳилпиратар, уни йиртмоқчидек юлқилар, кечикиб қолган қушлар шитоб билан учиб борардилар. Оппоқ қабр тош мозор устида ҳайкалдек қотиб турган одамга ўхшарди. Гёё Жофининг ўзи тошга айланган-у, жонсиз боласини қўриқлаётганга ўхшарди.

Кейин қабр тошни қор босди, қорни эса супуриб ташлашга тўғри келди. Жофи қош қорайган паллада уйга қайтаркан, бир неча бор йўлини фонарча кўтарган йўловчиликар кесиб ўтиши; шунда фонарча нури унинг юзини бир дам ёритар, Жофи ҳам ўз навбатида чархпалак бўлиб айланниб тушаётган қор парчалари орасидан ўзига қадалган ҳуррак кўзларни кўради; кейин фонарча шуъласи бирдан пастга шўнғир, олислashiб бораётган одим шарпалари қишики сукунат қўйнига сингиб кетарди аста.

**Немет Ласло.**

Мотам. Роман. Русчадан Э. Мирабидов таржи-  
маси. Т., «Ёш гвардия», 1975.  
272 б. расм.

**Немет Л. Траур. Роман.**

И(Венг.)

*На узбекском языке*

**ЛАСЛО НЕМЕТ**

**ТРАУР**

**РОМАН**

Издательство «Ёш гвардия»  
Ташкент — 1975

Перевод с издания издательство  
«Художественная литература»,  
Москва — 1971

Редактор  
Эркин Сиддиқов

Рассом.

Н. Воробьев

Расмлар редактори:

Қ. Алиев

Техн. редактор

Л. Жижарская

Корректор

М. Оргақова

Теришига берилди 3.VI-1975 й. Босилига рухсат этилди 23.IX-1975 й. Қогош № 1.  
Формати 84×108½. Босма листи 8,5. Шартли босма листи 14,28. Нашр листи  
14,7. Тиражи 45 000.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент,  
700129. Назойй кўчаси, 30. Шартнома № 75—75. Баҳоси 91 т.

УзССР Министрлар Советининг изамирётлар, полиграфия ва китоб савдои  
ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент,  
Назойй кўчаси, 30. Зак № 890.